

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

НИКАДАМБАЕВА ҲИЛОЛА БОТИРОВНА

**«ЎЗБЕКИСТОН ТАБИИЙ ГЕОГРАФИЯСИ»
ФАНИНИ ЎҚИТИШДА КОМПЬЮТЕР
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ
МЕТОДИКАСИ**
(олий таълим тизими мисолида)

Монография

Тошкент
“MUMTOZ SO‘Z”
2015

УЎК: 378.147:681.3(575.1)+551.4.(575.1)(077)
КБК 65.04(5Ў)

Мазкур монографияда олий таълим муассасаларида «Ўзбекистон табиий географияси» фанини ўқитишда замонавий ва ахборот-коммуникация технологиялар татбиқ этилган ҳолда ўқув жараёнининг таълим самарадорлигини ошириш йўллари асослаб берилган. Ушбу фан бўйича компьютер технологиялари асосида масофавий таълимга мўлжалланган, энг сўнгги географик янгиликлар ва маълумотлар билан бойитилган электрон ўқув-методик таъминотдан фойдаланиш методикаси бўйича кўрсатмалар берилган.

Монография «Ўзбекистон табиий географияси» фанидан компьютер технологияси асосида тайёрланган, Интернет тармогида ишлашга мўлжалланган электрон ўқув-методик таъминотдан ўз Ватани географиясини билишни истаган барча ёшдаги кишилар, талабалар, магистрлар, профессор-ўқитувчилар, турли соҳа мутахассислари фойдаланишлари мумкин.

Масъул муҳаррирлар:

ф.-м.ф.д., проф. М.Арипов; г.ф.н., доц. П.Н.Фуломов;

Такризчилар:

п.ф.д., проф. Ж.О.Толипова; п.ф.д., проф. Д.И.Рўзиева;
г.ф.н., доц. У.К.Абдуназаров.

65.04(5Ў)

Н-57

Никадамбаева Ҳ.Б.

«Ўзбекистон табиий географияси» фанини ўқитишда компьютер технологияларидан фойдаланиш методикаси (олий таълим тизими мисолида) / Никадамбаева Ҳ.Б; масъул муҳаррирлар М.Арипов, П.Н.Фуломов. – Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2015. – 264 бет.

*Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Илмий-техникавий кенгашининг 2015 йил 19 июндаги 2-сонли мажлисида
нашрга тавсия этилган.*

ISBN 978-9943-4558-5-6

© Никадамбаева Ҳ.Б., 2015
© “MUMTOZ SO‘Z”, 2015

291361

КИРИШ

Мамлакатимиз ижтимоий-маънавий ҳаётининг барча соҳаларида бўлганидек, таълим тизимида ҳам кенг камровли ислохотлар йўлга қўйилдики, бунда таълим-тарбия тизимига, олий таълимнинг ўқув-тарбия жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини олиб кириш орқали унинг сифатини узлуксиз равишда такомиллаштириб бориш, таълим самарадорлигини ортириш талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов бу масалада «...бугун ҳаётимизга чуқур кириб бораётган Интернет тизими-ни кенг жорий этиш, ахборот ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш, бу борадаги имкониятлардан самарали фойдаланиш вазифаси доимо эътиборимиз марказида туриши лозим»¹лигини таъкидлаган. Шу муносабат билан ўқитиш жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш назарда тутилган Қонун ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 23 майдаги 230-сонли «2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, шунингдек, «Интернет»нинг халқаро ахборот тизимларига кенг кириб боришини таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-телекоммуникация технологияларини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорлари асосида таълим тизимини ахборотлаштиришни жадаллаштиришнинг ташкилий шарт-шароитлари белгилаб берилган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъатининг 2010 йил 17 апрелдаги 3/1 сонли қарорида белгиланган вазифалар ижросини ҳамда “Олий таълим тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятини модернизациялаш, инновацион таълим технологияларини жорий этиш” лойиҳаси ҳамда илғор педагогик технологияларни олий таълим муассасасида жорий этиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 28 апрелдаги №164-сонли буйруғининг бажарилишини таъминлаш муҳим масала эканлигини инобатга олганда, таълим-тарбия жараёнларида ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланишни кенг

¹ Халқ сўзи. – 2001 йил 24 май. № 101 (2623) – Б. 1.

жорий этиш, самарали татбиғ этиш бугунги куннингэнг муҳим ва долзарб вазифалардан биридир.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 31 мартдаги “Олий таълим тизими педагог кадрларининг ахборот коммуникация технологиялари” соҳасидаги тайёргарлигини ўрганиш бўйича сўровнома ўтказиш тўғрисидаги 110-сонли буйруғи ҳам мазкур ишимизни долзарб эканлигини белгилайди. Бу вазифаларни амалга ошириш таълим муассасаларида компьютер технологиялари асосида ўқитиш тизимини ривожлантиришни, ҳар бир ўқув фанидан электрон ўқув-методик таъминотлар яратишни жадаллаштиришни ва уларни ўқув жараёнига фаоллик билан татбиқ этиш орқали таълим самарадорлигини оширишни талаб этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, олий таълим муассасаларида мутахассис кадрларни тайёрлаш жараёнида ахборот технологияларини кенг жорий этиш, электрон форматдаги ўқув ресурсларининг замонавий педагогик талаблар асосида яратилишини тақозо этади.

География илми мутахассислари табиат ва жамиятнинг тараққиёт қонунларини, уларнинг ўзаро алоқадорлиги асосида юз берадиган ҳодиса ва воқеаларни ўрганувчи барча фанлар эришган ютуқлардан хабардор бўлишлари лозим. Чунки география фанлар тизимида табиат ва жамиятнинг ўзаро алоқада ривожланишини мажмуамли, кўп қиррали, ҳар томонлама ўрганувчи ягона фанлардан биридир. География фанини ўқитишда, ўқитувчи назарий билимларни, табиий географик жараёнларни таърифлар, гипотезалар, исботлар ва хариталарга асосланган ҳолда оғзаки баён этади. Талаба эсамавзуни мустақил ўзлаштиришижараёнида эгаллаган назарий билимларни амалиётга татбиқ этишда қийин шароитга тушиб қолади. Бу эса ўз навбатида мультимедиа воситалари асосида маърузалар ташкил этишни ривожлантиришни, электрон дарсликлар, электрон ўқув-методик таъминот ресурсларидан ўқув жараёнида самарали фойдаланиб, талабалар фаоллигини оширишни, ижодкорлик қобилиятларини такомиллаштиришни талаб этади.

Ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиб, мультимедиа воситаларини ўқув жараёнига татбиқ этиш, маъруза дарсларида мураккаб табиий географик жараёнларни намоён қилишга, ўқув материлларини оғзаки, кўргазмалибаён қилишгатаалабаларни ўқув-билиш фаолиятларини ривожлантиришга олиб келади. Компьютердаги амалий машғулотлар, амалиёт дарслари,

анимацияли имитацион моделлар ўқув материалларининг мазмун-моҳиятини тушунтириб бериш учун яратилган педагогик дастурий воситалардир. Бундан ташқари компьютер имитацион моделлари ёрдамида реал шароитда бажариб бўлмайдиган ҳар хил тренажёрлар, моделлар ва амалий ишларини бажариш мумкин бўлади.

Мамлакатимизда юқори малакали кадрлар тайёрлаш талаби олий таълим тизими олдига билим олишнинг замонавий самарали воситаларини жорий этишдан иборат янги вазифаларни қўймоқда. Бу вазифалар босқичма-босқич, ислоҳотлар йўли билан амалга оширилмоқда. Республикамизда таълим тизимини компьютер технологияси асосида ўқитишнинг илмий-назарий ва методик асослари бўйича А.Абдуқодиров [14], М.М.Арипов [23], У.Ш.Бегимқулов [31], Ф.Зокирова [45], М.Мамаражабов [53], Р.Р.Бокиев [34], О.Ў.Тигай [77], С.С.Ғуломов [95] ва бошқалар; ўқув-тарбия жараёнида масофавий таълимни қўллаш бўйича А.А.Абдуқодиров [15], М.Арипов [23], У.Ш.Бегимқулов [30], А.Хайитов [15] ва бошқалар; ахборот технологиялари ёрдамида ўқитиш ва дастурий воситалар яратиш бўйича А.А.Абдуқодиров [14], А.И.Аширова [24], У.Ш.Бегимқулов [30] ва бошқалар; педагогик технологиялар, уларнинг илмий асослари, замонавий ва инновацион педагогик технологияларни дарс жараёнига татбиқ этиш бўйича Н.НАзизходжаева [21], Ю.К.Бабанский Р.Ж.Ишмухамедов [49], Д.О.Рўзиева [75], Ж.О.Толипова [80], М.Усмонбоева [75], Б.Л.Фарберман [88] ва бошқалар; география дарсларида дидактик материаллардан, таълимнинг техника воситаларидан ва компьютер технологияларидан фойдаланиш бўйича хориж ва республикамиз олимларидан – Н.Н.Баранский [26], А.В.Даринский [41], В.А.Жучкевич [43], О.Мўминов [58], У.Сафаров [76], Р.Қурбонниёзов [91], Х.Б.Никадамбаева [67] ва бошқалар тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Мамлакатимиз олий таълим муассасаларида география фанини ўқитишни такомиллаштириш бўйича қатор илмий ишлар қилинган бўлса-да, талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этишда замонавий педагогик ва компьютер технологияларни ўқув жараёнига жорий қилиш масаласи ҳануз долзарб муаммо бўлиб турибди. Шу билан бирга, географик таълим соҳасида электрон ўқув-методик таъминотлар яратиш ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш республикамиз шароитида алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида ишланмаган, «Ўзбекистон табиий географияси» фанини ўқитишда

электрон ўқув-методик таъминотдан фойдаланган ҳолда талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришнинг илмий-методик асоси ишлаб чиқилмаган. Ушбу омиллар монография мавзусини «Ўзбекистон табиий географияси» фанини ўқитишда компьютер технологияларидан фойдаланиш методикаси (олий таълим мисолида)» деб танлаб олинishiга асос бўлди ҳамда «Ўзбекистон табиий географияси» фанидан компьютер технологиялари асосида масофавий таълимга мўлжалланган электрон ўқув-методик таъминотнегизида яратилди.

Монография уч бобдан иборат бўлиб, биринчи боб «География фанини ўқитишда компьютер технологияларидан фойдаланишнинг педагогик асослари» деб номланган ҳамда учта параграфни ўз ичига олади: таълим-тарбия жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятлари, географияни ўқитишда талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш йўллари, географиядан электрон ўқув-методик таъминот яратишнинг асосий принциплари.

Иккинчи боб эса «Географияни ўқитишда электрон ўқув-методик таъминотдан фойдаланиш методикаси» деб номланган бўлиб, унда: географиядан ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнида электрон ўқув-методик таъминотдан фойдаланиш методикаси, талабаларни мустақил таълимини ташкил этиш методикаси ҳамда электрон ўқув-методик таъминотдан фойдаланиб талабалар билимини баҳолаш методикаси ёритиб берилган.

Учинчи боб «Ўзбекистон табиий географияси» фанини ўқитиш жараёнига компьютер ва педагогик технологияларни татбиқ этишнинг ўзига хос жиҳатлари деб номланган. Бу бобда: «Ўзбекистон табиий географияси» фанини ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятлари, «Ўзбекистон табиий географияси» фанидан маъруза дарсларига ЭЎМТ татбиқ этишнинг ўзига хос жиҳатлари, «Ўзбекистон табиий географияси» фанидан амалий машғулотлар жараёнига ЭЎМТ татбиқ этиш технологияси, «Ўзбекистон табиий географияси» фанидан дарсларда ўқув-лойиха ва кейс-стади ўқитишнинг педагогик технологиялари бўйича услубий кўрсатмалар берилган.

Монографиядан Ўзбекистон табиий географияси ва уни ўқитиш методикаси бўйича билимга эга бўлишни истаган барча ёшдаги кишилар, талабалар, магистрлар, профессор-ўқитувчилар ҳамда турли соҳа мутахассислари фойдаланишлари мумкин.

1-боб. «ЎЗБЕКИСТОН ТАБИЙ ГЕОГРАФИЯСИ» ФАНИНИ ЎҚИТИШДА КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

1.1. Таълим-тарбия жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятлари

Ҳозирги замон фан-техника тараққиёти, ахборотлар оқимининг тобора ортиб бориши улар асосида бажариладиган жараёнларнинг янада тезроқ амалга оширишни талаб қилади. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонунини ижро этиш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ таълим мазмунини тубдан ислох қилиш, таълим тизимида самарадорликни ошириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир [7;8]. Таълим-тарбия соҳасини ислох қилишнинг асосий омилларидан бири ўқув жараёнига замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этишидир. «Талабаларни Интернет тармоғида ишлашга ўргатиш тўғрисида»ги 2004 йил 20 февралдаги 38-сонли буйруқда: «Бугунги кунда талабаларни замонавий ахборот технологиялари, хусусан, Интернет билан ишлашга кенг кўламда ўқитиш ва уларда мустақам амалий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда Интернет орқали ахборот ресурсларидан самарали фойдаланиш, янги билимларни мустақил эгаллай олиш ва келажақда меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қилишга ўргатиш каби муҳим вазифалар олий таълим тизими олдидаги долзарб масалалардан бири бўлиб турибди» – дейилади [68,218]. Шу боис бугунги кунда замонавий техника воситаларига асосланган ҳолда компьютер технологияларини ўқув жараёнига, жамият фаолиятининг барча жаҳаларига татбиқ этиш давр талабига айланган. Шу нуқтаи назардан қараганда, олий таълим муассасаларида географ мутахассисларни тайёрлашда ўқув ва таълим-тарбия жараёнига компьютер технологияларини кенгрок татбиқ этиш жиддий заруратга айланган.

Республикамызда бу борада география таълимида 1987 йилда О.А.Мўминов [58;59] (ТошДПИ)нинг олий ўқув юрти талабаларига таълим жараёнида фойдаланишга мўлжалланган «Овросиё қирғоқларидаги уммонлар» мавзусидаги дастурлари, 1990 йилда И.Абдуғаниев [11] томонидан «География дарсларида таълимнинг техника воситаларидан фойдаланиш», 1992 йилда эса, О.А.Мўминов, У.Х.Сафаров [59] томонидан «Олий жўрофия таъ-

лимида компьютер «Техникасидан фойдаланиш», 1994 йилда эса У.Ҳ.Сафаровнинг [76] «Талабаларнинг билим фаоллигини ошириш жараёнида ЭҲМдан фойдаланиш («Ўзбекистон табиий жўгрофияси» фани мисолида), 2001 йилда М.Абдурахмоновнинг [19] «Методика использования дидактических игр в обучении физической географии», 2002 йилда Г.М.Тусупбекованинг [85] «Изучение картографических материалов в школьном курсе физической географии», 2003 йилда З.А.Абдиеванинг [10] «Географияфанида ноанъанавий дарс услубларидан фойдаланиш», 2004 йилда Р.Т.Гайпованинг [36] «Табиий география бошлангич фанида маҳаллий кўрсатма воситаларидан фойдаланишнинг услубий асослари», 2008 йилда С.Х.Матсаидованинг [55] «Мактаб ўқувчиларида табиий географик матнлар билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш» илмий тадқиқот ишларини кўришимиз мумкин.

Тадқиқот таҳлилидан шу нарса маълум бўлдики, Ўзбекистонда география, хусусан, табиий география соҳасида олиб борилаётган педагогик илмий тадқиқот ишлари асосан умумтаълим мактаблари миқёсида бажарилган. ХХІ аср компьютер асри бўлишига, олий таълим муассасаларида таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, такомиллаштириш, ривожлантириш ва ахборотлаштириш бўйича ишлар олиб борилишига қармай, соҳага компьютер технологияларини татбиқ этиш жуда сушт, лекин бошқа фан соҳаларда буни аксини кўришимиз мумкин. Жумладан, А.А.Абдукодиров ва бошқалар [14] томонидан 1990 йилда яратилган «Информатика ва ҳисоблаш техникаси» фани бўйича ўқув педагогик дастур амалий машғулотларни ўтказиш, шу билан бирга фанни чуқурроқ ўрганиш мақсадида факультатив, синфдан ташқари машғулотларни ташкил этишда қулайликлар яратганини, И.Исаковнинг [48], Олий ўқув юртларида «Информатика» фанидан лаборатория ишларини бажариш бўйича ўқув-педагогик дастуридан ўқув жараёнида фойдаланиш натижасида дарс сифатининг ошганлигини, Ф.М.Закирова [45] «Информатика ва ХТ асослари» фани бўйича дарсдан ташқари машғулотларни компьютер ёрдамида ўтказишнинг педагогик дастурини жорий этганини, Ж.О.Толипова [78;79;80] биологияни ўқитишда педагогик технологиядан фойдаланиш методикасини яратганини, Б.Ж.Отаниёзов [69] иқтисодий масалаларни математик моделлаштириш асосида ўқувчиларнинг тафаккурини ривожлантириш, М.Олимов, А.Жумабоева[70]лар-

ниш электрон ўқув амалиётларни яратиш технологиялари, О.С.Тигай [78] ўрта махсус, касб-хунар таълимида физикани ўқитишда ахборот технологиялари қўллаш, М.А.Файзиев [88] талабалардаги билим ва кўникмаларини компьютер имитацион модели асосида шакллантириш, Ч.Т.Шакированынг [89] талабаларда ижодий фикрлашни ривожлантириш ва дастурий назорат асосида ўқитиш самарадорлигини ошириш каби илмий-тадқиқот ишлар олиб борилганини кўришимиз мумкин.

Юқорида номлари қайд этиб ўтилган олимларимизнинг тадқиқот ишларининг таҳлилидан олий ўқув юрғларидаги таълим-тарбия жараёнида, жумладан, географияни ўқитишда ахборот технологияларидан фойдаланиш объектив заруратэканлиги маълум бўлди. Буни компьютер технологияларидан фойдаланишнинг қуйидаги асосий жиҳатларида кўриб чиқишимиз мумкин [106, 107, 108, 109, 110, 111].

1. «Мослашувчанлик». Таълим олувчи ўзига қулай вақтда, қулай жойда ва қулай тезликда ўқиб ўрганиши мумкин. Ҳар ким маълум фанни ўзлаштириши жараёнида ва керакли билимларни эгаллашда, шахсий эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда қанча ўқиш талаб қилинса шунча ўқиб ўрганиши, ўзига мослаштириши мумкин, компьютер имкониятлари чексиз.

2. «Модулли». Компьютер технологиялари дастурлари модулли таълим асослари негизида қурилади. Таълим олувчи томонидан алоҳида-алоҳида ўзлаштирилган ҳар бир ўқув курси, мазмуни жиҳатидан айнан маълум бир ўқув фани доирасида амалга оширилади. Бу эса мустақил ўқув курслари орасида индивидуал ва жамоа талаблари, эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ўқув режаларини шакллантиришга имкон яратади.

3. «Параллел ёки бир вақтнинг ўзида». Таълим олувчи ўқув жараёнида, ўқув жараёнидан сўнг, ўзига қулай вақтда, иш жараёнидан узилмаган ҳолда фойдаланиши мумкин. Ишлаб чиқариш ва таълим узлуксизлиги таъминланади.

4. «Ўзоқни яқин қилувчи». Таълим олувчи таълим муассасасидан қанчалик узоқда жойлашишидан қатъий назар, ўқув жараёни ташкил қилинишига, тескари алоқа ўрнатилишига имкони бўлади.

5. «Асинхронлик». Ўқув жараёнида таълим олувчи ва таълим берувчи ҳар бири ўзи учун қулай жадвал асосида фаолият юргизади.

6. «Оммавий жалб этмоқ». Бу жиҳатни айрим ҳолларда «оммавий» деб ҳам юритилади, чунки таълим олувчиларнинг сони жиддий кийинчиликларни келтириб чиқармайди.

7. «Фойдали». Бу жиҳатнинг асосида иқтисодий тежамкорлик ётади.

8. «Ўқитувчи». Ўқитувчининг янги вазифалари назарда тутилган.

9. «Таълим олувчи». Таълим олувчига нисбатан талаблар анъанавий таълимдан кескин фарқ қилади.

10. «АКТ». Ахборот компьютер технологияларининг барча янги дастурларидан, компьютер тармоқларидан, мультимедиа тизими кабилардан оқилона фойдаланилади.

11. «Ижтимоий». Компьютер технологиялари асосида ўқитиш маълум даражада ижтимоий зўриқишнинг олдини олади, чунки яшаш ва моддий шароитидан қатъи назар ҳамма талабаларга бир хил билиш фаолиятини фаоллаштиришга шароит яратади, имкон беради.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳозирги замон талаби таълим-тарбия беришнинг янгича муҳитини яратиб, ахборот ва инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиб, дунёнинг ихтиёрий нуқтасининг таълим муассасасида ўқишга, офис ва уйда қулай пайтда Интернет, ЭЎМТлар ёрдамида билим олишга имконият бермоқда, масофавий таълим технологиялари эса ривожланмоқда [100]. Ахборот технологияларининг педагогик асослари борасида хорижий мамлакатларда, масалан, Голландия Очик университети (<http://www.ou.nl>) [101], Испаниянинг Масофали ўқитиш миллий университети (<http://www.ceac.com>) [102], Хитойнинг Шанхай теле-университети (<http://www.shtriu.edu.cn>) [103], Британиянинг Очик университети (<http://www.open.ac.uk>) [104] ва Австралиянинг Очик турдаги ўқитиш Агентлиги (<http://www.ola.edu.au>) [105] сайтларида ахборот технологиялари асосида электрон дарсликлар, виртуал кутубхоналар ва улардан фойдаланиш талаблари кўрсатилган. Жаҳон тажрибалари ва республикамиз таълим тизимининг барча соҳаларда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини кўриб, ўрганиб, таҳлил қилиб, таълим-тарбия жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш таълимнинг янги йўналиши ва ундан таълим самарадорлигини ошириш воситаси сифатида, жумладан, географияни ўқитишда ўқув жараёнида электрон дарслик, электрон ўқув-ме-

тодик таъминот кабилардан оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги маълум бўлди.

Электрон дарслик компьютер технологиясига асосланган ўқув услубини қўллашга, мустақил таълим олишга ҳамда фанга оид ўқув материаллар, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама мустақам ўзлаштирилишига мўлжалланган бўлиб [68,330] ўқув ва илмий материаллар фақат вербал шаклда; ўқув материаллари вербал ва икки ўлчамли график шаклда; мультимедиа қўлланмалар, яъни маълумот уч ўлчамли, график кўринишда, овозли, видео, анимация ва қисман вербал шаклда; ҳис қилинувчи, сезиладиган хусусиятли, ўқувчини «экран оламида» стерео нусхаси тасвирланган реал оламга кириши ва ундаги объектларга нисбатан ҳаракатланиш тасавури яратиладиган шаклда ифодаланади. ЭЎМТнинг асосини эса маълумотлар банки ташкил қилади.

Маълумотлар банки [68,330] – ахборот технологияларнинг имконияти ва воситалари асосида яратилган, статик ва динамик режимда тузилган, товуш ва рангли тасвирлар билан таъминланган, катта ҳажмдаги ахборотларни ўз ичида қамраб олган ва уларни турли кўринишда (жадвал, диаграмма, гистограмма, матн, расм ва ҳоказо) бера оладиган, ўқув жараёнида билим олувчилар томонидан ўз устида мустақил ишлаши ва ўз билимларини назорат қилиши учун қўлланиладиган, доимий равишда тўлдириб бориладиган, кенг доирада фойдаланишга мўлжалланган, тегишли ваколатли давлат ташкилотида қайд этилган соҳалар бўйича маълумотлар тўплами. ЭЎМТ яратишда маълумотлар банки учун керакли маълумотлар тўплаш ҳар бир профессор-ўқитувчи, тадқиқотчи учун масъулиятли вазифадир.

География табиий фанлар сирасига кирганлигини эътиборга олган ҳолда кўргазмалиликка бой фан бўлганлиги сабабли ҳам, юкорида қайд этиб ўтилган электрон дарслик ва маълумотлар банки фаннинг ривожланишида жуда катта ўрин эгаллайди. География фанидан дарслар олиб бориладиган ўқув хоналарида барча керакли кўргазмали қуроллар, яъни хариталар, тоғ жинслари ва минераллар, ўсимлик, тупроқ коллекциялари, об-ҳавони кузатиш учун керакли метеорологик асбоб-ускуналари, булардан ташқари, техника воситаларидан, ўқув фильмларини кўрсатиш учун телевизор, видеомагнитофон ва кинопроектор, экранда географик тасвирлар проекцияларини кўриш учун диапроектор ва кадоскоп, табиий жа-

раёнларни кўрсатувчи ҳар хил моделлар бўлиши зарур. Таджикот давомида, юқорида қайдэтиб ўтилган кўргазмали курулларнинг асосий қисми йўқлиги, бори ҳам давр талабига жавоб бермаслиги маълум бўлди. Бу муаммонингижобий ечимини ўқув жараёнига компьютер технологияларини татбиқ этиш йўли билан амалга ошириш мумкинлигини куйидаги асосий омилларда ва имконларда кўриб чиқишимиз мумкин:

1. Жойдан унумли фойдаланиш имкони. Дарсларда фойдаланиладиган кўргазмали материаллар, моделлар махсус хонада сақланади, уларнинг айримлари шунчалик катта ҳажмда бўладики, ўқитувчи уларни қаерга жойлаштиришни билмай кийналади, айрим ҳолларда жисмоний куч ҳам талаб этилади. Бу каби кўргазмали материаллардан компьютер технологияларнинг замонавий дастурлари ёрдамида фойдаланиш мумкин.

2. Кўргазмалилик баён этиш имкони. Харита – географиянинг тили, шундай экан маърузалар учун барча хариталар компьютер дастурларида сақланиши мумкин. Компьютер дастурларида бундан ташқари шундай дастурлар борки, улар ёрдамида иқлимни, рельефни, ландшафтни моделлаштириш имконияти юзага келади, анимацион роликларда тоғ ҳосил бўлишининг асосий босқичларини, табиий географик жараёнларни, табиатда бўлаётган ўзгаришларни, Куёш атрофидаги сайёраларни, улар ҳаракатини кўриш мумкин ва ҳоказо. Компьютер технология дастурлари ёрдамида табиий жараёнларни моделлаштириш, назарий билимларни амалий татбиқ этиб кўриш имкони мавжуд.

3. Вақтдан унумли фойдаланиш имкони. Дарсларда компьютердан фойдаланиш фақатгина ўқитувчининг вақтини тежаб қолмай талабаларнинг дарсни яхшироқ тушунишларига ёрдам беради, чунки компьютер технологияси ёрдамида дарс жараёни давомида назарияни амалиётга боғлаб олиб боришига шароит яратилади. Бунда компьютер дастурлари янги мавзунинг кенг ҳажмда ўрганилиши билан бирга ўрганилаётган мавзунинг ўзлаштириш даражасининг ошишига имкон беради.

4. Ахборотни мунтазам янгиланган туриш имкони. Талабалар ўқув жараёнида бир неча йил олдин нашрдан чиққан дарсликдан фойдаланишади. Дарсликлар нашр этилганига 10-15 йил бўлганлиги сабабли, кўпгина маълумотлар эскириб қолади. Бу маълумотларни дарсликда ўзгартириш, янгидан нашр қилиш учун иқтисодий

маблағ ва вақт талаб қилинади. Электрон дарслик, ЭЎМТларда янги маълумотни бир неча дақиқаларда дастурга кириб ўзгартириш мумкин. Интернет тармоғидаги маълумотлар дарслик сифмига тўғри келмайди, АКТлари эса Интернет тизими билан ишлаш каби имконларни ҳам яратади.

5. Талабаларнинг билим даражаларини ҳар томоилама тизимли ва яхлит текшириб кўриш имкони. Барча мультимедиа дарсликларида талабаларини ўзлаштирганлик даражаларини текширувчи топшириқлар ва тест саволлари бор. Компьютер орқали саволларга жавобларни топиш анча қизиқ ва қулай. Компьютер ёрдамида талабалар билимини баҳолаш автоматик равишда бажарилади, бу эса, биринчидан, вақтни тежаса, иккинчидан, талабанинг бажарган ишига объектив баҳо берилади.

6. Замонавий ўқитувчининг такомиллашиш имкони. XXI аср компьютер технологиялари асри, шундай экан, олий таълим профессор-ўқитувчилари ҳам давр билан ҳамоҳанг ахборот компьютер технологияларининг барча имкониятларидан самарали фойдаланади.

7. Талабаларнинг фаоллиги ошиб, фанга, илмга бўлган эътибори ва қизиқишининг кучайиши имкони. Талабалар учун уйда дарслик охиридаги саволларга жавоб топиб ўтиргандан кўра, ахборот ресурс марказларида жамоа бўлиб янги мавзунини яна бир бора қайтариб, ўзлаштириб, мустақамлаб, ўз фикрларини эркин билдириб, гуруҳдошларининг фикрларига ҳурмат билан қараб, кўпчилик билан вазифаларни эркин, мустақил бажаришларига имкон яратилади.

8. Компьютерда ишлаш малакасини ривожлантириш имкони. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси, жумладан, талабалар ҳам Интернет тармоқлари ва электрон манбалардан маълумотлар ола билишлари лозим. География таълимига компьютер технологияларини жорий этиш талабанинг интеллектуал салоҳиятини такомиллаштиришга, ривожлантиришга, давр талабларига жавоб бера оладиган юкори малакали, онгли, тафаккурга эга географ мутахассис бўлиб етишишига шароит яратади.

9. Илмий-амалий текшириб кўриш, ижодий ёндашиш ва танқидий фикрлаш имкони. Талаба электрон дарсликлар, манбалар ва ЭЎМТга, Интернет тармоғига кириб фанга тегишли янги адабиётлардан, илмий ва методик журналлардан, кундалик ахбо-

рог-ресурс манбаларидан қўшимча маълумотларни, янги киритилган хариталарни йзлаб топиши, табиатда бевосита кузатиш йўли билан маълумот йиғиши, уларни саралаш, тартибга ва тизимга солиши, таҳлилқилиши, назарий билимларни амалий тадқиқ қилиши, натижаларни презентация – тақдимотлар ёрдамида асослаб бериши имконига эга бўлади.

Таълим-тарбия жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланишдек педагогик муаммонинг ечими қуйидаги асосий вазифаларини бажарилишига боғлиқ эканлиги маълум бўлди:

– ҳар бир фаннинг мақсади ва вазифаларини эътиборга олган таълим мазмуни танлаш;

– талабаларнинг ёш, психологик ва эргономик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фандаги асосий ғоя, назария, тушунча, қонуниятларни ажратиш, билимларни онгли ўзлаштиришга имкон берадиган ўқитиш воситалари ва методларини аниқлаш;

– илмий-назарий маълумотлар асосида талабалар дунёқарашини шакллантириш, кенгайтириш, ватанпарварлик, инсонпарварлик ғоялари руҳида тарбиялаш йўлларини белгилаш;

– таълим-тарбия жараёнида талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштирадиган ва билиш мустақиллигини таъминлайдиган самарали метод ва усулларни аниқлаш;

– талабаларни меҳнатга ўргатиш, маънавий-ахлоқий, экологик, иқтисодий, эстетик тарбиялаш мазмуни, методлари ва воситаларини аниқлаш;

– ўқув курсларига мос келадиган, талабаларнинг билим олиш эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда илмий жиҳатдан асосланган билимлар ва амалда текшириб кўрилган таълим-тарбия методлари билан ўқитувчиларни куроллантириш;

– таълим-тарбияни ташкил этиш шакллариини ишлаб чиқиш, талабаларда билишга оид амалий кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш имкониятини аниқлашга шароит яратиш;

– олий таълимда география таълими методикасини такомиллаштириш;

– табиий география фанидан ЭЎМТ яратишва ундан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш.

Шу нуқтаи назрадан қараганда, табиий географиядан ЭЎМТ яратишда аввало талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш муаммосини ҳал этиш зарурати вужудга келди.

1.2. Географияни ўқитишда талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш йўллари

Учинчи минг йиллик инсониятнинг интеллектуал ривожланиш давридир. Шу сабабли ҳозирги замон ёшлари давр талабига жавоб берадиган, муваққил фикрловчи ҳамда умуминсоний таълим-тарбия шакл-шамойили билан ҳамоҳанг бўлишлари зарур. Бундай интеллектуал шаклланган шахсларнинг ўқув-билиш фаолиятларини маънавий-маърифий ва миллий кадриятлар, ҳуқуқий, психологик билимлар, касбий, ижтимоий маданият, ўз-ўзини бошқариш ва баҳолаш каби омиллар билан фаоллаштириш, бойитиб бориш лозим. Президентимиз таъкидлаганларидек: «Ватанимизнинг келажаги, эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори, авваламбор, фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир»[4,3].

Шу нуқтаи назардан қараганда, талабаларнинг муваққил таълими олий ўқув юртида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнининг ажралмас қисми саналади. Ҳар соҳада етук шаклланган ёш кадр ва мутахассисларни тайёрлашда таълимнинг барча босқичларида фан ютуқларидан фойдаланиш, илм захираларини замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялар асосида шакллантириш, ўқитиш жараёнида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратига боғлиқ бўлади [12].

Маълумки, ўқитиш жараёни дидактик мақсадларга эришишга йўналтирилган ўқитувчининг педагогик ва талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти бирлиги саналади. Ўқитувчи ўзининг мақсадга мувофиқ ташкил этилган педагогик фаолияти орқали талабаларни ўқув-билиш фаолиятини ташкил этади ва бошқаради.

Ўқитувчи педагогик фаолиятини ўрганиладиган мавзу мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўқитиш воситалари ва методлари орқали ташкил этади ва талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятига билвосита таъсир кўрсатади.

Мавзу мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўқитувчи томонидан машғулотда фойдаланадиган ўқитиш воситалари ва методлари талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш характерини белгилайди.

Олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнида аксари ҳолатда талабаларни ўқув-билиш фаолияти пас-

сив тингловчи, яъни тайёр холдаги ўқув материални ўзлаштиришга қаратилади. **Мазкур** жараёнда педагогик муносабатларнинг субъект-объект шакли вужудга келади.

Тадқиқот давомида таълим-тарбия жараёнида субъект-субъект педагогик муносабатларни вужудга келтириш, яъни талабалар зиммасига машғулот мазмунидан келиб чиқиб ўқув мақсадларни юк-лаб, уларни ўқув-билиш фаолиятини шу мақсадларга эришишга йўналтириш мақсад килиб олинди.

Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда ўқитиш методлари муҳим ўрин тутишини эътиборга олган ҳолда география таълими методикасида ўқитиш методларини янгилаш нуқтаи назаридан олиб борилган тадқиқотлар таҳлил этилди.

Жумладан, Ўзбекистонда XIX аср охири ва XX аср бошларида география таълимининг ривожланиши «янги усул» мактабларининг ташкил қилиниши ва фаолияти билан боғлиқ. Бу даврда география таълимининг ривожланишига маърифатпарвар олимлардан Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний [13], кейинроқ географ олимлардан Ҳ.Ҳ.Ҳасанов, М.Қориев [97], О.А.Мўминов, Р.Қурбонниёзов ва бошқалар география фани ва таълим методикаси ривожига ўзхиссаларини қўшдилар.

География асосларини пухта ўзлаштириш, талабаларнинг билим олиш қобилиятларини ривожлантириш ва уларни ҳаётга тайёрлаш, билиш фаоллигини оширишнинг ўрганиш усуллари ва имкониятлари кўп жиҳатдан ўқитиш методларига боғлиқ. Ўқитиш методлари ўқитувчи томонидан талабалар фаолиятини белгилайдиган иш усуллари мажмуасидир. Ўқитиш методлари талабаларга билим, кўникма ва малакаларни бериш билан бирга, уларнинг ижодий фаолиятларини ривожлантиришга, билимларни мустақил ўзлаштиришга ўргатади, илмий билимларга асосланган ҳолда тўғри дунёқараш ва эътиқодни тарбиялашга йўналтиради. Улар дарснинг мақсад ва мазмунига боғлиқ бўлиб, фан-техника ва ижтимоий тараққиёт натижасида ўзгаради. Шунинг учун ҳам турли даврларда география таълими методлари таснифи ўзгариб турган [58,66]:

Оғзаки методлар: ўқитувчининг оғзаки баёни – маъруза, ҳикоя, тушунтириш, суҳбатдан фойдаланиш; дарслик, бадиий адабиётлар, илмий-оммабоп адабиётлар, кўшимча материаллар ва лугатлар билан ишлаш; рақамли материаллар билан ишлаш. Кўрсатмали методлар: статистик материаллар, график, диаграмма, жад-

валлар, Интернет маълумотлари билан ишлаш; картографик қўлланмалар: харита, харита-схема, ёзувсиз хариталар; тасвирили воситалар: схема, расм, профиль, натурал кўргазмалар; техника воситаларидан фойдаланиш: овозли воситалар, статик экран воситалар, овозли-динамик экран воситалар, назорат қилувчи, баҳоловчи, ўргатувчи, машқ қилувчи воситалар билан ишлаш.

Амалий иш методлари: кузатиш, об-ҳавони турли метеорологик асбоблар ёрдамида кузатиш, фенологик кузатиш, илмий саёҳат вақтида табиатда кузатиш; тажрибалар: география майдончасида эрозияни тажриба қилиш, сувни уч ҳолатини тажриба қилиб кўриш ва бошқалар; жойдаги ўлчов ишлари: план олиш, тепаликнинг баландлигини ўлчаш, дарёнинг эни, чуқурлиги ва сув оқими тезлигини ўлчаш; ижтимоий фойдали меҳнат; кўргазмали-тушунтирув, ахборот-рецептив, репродуктив каби усуллар киритилади.

Тадқиқот давомида, «Ўзбекистон табиий географияси» фани асосан анъанавий ўқитиш билан амалга оширилиши аниқланди. Мутахассисларнинг таҳлилларига кўра, ўқитувчи маҳорат билан маъруза ўқиши жараёнида талаба 80 дақиқалик академик маърузанинг 20 дақиқасинигина диққат билан эшитиб ўтириши мумкин, қолган 60 дақиқада эса фикри бўлинади. Бу муаммони ижобий ечиш учун эса «...қай тарзда ўқитиш керак?» деган саволга жавоб топиш керак. Жавобни эса Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Таълим сифатини оширишга қаратилган Инновациялар тўғрисида»ги 2003 йил 14 майдаги 115-сонли буйруғида топишга ҳаракат қилдик. Унда: «Маъруза ва амалий машғулотларда талабалар фаоллигини ошириш мақсадида қуйидаги услублар кенг қўлланилсин: ...дарс машғулотларида янги педагогик технологиялар, интерактив, танкидий фикрлаш методларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш...» [68,213] деб таъкидланган.

Шарқнинг комусий алломалари илмий-ижодий меросидан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Бунинг мақсадга мувофиқлиги Президентимизнинг қуйидаги фикрларидан ҳам ўз аксини топган: «Мазкур минтақанинг қадимий тарихи ва маданияти, бунда яшаб ўтган Шарқ мутафаккирлари ва файласуфларининг жаҳон маданиятини ривожлантиришга қўшган ғоят катта ҳиссалари ҳам бу ерда сезиларли таъсир ўтказмоқда. Ўтмишдаги алломаларнинг бебаҳо мероси қанчадан-қанча авлодларнинг маънавий-руҳий онгини ва турмуш тарзини шакллантирган

эди ва у ҳамон таъсир кўрсатмоқда» [2,12]. Улар фойдаланган ўқитиш методларини бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин. Булар Ибн Сино қўллаган кўргазмали-тажриба методлари, Абу Райҳон Беруний, Ал Хоразмийнинг кўникма ва малакаларни шакллантириш методлари, Форобий ва Ал Хоразмийнинг билимларни текшириш методлари ва бошқалардир. Уларнинг ҳаммаси талабаларнинг фаолиятини кучайтириш, мантикий тафаккурини ривожлантириш мақсадини кўзлаган.

Мисол учун, Форобий ўқитиш методларининг таснифини ишлаб чиққан. Уларни амалий ва назарий методларга ажратган, шу тариқа ўқитишнинг амалий йўналиши ва кишиларнинг ҳаёти ҳамда кундалик фаолияти билан боғлиқлиги ғояларини олға сурган [54,78]. Форобийнинг фан ва санъатнинг афзаллиги ҳақидаги рисоласида ўқув жараёнини ташкил этишга ва ўқитиш методларига қўйилган талабалар ифодаланган. Ал Форобий ўзининг ўқитиш методлари ҳақидаги тушунтиришларида ўқувчиларга турли билимлар бериш билан бирга, мустақил ҳолда билим олиш йўллари ҳам кўрсатиш, уларнинг билимларнинг зарурлигига шак-шубҳасиз ишонтириш керак эканлигини уқтиради [21,327].

Таълим мазмунининг асосий назариялари XVIII аср охири ва XIX аср бошларида пайдо бўлди. Булар материал ва формал назариялардир. Материал назариянинг асосий мақсади фаннинг турли соҳаларидан мумкин қадар кўп миқдорда билим беришдир. Формал назария ёки дидактик формализмда таълим мазмуни қобилиятларни ва билишга қизиқишини ўстириш воситаси сифатида қаратилади. Гераклит, Цицерон фикрларича «Кўп билим ақл ўргата олмайди». Янги даврга келиб, И.И.Песталоцци, И.Кант, А.Дистерверглар ҳам формал назария ғояларини илгари сурадилар. Бунда ўқитувчи таълим олувчининг қобилияти, билишга қизиқишлари, диққати, хотираси, тасаввурини ўстириш кабиларга эътибор бериши керак бўлади. К.Д.Ушинский ҳар иккала назариянинг бирлиги ғоясини ёқлаб чиқиб, «Ақлнинг формал ривожланиши бу муҳим бўлмаган белги, чунки ҳақиқий ақл ҳақиқий реал билимларда ривожланади» [21,11], деб таъкидлайди. XIX ва XX асрлар ораллигида АҚШда Ж.Дюги томонидан дидактик утилитаризм концепцияси пайдо бўлди ва ўқув-тарбия жараёни ўқувчиларнинг индивидуал талабларига мослаштирилди. Польшалик олим В.Окун фунционал материализм деб номланувчи таълим мазмуни назариясини,

яъни билимнинг фаолият билан интеграл алоқаси ғоясини ишлаб чиқди. В.Окун назариясида талабалар билиш фаолиятини ташкил этишнинг куйидаги йўллари кўрсатилган [71].

1. Билимларни ўзлаштириш жараёнида талабаларнинг билиш фаолияти куйидаги босқичларда ташкил этилади: ўқув материали билан дастлабки танишиш; ўқув материални ўрганиш; ўзлаштирилган билимларни аввал ўзлаштирилган билимлар билан таққослаш; билимларни тизимга солиш ва мустаҳкамлаш; ўзлаштирилган билимларни янги ҳолатларда қўллаш.

2. Талабаларнинг билиш фаолиятини мустақил иш асосида ташкил этиш: муаммоли вазиятларни келтириб чиқариш; ўқув топшириқларнинг мақсадини аниқлаш; мустақил изланиш орқали саволларга жавоблар топиш; назарий билимлар ва амалий кўникмалар асосида жавобларнинг тўғрилигини текшириб кўриш; билимларни тизимга солиш ва мустаҳкамлаш; билим, кўникма ва маълумотларни янги вазиятларда қўллаш.

3. Талабаларнинг билиш фаолиятини кўникмаларни шакллантириш мақсадида ташкил этиш: ўқув фаолиятини амалга ошириш мақсадида, боришини аниқлаш; ўқув фаолиятини моделини тузиш; фаолиятни амалга ошириш намунасини кўрсатиш; талабаларнинг билиш фаолиятини ахлоқий сифатларини шакллантириш мақсадида ташкил этиш; ўқитувчининг кўрсатмаси ёки тавсиясига биноан, тавсия этилган адабиётларни топиш; кўшимча ўқув адабиётлари билан танишиш; ўрганилган ахборотларни таҳлил қилиш ва баҳолаш; адабиёт муаллифининг жамиятнинг маънавий-маърифий соҳасида ёки фан ривожига қўшган хиссасини аниқлаш ва баҳо бериш; талабаларнинг ўз хулқи ва ахлоқий сифатларини ривожлантириш юзасидан умумий хулосаси.

В.Окуннинг билиш фаолиятини ташкил этишнинг юқорида айтиб ўтилган вазифаларни амалда бажариш, ўз-ўзидан анъанавий таълим тизимидаги камчиликларни камайитиришга, таълим-тарбия жараёни самарадорлигини ошишига олиб келади. Бунинг учун эса албатта, ўқитувчи ўқув жараёнида талабаларни билиш фаолиятини фақатгина яъни ўқитиш билан эмас, балки индивидуал, кичик гуруҳларда интерфаол ва ахборот технологияларини татбиқ этган ҳолда ташкил этиши керак бўлади.

Талабаларнинг билиш фаолиятини индивидуал ташкил этиш босқичлари Ж.О.Толипова тадқиқот натижаларига кўра

[80,8] ўқув топшириғининг дидактик мақсадини аниқлаш; мустақил изланиш мақсадини амалга ошириш йўллари аниқлаш; ўз мустақил ишини ташкил этиш; ўқув материални мустақил ўрганиш; ўрганилаётган объектларни таққослаш, ўхшашлик ва фарқларни, ўзига хос хусусиятларни аниқлаш; олинган натижани лойиҳалаш ва мақсадга мувофиқлигини текшириш; натижани таҳлил қилиш, тегишли ҳолларда лойиҳага ўзгартиришлар киритиш.

Талабаларнинг билиш фаолиятини кичик гуруҳларда ташкил этиш Ж.О.Толипова тадқиқот натижаларига кўра [80,8] вужудга келтирилган муаммоли вазиятларни ҳал этиш йўллари белгилаш; ўқув топшириқларининг дидактик мақсади, бажариладиган топшириқлар билан танишиш; кичик гуруҳ аъзолари билан ҳамкорликда мақсадни амалга ошириш йўллари лойиҳалаш, мустақил ишларни ташкил этиш; ўрганилаётган объектни аввал ўрганилган объектлар билан таққослаш; натижаларни лойиҳалаш ва мақсадга мувофиқлигини текшириш; натижани таҳлил қилиш, тегишли ҳолларда лойиҳага ўзгартиришлар киритиш босқичларни ўз ичига олади.

Талабаларнинг билиш фаолиятини компьютер технологиялари ёрдамида ташкил этиш босқичлари «Талаба-компьютер» интерфаол мулоқотининг янги даражаси – мулоқот жараёнида талабага эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, ахборотларни олишга, улардан самарали фойдаланишга, билим олишнинг янги соҳалари билан яқиндан алоқа қилишга, талабанинг касбий шаклланиши жараёнидаги мотивацияланганлик даражасини босқичма-босқич такомиллаштишига имкон беради: мотивациянинг бошланғич даражаси – касбий ривожланишга бўлган эҳтиёж билан боғлиқ бўлиб, ташқи ижтимоий ва шахсий мотивациялар асосида юзага келади; мотивациянинг ўртача даражаси – касбий билимларни эгаллаш жараёнида юзага келиб, кейинги касбий фаолият учун зарур асосларни яратди; юқори даражаси – талабанинг ривожланиш ва ўз ижодий потенциални рўёбга чиқариш билан боғлиқ эҳтиёжларини ўзида акс эттиради. Ижодий потенциалнинг ривожланиб бориши талабанинг ўз-ўзини ривожлантиришидаги эҳтиёжларни қониқтириш учун мақбул шароитларнинг яратилишига олиб келади.

Бу эса география соҳаси мисолида, ҳозирги замон табиий географиясининг асосий вазифаларидан бири бўлган географик мажмуалар, геотизимларнинг таркибини, шаклланишини, ривожлани-

шини ва бошқаришни татбиқ этиш ва шу орқали жамият тараққиётига муҳим ҳисса қўшишга олиб келади. Табиат билан жамият ўзaro чамбарчас боғлиқ бўлган бир бутун моддий борлиқнинг икки таркибий қисмидир. Табиат – ҳар бир кишининг моддий, маънавий-маърифий эҳтиёжларини қондириш манбаи ҳисобланади [93]. Инсоннинг эҳтиёжи ошган сари унинг табиатга таъсири шу қадар кучайиб кетдики, бутун-бутун ҳудудлар ландшафти ҳамда экологик шароитлар ўзгариб кетади [60]. Ҳозирги вақтда географик билимларсиз табиатдан, унинг бойликларидан оқилона фойдаланиб бўлмайди. Инсоннинг табиатни ўзгартиришида, унинг бойликларидан фойдаланишида йўл қўйган хатолари замирида кўпинча географик қонуниятлардан беҳабарлик ёки уларга амал қилмаслик ётади. Ҳолбуки, табиатдан фойдаланиш ва муҳофаза қилишда географик билимлар муҳим аҳамият касб этади. Ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудий тўғри жойлаштириш, хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, сийсий, маданий ва бошқа алоқаларни оқилона йўлга қўйиш масалалари, аҳоли географияси ва демографик муаммоларини тўғри ҳал қилиш ҳам кўп жиҳатдан географик билимларга боғлиқ. Бундай географик билимларнинг асоси эса, Ўзбекистоннинг табиий географияси, орографияси ва рельефининг асосий хусусиятларини, табиати ва табиий ресурсларини муҳофаза қилиш, табиий шароити, табиий компонентлари каби географик билимларни ўзида мужассам титан, минералларни кўرғазмалилик баён этиш имконини берадиган ҶУМТлардир. ҶУМТларни яратиш, ўқув жараёнига татбиқ этиш, компьютер технологияларидан кенг фойдаланиш, таълим тарбия жараёнида талабаларни билиш фаолиятини фаоллаштиришнинг асосий омилларидан биридир. Ёшларни тарбиялашда таълим тизимининг қанчалик аҳамиятга эга эканлиги тасдиғини Президентимизнинг қуйидаги фикрларида ҳам аниқ кўриш мумкин: «Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурияти туғилмасин, гап охир-оқибат барибир кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимиз келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрларни тайёрлашга боғлиқдир [3,280]. Бугунги кунда жамиятимизнинг янгилалиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислохотларимиз, режаларимизнинг самарали тақдири, замон талабларига жавоб берадиган юкори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш билан чамбарчас

боглиқлиги янада яққол намоён бўлмоқда. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида таълим-тарбия тизимини ташкиллаштиришни тубдан ўзгартириш, янгилаш, такомиллаштириш мақсадида педагогик технологиялар куйидагича таснифланади [80,13].

Шахс структурасига мўлжалланган: билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга мўлжалланган; ақлий фаолият усулларини шакллантиришга қаратилган; эстетик ва ахлоқий муносабатларни таркиб топштиришга мўлжалланган ҳиссиётли-ахлоқий технологиялар; ижодий фаолиятни ривожлантиришга қаратилган эвристик технологиялар.

Мазмуни ва тузилишига кўра: таълим-тарбия беришга қаратилган; дунёвий ва диний таълимга мўлжалланган; умумтаълим ва касб таълими; инсонпарварлик ва технократ технологиялари; хусусий фан технологиялари; монотехнология ва мажмуали технологиялар.

Таълим-тарбия жараёнида талаба шахсининг тугган ўрнига кўра: авторитар; дидактоцентрик; шахсни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган; инсонпарварлик ва ҳамкорлик технологиялари; эркин тарбия технологиялари.

Ҳозирги замон таълим тизимида хукмронлик қилаётган анъанавий таълимни мазмунан янгилаш ва таълим-тарбия жараёнини ташкил этишни тубдан ўзгартиришга қаратилган технологияларни дидактик мақсадларига кўра: педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш асосидаги; ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва таълим-тарбия жараёнининг; таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқаришнинг самарадорлигини оширишга; ўқув материални дидактик жиҳатдан такомиллаштириш ва қайта ишлаш асосидаги; халқ педагогикаси методларидан фойдаланишга асосланган педагогик технологиялар.

Шу ўринда, жамият эҳтиёжидан келиб чиқиб, талабанинг олдиндан белгиланган ижтимоий сифатларини самарали шакллантирувчи, аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнига тизим сифатида ёндашувчи, педагогнинг ўқитиш воситалари ёрдамида талабаларга маълум бир шароитда муайян кетма-кетликда кўрсатган таъсирни назоратда тутувчи ва таълим натижасини баҳолаб берувчи педагогик технологиялардан оқилона фойдаланиш давр талаби эканлиги аниқланди ва уларнинг дидактик функциялари ўрганиб чиқилди.

Муаммоли педагогик технологияларнинг дидактик функцияларини таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидаги кетма-кетлик алгоритми-ни кўришимиз мумкин: аклий фаолият усуллари шакллантирувчи; мантиқий фикрлашни ривожлантирувчи; ижодий фаолиятга йўлловчи; ривожлантирувчи; таълим берувчи; тарбияловчи; ўз фаолиятини таҳлил ва назорат қилувчи; мўлжални тўғри олишга ўргатувчи; коммуникативлик; касбга йўналтирувчи; ҳамкорликни вужудга келтирувчи.

Ҳар бир педагогик технологиянинг дидактик функциялар кетма-кетлик алгоритми турлича бўлишига қарамай, замонавий педагогик технологияларнинг дарс жараёнига татбиқ этганда таълим олувчилар қуйидаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари маълум бўлди: ўрганилаётган мавзунини олдин ўтилган мавзу билан боғлиқлигини излаб топадилар; биргаликда ўтирилаётган ўқув материални фаол муҳокама қиладилар; шахсий фикрларини шакллантиришди, гояларини илмий асосланган ҳолда исботлайдилар; бир-бирларининг муваффақиятларини кўрсата оладилар; берилган ишни охирига етказишда бир-бирларини қўллаб-қувватлайдилар; индивидуал фарқнинг мавжудлигига қарамадан ҳамкорлик асосида ишлайдилар; маълум бир вазифани бажариш учун тузилган жамоада ёки кичик гуруҳда ишга масъулият билан ёндашадилар; ўз камчиликларини кўра оладилар; бир-бирларини диққат билан тинглашга ўрганадилар. Буни Ж.О.Толипова [79,25.] томонидан ишлаб чиқилган педагогик технологияларнинг дидактик функциялари асослаб берилган жадвалда ҳам кўриб чиқишимиз мумкин (1.1-жадвал).

Педагогик технологияларнинг дидактик функцияларининг назарий ва амалий таҳлилидан, «**Ўзбекистон табиий географияси**» фанидан талабаларни ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштиришда қуйидаги вазифалар бажарилиши лозим эканлиги маълум бўлди: фаннинг талабалар илмий дунёқарашини шакллантиришдаги аҳамиятини кўрсата олиш; талабаларнинг билим олиш фаолиятини ривожлантириш негизида ўқитишнинг интерфаол, замонавий методларини қўллаш ҳамда такомиллаштириш; таълимда замонавий педагогик ва компьютер технологияларидан самарали фойдаланиш; мустақил таълимни такомиллаштириш, ўзлаштириш самарадорлигини ошириш; талабаларнинг ижодий, танқидий фикрлаш кўникмаларини таркиб топтириш ва ривожлантириш, эгаллаган илмий-назарий билимларини амалиётга татбиқ эта билишга йўналтириш.

Педагогик технологияларнинг дидактик функциялари

№	Педагогик технологияларнинг функциялари	Дидактик ўйинли	Муаммоли	Модулли таълим	Ҳамкорликда	Лойиҳалаш
1.	Таълим берувчи	1	5	1	3	7
2.	Ривожлантирувчи	2	4	2	4	8
3.	Тарбияловчи	3	6	3	5	11
4.	Ижодий фаолиятга йўлловчи	8	3	6	6	1
5.	Коммуникативлик	4	9	4	7	4
6.	Мантикий фикрлашни ривожлантириш	6	2	7	8	3
7.	Ақлий фаолият усуллари шакллантириш	7	1	8	9	2
8.	Ўз фаолиятини таҳлил ва назорат қилиш	10	7	10	10	11
9.	Касбга йўналтириш	11	10	11	11	6
10.	Муаллимни тўғри олишга ўргатиш	5	8	9	2	5
11.	Ҳамкорликни вужудга келтириш	9	11	5	1	10

Бу соҳадаги тадқиқот ишларининг таҳлили, география соҳасида талабаларнинг ўқув-билиш фаоллигини фаоллаштириш жараёнида талаба билан яқка тартибда ишлаш, мустақил, ижодий ўрганишга мўлжалланган топшириқ ва вазифаларни бажаришга оид методик ишланмаларнинг камлигини, иктидорли талабалар билан ишлашга мўлжалланган топшириқларнинг эса умуман йўқлигини кўрсатди.

Ваҳоланки, Ўзбекистон географларининг илмий-тадқиқот ишлари, хусусан, иқтисодий-тимизнинг тараққиёти жараёнида вужудга келадиган муаммоларни ҳал этиш, атроф-муҳит ва йирик ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларини сифат жиҳатидан ижобий ўзгартиришнинг илмий асосларини яратишга қаратилгандир. Бу вазифани амалга оширишда эса, албатта, талаба, тадқиқотчи Ўзбекистон ҳудудининг табиий шароити ҳақида чуқур билимга эга бўлиши зарур. Талабаларга географик ҳодисалар ва уларнинг сабаб-оқибатларини,

табий ва иқтисодий, сиёсий географик термин ҳамда тушунчаларни сўзлаш ва улар онгида шакллантириш анча мураккаб жараён ҳисобланади. Географиянинг фан сифатида ўзига хос хусусиятларидан бири унда катта ҳажмдаги маълумотларнинг мавжудлигидир. Табийки, географик маълумотлар турли маълумотномалар, лугатлар ҳамда энциклопедияларда ҳам берилади, лекин уларда географияга оид барча билим ва кўникмалар тўлиқ ифода этилмайди.

Шунинг учун, таълимда, ўқув жараёнида талабаларга фақат географияга оид билим бериш билан чекланиб қолмай, балки уларда зарур кўникма ва малакалар ҳам ҳосил қилиш зарур. Шу нуқтаи назардан қараганда, географ мутахассисларни тайёрлашда бериладиган табий географик билимлар тизимидаги энг муҳим ўқув фанларидан бири – бу Ўзбекистон табий географиясидир.

Бу ўқув фани Ватанимиз – Ўзбекистоннинг табий компонентлари, уларнинг ҳолати, ўзаро чамбарчас боғлиқлиги, табий шароити, табий бойликлари улардан оқилона фойдаланиш, муҳофаза қилиш ҳақида билим бериш билан бирга республикамиз табиатидаги тафовутларни тушуниб олишга хизмат қилади. Ўз мазмуни ва моҳиятига кўра илмий-назарий, амалий ва таълимий аҳамиятга эга бўлган «Ўзбекистон табий географияси» фани университет ва педагогика институтларининг география факультетида географ мутахассисларни, ёш кадрларни тайёрлашда муҳим ўрин тутаяди.

Таълимда таҳлилдан шу нарса маълум бўлдики, «Ўзбекистон табий географияси» фанидан талабаларга бериладиган маълумотлар ҳажми жуда катта, намунавий дастурда келтирилган 5 та асосий адабиётдан фақат иккитаси нисбатан янги: П.Баратовнинг педагогика институтларининг география-биология бўлими талабалари учун 1996 йил «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилган «Ўзбекистон табий географияси» ўқув қўлланмаси [27] ва 2007 йил И.А.Ҳасанов, П.Н.Ғуломовнинг «Ўзбекистон табий географияси» (I-қисм) [97], 2010 йил И.А.Ҳасанов, П.Н.Ғуломов, А.А.Қаюмовларнинг «Ўзбекистон табий географияси» (II-қисм) [98] янги ўқув қўлланмаси. Амалий машғулотларда П.Баратовнинг [29] «Ўзбекистон табий географиясидан амалий машғулотлар» ўқув қўлланмасидан фойдаланилади. Ўқув қўлланмалар узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш Концепциясининг қуйидаги талаблари асосида ўрганиб чиқилди [68; 86; 87]:

П.Баратовнинг «Ўзбекистон табиий географияси» ўқув қўлланмасида Ўзбекистон табиий географиясига доир назарий, илмий маълумотлар, савол ва топшириқлар, қўлланма охирида 9 та жадвалдан иборат (маълумотлар 1975й.) илова берилган. 3-расм, сейсмик зоналар (минтақалар) чегаралари, 4-расм, Ўзбекистоннинг орографик чизмаси, 16-расм, Орол денгизининг ҳолати (1989й.), 27-расм, Ўзбекистон худудининг табиий-географик районлаштириш чизмаси, 34-расм, Фарбий Тяньшан округининг орографик чизмаларигина берилган, битта ҳам харита йўқ. Алоҳида илова (39-та) сифатида оқ-қора рангда рельеф шакллари расми берилган. 17-расм, эрозияга учраган тупроқлар диаграммаси, 21 ва 23-расмларда берилган. Ўзбекистон фаунасининг баъзи турлари ҳам оқ-қора тасвирда кўрсатилган.

И.А.Ҳасанов, П.Н.Ғуломов, А.А.Қаюмовларнинг «Ўзбекистон табиий географияси» (I-II қисм) янги ўқув қўлланмасида Ўзбекистон табиий географиясига доир назарий, илмий маълумотлар тўлиқ берилган, мазкур ўқув қўлланмага методик кўрсатма нашр қилинмаган. Ўқув қўлланма фақат матндан иборат [97; 98].

П.Баратовнинг «Ўзбекистон табиий географиясидан амалий машғулотлар» ўқув қўлланмасида амалий ишларни бажариш учун кўрсатмалар ва топшириқлар берилган, лекин тасвирлар, хариталар оқ-қора рангда берилганлиги учун ўқилиши қийин, харита-схемалар, диаграммалар кам, борида ҳам маълумот етарли эмас. Харитани географиянинг тили дейишади, лекин мазкур ўқув қўлланмаларда хариталар йўқ. География йўналишлари талабалари Ўзбекистон табиий географиясини ўрганишда Ўзбекистон Фанлар Академияси География бўлими томонидан 1982 йилда Москва – Тошкентда чоп этилган Ўзбекистоннинг комплекс атласи (1-қисми), Мирзо Улугбек номидаги ЎЗМУ География факультети жамоаси томонидан тайёрланган Ўзбекистоннинг географик атласи. (Умумий ўрта таълим муассасалари учун, Тошкент, 2001), 7-синф учун тайёрланган Ўрта Осиё ва Ўзбекистон табиий географик атласидан (Тошкент, 2001, 2010) фойдаланишади. Илмий тадқиқот ишимизда, «Ўзбекистон табиий географияси» фанидан дарсликлар таҳлилининг натижасини узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратиш Концепцияси талабалари келтирилган жадвал шаклида кўриб чиқилди.

Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратиш Концепцияси талаблари ва улар асосида дарсликлар таҳлили

№	Таълим турларининг хусусиятларидан ва нашр шаклидан қатъий назар барча ўқув адабиётлар умумий талабларга жавоб бериши керак:	1996 йил П.Баратов	2007-2010 И.Хасанов ва бошқ.
1	2	3	4
1	Давлат таълим стандартлари асосида тайёрланиши	қисман	қисман
2	Таълим-тарбия жараёнига ҳамкорлик педагогикаси ва ўқитишнинг интерактив услубларини татбиқ қилишда кўмак бериши	қисман	қисман
3	Тегишли ўқув фанининг назарий ва амалий ривожланишида, узоқ ва яқин ўтмишдаги бой интеллектуал меросимизнинг ўрни ва аҳамиятини кўрсатилиши	қисман	қисман
4	Интеллектуал инсонпарварлик ғояларининг акс эттирилиши, инсоннинг табиат ва ижтимоий ҳаётда ўта масъулиятлигини англатишига қаратилиши	қисман	қисман
5	Ватанпарварлик ва миллий ғурур ҳиссини шакллантириши, мустақил ва ижодий фикрлашга йўналтириши	қисман	қисман
6	Маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириши, таълим ва тарбия узвийлигини таъминлаши	қисман	қисман
7	Билимларни онгли равишда ўзлаштириш, қизиқиш уйғота оладиган ва мустақил фикрлашга йўналтира оладиган хусусиятларга эга бўлиши	қисман	йўқ
8	Билим оловчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилиши, мустақил таълим олишга қизиқиш уйғотиши	қисман	қисман
9	Юқори даражада умумлаштирилган ва замонавий илмий билимларга асосланган маълумотлар (қонун, айният, тасниф ва ҳоказолар)дан ташкил топиши	қисман	қисман
10	Иллюстрацияларга бой, кўرғазмали тавирлар ва бадий-услубий жиҳатдан амалий фаолиятга қаратилган бўлиши	йўқ	йўқ

11	Билим олувчиларнинг ёши ва психо-физиологик хусусиятларини ҳисобга олиши	қисман	қисман
12	Билимларнинг мутлоқлиги ва нисбийлигини ёркин ифодаланиши	қисман	қисман
13	Таълим олувчиларнинг билими, ўқуви ва кўникмаларини назорат қилиш имкониятига эга бўлиши	йўқ	йўқ
14	Таълим ва тарбияни ижтимоий ҳаёт, унумли меҳнат билан узвий боғланишига эътибор бериши	қисман	қисман
15	Фан ва техника ютуқларининг аҳамиятини ифодалаши, илмий масалаларнинг мантикий кетма-кетликда, фаннинг ўқув дастурига мувофиқ баён этилиши	қисман	қисман
16	Яхлитликни идрок қилиш хисси шаклланиши учун барча маълумотлар мантикий бир тизимда берилиши	қисман	қисман
17	Матн жозибали шаклда баён этилиши	қисман	қисман
18	Асосий тушунча ва хулосаларнинг таърифлари ниҳоятда аниқ ва равшан ёзилиши, атамаларнинг умумийлигига эришилиши	қисман	қисман

Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратиш Концепцияси талаблари ва улар асосида дарсликлар таҳлилидан кўриниб турибдики, ўқув жараёнининг самарадорлигини ўқитувчининг билими, педагогик маҳорати компьютер технологиялари асосида яратилган янги дарсликлар, электрон ўқув-методик таъминотлар билан қўшиб олиб боргандагина ошириши мумкин. Дарслик ва ўқув қўлланмалар таҳлили, компьютер технологиялари асосида янги дарсликлар, электрон ўқув-методик таъминотлар яратилиши жиддий зарурат эканлигини кўрсатди. Ислом Каримовнинг 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг IX-сессиясида сўзлаган нутқи ҳам шу муаммога қаратилган:

«...Ҳаммамизга аёнки, таълим дарсликдан бошланади. Аччиқ бўлса ҳам тан олишга мажбурмиз деярли барча соҳада дарсликларимиз аҳволи бугунги ва эртанги кун талаблари даражасида эмас... Эски қолипда, мустабид даврда ёзилган дарсликлардан фойдаланиб, эски мафкурадан халос бўлмасдан болаларимизни янгича фикрлашга ўргата олмаймиз, ахир» [68,328]. Шу нуқтаи назардан

караганда, олий таълим муассасаларида «Ўзбекистон табиий географияси» фанини ўқитишда узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратиш Концепцияси талаблари асосида янги электрон дарсликлар яратиш, ундан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш, замонавий методлардан, компьютер технологияларидан самарали фойдаланиш давр талабидир. Бунинг учун эса албатта, географияни ўқитишда талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш йўллари аниқлаш зарур. Тадқиқот давомида, ЭЎМТгеографияни ўқитишда талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш йўллари билан бири эканлиги маълум бўлди.

«Ўзбекистон табиий географияси» фанидан ЭЎМТнинг илмий-услубий асосларини яратиш ва ўқув жараёнида фойдаланиш методикасини қуйидаги асосий омилларни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқиш тавсия этилади: жамоанинг имкониятидан самарали фойдаланиш; шахснинг ички имкониятини юзага чиқариш; шахснинг маънавий даражасига асосланиш; талабанинг ўзаро «хамкорлик» муносабатидан фойдаланиш; талаба онгига мультимедиа материаллари, электрон дарсликлар, масофавий таълимни жорий этиш; педагогик технологиялар орқали таъсир этиш; муаммоли масалаларни мунозара усулидан фойдаланиб ечимини топиш йўллари илмий-амалий ўйинлар билан излашга ўргатиш. Кун сайин ривожланиб, мамлакатда ахборотлаштириш жараёни тез суръатлар билан ўсиб бораётган ҳозирги даврда олий таълим соҳасида ҳам педагогик ва компьютер технологияларини ривожлантириш ҳамда кенг қўламда қўллаш таълим самарадорлиги ошишининг асосий йўналиши ҳисобланади[86]. Бунинг президентимизнинг қуйидаги фикрларида ҳам кўришимиз мумкин: «...Шу билан бирга, сиёсий модернизация жараёнларида тобора муҳим касб этиб бораётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш лозим» [6,34].

Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳозирги кунда ҳар бир шахснинг, эртанги кун мутахассиси бўлишга тайёрланаётган ҳар бир талабанинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдалана олиши, компьютер саводхонлигига эга бўлиши ҳаётий заруриятга айланди.

Шу сабабли талабаларнинг мустақил билим олишларида ва ўзлаштириш даражаларини аниқлашда компьютердан ўқитишнинг

техник воситаси сифатида фойдаланишгина эмас, балки унинг барча имкониятларидан фойдаланган ҳолда электрон ўқув методик таъминот (ЭЎМТ)ларни ўқув жараёнига татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига фаоллик билан татбиқ этиш таълим самарадорлигини ошишига сабаб бўлишини куйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

1.3- жадвал

География дарсларида электрон ўқув методик таъминотдан фойдаланишнинг афзалликлари

№	Харакатлар	Анг-анавий	Интер-фаол	ЭЎМТ
1	2	3	4	5
1.	Талабаларнинг машғулотлардаги фаоллашуви, билим олиш самарасининг ошиши	+	+	+
2.	Ўқитувчининг назорати барча талабалар учун мотивация иштиёқининг вужудга келиши	+	+	+
3.	Талабалар ўқитувчи билан бевосита мулоқотга кириши	+	+	+
4.	Гуруҳларда жамоа бўлиб ишлаш кўникмаси шаклланиши	+	+	+
5.	Мустақил, эркин танқидий фикрлай оладиган талабанинг шаклланишига имкон яратилиши	+	+	+
6.	Талабаларнинг машғулотлардаги фаоллашуви, билим олиш самарасининг ошиши		+	+
7.	Талабаларда мустақил, эркин танқидий фикрлаш кўникмаларини таркиб топтириш		+	+
8.	Ҳар бир таълим олувчининг потенциал имкониятининг ривожланиш талабанинг эркин, мустақил фикрлашига шароит яратиш		+	+
9.	Барча олий ўқув юртларини адабиётлар билан таъминланиши, ахборотнинг мунтазам янгиланиб туриши, янги мавзунинг кенг ҳажмда ўрганилиши ва ўзлаштириш самарадорлигининг ошиши			+
10.	Ўқитувчи ва талаба вақтдан тўғри ва унум-			+

	ли фойдаланиши, масофавий таълим учун мўлжалланиши			
11.	Ўқитувчининг фикрлаш қобилиятига ва муаммоларни ечиш кўникмасига, вазиятни тезда баҳолай олиши, ҳозиржавоб бўлиш кўникмасининг такомиллашиши			+
12.	Ўқув фаолиятини ташкил қилишда барча усуллардан оғзаки баён, кўргазмали, амалий, репродуктив, муаммоли, мантикий, назорат ва ўз-ўзини назорат шунингдек мустақил иш методларидан фойдаланиши			+
13.	Компьютер ёрдамида дарс жараёни давомида назарияни амалиётга боғлаб олиб боришига шароит яратилиши, амалий иш топшириқларини илмий-амалий текшириб кўриши ва вазифани бажаришга ижодий ёндашиши			+
14.	Табийий жараёнларни компьютер ёрдамида моделлаштириши			+
15.	Ўқитишда субъект-субъект муносабатларини амалга ошириш, рақобат	+		+
16.	Ўртача қобилиятга эга бўлган ёки торгинчоқ талабанинг ҳам ўз билими ва маҳоратини намоён қилишига имкон яратилиши			+
17.	Талабанинг ўзини қизиқтирган саволга жавоб топишга ҳаракат қилиши, илмий изланиши ва ижодий ёндашиши			+
18.	Талабанинг фаоллиги ошиб, география фанига, илмга бўлган эътибори ва қизиқишининг кучайиши			+
19.	Талабаларнинг билим даражаларини ҳар томонлама ва мажмуали текшириб кўриши имконининг яратилиши			+
20.	Ўқишга шароити йўқ киши ҳам мустақил ўқиб ўрганиши ногирон талаба ҳам бемалол фойдаланиши			+

Жадвал таҳлилидан кўриниб турибдики, ЭЎМТ география таълимида ўқув жараёнига татбиқ этилса, Коменскийнинг [51] мулоҳазасидаги Плавтнинг «Эшитганини айтиб берадиган ўнга кишидан ўз кўзи билан кўрган битта гувоҳ афзал» деган фикри амалда бажарилади. Чунки, Коменскийнинг таъбири билан айтганда тала-

балар бошқаларнинг нарсалар ҳақидаги кузатишлари ва гувоҳликларини эшитишга эмас эмас, балки ўша нарсаларнинг ўзини билишга ва тадқиқ этишга ўргатилса, улар фаоллашадилар. Бунини «Ўзбекистон табиий географияси» фанини ўзлаштириш жараёнида электрон ўқув-методик таъминотдан фойдаланишнинг дидактик функцияларини қуйидаги кетма-кетлик алгоритми тизимида кўриб чиқишимиз мумкин.

1.4-жадвал

Талабаларни ўқув-билиш фаолиятни фаоллаштиришда электрон ўқув-методик таъминотдан фойдаланишнинг дидактик функциялари

№	Электрон ўқув-методик таъминот функциялари	Бажарилиш кетма-кетлиги
1.	Таълим берувчи	2
2.	Ривожлантирувчи	7
3.	Тарбияловчи	8
4.	Ижодий фаолиятга йўловчи	9
5.	Коммуникативликка ўргатувчи	12
6.	Мантиқий фикрлашни ривожлантирувчи	11
7.	Ақлий фаолият усуллари шакллантирувчи	10
8.	Ўз фаолиятини таҳлил ва назорат қилувчи	13
9.	Касбга йўналтирувчи	14
10.	Мўлжални тўғри олишга ўргатувчи	15
11.	Ҳамкорликни вужудга келтирувчи	17
12.	АКТ билан ишлаш кўникма ва малакани ривожлантирувчи	1
13.	Мустақил таълимни шакллантирувчи	5
14.	Мультимедиа технологиялари билан ишлаш кўникма ва малакани шакллантирувчи	18
15.	Масофавий таълимни ривожлантирувчи	6
16.	Кўргазмалиликни такомиллаштирувчи	4
17.	Илмий дунё қарашни ривожлантирувчи	16
18.	Индивидуал ривожлантирувчи	3

Электрон ўқув-методик таъминотдан фойдаланишдаги дидактик функциялар таҳлили, ЭЎМТ талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти-ни фаоллаштирувчи асосий ва самара берувчи йўллардан бири эканлигини, географиядан ЭЎМТ яратиш давр талаби ва зарурият эканлигини кўрсатди.

1.3. Географиядан электрон ўқув-методик таъминот яратиш принциплари

«Ўзбекистон табиий географияси» фанидан ЭЎМТ Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида» 2005 йил 28 сентябрдаги ПК-191-сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2008 йил 20 июндаги 22-сонли мажлис баёнига мувофиқ Давлат таълим стандарти асосида тузилган фан дастури ҳамда шахсга йўналтирилган, ривожлантирувчи ва замонавий ахборот-коммуникация муҳитидаги мустақил таълим олиш технологиялари, тамойиллари, талаблари ва компьютер технологиялари асосида яратилган [24; 31; 68].

1. Умумий талаблар:

1.1. ЭЎМТ мазмуни ва таркибининг таълим стандартининг талабларига мос келиши.

1.2. ЭЎМТ ўзида муаммоли ва изланиш топшириқларининг интеллектуал ўргатувчи тизимига эга бўлиши.

1.3. ЭЎМТ ўқув фаолиятининг излаш, йиғиш, сақлаш, таҳлил қилиш, ишлов бериш каби кўринишларни автоматлаштиришни, ҳисоблашларни, лойиҳалаш ва конструкциялашни, тажриба, экспериментнинг натижаларига ишлов беришни, назорат топшириқларни, ахборотли ишлов беришни автоматлаштиришни кўзда тутиши.

1.4. ЭЎМТ мураккаб объектлар, яъни турли хил географик жараёнларни имитациясини реал вақтда, тезлаштирилган ёки секинлаштирилган ҳолатда намойиш қилиши.

1.5. ЭЎМТнинг тренинг воситалари таълим олувчини келажакдаги касбий фаолиятига боғлиқ ҳолда виртуал муҳитда тайёрлашни амалга ошириши мумкин.

2. Дидактик талаблар:

2.1. Таълимда илмийликни, фан, техника ва технологияларнинг сўнги ютуқлари.

2.2. Таълим олувчиларнинг ёши ҳамда индивидуал хусусиятлари, талабанинг билим олиши, ижодий ёндашиши, мустақил изланиши, ўз устида ишлаши, билим даражасини кўтариши учун имкон ва шароит яратилганлиги.

2.3. Муаммоли ўқитиш шакллари.

2.4. Ўқитишнинг кўргазмаллиги.

2.5. Ўқитишнинг онглилиги, таълим олувчининг мустақиллиги ва фаоллиги;

2.6. Ўқув материалининг, фаннинг мақсад ва вазифаси, мазмуни, таълим методлари, ўқув воситалари ва ўқитиш шаклларининг тизимлаштирилган ва таркиблаштирилган ҳолда тавсия қилинганлиги.

2.7. Ўқув материални мустақкам ўзлаштириш йўллари, ижодий ёндашишга йўналтирувчи, ривожлантирувчи вазифалар, талабаларда билим, малака ва кўникмалар ҳосил қилувчи, энг қулай ва мураккаблик даражасига эга топшириқлар мажмуасининг такомиллаштирилганлиги.

2.8. Талабаларнинг фундаментал билим даражаси ҳар хил бўлганлиги сабабли ҳар бир талабага хос ривожлантирувчи ва тарбиявий функцияларнинг бажарилганлиги эътиборга олинди.

3. Методик талаблар:

3.1. ЭЎМТнинг – ўқув материални тақдим этишнинг тушунарли, образли ва ҳаракатли компонентларининг ўзаро боғлиқлигига таянган ҳолда яратилиши.

3.2. ЭЎМТда ўқув материалининг юқори тартибли тузилма кўринишида фанлараро мантикий ўзаро боғлиқлик ҳисобга олинishi.

3.3. ЭЎМТда таълим олувчига ўқув материални босқичма-босқич ўзлаштириш учун турли хилдаги назоратларни амалга ошириш имконияти яратилиши керак.

4. Психологик талаблар:

4.1. ЭЎМТдаги маълумотларни қабул қилиш, диққат билан эшитиш, фикрлаш, тасаввур қилиш, хотирада сақлаш каби психологик жараёнлари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши.

4.2. ЭЎМТдаги ўқув материалининг таълим олувчиларнинг ёшини, таянч билимларини инобатга олиб тузилиши.

4.3. ЎЎМТ образли ва мантикий фикрлашни ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши керак.

4.4. ЎЎМТда ишлатилган рангларнинг психологик хоссалари ва уйғунлиги назарда тутилиши керак [24].

1.5-жадвал

Ранг	Психологик хоссалар
Қизил	Кўзгатувчанлик, фаоллаштирувчи
Хаворанг	Босиқлик, асабни тинчлантирувчи
Сарик	Илиқлик, хушчақчақлик
Оловранг	Хушчақчақлик, қувонч келтирувчи, фаолликни оширувчи
Яшил	Сокинлик, кайфиятни кўтарувчи
Бинафша	Бир хил даражада ўзидан узоқлаштирувчи ва мафтун этувчи, айрим ҳолларда хафақонлик келтирувчи
Қора	Эзилганлик кайфияти, афсус келтирувчи
Оқ	Толиқишга олиб келувчи, бўшлиқ ҳосил қилувчи

4.5. Географик хариталарни тасвирлашда рангларнинг уйғунлиги ва самараси алоҳида ўрин эгаллаши эътиборга олинади керак [24];

1.6-жадвал

Географик хариталарни тасвирлашда рангларнинг уйғунлиги

Ранглар уйғунлиги	Самарали
Қора шакл оқ фонда	Аъло
Яшил шакл оқ фонда	Яхши
Қора шакл сарик фонда	Қониқарли
Кўк шакл оқ фонда	Қониқарли
Қизил шакл оқ фонда	Қониқарли
Қизил шакл сарик фонда	Қониқарли
Яшил шакл қизил фонда	Ёмон
Қизил шакл яшил фонда	Ёмон
Тўқ сарик шакл оқ фонда	Ёмон

1.7-жадвал

5. Ўзбекистон табиий географияси электрон ўқув-методик таъминотни лойиҳалашга қўйиладиган педагогик талаблар:

Талаблар	Мазмун
Мазмуннинг илмийлиги	Педагогика, психология, фан-техника соҳасидаги илмий-назариянинг асосий тамойиллари, Ўзбекистон табиий географияси таълими, маънавий-ахлоқий тарбия ишлари мазмунини унинг мақсадига мослигини таъминлаши;

Очиқлик (оммабошлик)	Фаолиятни бошқаришнинг ихтиёрий усулини татбиқ қилиш имконияти; таълим мақсадларига мос келувчи танлашнинг мавжудлиги; электрон ресурсларни бошқариш усулларига ўзгаришлар киритиш, модификация имкониятларини таъминлаши;
Мақсадга йўналганлик	Ўзбекистон табиий географияси таълимидаги таълимий, тарбиявий, амалий ва ривожлантирувчи мақсадларнинг амалда бажарилиши, ижобий натижага келиш мақсадида ахборотлар билан таъминланиши;
Ҳамкорликни таъминлаш	Ресурслар имкон қадар ҳамкорликда фойдаланиш имкониятини бериши;
Кириш назоратининг мавжудлиги	Ўзбекистон табиий географияси фанидан таълим олишни индивидуаллаштирилиши, талаб қилинган биринчи ёрдам кўрсатишнинг амалга оширилиши;
Мотивацияни таъминлаш	Топшириқларни муаммоли кўринишда тавсия қилиниши талабада ўз-ўзини мустақил бошқариш, интилувчанлик, яқка тартибда фанни ўрганиш хусусиятларини шакллантиришга ёрдам бериши лозим.

6. Техник талаблар:

6.1. Ўқув фаннинг таянч кўрсаткичи ўқув режаси ва дастурлари асосида ушбу фанга ажратилган аудитория соатларини x билан белгилаб, қолган барча норматив кўрсаткичлар шу соатларга боғлиқ бўлиши эътиборга олинади.

6.2. Асосий матн ҳажмининг $4x$ дан (масалан, назарий таълимнинг ҳажми 100 соат, демак $4 \times 100 = 400$ бет – асосий матннинг йўл қўйилиши мумкин бўлган максимал ҳажми) ошмаслиги лозим.

6.3. Маъруза материалларининг асосий матни ўз таркибига фан юзасидан мавжуд барча боблар, иловалар, адабиётлар рўйхати ҳамда терминлар луғатини камраб олиши керак.

6.4. Тренинг ҳамда саволлар миқдори 2хдан ошмаслиги жоиз.

6.5. Назорат тестлари ҳажми 0,5х чегарасида бўлиши шарт.

6.6. Курс ишлари мавзулари миқдори 0,5хдан ошмаслиги мақсадга мувофиқ бўлади.

6.7. Якуний назоратсаволлари ҳажми 0,5х миқдорида белгиланиши керак.

7. ЭЎМТнинг макети:

ЭЎМТнинг макети расмий ҳужжат сифатида қуйидаги бўлимларни:

7.1. Мазмуний ҳужжатлар компоненти: титул varaғи, келишув varaғи, мавзувий режаси, фан дастури, фаннинг ишчи дастури.

7.2. Мазмунни белгилувчи компоненти: электрон ўқув қўлланма; амалий (семинар) машғулотлари, мустақил ишларни мазмуни, электрон лугат.

7.3. Методик компоненти: ўқитувчига мўлжалланган ва талабага мўлжалланган методик компоненти.

7.4. Баҳолаш компоненти: баҳолаш мезонлари, жорий, оралиқ ва якуний баҳолаш бўйича саволлар, курс иши мавзулари ва х.к. ўз ичига олиши лозим.

8. ЭЎМТни яратиш босқичлари:

1-босқич. ЭЎМТ яратиш режаси, бажарилиши керак бўлган вазифалар кифедрa мажлисида тасдиқланди.

2-босқич. ЭЎМТ тузилмаси ишлаб чиқилди.

Ҳар бир компонентнинг мазмуни фан бўйича ДТС ва фан дастурига қўйилган махсус талаблардан келиб чиққан ҳолда, шахсга йўналтирилган, ривожлантирувчи, мустақил таълим талаблари ва тамойиллари асосида ишлаб чиқилди.

3-босқич. ЭЎМТнинг барча компонентларидан сценарий ва электрон версиялар яратилди.

ЭЎМТ компонентининг сценарийси бу – таълим босқичининг мазмуни ва унинг жараёшли қисмининг турли даражадаги ва вазифадиги дастурли тузилмалар доирасида кадрлар бўйича тақсимланди. Ҳар бир мавзу бўйича сценарийлар ҳамда алоҳида назарий маълумотларга амалий ва мустақил ишларига, семинар машғулотларига файл (1-мавзу-маъруза.doc, 1-мавзу-амалий.doc, 1-мавзу – семинар.doc, 1-мавзу – кўргазма, 1-мавзу – харита, 1-мавзу – видео-таъбир, 1-мавзу – тест.doc) яратилди.

4-босқич. ЭЎМТ барча компонентлари бўйича яратилган сценарий, файлларни гиперматн ва гиперссилка технологиялари орқали дастур тузилди.

5-босқич. ЭЎМТ мажмуа яратилди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2006 йил 14 июлдаги 167-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва № БД 5440500-3.07 (23.07.2006 й.) рақам билан рўйхатга олинган 5440500-География бакалавриат йўналиши учун мўлжалланган «Ўзбекистон географияси» («Ўзбекистон табиий географияси» қисми бўйича) фани-

нинг намунавий дастури асосида компьютер технологияларидан фойдаланиб электрон дарслик ва ЭЎМТ яратилди.

6-босқич. «Ўзбекистон табиий географияси» фанидан электрон дарслик ишлаб чиқилди ва ундан фойдаланиш методикаси яратилди. Ўзбекистон табиий географияси фанидан электрон дарслик компьютер дастури учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг № DGU20120046 рақамли гувоҳнома олинди.

7-босқич. ЭЎМТ соҳа мутахассислари, фан дастурини ишлаб чиқувчилар, электрон таълим ресурсларини яратиш бўйича муҳандис, дастурчи, дизайнер, методист ва психологларнинг илмий ва амалий маслаҳатлари ёрдамида яратилди. Ўзбекистон Республикаси Давлат Патент идорасининг № DGU02171 рақамли гувоҳномаси олинди.

Ушбу талаблар асосида «Ўзбекистон табиий географияси» фанидан яратилган ЭЎМТдан фойдаланишнинг асосий жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

– ўқув фанининг нашр қилинган алоҳида бўлимлари, яъни маъруза матни, амалий машғулот, мустақил иш, назорат топшириқлари ва тестлардан мажмуали фойдаланиш имкониятига эга;

– назарий курсга доир мавзулар талаба учун содда ва тушунарли тилда баён қилинган бўлиб, компьютер воситасида узатиладиган билимлар мажмуаси методик жиҳатдан алоҳида дидактик талабларга жавоб беради;

– талаба берилаётган материалларни чуқурроқ ва мукамалроқ ўзлаштиради, чунки ўқув машғулотларини тўлдирувчи компьютерли иллюстрациялар (харита, жадваллар, кўргазмалилик ва ҳ.к.), оғзаки баён, мусиқа, видеофильмлардан парчалар, телелавҳалар, анимациялардан фойдаланади;

– ЭЎМТда фан материаллари дарслик асосида кетма-кет жойлаштирилган, талабаларнинг ўзлаштириш даражаларини ҳам назорат қилади, ўқитувчи талабаларнинг янги мавзу бўйича билим даражаларини ҳам аниқлаб олади;

– замонавий электрон воситалар имкониятлари ўқув ахборотини намоёни қилиш сифатини таҳлил қилишни, ЭЎМТ билан ишлашда таълим олувчининг интеллектуал қобилиятини ривожлантириш, фикрлаш, мураккаб вазиятларда мустақил қарорлар қабул қила олиш маҳорати, ахборотга ишлов бериш бўйича кўникмаларни шакллантиради;

- ʻЎМТ ўқув материални намойиш қилишнинг тизимлилик, функционал боғлиқлигини, таълим беришнинг тўлиқлиги ва узлуксизлигини таъминлайди, фан бўйича барча назарий материаллар боб, бўлим, ва мавзулардан таркиб топади.

Муаллиф-ўқитувчи ҳам машғулотлар учун зарур бўлган турли жадваллар, адабиётлар, глоссарийлар, муаллифлар тўғрисидаги ахборотларни MS Word, Power Point ва бошқа дастурлардан фойдаланган ҳолда жойлаштириш имконига эга. Ҳар бир боб, бўлим, ва мавзуларни ўқитувчи алоҳида файлларга жойлаштиради. Матнли файллар мазмун-мундарижасига кўра лотин ҳарфлари ёки рақамлар асосида рақамланади. Муаллиф-ўқитувчи томонидан тайёрланган пакет куйидаги компонентларни ўз ичига олади:

1. Назарий материал – *nazariya* папкаси.
2. Амалий материал – *amal, lab, seminar, mustaqil* ишлар папкалари.
3. Назорат материаллари – *nazorat* папкаси.
4. *Index.doc* файли – курснинг мазмуни.
5. *Intro.doc* файли – кириш.
6. *Authors.doc* файли – муаллифлар ҳақида маълумотлар.
7. *Glossary.doc* файли – терминлар лугати.
8. *Liter.doc* файли – адабиётлар рўйхати.
9. *gif, jpg* файли – форматлардаги графиклар.

2-боб. ГЕОГРАФИЯНИ ЎҚИТИШДА ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ-МЕТОДИҚ ТАЪМИНОТДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ

2.1. География таълими жараёнида электрон ўқув-методик таъминотдан фойдаланиш методикаси

Олий таълим муассасасида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёни тизимли, шу билан биргаликда кенг камровли ва серқирра жараён бўлиб, унга киритилган ҳар қандай инновация ўз самарасини беради.

Тадқиқот давомида олий таълим муассасасида «Ўзбекистон табиий географияси» фанини ўқитиш жараёнига тизимли ёндашув амалга оширилди.

Маълумки, таълим-тарбия жараёни ўқитувчининг ва талабаларнинг ҳамкорлиги мазкур жараёндан кўзда тутилган дидактик мақсадларга эришиши учун бош омил саналади.

Ўқитувчи машғулотда ўрганиладиган мавзу мазмунини талабалар онгига етказиш учун, аввало ўқитиш методлари, воситалари, шаклларини танлайди ва ўз педагогик фаолиятини ташкил этиш таркиби ва мазмунини лойиҳалаштиради.

Ўқитувчи ўзининг педагогик фаолиятини ташкил этиш ва лойиҳалашда дастлаб:

- олий таълим муассасаси олдидаги вазифалар, давлат ва ижтимоий буюртмаларни аниқлаши;
- «Ўзбекистон табиий географияси» фанининг мутахассисни тайёрлашдаги ўрни;
- «Ўзбекистон табиий географияси»дан ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнига қўйиладиган замонавий талаблар;
- Мазкур фан бўйича ўтказиладиган ўқитиш шаклларини ташкил этишга қўйиладиган талабларни узвий равишда тасаввур этиши зарур.

Юқорида қайд этилганлар ўқитувчининг таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этишида дастуруламал бўлиб хизмат қилади. Шу сабабдан ўқитувчи ўрганиладиган мавзунинг дидактик мақсадини ҳисобга олган ҳолда:

- маъруза, ва амалий машғулотларда ўқитишнинг самарали воситалари ва методлари, электрон дарсликлардан фойдаланиш;
- таълим-тарбия узвийлигини таъминлаш, талабаларни миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат, мустақиллик принциплари

ва она-Наташга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда маънавий ва ахлоқий ғазилатларни ривожлантириш йўлларини белгилаш ва амалга ошириш;

• талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг мазмуни, воситалари, методлари ва шакллари аниқлаш;

• талаба-ёшлар онги ва калбига миллий ғояни сингдириш йўлларини белгилаш;

• талабаларнинг билиш фаолиятини мақсадга мувофиқ ташкил этиш ва бошқариш, мазкур фаолиятни фаоллаштиришнинг самарали восита ва методларини, ўқув мотивларини ривожлантириш йўлларини аниқлаш;

• ўқитишда амалий масалаларга эътиборни қаратиш, талабаларда ўқув, амалий ва меҳнат, ижодий ва мустақил фикрлаш кўникмаларни, атроф муҳитга онгли муносабатни таркиб топтириш, таълимнинг касбий йўналишини амалга ошириш;

• ўқитиш жараёнида тескари алоқани амалга ошириш, яъни талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ўзлаштириш даражасини рейтинг тизими орқали мунтазам назорат қилиш, бу жараёнда электрон мажмуа имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, олинган натижаларга мувофиқ ўқитиш жараёнига тегишли ўзгартиришлар киритиш каби муаммоларни ҳал этиш лозим.

• талабаларни фаннинг назарий асослари ва билимлари билан қуроллантириш, маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг мазмуни, воситалари, методлари ва шакллари уйғун танлаш орқали таълим самарадорлигига эришишни назарда тутиши лозим.

Олий таълимдаги ўқитиш жараёни таълим мазмуни, ўқитиш воситаси, методлари ва шакллари ташкил қилишнинг кўпқиррали ягона тизими шаклида амалга оширилади.

Олий таълимдаги ўқитишнинг шакл ва методлари таснифи ўзаро боғланган ва ўзаро шартланган икки фаолиятга таянади:

• педагогик ва ахборот технологияларга асосланган ўқув жараёнини бошқариш ва ташкил этиш бўйича ўқитувчиларнинг педагогик фаолияти;

• педагогик ва ахборот технологияларга асосланган ўқув жараёнида талабаларнинг ўқув ва билиш фаолияти.

Олий таълимдаги ўқув жараёни шаклларига маъруза, амалий ва лаборатория машғулоти, ўқув анжуманлари, маслаҳатлар, экскурсия, экспедиция, ўқув ишлаб чиқариш амалиёти, курс ва битирув малакавий ишлари, талабаларнинг мустақил таҳсили қиради.

Маъруза – у ёки бу илмий масала ёки муаммони тўғри, мантикий изчилликда ва аниқ изоҳлаб бериш саналади.

Маъруза ўқитувчи шахсининг барча бойлиги: билими, онги, хиссиёти, иродаси, туйғуси, эътиқоди орқали талабалар ички дунёси билан мулоқотда бўлишининг энг самарали шаклидир. Бунда таълим-тарбия жараёнидан кўзда тутилган дидактик максадлар ўқитишининг талаба шахсини йўналтирувчи, ахборот бериш, илмий дунёқарашни ривожлантириш, методологик ва тарбиялаш функцияларини рўёбга чиқаришга ёрдам беради.

«Ўзбекистон табиий географияси» фанидан ташкил этиладиган маърузанинг йўналтирувчи функциясида талабаларнинг диққати электрон ўқув-методик таъминотдан ўрин олган ўқув материалининг асосий қоидалари, уни ўрганишдаги ҳамда бўлғуси касбий фаолиятидаги роли ва аҳамияти, уни ўзлаштириш методларига жалб қилинади.

Маърузанинг ахборот бериш функцияси электрон ўқув-методик таъминотдаги асосий илмий фактлар, қоидалар, хулосаларнинг моҳиятини очишда ўқитувчи томонидан амалга оширилади.

Маърузанинг талабаларнинг илмий дунёқарашини ривожлантириш функциясини амалга оширишда электрон ўқув-методик таъминотдан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Талабалар томонидан билимлар: ўқув материални сезги органлари орқали қабул қилиш, тасаввур қилиш, абстракт фикр юритиш, ўрганилган маълумотларни ёдда сақлаш, билимларни таниш одатий ва янги қутилмаган вазиятларда қўллаш босқичлари ёрдамида ўзлаштирилади. Маъруза анъанавий, табиий ва тасвирий воситалардан фойдаланилганда талабалар томонидан билимларни ўзлаштиришнинг тасаввур қилиш, абстракт фикр юритиш босқичларини амалга ошириш имкони бўлмайди.

Электрон ўқув-методик таъминотдан ўрин олган ўқув материаллари, видеотасвирлар ва ўқув фильмлари мазкур босқичларни тўлиқ амалга ошириш орқали илмий дунёқарашни ривожлантириш имконини беради.

Маърузанинг методологик функциясини қўллаш «Ўзбекистон табиий географияси» фани дастуридан ўрин олган масалаларни ўрганиш, хусусан, тадқиқот методлари воситасида объектларни қийёслаш, солиштириш, илмий изланишнинг тамойиллари ва ёндашувларини аниқлашга ёрдам беради.

Матрузининг тарбиявий функцияси маъруза жараёнида талабаларнинг онги ва қалбига миллий ғояни сингдириш, ўқув материалга ҳиссий баҳо бериш муносабатларини уйғотиш, қизиқишларини ўстириш, манткий фикрлаш ва исботлашни ойдинлаштириш йўли билан амалга оширилади.

Тадқиқот давомида фанни ўқитишда электрон ўқув-методик таъминотдан фойдаланиладиган маърузада иштирок этадиган икки фаолият:

- педагогик ва ахборот технологияларга асосланган ўқув жараёнини бошқариш ва ташкил этиш бўйича ўқитувчиларнинг педагогик фаолияти;

- педагогик ва ахборот технологияларга асосланган ўқув жараёнида талабаларнинг ўқув ва билиш фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари аниқланди.

Мазкур жараённинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашда Н.А.Муслимов ва бошқалар [57] томонидан касбий малака ва педагогик маҳорат йўналиши бўйича олий таълим профессор-ўқитувчилари малакасини оширишни ташкил этиш юзасидан тайёрланган методик қўлланмадаги «Профессор-ўқитувчиларнинг машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш маҳорати бобидаги тавсиялар»дан фойдаланилди.

Мазкур методик қўлланмада олий таълим профессор-ўқитувчилари томонидан олий таълим муассасаларида педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланилган машғулотларни ташкил этиш юзасидан тавсиялар берилган.

Ж.О.Толипованинг [83] «Таълим-технологиялари» илмий-услубий журналнинг 2010 йил 1-сонида чоп этилган «Олий таълим муассасаларидаги таълим-тарбия жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш» мақоласида маъруза ва амалий машғулотларда локал ва хусусий-методик даражадаги педагогик технологиялардан фойдаланиш юзасидан тавсиялар берилган, лекин бу мақолада ахборот технологиялардан фойдаланиш эътибордан четда қолган.

Тадқиқот давомида маъруза ва амалий машғулотларда локал ва хусусий-методик даражадаги педагогик технологияларни ахборот технологиялари маҳсули бўлган электрон ўқув-методик таъминот билан уйғунлаштиришнинг мақсад қилиб белгиланганлиги тадқиқот ишининг самарадорлигини таъминлади.

«Ўзбекистон табиий географияси» фанидан тайёрланган ЭЎМТ ва ундан фойдаланиш методикасининг асосий мақсади талабаларни

маъруза матнлари билан ишлашга, амалий иш топшириқларини бажаришда мустақил ва ижодий ёндашувга йўналтиришдан, уларнинг мустақил-билим олишларида компьютер технологияларидан самарали фойдаланишга ўргатишдан, фаннинг чуқур ўзлаштирилишини таъминлашдан иборат. «Ўзбекистон табиий географияси» фанини ўқитишда соҳа ўқитувчиларига ва таълим олувчиларга ЭЎМТдан ўқув жараёнида фойдаланиш методикаси яратилди ва йўриқнома шаклида тавсия қилинди. ЭЎМТдан ўқув жараёнида фойдаланиш юзасидан яратилган йўриқнома ушбу ишнинг 1-2 иловасида берилмоқда.

Ҳозирги вақтда география фанини ўқитиш жараёнида талабаларнинг ижодий-изланувчанлик қобилиятларини шакллантириш, ривожлантириш, педагогик-психологик хусусиятларини эътиборга олиб ўқитиш, талабаларни дарс жараёнида фаоллаштириш, ўзлаштириш даражаларини кўтариш билан бирга маъруза машғулотлари самарадорлигини ошириш муҳим муаммолардан ҳисобланади. Бундай таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда талабалардаги билиш фаолиятининг энг юқори даражасини таъминловчи, уларнинг мустақил ижодий фикрлай олиш қобилиятларини ривожлантирувчи ўқитиш воситалари, шакл ва услубларини тўғри танлаши муҳим аҳамиятга эга. Н.Н.Баранский таъбири билан айтганда, дарс ўқитувчи томонидан талаба онгида барпо этилаётган бинонинг ғишти-дир. Ҳар бир дарс билим тизимлари ва кўникмаларидан бирон янгилик бериши, айтиш вақтда олдин ўрганилган билимларга суяниш ва сўнгида ўрганиладиган мавзулар учун таянч бўлиб хизмат қилиши зарур [26].

Олий ўқув юртларида ўқув жараёнида таълим беришнинг асосий шакли маъруза ҳисобланади. Ўқув дастурига кирувчи барча материаллар аввал матнли, сўнгра аудио ҳамда видео материаллар шаклда ишлаб чиқилади.

Аудиоматериаллар икки хил On-line режимидаги аудиоматериаллар коммуникация технологияларидан ва Off-line режимидаги аудиоматериаллар аудиокассеталар, аудиодисклар, файлларга ёзилган ҳолда тармоқ технологиялари орқали тарқатилади. Видео материаллар ҳам On-line ва Off-line режимидаги орқали тарқатилади. On-line режимида видео материаллар тўғридан-тўғри узатилади. Бунда педагог ва талабаларнинг реал вақтда бир-бирларини кўриши ва эшитиши улар орасидаги масофавий оралиқнинг йўқ бўлишига

олиб келади. Бу технология педагог ва талабанинг бевосита мулоқоти асосида ташкил этилиши билан ажралиб туради.

Off-line режимда видео материаллар видеокассеталар ва дискларга ёзиб олиниб тарқатилади. Бундай видео материаллар таркибига маъруза, мавзуга тааллуқли илмий-оммабоп видеоматериаллар, шу соҳанинг етук мутахассислари билан учрашув видеолавлари киритилади. Бундай видео материаллардан фойдаланиш ихтиёрий жойда ва вақтда, такрор ва такрор бажарилиши мумкин.

Анимацион маърузалар интерактив ўргатувчи компьютер дастурларининг мультимедиа технологияси асосида шаклланади. «Ўзбекистон табиий географияси» фанидан тайёрланган ЭЎМТ ёрдамида маърузани ўрганишда талабалар ўзларини қобилиятларидан, эҳтиёжларидан келиб чиқиб ўзлаштириш суръатини, ўрганиш усулини мустақил, эркин танлайдилар.

Электрон маслаҳат берувчи маълумотномалар электрон маълумотномага киради. Бундай маслаҳатлардан ўзлаштирилиши мураккаб бўлган янги мавзуларни ўқишда, амалий машғулотларни бажаришда, муаммоли саволларга жавоб топишда ва ҳ.к.ларда амалга оширилади.

Билимлар банкида ахборот технологиялари воситалари асосида дарсликлар, ўқув қўлланмалар, компьютер мультимедиали ўргатувчи тизимлар, аудио ва видео ўқув-ахборот материаллари, глоссарий ва турли маълумотномаларнинг электрон версиялари мужассам. Бундай электрон ресурслар мажмуаси бир қатор афзалликларга эга. Булар: электрон ресурслардаги маълумотларни тез қидириб топиш, уларнинг тизимли жойлашуви, материалларнинг кўргазмалилиги, келтирилган материаллар доирасининг кенглиги ва қўшимча маълумотларга бўлган мурожаатнинг мавжудлиги, материалларнинг ихчамлиги, материалларни етказиш усулининг осонлиги ва тезлигининг юқорилиги кабилар.

Педагогик маҳорат билан олиб борилган маъруза талабаларни амалий машғулотларда, мустақил билим олишларида ҳамда ўқув ва қўшимча адабиётлар билан ишлашларида татбиқ этиш учун зарур бўлган назарий билимлар, тавсиялар ва йўлланмалар билан қуроллантиради (2.1-жадвал). Маъруза машғулотларининг мақсади ўқув жараёни давомида талабаларга янги тасаввурлар, тушунчалар, қонуниятлар, ғоялар ҳақида билим бериш, олдинги маъруза машғулотларида талабалар эгаллаган билим, қўникма ва малакаларини

янада такомиллаштириш, ривожлантириш, тарбиявий-амалий аҳамиятга эга бўлган ишларга йўналтиришдан иборат.

2.1-жадвал

Маъруза машғулотларда компьютер технологиялари ва электрон ўқув-методик таъминотдан фойдаланиш имкониятлари²

№/ соат	Маъруза мавзулари	ЭУМТдан фойдаланиш мумкин	Дарс ишлан-маси берил.	Тавсия этилаётган интерфаол методлар
1. 2с.	Худудий табиий географиянинг объекти ва предмети. Ўзбекистоннинг географик ўрни, чегараси, майдони, табиатининг ўзига хос хусусиятлари.	Тех. харита, матн, ЭК., глоссарий, харита, тасвир, видеоролик	БББ	ЎЕТФ. ФСМУ. Бумеранг. Елпиғич. Ақлий хужум.
2. 4 с.	Ўзбекистон табиатининг географик ўрганилиши тарихи, босқичлари, йирик олимларнинг Ўзбекистон табиатини ўрганишга қўшган ҳиссаси.	Тех. харита, матн, ЭК., глоссарий, тасвир, видеоролик.	Ўқий-ман, Ёзаман, Фик-римни айтман (ЎЁФА)	БББ. Блиц. Чархпалак. Бумеранг. Елпиғич. Кластер.
3. 4 с.	Ўзбекистон худудининг геологик тузилиши, сейсмикалиги ва фойдали қазилмалари.	Тех. харита, матн, ЭК., глос., харита		ЎЕТФ. БББ. Блиц. Чархпалак.
4. 4 с.	Ўзбекистон худудининг орографик тузилиши. Рельеф ранг-баранг табиий шароит шакллантирувчи омил. Рельеф турлари ва геоморфологик районлари.	Тех. харита, матн, ЭК., глоссарий, харита, тасвир, видеоролик		ЎЕТФ. БББ. Блиц. Бумеранг. Елпиғич. Чархпалак. 6x6x6. 3x4.
5. 4 с.	Ўзбекистон иклими, уни ҳосил қилувчи омиллар таҳлили. Иқлим элементларига тавсиф. Нокулай иқлимий ҳодисалар.	Тех. харита, матн, глоссарий, харита тасвир ЭК.,	Қарор-лар шажараси.	ЎЕТФ. Елпиғич. Муаммоли. Бумеранг.

² Мазкур фан дастури ўзгариши билан айрим мавзуларда ҳам ўзгариш бўлиши мумкин.

6.	Ўзбекистоннинг ер усти сувлари, уларнинг ҳосил бўлиши ва географик тақсимланиши. Дарёлари, кўллари, музликлари. Ботқоқликлари. Ички сувлар режимининг ўзгартирилиши. Орол муаммоси.	Тех. харита, матн, ЭК., глоссарий, харита, тасвир, видеоролик.	Муаммоли	ЎЕТФ. Бумеранг Елпиғич. ФСМУ Чархпалак. Кластер. Ақлий хужум
7.	Ўзбекистон ҳудудининг ер ости сувлари, уларнинг ҳосил бўлиши ва генетик турлари, ресурслари ва улардан оқилона фойдаланиш.	Тех. харита, матн, ЭК., глос., харита, тасвир		ЎЕТФ. Бумеранг. Елпиғич. ФСМУ
8.	Ўзбекистон ҳудудининг типроқлари, уларнинг классификацияси ва хусусиятлари. Ер ресурслари, уларнинг ҳолати ва муҳофазаси.	Тех. харита, матн, ЭК., глос., харита, видеоролик		ЎЕТФ. ФСМУ. Муаммоли. Елпиғич. Кластер
9.	Ўзбекистон ўсимликлари, уларнинг кенглик зоналари ва баландлик минтақалари бўйича тақсимланиши, халқ хўжалигидаги аҳамияти ва муҳофазаси	Тех. харита, матн, ЭК., глоссарий, харита, тасвир, видеоролик	Бумеранг.	Елпиғич. ФСМУ. Муаммоли. Қарорлар шажараси
10	Ўзбекистон ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси, уларнинг ландшафт минтақалари бўйича тарқалиши, хўжаликдаги аҳамияти ва муҳофазаси.	Тех. харита, матн, ЭК., глос., харита, видеоролик	Елпиғич.	Қарорлар шажараси. Чархпалак. 6х6х6. 3х4.
11	Ўзбекистонда табиатни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш. Ўзбекистондаги регионал ва маҳаллий геоэкологик муаммолар ва уларнинг ечими. Қўриқхоналар, буюртмалар. Миллий боғлар.	Тех. харита, матн, ЭК., глоссарий, харита, тасвир, видеоролик	Фикр, Сабаб, Мисол, Умумлаштириш	Муаммоли. Бумеранг. Елпиғич. Қарорлар шажараси. Чархпалак.
12	Ўзбекистон табиий шароитини кишлоқ хўжалиги нуктаи-назаридан баҳолаш	Тех. харита, матн, ЭК., глос., харита, тасвир		ЎЕФА. Бумеранг. Елпиғич. ФСМУ.

13 2 с.	Ўзбекистон ландшафтларининг зоналиги ва баландлик бўйича минтақаланиши, таснифи, асосий тасниф бирликлари Ўзбекистон худудининг табиий географик районлаштирилиши.	Тех. харита, матн, ЭК., глоссарий, харита, тасвир, видеоролик		ЎЕФА. Бумеранг. Муаммоли Елпиғич. ФСМУ Кластер, Аклий хужум.
14 8 с.	Текислик кичик провинцияси округларига тавсиф	Тех. харита, матн, ЭК., глос., харита, тасвир		ЎЕФА. Бумеранг. Елпиғич. Кластер,
15 18 с.	Тоғ олди ва тоғлик кичик провинцияси округларига тавсиф	Тех. харита, матн, ЭК., глос., харита, тасвир		ЎЕТФ. Елпиғич. ФСМУ, Бумеранг.

Ҳар бир дарс учун мўлжалланган технологик харита ўқитувчидан ижодкорлик, ўз бурчига масъулият билан ёндашувни талаб қилади. Ҳар бир дарс, мавзу, ўқитувчининг ўзига хос хусусиятга эга бўлган, талабанинг эҳтиёжидан келиб чиққан, маълум бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан лойиҳалаштирилган, ижобий натижа беришга қафолатланган ижодий асари бўлиши керак. Биз қуйида, Ўзбекистон табиий географияси фанидан тайёрланган технологик харитани ва ЭЎМТдан фойдаланиш методикасини тавсия қиламиз.

Мавзу: Ўзбекистон табиатига умумий тавсиф. Ўзбекистоннинг географик ўрни, чегаралари ва табиатининг ўзига хос хусусиятлари.

Таълимий мақсад: талабаларни Ўзбекистон табиатининг умумий тавсифи, географик ўрни, чегаралари ва табиатининг ўзига хос хусусиятлари билан таништириш.

Ривожлантирувчи мақсад: Ўзбекистон табиатига, географик ўрни, чегаралари, табиатининг ўзига хос хусусиятларини харита ва қўшимча адабиётлар ёрдамида аниқлашга ўргатиш.

Тарбиявий мақсад: талабаларни табиатга, унинг неъматларига меҳр ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш туйғусида тарбиялаш.

**«Ўзбекистон табиатига умумий тавсиф» мавзусини
ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг «БББ» методи ва
ЭЎМТдан фойдаланилган дарснинг технологик харитаси**

Босқичлар ва регламент	Ўқитувчи фаолияти	Талаба фаолияти	КТ, ЭЎМТдан фойдаланиш
1	2	3	4
1-босқич. Тайёргарлик 5 дақиқа.	Ташкилий қисм: саломлашув, давомат.	Талаба диққатини жамлаб олади.	Компьютер ишга туширилади.
2-босқич. Такрорлаш. 10 дақиқа.	Ўтилган мавзу бўйича вазифа текширилади, саволлар берилади.	ЭЛ ижодий ишлар КТ ташалади. Вазифа бажарилади.	Презентация- тақдимот.
3-босқич. Компьютер билан ишлаш. 10 дақиқа.	ЭЎМТ тизимига ки- риш йўл-йўриғи ҳақи- да маълумот беради.	КТга логин ва паролни киритади, тизимга киришга рухсат олади.	Хамрр- control ишга туширилади.
4-босқич. Метод: БББ. Янги мав- зуга кириш. 10 дақиқа.	Доскани учга бўлади: 1. Биламан; 2. Билишни хоҳлайман; 3. Билиб олдим, деб ёзиб қўяди.	Жавоблар «Биламан» ва «Билишни хоҳлайман» устунига ёзилади.	ЭЎМТ, Star Board интерактив доска, проектор.
5-босқич. Янги мавзу билан танишиш. 20 дақиқа.	ЭЎМТдан фойдалан- ган ҳолда маъруза матнини ўқиш вазифасини беради.	Маъруза матнини ЭЎМТдан фойдаланган ҳолда мустикал, индивидуал ўқийди.	
6-босқич. Мавзунини мус- таҳкамлаш. 10 дақиқа.	Нималарни билиб олдингиз? – деган савол билан муружаат қилади.	Жавоблар «Билиб олдим» устунига ёзиб борилади.	Star Board интерактив доска,
7-босқич Умумий хулоса. 10 дақиқа.	Янги маълумотлар берилади, талабалар берган жавоблар тўлдирилади.	Тинглайди, фикрлаб мустикал, умумий хулоса чиқаради.	Презентация- тақдимот. Таълим ресурслари.
8-босқич. Мустаҳкам- лаш Рағбат. 10дақиқа.	ЭЎМТдан талабалар бўлимидан on-line- тестлар саҳифасига киришларини айтади.	on-line-тестлар са- ҳифасига киради, билимини мустаҳ- камлайди.	ЭЎМТ тала- ба. бўлими on-line-тест- лар саҳифаси


9-босқич. Кутиладиган натижалар	Дарсни бошқаради, талабаларни ЭЎМТ дан фойдаланишга ўр- гатади, фаоллаштира- ди, мустақил ишлайди.	Мавзуни қобилияти, имкони, қизиқиши, хотирасига қараб мустақил ўрганади, нутқи ривожланади.	ЭЎМТнинг барча имко- ниялардан тўлиқ фойда- ланилади
10-босқич. Келгуси режалар: тахлил, ўзгаришлар.	Ўз устида ишлайди, ўқитишнинг янги, самарадорлигини оши- риш, талабаларни мо- тивация қилиш йўл- ларини излаб топади, дарсни янада мазмун- ли, қизикарли бўлиши учун ижод. ёндашади.	Мавзу бўйича қў- шимча адабиёт ва Интернет тармоғи маълумотларидан мустақил, ижодий ёндашиб, янги маъ- лумотлар тўплайди, нутқини ривожлан- тириш учун ишди.	АКТ, Интернет ва ЭЎМТнинг имконидан оқилана фойдаланади.

Машғулотнинг бориши: 1-босқич. Тайёргарлик (5 дақиқа). Ташкилий қисм: саломлашув, давомат, талаба диққатини жамлаб олиши.

2-босқич. Такрорлаш (10 дақиқа). Ўқитувчи ўтилган мавзуни сўраб, мустаҳкамлайди.

3-босқич. Компьютер билан ишлаш (10 дақиқа). Талаба компьютер тизимига киришда ўзининг логини ва паролини тўғри киритади ва тизимга киришга рухсат олади ва Windows иш столи экранга чиқади. Windows операцион тизимининг бош менюсига Пуск ёки Ctrl+Esc тугма орқали мурожаат қилади (3-Илова).

ЭЎМТ бош саҳифасидан «Geografiya» бўлимини сичқонча билан босганда, «O'zbekiston geografyasi fani ma'ruzalari» қисми очилади.



2.1-расм. Маърузалар ойнаси

Маърузалар рўйхатидан (2.1-расм) «Ўзбекистон табиатига умумий тавсиф. Ўзбекистоннинг географик ўрни, чегаралари ва табиатининг ўзига хос хусусиятлари» мавзуси танланади.

4-босқич. Янги мавзуга кириш (10 дақиқа). Ўқитувчи ёзув дўжани учга бўлади: 1. Биладан. 2. Билишни хоҳлайман. 3. Билиб олдим, деб ёзиб қўяди.

Изоҳ: *Star Board* интерактив доска ёки проектордан фойдаланиш мумкин.


5-босқич. Ўқитувчи янги мавзуга кириш қисмини И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида берилган қуйидаги фикрлар билан бошлайди: «Амударё билан Сирдарё оралигида жойлашган Ўзбекистон халқаро алоқаларни йўлга қўйиш нуқтаи назардан ва ўз тараққиёт истиқболлари жиҳатидан қулай **жўрофий-стратегик** мавқега эга. Қадим замонларда Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган Буюк Ипак йўли Ўзбекистон худуди орқали ўтган. ...Бугунги кунда ҳам Европа ва Яқин Шарқдан Осиё-Тинч океани минтақасига олиб борадиган йўللар шу ерда кесишади» [1, 227-228]. Сўнгра талабаларга қараб: «Ўзбекистоннинг географик ўрни, чегаралари ва табиатининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида нималарни биласиз?» деган савол билан муружаат қилади. Талабаларнинг жавоби ўқитувчи томонидан «Биладан» устунига ёзиб борилади ва оғзаки такрорланади.

6-босқич. Ўқитувчи талабаларга қараб: «Ўзбекистоннинг географик ўрни, чегаралари ва табиатининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида нималарни билишни хоҳлайсиз?» деган савол билан муружаат қилади. Талабаларнинг жавоби ўқитувчи томонидан «Билишни хоҳлайман» устунига ёзиб борилади.

7-босқич. Янги мавзу билан танишиш (20 дақиқа).

Талабалар «Ўзбекистон табиатига умумий тавсиф. Ўзбекистоннинг географик ўрни, чегаралари ва табиатининг ўзига хос хусусиятлари» маъруза матнининг вербал кўринишини ўқишни бошлайдилар.

Талаба ЭЎМТнинг усқуналар панелидаги «Metodika» бўлимидан «Ko'rgazmali materiallar» қисмига кириб «Kartalar», «Ichki suvlar!» ва б. тугмаларидан ҳам фойдаланиб, қўшимча, қизиқарли маълумотларга эга бўлишлари мумкин.




2.2-расм. Маъруза мавзуси ойнаси



2.3-расм.Кўргазмали материаллар ойнаси

Хар бир талаба мавзунини мустақил ўрганиш жараёнида қобилияти, хотираси, имконияти ва қизиқишига қараб «ELEKTRON KUTUBXONA» (2.4-расм) саҳифасидан фойдаланиши, билим, кўникма ва малакасини ривожлантириши мумкин.



2.4-расм. Электрон кутубхона ойнаси

Ўқиб ўрганган маъруза мавзуларини мустақкамлаш, янада мукамалроқ билиб олиш мақсадида ҳар бир талаба «Видео роликлар» бўлимига кириши мумкин.



2.5-расм. Видео роликлар ойнаси

8-босқич. Ўқитувчи талабаларга қараб: «Ўзбекистон табиатига умумий тавсиф» мавзусидан унинг географик ўрни, чегаралари ва табиатининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида нималарни билиб ол-

дингиз? – деган савол билан мурожаат қилади. Талабаларнинг жавоби ўқитувчи томонидан «Билиб олдим» устунига ёзиб борилади ва оғзаки такрорланади.

Изоҳ: StarBoard интерактив доска ёки проектордан фойдаланиш мумкин.

9-босқич (10 дақиқа). Ўқитувчи ЭЎМТнинг ускуналар панелидаги «Metodika» бўлиmidан «Ko‘rgazmali materiallar» қисмига кириб презентация – тақдимотлардан фойдаланган ҳолда мавзуну умумлаштириб, хулоса қилади.



2.6-расм. Тақдимот-презентация ойнаси

10-босқич. Янги мавзуну мустаҳкамлаш (10 дақиқа). Ўқитувчи талабалар эътиборини маъруза матнидаги таянч термин ва тушунчалар қаторига қаратади [83]. Талабалар янги таянч термин ва тушунчалар, тушунмаган сўзларининг илмий маъносини «Луғат» бўлимига кириб билиб олишлари мумкин.

Таянч термин ва тушунчалар: мўътадил, субтропик минтакалар, географик кенглик ва узунлик, ҳаво массалари, ғарбий ва шарқий шамоллар, чала чўл, ғарбий, шимолий, жанубий ва шарқий чекка нуқталар, плато, хомашё, потенциал захира, сиёсий ва иқтисодий харита, шарқ дарвозаси, типик континентал, оқимсиз ўлка, доимий қор ва музликлар, табиат зонаси, минтака, тектоника, зилзила ва бошқалар.

11-босқич. Ўқитувчи янги мавзуну баён этишда ишлатилган янги таянч термин ва тушунчалардан қайси бирининг маъноси тушу-

парли бўлмаса, ЭЎМТнинг дастур ускуналар панелидаги «Луғат» (гlossарий) тугмасини босиб, керакли ҳарфга гипермуружаат қилинишни айтиб ўтади. Шундан сўнг талаба ўзи қизиққан таянч атамни [92] «Луғат» (гlossарий) ускунасидан кидириб топиши ёки «қидирув» ускунасидан фойдаланиб илмий асосланган маълумотга эга бўлиш мумкин.



2.7-расм. Луғат (гlossарий) ойнаси

12-босқич. «Географик номлар» гипермуружаат билан ишланади. ЭЎМТда берилган харитадан қуйидаги географик номлар, географик объектлар топилади ва ёзувсиз харитага туширилади: Амударё, Сирдарё, Шимолий Муз океани, Ҳинд, Атлантика, Тинч океанлари, Арктика, Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон ва бошқалар.

13-босқич. Мавзуга хулоса қилиб, машғулотга яқун ясалади. Машғулот якунида ўқитувчи талабаларга ЭЎМТда «Баҳолаш сўровномаси» саҳифасига кириб ўз фикр ва мулоҳазаларини ёзиб беришларини айтиди. Талабалар томонидан махсус тузилган анкета тўлдирилади, дарсга ёзма шаклда баҳо берилади. Ўқитувчи баҳолаш сўровномаси натижаларини таҳлил қилади ва дарсга яқун ясади (5 дақиқа).

Олий таълим ўқитиш тизимига маъруза билан биргаликда амалий машғулот ҳам таълимий, тарбиявий ва назарияни амалиёт билан боғлаш функцияларини бажаради.

Амалий машғулотларнинг маърузадан фаркланадиган асосий белгиларидан бири ўқув жараёни катнашчиларининг биргаликдаги ўқув мақсадларига эришиш ҳаракатларида кўзга ташланади. Педагогик ва ахборот технологиялари уйғунлаштирилган маърузада илмий билимлар асоси баён қилинадиган бўлса, амалий машғулотларда талабалар томонидан ўзлаштирилган билимлар мустаҳкамланади, оддий тушунчалар умумгеографик тушунчаларга айлантирилади, кенгайтирилади ва янги, қутилмаган вазиятларда қўллаш имконияти вужудга келтирилади. Амалий машғулотлар талабалар билимини мустаҳкамлаш, амалиётга қўллаш, назорат қилиш ва баҳолашга хизмат қилади.

«Ўзбекистон табиий географияси» фанидан ташкил этиладиган амалий машғулотлар қуйидаги вазифаларни ечишга қаратилган бўлади:

- маърузада баён қилинган назарий ғоя, назария, қонуният ва билимларни мустаҳкамлаш;

- фан бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш;
- талабаларнинг географик илмий-тадқиқот, билиш қобилиятларини ўстириш;

Фандан ташкил этиладиган амалий машғулотларни ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- амалий машғулотларни режалаштира олиш ва ўтказа олиш;
- амалий машғулотларнинг мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- фан ва ишлаб чиқариш бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- талабани назарий ва амалий жиҳатдан тайёрлаш;
- амалий машғулотлар нафақат муайян мавзу бўйича билимларни яқунлаш, балки талабаларни тарбиялаш манбаи саналади. Амалий машғулотдан кўзланган асосий мақсад ўрганилган материалларни чуқурроқ, пухтароқ тушуниб етиш, назарий билимларни амалда татбиқ этиш, амалий кўникма ва малакаларни эгаллашда талабаларга ёрдам беришдан иборатдир. Амалий машғулотлар ўқитувчи раҳбарлигида оммавий тарзда ҳам, якка тартибда ҳам бажарилади.

рилиши мумкин. Назарий билимларни амалиёт билан, турмуш тажрибалари билан боғлаб олиб бориш таълимнинг етакчи қоидаларидан ҳисобланади.

Амалий машғулот-табиат ҳодисларини кузатиш, кузатиш асбоблари билан ишлаш, тажриба ўтказиш, маълумотлар асосида хулосалар чиқариш, план олиш, мавзули харита ва ёзувсиз хариталар билан ишлаш кабиларни ўз ичига олади. Бу ишлар талабаларни география фани тадқиқот методлари билан таништириш ва уларда амалий ишларни ўтказиш бўйича тегишли кўникма ва малакалар ҳосил қилишга қаратилган. Амалий машғулотларда талабалар олган назарий билимларни амалда мустақкамлаш учун турли мавзули хариталар чизиш, уларнинг шартли белгиларини ўқиш, хариталарни таҳлил қилиш, хариталар асосида кесмалар тайёрлаш ишларини ҳам бажарадилар [29; 58].

2.3-жадвал

Амалий машғулотларда компьютер технологиялари (КТ) ва электрон ўқув-методик таъминот (ЭЎМТ)дан фойдаланиш имкониятлари³

№/соят	Амалий машғулот мавзулари	КТ ва ЭЎМТ-дан фойдаланиш имкониятлари	Дарс ишлан-маси берил
1. 4с.	Ёзувсиз харитага Ўзбекистоннинг давлат чегарасини тушириш, чекка нуқталарини аниқлаб уларнинг координаталарини ёзиш, улар орасидаги масофани аниқлаш. Давлат чегараси қайси табиий-географик объектлардан ўтишини аниқлаб уларнинг номини ёзувсиз харитага ёзиш. Худуднинг географик ўрнини Ғарбий Европадаги шу кенгликда ётган давлатлар билан солиштириш ва табиати ўртасидаги фарқларни, уларни келтириб чиқарган сабабларни аниқлаш.	Матн, ЭК., глоссарий, харита, тасвир, видеоролик. фой-ди. Word, Excel дастурда иш баж-ди. Power Pointда презентация-тақдимот тайёрлайди.	Тех. харита Ёзувсиз харита билан иш-ди.
2. 2с.	Ўзбекистон табиатини ўрганган асосий олимларнинг исми, шарифи, яшаган вақти ва қилган ишлари ҳақидаги қисқача маълумот тўплаш ва уларни амалиёт дафтарига	Матн, ЭК, глоссарийдан фой-ди. Wordда иш	

³ Мазкур фан дастури ўзгариши билан айрим мавзуларда ҳам ўзгариш бўлиши мумкин.

	ёзиш. Ўзбекистонни табиий географик ўрганиш боскичларига қисқача тавсиф ёзиш.	бажаради.	
3. 10с	Ўзбекистоннинг табиий харитасини ёзувсиз харитада тайёрлаш. Ўзбекистон қазилма бойликларини, қабул қилинган белгилардан фойдаланиб ёзувсиз харитага тушириш, улар хақидаги маълумотларни (жадвал шаклида коннинг номи, у қандай геологик ётқиқлар	Матн, ЭК., глоссарий, харита, тасвир, видеороликдан фой-ди.	Блиц. Тех. харита
	орасида жойлашган, нима қазиб олинади, қайси вилоятда жойлашган) амалиёт дафтарига ёзиш. Ўзбекистон орографиясини яққол тушуниш учун унинг бир қисми бўйлаб (масалан, 42° ш. к.) гипсометрик кесма тайёрлаш.	Word, Excel, Paintда иш бажаради.	
4. 8 с.	Ёзувсиз харитада Ўзбекистоннинг геологик харитасини тайёрлаш ва чизган кесмага геологик маълумотларни тушириш. Ўзбекистоннинг зилзила харитасини тайёрлаш, унда давлатимиз ҳудудида бўлиб ўтган энг кучли зилзилалар ўчоғини кўрсатиш.	Матн, ЭК, харита, тасвирдан фой-ди. Excel, Paintда иш бажаради.	Ақлий ҳужум. Тех. харит.
5. 6 с.	Ёзувсиз харитада Ўзбекистон ҳудудида йиллик ёгин миқдорини, июль ва январь ойининг изотермаларини ақс эттириш. Июль ва январь ойидаги асосий шамоллар йўналишини кўрсатиш. Қуёшнинг йил давомида неча соат нур сочиб туришини қуйидаги шкаладан фойдаланиб – 2600 соатдан кам; 2600–2800; 2800–3000, 3000 соат ва ундан кўп тушириш. Учинчи амалий ишда бошланган комплекс кесмага ёгин-сочин, булганган комплекс кесмага ёгин-сочин, булганган миқдори, ҳарорат хақидаги маълумотларни тушириш.	Матн, ЭК, харита, глоссарий, видеоролик, тасвирдан фойдаланади. Word, Excelда иш бажаради.	
6. 4 с.	Ёзувсиз харитада дарёлар, кўллар, сув омборлари, йирик каналларни, музликларни белгилаб, уларнинг номини ёзиш. Жадвал тартибда қуйидаги маълумотларни бериш: а) энг йирик дарёларнинг номи, ўртача йиллик сув сарфи ($m^3/сек$), узунлиги, ҳавзасининг майдони ($км^2$), бошланиш ва қуйилиш ерлари, тўйиниш типини, йиллик оқим миқдори ($км^3$); б) кўлларнинг номи, майдони,	Матн, ЭК. глоссарий, харита, тасвир, видеороликдан фой-ди. Word, Excel, Paintда иш баж-ди.	Чарх-палак. Тех. харита

	<p>жойлашган ери, ҳосил бўлишига кўра тип, ўртача ва энг чуқур ери неча метр, шўрлиги, хўжаликдаги аҳамияти; в)сув омборлари, қайси дарёда қурилган, географик ўрни, ишга тушган йили, сув сизими (млн.м³), майдони, нима мақсадда фойдаланилади, қайси ҳудудлар ерларини сув билан таъминлайди. Орол денгизини сақлаб қолиш ҳақидаги фикр мулоҳазаларингиз.</p>	<p>Power Pointда презентация-тақдимот тайёрлайди.</p>	
7. 4 с.	<p>Ёзувсиз харитада Ўзбекистонда тарқалган тупроқ типларини кўрсатиш, қадимдан деҳқончилик қилиб келинаётган ерларни, янги ўзлаштирилган ҳудудларни харитада ажратиш, 3-ишда бошланган кесмагатупроқ маълумотларини тушириш. Ўзбекистон ер фондидан фойдаланилаётгани акс эттирувчи жадвал яратиш.</p>	<p>Матн, ЭК., харита, тасвир, видеороликдан фой-ди. Word, Excelда иш бажаради.</p>	
8. 5с.	<p>Ёзувсиз харитада Ўзбекистоннинг ўсимлик харитасини тайёрлаш. Ўсимликларнинг тарқалишини ўрганиш, қонуниятларини белгилаб ёзиш. Ҳудудда ўсадиган доривор ўсимликлар тўғрисидаги маълумотларни – ўсимликларноми, ўсадиганери, қайси мақсадда ишлатилади, муҳофазаси қабиларни жадвал шаклида бериш. Комплекс кесмага ўсимлик қопламани тушириш, кўриқхоналарни, заказникларни ёзувсиз харитада белгилаб номларини ёзиш. Жадвалда табиат зоналар номини, абсолют баландлиги, асосий тупроқ типларини, ўсимликларини ва ҳайвонот дунёсини акс эттириш.</p>	<p>Матн, ЭК., харита, таълим ресурслари, видеороликдан фой-ди. Word, Excel, Power Point ва Paintда иш бажаради.</p>	
9. 8 с.	<p>Ёзувсиз харитада Ўзбекистоннинг «Атроф мухитни муҳофаза қилиш» харитасини тайёрлаш, кўриқхоналар, буюртмалар, миллий боғлар ва табиат ёдгорликларнинг географик ўрнини белгилаш. Жадвал шаклида кўриқхона, буюртма, миллий боғ ва табиат ёдгорликлари ҳақида қуйидаги маълумотларни бериш: номи, жойлашган ҳудуди, ташкил топган йили, майдони, вазифаси, қайси ташкилотга қарашли экани.</p>	<p>Матн, ЭК. харита, таълим ресурслари, видеороликдан фой-ди. Word, Excelда иш бажаради.</p>	
10. 8 с.	<p>Ёзувсиз харитада Ўзбекистоннинг ландшафт харитасини тайёрлаш. Жадвалда ҳудудда ажратилган табиат зоналар, баландлик мин-</p>	<p>ЭК, таълим ресурслари, фотогалерея</p>	

	тақаларининг номини, абсолют баландлиги, асосий тупроқ типларини, рельефи, иклими, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёсини акс эттириш.	хариталар, Excelда иш-ди.	
11. 6 с.	Ўзвусиз харитада Ўзбекистон худудини табиий-географик районлаштириш харитасини тайёрлаш, шартли белгилар ёрдамида провинция, кичик провинция, округ ва районларнинг чегарасини кўрсатиш ва уларни ажратиш мезонларини амалиёт дафтарига ёзиш	ЭК, таълим ресурслари, харитадан фой-ди. Word, Excelда иш-ди	
12. 8 с.	Ўзвусиз харитада текислик кичик провинциясида ажратилган табиий географик округларнинг табиий харитасини тайёрлаш. Ҳар бир ажратилган округларга тавсиф ёзиш ҳамда улардаги экологик ҳолатини баҳолаш.	ЭК, таълим ресурслари, харитадан фой-ди. Excelда иш б.	
13. 12 с.	Ўзвусиз харитада тоғолди, тоғ кичик провинцияси ажратилган табиий географик округларнинг табиий харитасини тайёрлаш. Ҳар бир ажратилган округга тавсиф ёзиш, ҳамда улардаги экологик вазиятни баҳолаш.	ЭК, таълим ресурслари, харитадан фой-ди. Power Point.	

Амалий машғулот вазифаларини бажаришда талабани ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш, унинг қизиқишини орттириш ғоят муҳим бўлиб, қизиқиш талабанинг ўқишга мойиллигини акс эттиради. Таълим жараёнида педагог талабани қизиқтирган нарса, ҳодиса ва табиий жараёнлар билан шуғулланишига шароит яратиб бериш билан бирга, унинг қизиқишларини ривожлантириши, талабани фикрига кўра етарли даражада қизик кўринмаган ўқув материаллари билан ҳам шуғулланиш заруриятини ҳис қила олиш руҳида тарбиялаши лозим. Педагог талабанинг амалий машғулотларни бажариш жараёнида мустақил изланиб, эркин, илмий асосланган ҳолда танқидий фикрлай оладиган шахс сифатида шаклланиши учун ахборот коммуникация технологиялари ва электрон ўқув-методик таъминот имкониятларидан самарали фойдаланишга йўналтира олиши керак. Қуйида «Ўзбекистон табиий географияси» фанидан амалий машғулотларда компьютер технологиялари ва электрон ўқув-методик таъминотдан фойдаланиш имкониятларини кўриш мумкин.

«Ўзбекистон табиатига умумий тавсиф» мавзусини ўқитишда
ЭЎМТ дан фойдаланилган дарснинг технологик харитаси

Босқичлар ва регламент	Ўқитувчи фаолияти	Талаба фаолияти	КТ, ЭЎМТдан фойдаланиш
1	2	3	4
1-босқич. Тайёргарлик. 5 дақиқа.	Ташкилий қисм: саломлашув, да- волат	Талаба диққатини жам- лаб олади.	Компьютер ишга туширилади.
2-босқич. АКТ билан ишлаш. 5 дақиқа.	ЭЎМТ тизимига кириш тартиби кўрсатилади	КТга логин ва паролни кирилади, тизимга ки- ришга рухсат олади.	Xampp-control ишга туширилади.
3-босқич. Вазифани аниқлаш. 5 дақиқа.	ЭЎМТ юклана- ди, вазифалар билан таништи- ради.	Амалий топшириқлар са- ҳифаси очилади, амалий машғулот вазифалари билан танишиб чиқадилар.	ЭЎМТ дан амалий топшириқлар саҳифаси.
4-босқич. Якка ҳолда ишлаш. 20-дақиқа.	Амалий машғу- лот вазифалари- ни бажариш жараё- нини назорат килади.	Билими, қизиқиш қоби- лиятига қараб ўз гуру- ҳига берилган амалий иш вазифасини муста- қил, ижодий ёндашиб ба- жаради.	Методика бўлимидан «Кўргазмали куроллар», «Хариталар» ойначаси .
5-босқич. 5-дақиқа.	Ўзвусиз харита билан ишлаш тавсия этилади.	1. Ўзбекистоннинг чек- ка, шимолий, жанубий, гарбий ва шарқий нуқта- ларини аниқлаш ва улар- ни ўзвусиз харитага бел- гилаш.	«Кўргазмали куроллар», «Хариталар» ойначаси .
6-босқич. 5-дақиқа.	Вазифаларини бажариш жараё- нини назорат ки- лади	2. Аниқланган чекка ну- қталар координаталари- ни ўзвусиз харитага ёзиб олиш.	
7-босқич. 5-дақиқа.		3. Географик координа- та, чекка нуқталар ора- сидаги масофаларни хар- ритадан масштаб ёрда- мида аниқлаш.	
8-босқич.		4. Давлат чегаралари	

5-дақиқа.		Ўтган географик объектлар номи ёзувсиз харитага ёзиб олинади.	
9-босқич. Жамоа бўлиб ҳамкорликда ишлаш 20 дақиқа.		Талабалар мустақил тўплаган маълумотларини жамоа бўлиб ҳамкорликда муҳокама қиладилар ва умумий презентация-тақдимот тайёрлайдилар.	
10-босқич Умумий хулоса. 10 дақиқа		Тинглайди, фикрлаб мустақил, умумий хулоса чиқаради	Презентация – тақдимот. Таълим ресурслари.
11-босқич. Кутиладиган натижалар	Мустақил ишлашга йўналтиради, талабаларни мустақил ишлашга ўргатади.	ЭЎМТдан харитага фойдаланиб ёзувсиз харита билан ишлашга ўрганади, янги маълумотларга эга бўлади.	ЭЎМТнинг барча имконият ларидан тўлиқ фойдаланилади
12-босқич. Келгуси режалар: таҳлил, ўзгаришлар.	Ўз устида ишлайди, ўқитишнинг янги, самарадор, талабаларни мотивация қилиш йўллари-ни излаб топади.	Мавзу бўйича қўшимча адабиёт ва Интернет тармоғи маълумотидан мустақил, ижодий ёндашиб маълумотлар тўплайди. Мустақил, эркин, илмий асосланган ҳолда ўз фикрини баён этишга ўрганади.	АКТ, ИНТЕРНЕТ ва ЭЎМТнинг имконидан оқилона фойдаланади.

Мавзу: Ўзбекистоннинг давлат чегаралари.

Таълимий мақсад – Ўзбекистоннинг давлат чегаралари, чекка нуқталар координаталарини аниқлаш усулларини мустақамлаш.

Ривожлантирувчи мақсад – ёзувсиз харитага Ўзбекистоннинг давлат чегарасини тушириш. Чекка нуқталарини аниқлаш, координаталарни ёзиш ва улар орасидаги масофани аниқлаш

Тарбиявий мақсад – давлат чегарасини қайси табиий географик объектлардан ўтишини аниқлаб, уларнинг номини ёзувсиз харитага ёзиш.


– «Ўзбекистон табиий географияси» фанидан харитада ишлаш билан боғлиқ амалий машғулот технологик харитасини ва ЭЎМТдан фойдаланиш методикасини келтирамиз.

Машғулотнинг бориши: 1-босқич. Тайёргарлик (5 дақиқа). Ташкилий қисм: саломлашув, давомат, талаба диққатини жамлаб олиши.

2-босқич. Компьютер билан ишлаш (5 дақиқа). Компьютер ва ЭЎМТ дан ушбу ишдаги 3-иловадан тартиб бўйича фойдаланилади.


3-босқич. Амалий машғулот вазифасини аниқлаш (10 дақиқа). Компьютер иш столида «Ўзбекистон табиий географияси» фанидан тайёрланган ЭЎМТ юкланади. ЭЎМТнинг бош саҳифасидаги «Geografiya» бўлимини сичқонча билан босганда, «O‘zbekiston geografiyasi fani amaliy topshiriqlar» саҳифаси очилади.

«O‘zbekiston geografiyasi fani amaliy topshiriqlar» ойначасига сичқончани олиб бориб босилганда, машғулот мавзуси рўйхати пайдо бўлади.




2.8-расм. Амалий топшириқлар рўйхати ойнаси

Мавзулар рўйхатидан «Ўзбекистоннинг давлат чегаралари» мавзуси танланади. Талабалар амалий машғулот вазифалари билан танишиб чиқади.



2.9-расм. Амалий топшириқ вазифалар ойнаси

Шундан сўнг, ЭўМТнинг ускуналар панелидаги «Metodika» бўлимидан «Ko'rgazmali materiallar» қисмига кириб «Kartalar» ойначаси очилади. Хариталар ичидан мавзуга тегишли бўлганини танлайди.



2.10-расм. Хариталар ойнаси

Компьютер экранида Евроосиё материгининг харитаси пайдо бўлади, унда Ўзбекистоннинг географик ўрни ҳам кўрсатилган.

Талаба бу харита билан танишиб чиқади ва ўзига керак бўлган маълумотларни амалий иш дафтарига ёзиб олади. Ўқитувчи машғулот бошланишидан олдин мунозара, таҳлил учун мавзуга оид бирор муаммони белгилайди. Ушбу технология бир неча боскичда ўтказилиши ҳақида талабаларга маълумот беради, гуруҳларга вази-фалар таркатади, қўйилган вазифа гуруҳларда бажарилиши керак-лигини таъкидлайди, муаммонинг ҳал этилиши, у борада энг мак-бул ечимни аниқлашга муайян вақт белгилайди.

4-босқич. Якка ҳолда ишлаш (20 дақиқа). Янги мавзу тала-баларга мустақил тайёрланишлари учун компьютердаги ЭЎМТда берилади. Ҳар бир талаба билими, кизиқиш қобилиятига қараб ўз гуруҳига берилган вазифани ЭЎМТнинг кенг имкониятларидан фойдаланган ҳолда мустақил, ижодий ёндашиб амалий ишни бажа-ради. Талаба ЭЎМТнинг ускуналар панелидаги «Metodika» бўли-мидан «Ko'rgazmali materiallar» қисмига кириб «Kartalar» гипер-муружаатига муружаат қилиб, Ўзбекистоннинг сиёсий харитасини очади. Талаба бу харита билан ҳам танишиб чиқади ва ўзига керак бўлган маълумотларни конспект қилиб олади.

5-босқич. (20 дақиқа). Талаба барча керакли маълумотлар маж-муасига эга бўлгандан сўнг, ёзувсиз харита билан ишлашни бош-лайди.

6-босқич. 1-вазифа – Ўзбекистоннинг чекка, яъни шимолий, жа-нубий, ғарбий ва шарқий нуқталарини аниқлаш ва уларни ёзувсиз харитада белгилаб қўйиш.

7-босқич. 2-вазифа – Ўзбекистоннинг шимолий, жанубий, ғар-бий ва шарқий нуқталари координаталарни аниқлаш ва ёзувсиз ха-ритага ёзиб олиш.

8-босқич. 3-вазифа – географик кординаталар, чекка нуқталар орасидаги масофаларни компьютер экранида чиқиб турган харита-дан масштаб ёрдамида ўлчанади, километрларга айлантирилади ва ҳақиқий масофа аниқланади.

9-босқич. 4-вазифа – давлат чегаралари ўтган географик объект-лар номи аниқланади ва ёзувсиз харитага ёзиб олинади.

10-босқич. Жамоа бўлиб ҳамкорликда ишлаш (20 дақиқа). Талабалар мустақил тўплаган маълумотларини жамоа бўлиб ҳам-корликда муҳокама қиладилар ва умумий презентация – тақдимот тайёрлайдилар. Компьютер ёрдамида амалий машғулотлар бажа-ришнинг ижобий томони талаба, ҳеч кимга халакит бермаган ва

Ўқитувчини бўш вақтини кутмаган ҳолда ижодий изланади, зарур бўлса, ўз устида мустақил равишда қайта-қайта ишлаш имконига эга бўлади.

2.2. Талабаларни мустақил таълимни ташкил этиш методикаси

Талабаларнинг мустақил таълими олий ўқув юртида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади. Ўқув-методик адабиётларнинг таҳлили мустақил ишларнинг тавсифи ва таснифи, ташкил этилишига турлича ёндашувлар мавжудлигини кўрсатди.

Дидактикада талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш муаммолари кўп тадқиқотларда ишлаб чиқилган. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, мустақил таҳсилни ташкил этишнинг қуйидаги йўллари мавжуд:

1. М.И.Скаткиннинг тадқиқотларида талабаларнинг мустақил таҳсил фаолиятини шакллантиришга асос бўладиган мустақил масалалар ечишни йўлга қўйиш ишлаб чиқилган [77].

2. М.И.Дьяченко [42], В.И.Загвязинский [44], Н.В.Бочкина [33]нинг изланишларида талабаларда билиш фаолияти усулларини шакллантириш орқали мустақил ишларни ташкил этиш йўллари тадқиқ этилган

3. И.Я.Лернер [52], П.И.Пидкасистий [73], Ю.К.Бабанскийларнинг [25] тадқиқотларида мустақил ишларни таълим-тарбия жараёнига методологик билимларнинг таркибий қисмларини киритиш ва ўқув фаолиятида ўз-ўзини назорат қилишни ривожлантириш орқали ташкил этиш ўз аксини топган.

4. Талабаларнинг мустақил таҳсил фаолиятини ташкил этиш муаммолари В.И.Загвязинский [44], Д.В.Вилькеев [35], А.Е.Абилқасимова [20] тадқиқотларида ўз ечимини топган.

Педагогик-психологик тадқиқотларнинг таҳлили, айрим тадқиқотчилар таҳсил олувчиларнинг билиш фаоллигини фаолият сифатида тадқиқ этган бўлса, бошқалари шахснинг хусусияти шаклида фикр юритганликларини кўрсатди.

Т.И.Шамова [90] ўз тадқиқотларида мустақил таҳсилни шахснинг моддий олами билиш, такомиллаштириш ва ўзгартиришга ёрдам берадиган ўқув-билиш топшириқларини ўзгаларнинг ёрдამисиз ечиш орқали билим ва фаолият усуллари кўникмаларини

итилишти бўлган интилишини характерловчи хусусияти сифатида қайд қилинган.

Таълимчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва фаоллаштириш муаммолари мураккаб педагогик жараён бўлиб, мазкур муаммога бағишланган тадқиқотлар Н.В.Бочкина [33] ва бошқалар томонидан кўп қиррали ва турли йўналишларда ҳал этилиши кўриб чиқилган.

Мазкур тадқиқотларда олий ўқув юрти талабаларининг билиш фаолияти ва мустақил таҳсилини ташкил этиш муаммолари етарли даражада ёритилмаган.

Олий ўқув юрти олдидаги энг муҳим муаммолардан бири талабаларнинг узлуксиз ва мунтазам равишда ўз билимини мустақил оширишга имкон берадиган, билиш фаолиятининг самарали ташкил этилишига замин яратадиган мустақил ишларни такомиллаштиришдир.

Мазкур такомиллаштириш олий ўқув юрти талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этишда электрон ўқув-методик таъминотдан фойдаланишни тақоза этди.

Олий таълим муассасасида таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий меъёрий ҳужжатлардан бири Давлат таълим стандартида талабаларнинг ҳафталик максимал ўқув юкласи 54 соат ҳажмида белгиланган бўлиб, шундан 28 соати аудитория, 26 соати мустақил таълимга ажратилган. Таълим дастурида фанларнинг бир қатор масала ва муаммолари мустақил таълим орқали ўрганилиши кўзда тутилган. Ҳозирги вақтда олий таълим муассасаларида талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 21 февралдаги 34-сонли буйруғи асосида тасдиқланган «Талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби» тўғрисидаги намунавий Низом асосида амалга оширилмоқда.

Мустақил таълим талабалар томонидан у ёки бу фан бўйича дастур материалларидан бир қисмини мустақил ўзлаштирилишидир. Мустақил таълим қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

1) бевосита аудиторияда – маъруза, амалий машғулот, семинар каби вазифаларни бажариш жараёнида;

2) ўқитувчининг дарс жадвалидан ташқари вақтда талабага илмий маслаҳатлар бериш, ижодий мулоқот, талабадан яқка топшириқ қабул қилиш жараёнида ва б;

3) талабанинг ўқув ёки ижодий топшириқларни ахборот ресурс марказида, кафедраларда, уйда, талабалар уйларида бажариш жараёнида.

Талабалар мустақил таълимини компьютер технологиялари асосида ташкил этиш истикболли йўналишлардан бири саналади. Маълумки, ўқув материалларининг турли шакллари, жумладан, ўрганиладиган жараён ва ҳодисаларни виртуал шаклда акс эттирадиган, янги мавзуларни ўзлаштириш жараёнида вужудга келадиган саволларга ихтиёрий вақтда тўлиқ жавоб олиш имкониятини берадиган электрон ўқув-методик таъминотлар, таълим ресурслар, электрон луғат-маълумотномалар, табиий фанларни йўналишлари бўйича виртуал амалий машғулотлар ва намоиш-тажриба машғулотлари талабалар томонидан ўқув фанларини мустақил ўрганишида зарур бўладиган ресурслардан ҳисобланади. Мустақил таълим ҳар бир талабанинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

География таълимининг асосий вазифаларидан бири талабаларни ўқув жараёнида эгаллаган назарий билимларини мустақил ўзлаштириш, ўрганиш ва уларни амалда татбиқ эта олишга йўналтиришдан иборат. Мустақил таълимга кейинги йилларда алоҳида эътибор берилиши бежиз эмас, чунки психолог ва педагогларнинг таъкидлашича, талаба билим олишда мустақилликка ўргатилмаса, унинг олган билимлари юзаки бўлади. Мустақил таълим дарслик, кўшимча адабиётлар, оммавий, компьютер ахборот воситалари, картографик ва кўргазмали қўлланмалар, Интернет маълумотларидан фойдаланган ҳолда ижодий изланишдир.

Мустақил таълимда ҳар бир талаба ўзининг муайян фандан эгаллаган илми, билими, ақл-идроки, эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда билимларни мустақил эгаллайди. Мустақил таълимдан кўзланган асосий мақсад назарий ва амалий билимларни эгаллаш, қонуниятларни белгилаш, табиат компонентлари орасидаги ўзаро таъсир ва боғланишларни аниқлаш, билим олиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат.

Мутахассисларнинг фикрича, талабаларнинг ўқув фанлари мазмунини ўзлаштиришларида уларнинг фаол, ижодий, мустақил фаолиятигина самарали натижа бериши мумкин. Мустақил таълим давомида айрим талабаларда ўзлаштириш даражасининг пастлиги каби камчиликлар кўзга ташланади, бунга асосий сабаб, билими-

лиги фундаментал бўшлик, фикрлашдаги камчилик, иш фаолиятининг суғлиги, ўқишга совуққонлик билан караш ва ҳоказолардир.

Олий таълим муассасаларида «Ўзбекистон табиий географияси» фанидан мустақил таълимни ташкил этишда, талабанинг ўзлаштириши, яъни фандан эгаллаган билим даражаси, фанга бўлган қизиқиши, мустақил билим олиш малакаси, ақлий қобилияти, қизиқиши, эҳтиёжи, имконияти ва ҳоказолар ҳисобга олиниши керак.

Талабаларнинг билим олиш малакалари маъруза матнлари билан мустақил ишлаш жараёнида, материални қабул қилиш, қайта ишлаш, унинг муҳим жиҳатларини ажратиш, янги ўзлаштирган билимларни аввалгилари билан боғлаш, билимларни умумлаштириш, такрорлаш ва уларни амалга татбиқ қилиш шароитида шаклланади ҳамда ривожланади. Буни «Ўзбекистон табиий географияси» фанидан мустақил таълимни ташкил этиш модели мисолида кўриш (2.11-расм) мумкин.

Олий таълим муассасаларидаги таълим жараёни ва кўпроқ қўлланилаётган ўқитиш услубларида мавжуд бўлган камчиликлар, шу жумладан, «Ўзбекистон табиий географияси» фанига оид мустақил иш топшириқларини бажаришларида ҳам, компьютердан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги талабаларнинг мустақил фикрлаш фаолиятининг етарлича ривожланмай қолишига олиб келмоқда. Шу сабабли, «Ўзбекистон табиий географияси» фанидан талабаларнинг мустақил таълимни ташкил этишда ахборот ва компьютер дастурлари имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини оптималлаштириш учун ЭЎМТдан фойдаланиш методикаси яратилди.

Мустақил таълимни ташкил этишда компьютер асосий техник восита ҳисобланади. «Ўзбекистон табиий географияси» фанидан мустақил ишларни режалаштиришда талабаларга компьютер ёрдамида бажариладиган амалий мазмундаги топшириқларни кўпроқ бериш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиб бориш зарур. **Мустақил ишлар таркиби:** амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш; хариталар чизиш ва бўяш; назарий билимларни татбиқ этиш бўйича топшириқлар; фанга алоқадор мавзуларни мустақил такрорлаш; мустақил ўзлаштириш учун фан дастурида кўрсатилган мавзулар устида ишлаш; курс ишларини тайёрлаш; малакавий битирув ишини тайёрлаш.

Демак, талаба энди ўзининг устида кўпроқ ишлаши талаб этилмоқда. Профессор-ўқитувчининг педагогик технологиялар асосида фан хусусиятига кўра замонавий методлар асосида дарс жараёнининг олиб боришининг самараси ҳам айнан талабанинг мустақил ишлаши уйғунлигида аниқланади.

Кўйидаги жадвалда талабаларнинг мустақил таълим топшириқларини бажаришларида, ижодий изланишларида, компьютер дастурларидан ҳамда электрон ўқув-методик таъминотдан оқилона фойдаланиш имкониятлари ўз аксини топган.

2.5-жадвал

**Мустақил таълимнинг мазмуни, ҳажми,
компьютертехнологиялари ва электрон ўқув-методик
таъминотдан фойдаланиш имкониятлари⁴**

№	Мустақил таълимга оид топширик ва тавсиялар	Соат	Компьютер технологиядан фойдаланиш
1	Регионал табиий географиядаги умумий тушунчаларга тавсиф беринг	10	Word, Power Point
2	Танлаб олинган йўналиш бўйича геолого-геоморфологик кесма тузинг	5	Excel, Paint
3	Ўзбекистон ҳудудининг орогидрографик схемасини тайёрланг ва тоғ тизмаларининг баландлик бўйича графигини тузинг	10	Word, Power Point, Excel, Paint
4	Танлаб олинган йўналишда иқлим бўйича кесмалар тузинг	5	Excel, Paint
5	Ўзбекистондаги йирик дарёлар бўйича йиллик гидрографларни тузинг	10	Excel, Paint
6	«Орол денгизи кўринишини атроф муҳит табиатига таъсири» мавзусида реферат	10	Word, Power Point, Excel, Paint
7	Танлаб олинган йўналишда тупроқ-ўсимлик бўйича кесма тайёрланг.	5	Excel, Paint
8	Ўзбекистоннинг ер фонд ҳақида реферат тайёрланг	5	Word, Power Point, Excel, Paint
9	Ўзингиз яшаб турган вилоят тумандаги геоэкологик ҳолат ҳақида реферат ёзинг	10	Word, Power Point, Excel, Paint
10	Яшаб турган туман вилоят табиий шароитини, пахтачилик, чорвачилик, дончилик нуқтаи назаридан баҳоланг	10	Word, Power Point, Excel, Paint

⁴ Мазкур фан дастури ўзгариши билан айрим мавзуларда ҳам ўзгариш бўлиши мумкин.

11	Ўзбекистон худудида ажратилган 10 та табиий географик округларга жадвал шаклида қисқача тавсиф беринг	10	Word, Power Point, Excel, Paint
12	Узингиз қизиқиб ишлаётган мавзу бўйича талабалар илмий анжуманига маърузалар тайёрланг	15	Word, Excel, Power Point.

«Ўзбекистон табиий географияси» фанидан мустақил таълимни ташкил этиш асосан беш босқичда бажарилди:

Биринчи босқич. мустақил таълимнинг бошланғич босқичи, талабаларнинг илгари метеорология, гидрология, геоморфология, геология, картография, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси географиясидан эгаллаган билим ва кўникмаларини қайта эслаб такрорлашдан, тиклаб олишдан иборат. Бу ўз ўрнида янги мавзунини ўқитиришида бахисбўлиб хизмат қилади.

Иккинчи босқич. Табиат компонентларига тавсиф бериш усуллариини ўргатишдан иборат. Талабалар бунда бирон компонентга ҳос бўлган сабаб-оқибат боғланишларни қидириб топиши ва табиат компонентлари ўртасидаги боғланиш қонуниятларини аниқлаши лозим бўлади. Улар ЭЎМТ таълим ресурслари, жадваллар, статистик маълумотлар, иллюстрациялар, турли мавзули хариталар ва ётувчи хариталар билан ишлайдилар.

Учинчи босқич. Бу босқич ижодий ёндашишга, эркин ва мустақил фикрлашга, таҳлил қилишга ва хулоса чиқаришга йўналтирилган. Талабалар бунда вазифаларни олдинги босқичларда эгаллаган билимларга асосланган ҳолда индивидуал ёндашиб бажардилар.

Тўртинчи босқич. Талабалар мустақил таълим жараёнида эгалланган географик билимларини компьютер технологиялари билимлари интеграциясида тугалланган ижодий натижага келтирадилар. Бу Excel, Paint дастурларида бажарилган ижодий иш маҳсулоти ёки Power Point дастурида презентация-тақдимот бўлиши мумкин.

Бешинчи босқич. Мустақил таълим натижаси. Ижодий иш топширилиши. Аудиторияда, кафедрада презентация-тақдимот қилинади. Талаба рағбатлантирилади, рейтинг балли тизимида баҳоланади.

Тажриба-синов жараёнида «Ўзбекистон табиий географияси» фанидан мустақил таълимни ташкил этиш давомида талабаларга кўпроқ амалий мазмундаги топшириқларни мустақил бажаришлари

учун бериш мақсадга мувофиқлиги аниқланди. Амалий мазмундаги топшириқлар, талабаларнинг компьютер дастурлари имкониятларини янада чуқурроқ ўрганишларига, натижада компьютер билан ишлаш малакаларининг янада юқори бўлишига олиб келиши асосланди. Тажрибамиздан ҳар бир географ бакалавр таълим йўналиши талабалари келажақда ўз касбий фаолиятида географик билимга эга бўлиш билан бирга ахборот компьютер технологиясидан унумли фойдаланишларини ҳам мақсад қилиб кўяди. Шуни назарда тутиб, «Ўзбекистон табиий географияси» фанидан амалий мазмундаги мустақил таълим топшириқларини бериш мақсадга мувофиқ бўлиб, куйида баъзи мустақил иш топшириқларидан намуналар келтирамиз:

Топшириқ. Ўзбекистоннинг географик ўрни, чегаралари ҳақидаги маълумотларни ўрганиш, табиатининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида «презентация» тайёрлаш. Ўзбекистон табиатига умумий тавсиф беришда видеоролиқлардан фойдаланиш.

Талаба бу топшириқни бажаришда, албатта, ЭЎМТдан фойдаланиш билан бирга, мустақил топшириқларни бажариш жараёнида компьютер технологиялари, Word, Power Point дастурлари билан ишлашга оид кўникма ва малакасига эга бўлади.

Топшириқ. Ўрта Осиё хариталарини таҳлил қилиб, Ўзбекистоннинг географик ўрнини тасвирланг.

А) Ўзбекистон дунёнинг қайси ярим шарида ҳамда қайси қитъада жойлашганлиги ҳамда унинг экваторга нисбатан географик ўрни аниқланади. Тошкентдан экваторгача, жанубий ва шимолий кутбларгача бўлган масофалар неча градус ва неча километр эканлиги харита масштаби ёрдамида ҳисоблаб чиқилади;

В) Ўрта Осиё табиий харитаси ёрдамида Ўзбекистоннинг географик ўрни қўшни давлатлар географик ўрни билан таққосланиб, унинг қулай ҳамда ноқулай томонлари аниқланади;

С) Евроосиё харитасидан фойдаланиб, Ўзбекистон Ўрта Осиёнинг қайси қисмида жойлашиб, қандай текисликларни, водийларни, тоғ тизимларини ўз ичига олишини аниқлаш;

Д) Ўзбекистон Ўрта денгиз атрофидаги давлатлар билан бир географик кенгликда жойлашса-да, нима сабабдан чўлга хос ландшафтлар вужудга келганлигини аниқлаш;

Е) Ўзбекистоннинг энг шимолий нуқтаси билан энг жанубий нуқтаси орасидаги градус фарқи ($45^{\circ}36' - 37^{\circ}10' = 8^{\circ}26'$) $8^{\circ}26'$ бўлса, ўша икки нуқта орасидаги масофа неча километр бўлади?

Талабаларни мустақил таълим жараёнларини муракаблаштириш, ижодкорлик фаолиятларини такомиллаштириш, географик билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш мақсадида, «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари» деб номланган китобда берилган президентимизнинг қуйидаги фикрларидан ҳам фойдаланилди: «...Иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини янада кучайтириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш кўп жихатдан бизнинг мавжуд ресурслардан, биринчи навбатда, электр ва энергия ресурсларидан қанчалик тежамли фойдалана олишимизга боғлиқдир» [5, 34].

Топширик. Ўзбекистон географик атласидан «Гидрологик» ва «Ёқилғи-энергетика ва нефть-кимё саноати» хариталаридан фойдаланиб, аҳоли фаровонлигини юксалтириш мақсадида мавжуд ресурслардан, айниқса, электр ва энергия ресурсларидан тежамли фойдаланиш йўллари аниқланг ва уларни илмий асослаб беринг.

Бу каби амалий мазмундаги мустақил таълим топшириқларни бажариш жараёнида талабалар географик билимларини такомиллаштиришлари, Excel, Paint дастури имкониятларидан янада чуқурроқ фойдаланишлари билан бирга, олдиндан тайёрланган маълумотларга мурожаат қилиш, хариталар билан ишлаш каби билим ва малакаларни эгаллайдилар, шунингдек ўз касбий фаолиятларида компьютер дастурлари имкониятларидан самарали фойдаланишлари учун ҳам замин яратилади. Топшириқларни бажаришга оид методик ишланма ва тавсиялардан талабаларнинг фойдаланиши натижасида вақтни тўғри таксимлай оладилар ҳамда тез суръатда вазибаларни бажаришга эришадилар.

2.3. Электрон ўқув методик таъминотдан фойдаланиб, талабалар билимини баҳолаш методикаси

Билим, кўникма ва малакаларни баҳолаш – таълимнинг таркибий қисми бўлиб, унинг асосий вазифаси фан асосларини ўзлаштириш йўлидаги талабалар билимини, уларнинг имкониятларини аниқлашдир. Билиш қобилиятини аниқлайдиган мезонга ўзлаштириш тезлиги, фикрлаш жараёнининг эгилувчанлиги ва тафаккурнинг аниқ компонентлари; талабанинг ўқув материални хотирасида сақлаб қолиши, ёдлаб олиши, ижодий фикрлаши, мантикий амаллар бажариши каби қобилиятлари киради. Тўғри ташкил этилган баҳолаш усули талабаларда географик ҳодисаларни таҳлил қи-

лиш, табиатнинг айрим компонентлари ва элементлари ўртасидаги ўзаро боғланишларни аниқлай олишга оид кўникма ҳамда малакаларининг шаклланишига имкон бериш билан бирга талабаларни ўқув тоңшириқларини мунтазам бажариб боришга, дарсларга бўлган эътиборини кучайтиришга, ўқув жараёнига маъсулият билан ижодий ёндашишга ўргатади.

Талабаларнинг бундай кўникма ва малакаларини ўқув материалларини муаммосиз, тушунган ҳолда қабул қила билиш, уни қайта ишлаб таҳлил қила олиш, мавзунинг муҳим жиҳатларини ажрата олиш, янги ўзлаштирилган билимларни аввалгилари билан боғлаган ҳолда умумлаштириш, такрорлаш ва уларни амалда татбиқ қила олиш жиҳатлари билан баҳолаш керак бўлади. Талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини асосан тўрт хил усул билан текшириб баҳоланади. Булар: оғзаки, ёзма, амалий ва тест.

Оғзаки баҳолаш ўқув жараёнида талабанинг ўз фикрини ҳаққоний ва илмий асосланган ҳолда эркин, мустақил баён этишига қаратилган.

Ёзма баҳолаш талабаларнинг ёзиш қобилиятини ривожлантиришга, фикрлашга ижодий ёндашишга ўргатишга қаратилган.

Амалий ишни баҳолаш талабаларни турли астрономик, метеорологик, гидрологик, топографик асбоблар, хариталар билан ишлашга, жой планини олишга ва табиатни кузатишга ўргатади.

Тест – саволга жавоб беришнинг мураккаб воситаси бўлиб, илмий ва методик талабларга жавоб берувчи, баҳолаш усули. Тест ўқув фани мазмун ва моҳиятини, ўқув материалининг таснифланиши, мавзулараро ҳамда фанлараро боғлиқликнинг пухта таҳлили орқали яратилади. Тест орқали сўраб баҳолашнинг салбий томонлари тест нутқини ўстирмайди, баъзан таваккал белгиланади, асосийси фикрини эркин баён этишга йўл қўймайди.

Компьютер дастурлари ёрдамида тестлар тузилганда, албатта мавзу матннинг муҳимлиги, илмий ишончилиги, тест таркибини замонавий илмий ҳолатга мослиги, назорат учун таркибий элементларнинг етарлилиги, тўлиқлиги ҳамда тестни қийинлик даражасининг ўсиб бориши, тизимлилиги каби тамойилларга амал қилинади. Умумий ҳолда талабаларни тест ёрдамида назорат қилиш ва баҳолашда ҳар бир тўғри жавобга 1 балл, нотўғри жавобга 0 балл берилади. Талаба томонидан олинган барча баллар йиғиндиси тўғри жавоблар сонини беради. Бу сон унинг билим даражасини, яъни «синовдан ўтувчини тест бали» тушунчаси билан аниқланади.

Тадқиқот давомида биз икки хил даражадаги тестлар тизимини яратдик. Булар: учинчи ва тўртинчи даражадаги тестлар бўлиб, куйидаги ҳолатлар инobatга олинди: ЭЎМТдаги тестларни талаба ўқув жараёни давомида, кўшимча, мустақил ўрганиш жараёнида, ўз шароитидан келиб чиққан ҳолда ихтиёрий вақтда ўрганиши ва маъруза матнларини қанчалик даражада ўзлаштирганлигини билиб олиши мумкин; тест синови талабаларнинг мавзулар, бўлимлар, тўлик курс бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малакаларининг сифат даражаларини аниқлашга имкон беради; тест синови индивидуал ёки гуруҳ бўйича олиб борилади. Мустақил таълимда ҳар бир талаба «Ўзбекистон табиий географияси» фанидан яратилган ЭЎМТ кириш имконига эга. Тизимдан фойдаланиш жараёнида талаба аввал тизимда мавжуд таълим йўналишлари рўйхати ва ўқув режалари билан танишиб чиқади. Шундан сўнг у шахсий маълумотлари асосида тизимга аъзо бўлади, яъни рўйхатдан ўтади. Шундан сўнг ҳар бир талаба ўз имконияти, қизиқиши, қобилиятидан келиб чиққан ҳолда маъруза мавзуларини ўрганади, ЭЎМТ ресурслариданоқилона фойдаланади.




2.12-расм. Тест саволлар банки

ЭЎМТда дарслик, кўшимча адабиётлар, амалий топшириқлар билан бирга тест саволлар банки ҳам мавжуд. Тест саволлар банкида ҳарбир мавзу учун 20 тадан тест киритилган.




2.13-расм. Тестлар банки билан ишлаш жараёни

Бу эса талабага ўз устида мустақил ишлаш, ўқиб-ўрганган билим сирларини англаб етиш, мағзини чақиш, илмий асосланган ҳолда танқидий фикрлаш имконини беради. Шундан сўнг талаба мустақил эгаллаган билимини текшириб, ўз-ўзини баҳолаши мумкин. Бунинг учун талабалар бўлимидан on-line-тестлар саҳифасига қиради. Бу саҳифада ҳам талабани исми, шарифи киритилади.




2.14-расм. On-line-тест топшириш жараёни

Талаба бу саҳифадан интеллектуал тестлар ёки мавзулар бўйича тестлар танлаш имконига эга. Тест саволлари оддий, ўрта ва мураккаб даражаларга бўлинган, графика, тасвир кабилардан тузилган, маълум вақт белгиланган. Талаба саволларнинг мураккаблигига қараб «аввалги» ва «кейинги» муурожаат белгиларига қараб вақтнинг тўғри тақсимлаб олиши мумкин. Қуйида икки хил тест туридан лавҳалар келтирилган.




2.15-рasm. Тестларга кириш жараёни



2.16-рasm. Тестлар билан ишлаш жараёни

Тестни топшириш учун белгиланган вақт тугаши ёки талаба ўз хоёиши билан тестни тугатиши мумкин. Экранда талаба топширган тест жавоблари ва олган балли намоён бўлади. Бу талабанинг билимига берилган ҳақиқий, адолатли баҳоدير.



2.17-расм. Тест жавоблар ойнаси

Талабанинг билимига қўйиладиган баҳо унинг шахсига, фаолиятига, жамиятда ўзини қандай тутиши кабиларга катта таъсир кўрсатади. Талаба билимига баҳо қўйишда жавобнинг ижобий ва салбий томонлари тушунтирилиши шарт бўлиб, ҳаққоний қўйилган баҳо ўқитувчининг юзидир. Ошириб қўйилган баҳо, ўқитувчининг ҳам, фаннинг ҳам мавқеини пасайтиради. Пасайтирилган баҳо эса талабаларнинг ўз қобилиятларига ишончсизлик билан қарашига сабаб бўлади. Билимларни текшириш ва баҳолаш муайян дидактик талабларга жавоб бериши керак. Бу талабга риоя этилмаса, таълим олувчиларнинг ўқишга нисбатан муносабати ёмонлашади, билимларнинг сифатига салбий таъсир қилади. ЭЎМТдан фойдаланиб ўқитувчи гуруҳ бўйича ҳам, индивидуал тартибда ҳам талабалар билимини баҳолаши мумкин. ЭЎМТда бунинг учун барча имкониятлар мавжуд. Электрон ўқув методик таъминотдан фойдаланиб талабалар билимини баҳолашда бешта асосий тамойиллар баҳолаш тизими самарадорлигини оширишнинг асосий пойдевори ҳисобланади:

1. Ўқув мақсадларига асосланганлик. Баҳолашнинг сифати ўқув мақсадларига туғридан-туғри боғлиқдир. Ўқув мақсадлари баҳолаш мазмунини аниқлаб беради. Ўқув мақсадларининг кўйилиш даражасига қараб баҳолашнинг шакли ва усуллари танланади.

2. Ҳақиқийлик. Ўқув мақсадида кўзда тутилган натижанигина баҳолашга қаратилган топшириқ ёки тест ҳақиқий ҳисобланади. У баҳолашни лозим бўлган билим ва кўникмалар соҳасидаги натижаларга қаратилади.

3. Ҳаққонийлик. Таълим оловчи эгаллаган билимини ҳамма учун бир хил берилган топшириқ ва тестлар бўйича текшириб кўради, берилган жавоблар баҳоси талаба кўз ўнгида намоён бўлади ва ҳаққоний эканлигига ишонади.

4. Ишончлилик. Натижаларни баҳолаш мобайнида ҳар хил усуллардан фойдаланиш мумкин. Лекин бу усулларни танлашга қўйиладиган асосий шарт ишончлилик ҳисобланади. Услуб ишончли бўлиши учун баҳолаш асосли ва аниқ маълумотларга асосланган бўлиш зарур.

5. Қулайлик. Баҳолаш тизими ўқув мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ўқув ва ишлаб чиқариш стандартларига мос бўлиши, мураккаб бўлмаслиги, назорат ўтказувчи ва таълим оловчи учун қулай бўлиши лозим. Ўзбекистон табиий географияси фанидан талабалар билими қабул қилинган рейтинг тизими асосида баҳоланади.

«Ўзбекистон табиий географияси» фанини ўқитишда ЭЎМТдан фойдаланиш талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштиришга ва таълим самарадорлигини оширишга асос бўлади.

3-боб. “ЎЗБЕКИСТОН ТАБИЙ ГЕОГРАФИЯСИ” ФАНИНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИГА КОМПЬЮТЕР ВА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

3.1. “Ўзбекистон табиий географияси” фанини ўқитишда ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиш имкониятлари

Табиат, атроф-муҳит бутун коинотни ўз ичига олган моддий дунёнинг, Оламнинг бир қисми. У Ерни, уни ўраб олган яқин атроф-муҳитни ўз ичига олади ва бир бутун табиий тизим – географик қобикни ташкил этади. Одам эса ана шу бир бутун тизимдан иборат табиатда яшайди ва унинг бир қисми ҳисобланади. Одам яшаши учун энг зарурий шарт атроф-муҳит билан инсон ўртасида ўзаро таъсир ва муносабатлар ҳамда модда алмашинувининг мавжудлигидир. Табиат – кишиларнинг барча моддий ва маданий-маънавий эҳтиёжларини қондириш манбаи. Табиат билан жамият ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар бир бутун моддий борлиқнинг икки таркибий қисмидир [93].

Инсоннинг табиатга таъсири кейинги вақтда шу қадар кучайиб кетдики, бутун-бутун ҳудудлар ландшафти ҳамда экологик шароит ўзгармоқда. Бирок, фаннинг ҳозирги тараққиёт даражасида жамиятнинг табиатга кўрсатаётган таъсирлари пировад оқибатида қандай ўзгаришларга олиб келиши мумкинлигини олдиндан тўла тасаввур қилиш жуда қийин. Мустақил Ўзбекистон географларининг илмий-тадқиқот ишлари, хусусан, халқ ҳўжалигининг тараққиёти жараёнида вужудга келадиган муаммоларни ҳал қилиш ҳамда атроф-муҳит ва йирик ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларини сифат жиҳатидан ижобий ўзгартиришнинг илмий асосларини яратишга қаратилгандир. Ҳозирги вақтда географик билимларсиз табиатдан, унинг бойликларидан оқилона фойдаланиб бўлмайди. Инсоннинг табиатни ўзгартиришида, унинг бойликларидан фойдаланишида йўл қўйилган хатолари замирида кўпинча географик қонуниятлардан беҳабарлик ёки уларга амал қилмаслик ётади.

Табиатдан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш ишида географик билимлар, айниқса муҳим аҳамият касб этади. Ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудий тўғри жойлаштириш, хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа алоқаларни оқилона

Йўлга кўйиш масалалари ҳам географияда марказий ўрин тутати. Аҳоли географияси масалалари ва демографик муаммоларини тўғри ҳал қилиш ҳам кўп жиҳатдан географик билимларга асосланган. Бу вазифаларни амалга ошириш Ўзбекистон ҳудуди табиий шароитини, унинг географиясини чуқур билишни тақозо қилади. Шунинг учун географ мутахассислар тайёрлашда бериладиган географик билимлар тизимининг энг муҳим ўқув фанларидан бири бу Ўзбекистон табиий географиясидир.

Ўз мазмуни ва моҳиятига кўра илмий-назарий, амалий ва таълимий аҳамиятга эга бўлган «Ўзбекистон табиий географияси» фани университетларда географлар, картографлар, гидрометеорологлар тайёрлашда муҳим ўрин тутати ва ўрганилади. Бу ўқув фани Ватанисиз – Ўзбекистон табиий шароити ва ресурслари, улардан омилкорлик билан фойдаланиб, муҳофаза остига олиш ҳақида билим бериш билан бирга республикамиз табиатидаги тафовутларни тушуниб олишга хизмат қилади. Шу билан бирга ҳар бир халқнинг ўзлигини англаши она тилини, тарихини, Ватани географиясини яхши билишига, тўғри тушунишига боғлиқ. Бу фан университетларда ўқитиладиган барча регионал географик фанлар орасида табиий Ватаншунослик курси сифатида устивор ўрин тутати [96].

“Ўзбекистон табиий географияси” фани дастури 2006 йил 22 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан № БД 5541900-4.01 сонли буйруғи билан тасдиқланган. Дастур асосида “Ўзбекистон табиий географияси” фани олий таълимнинг 400000 – фан, таълим соҳасининг 440000 – табиий фанлар, таълим йўналишининг 5440500- География бакалавриат йўналиши талабаларини ўқитишга мўлжалланган.

“Ўзбекистон табиий географияси” фанини ўқитшдан асосий мақсад талабаларда Ўзбекистоннинг комплекс табиий географиясига оид билимлар асосини шакллантиришдир. Шу билан бирга талабаларга республикамиз табиий хусусиятларининг инсон яшаши, соғлигини тиклаш, халқ хўжалигининг қандай соҳаларини ривожлантириши учун зарур бўлган жиҳатлари ҳақида, табиатдан тўғри фойдаланиш йўл-йўриқлари тўғрисида мукамал билим олишлари учун имкон яратишдан иборатдир.

“Ўзбекистон табиий географияси” фанини ўқитшнинг вазифаси эса Ўзбекистон табиатини шакллантирувчи энг муҳим омиллар ўр-

нини очиб бериш, Ўзбекистоннинг табиатини географик ўрганиш тарихи босқичларига тавсиф бериш, регионал табиий география ва ландшафтшуносликнинг объекти, предмети ҳақида тушунча беришдан ҳамда ландшафт комплексларининг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги, Ўзбекистон табиатининг зонал ва вертикал тузилишини, республикаимиз табиий шароити ва бойликларидан халқ хўжалигини ривожлантириш ва аҳоли соғлиғини сақлаш мақсадларида фойдаланиш имкониятлари ва муаммолари ҳақида фикр юритишга ўргатишдан иборат.

Ўзбекистон табиий географияси фанидан талабаларга бериладиган билим, малака ва кўникмага қўйиладиган талаблар. Талабалар Ўзбекистон табиий географиясини ўрганганда қуйидаги билимларга эга бўлишлари керак:

– регионал табиий географиянинг ўрганиш объекти ва предмети ҳақида билимга;

– Ўзбекистон табиатини географик ўрганишнинг тарихий босқичлари ҳақидаги тушунчага;

– Ўзбекистон табиатини шакллантирувчи табиий ва антропоген омилларнинг тури, таъсири мавқеи ва ўрни ҳақидаги тушунчаларга;

– ҳудудга комплекс табиий географик тавсиф бериш малакасига эга бўлиши;

– Ўзбекистон табиий географиясини кичик провинция, округ ва табиий районлар миқёсида билиши.

Ўзбекистон табиий географияси “Умумий Ер билими”, “Ландшафтшунослик асослари”, “Компонентлар географияси”, “Топография асослари” каби назарий ва регионал курслар билан узвий боғланган ва бу курсларни чуқур билишни тақозо этади. Фанни ўқитиш дастурида кўрсатилган мавзулар маъруза ва амалий ишлар шаклида олиб борилади, шунингдек, фаннинг айрим масалалари талабаларга мустақил иш сифатида берилади. Фан замонавий педагогик технологиянинг методлари орқали ҳамда слайдлар, дискетга ёзилган маърузалар намойишлари билан ўтказилади. Ўзбекистон табиий географияси умумқасбий фанлар блокига киради ва Ватан табиий географиясидан фундаментал билимларни шакллантиради.

Ўқув предмети таркибидаги материалларни танлашда бўлажак кадрлар учун зарур бўлган маълумотлар, уларнинг юқори илмий ва амалийлиги, муракаблиги жиҳатидан мутахассисларнинг билим

дарижаси имкониятларига мослиги, мазкур фанни ўрганишга ажратилган вақтга, мос келиш мезонларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритганидан кейин бу фан Ватан табиий географиясига айланди ва Ватан тушунчасининг ўзи эндиликда янгича мазмун ва моҳиятга эга бўлди.

Ушбу фан маълумотлари Ватанмиз – Ўзбекистоннинг ўзига хос саҳоватли табиати, хилма-хил ва бой табиий шароити ҳамда ресурслари тавсифи мисолида талабаларимизнинг ватанпарварлик, ўз диёрига меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялайди.

Ушбу фанда асосий эътибор фақат табиий компонентлар тавсифига қаратилмай, унда табиат комплекси тавсифи ҳам мумкин қадар кенг ёритилиб берилади, ҳозирги замон табиий географияси ва ландшафтшунослигининг талабларидан келиб чиқиб, республикамиз ҳудуди табиий комплекслари кўп функцияли эканлиги ва уларнинг хусусиятлари тушунтирилади. Фанда Ўзбекистонда табиатдан фойдаланишнинг геоэкологик асослари ҳам муносиб ўрин олади, айрим ташкилий муаммолари ҳам кўриб чиқилади.

Бинобарин, “Ўзбекистон табиий географияси” фанининг мақсади талабаларда Ўзбекистоннинг комплекс табиий географияси бўйича билимлар асосини ландшафтларнинг структураси, ўз функциясини бажариши ва ривожланишининг қонуниятлари тавсифи билан биргаликда шакллантиришдир.

Фанининг вазифаси эса куйидагилардан иборат:

– регионал табиий география ва ландшафтшуносликнинг объекти, предмети ҳақида тушунча бериш;

– Ўзбекистоннинг табиатини географик ўрганиш тарихи босқичларига тавсиф бериш;

– Ўзбекистон табиатини шакллантирувчи энг муҳим омиллар мазмуни ва ўрнини очиб бериш;

– ландшафтнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги, Ўзбекистон табиатининг зонал ва вертикал тузилишини тушунишга ўргатиш;

– республикамиз табиий шароити ва бойликларидан халқ хўжалигини ривожлантириш ва аҳоли соғлигини сақлаш мақсадларида фойдаланиш имкониятлари ва муаммолари ҳақида фикр юритишга ўргатиш.

Географиянинг иккинчи тили бўлмиш харитани ўқишни уддалай олиш каби зарур кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш ҳам бу

мутахассисликнинг асосий вазибаларидан биридир. Мураккаб табиий жараёнларни ва хўжалик тармоқларини акс эттирувчи мавзуларни ўрганишда харитани тўғри танлаш ва уни ўқий олиш муҳим аҳамиятга эга. Харитани ўқишни билган талаба учун географик билимларни эгаллаш катта муаммо бўлмайди, чунки талаба мавзу бўйича матн ўқиб чиққанда унда худудий тасаввур ҳосил бўлмаган бўлиши мумкин, лекин харитага қараб матнда гап нима ҳақида ва қерда бораётганини тушуниб олади. Шу сабабли бу фанни ўрганишда ҳар бир янги мавзунини тушинтиришда атласдан, тегишли хариталардан ва ахборот-коммуникация технология (АКТ)ларидан унумли фойдаланган ҳолда олиб борилса, албатта таълим самарадорлиги ошади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, шахсий компьютерни ўқув жараёнига татбиқ этишдаги муҳим ютуқлардан бири мультимедиа, яъни овоз, графика, анимация, видео воситаларини кенг масштабда татбиқ этиш имкониятларини мавжуддигидир. Шу ўринда янги ахборот технологияларининг оламшумул аҳамиятга эга бўлган телекоммуникацион алоқа воситалари асосида ташкил этилган Internet тизимининг инсониятга жуда кенг имкониятлар яратиб берганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Internet ҳозирги вақтда бутун дунё кишиларининг билимларини бирлаштириш, уларнинг интеллектуал қобилиятларидан унумли фойдаланиш каби масалаларни ечишга имконият яратмоқда.

АКТ дастурини ўқув жараёнига татбиқ этишнинг яна бир муҳим омилларидан бири электрон дарсликлар, қўлланмалар ва курслар яратишдир. Электрон дарсликлар ва қўлланмалар маъруза мазмунини бойитиш билан бирга уларни янги материаллар билан тўлдиришга имконият яратади. Электрон дарсликлар ва қўлланмаларнинг яратилиши ҳамда уларни ўқув жараёнига қўлланилиши таълим муассасаларида электрон кутубхоналарни яратишни тақазо этади. Таълим муассасаларида ягона каталог тизимига эга бўлган кутубхоналарнинг пайдо бўлиши ва локал тармоқнинг яратилиши кутубхоналарга боғлиқ муаммоларни ечишга олиб келиши билан бир қаторда уларнинг иш самарадорлигини ошириш ва мувофиқлаштиришга олиб келади.

Маълумки, оддий матнга нисбатан унга тасвир орқали кирилган ҳаракат, яъни анимация талабаларнинг ўқув материалларини ўрганишга бўлган қизиқишини оширади ва бу дарсни самарали

ташқил қилишга имкон беради. Тажрибадан маълумки, талабалар орасида айримлари фақат мутолаа қилиш, айримлари эшитиш, айримлари эса кўриш ва бошқа турдаги қабул қилиш воситалари орқали билим олишни маъқул кўришади. Компьютер имитацион моделлари бўлса, бу имкониятларнинг барчасини талабаларга тақдим этади. АКТлар дастуридан таълимда қуйидаги кўринишларда фойдаланиш мумкин:

1. *Оддий компьютер имитацион моделларидан фойдаланиш.* Амалиётда айрим имитацион моделлар ўзларининг мазмунига кўра оддий тузилмага эга бўлади. Бу шаклдаги имитацион моделларни кинофильмлардаги оддий оғзаки тушунтириш сифатида қараш мумкин. Айрим ҳолларда имитацион моделлар оддий кўринишда бўлиб, курс бўйича маълум бир амалларни бажара олиш имкониятини беради. Бу ҳолда улар адабиётларни эслатади, лекин улар мураккаб бўлган намоиш қилиш орқали мавзуларни ўрганишга имкон яратади. Бу моделнинг камчилиги шундаки, фойдаланувчи талаб қилинган ўқув манбаини топганидан сўнг, улар жуда ҳам чегараланган ҳолда ўқув материални тушуниш имкониятига эга бўладилар. Масалан, фойдаланувчилар кўп ҳолларда ўқув материални ўрганишда ортга ва олдинга мурожаат қилишларига тўғри келади, оддий тузилмаларда бундай имконият йўқ.

2. *Оддий бўлмаган компьютер имитацион моделлари.* Кўп ҳолларда маълумотлар гипермуружаат кўринишида тақдим этилади. Бундай ҳолда имитацион моделлар интерфаол имкониятга эга бўлади. Талабалар бундай кўринишдаги имитацион моделлардан фойдаланганда аниқ саволлар билан муружаат қилишлари мумкин. Оддий адабиётлардан фарқли ўларок бу турдаги имитацион моделларда ўқув материалларини матн, овоз, графика ва анимация орқали интеграция қилиш имконияти мавжуд. Бундай кўринишдаги имитацион моделлардан фойдаланиш орқали тўлиқ матнни излаш амалларини бажара олиш ва бир қатор бошқариш элементларини киритиш мумкин.

3. *Амалий қўлланма сифатида.* Бу турдаги компьютер имитацион моделлари талабаларга ўқув материалларини ўрганишда берилмаётган масалаларни қисм масалаларга бўлиш имкониятини яратади. Бу эса ўз навбатида талабаларга масалаларни ечиш, тарқибини тузиш имкониятини беради. Бу турдаги компьютер имитацион моделларида ифода этиш услуги биринчи ва иккинчи турдаги

имитацион моделларнинг орасида жойлашган. Бу имитацион моделларда таълим мазмуни ўйинлар, мусобақа ёки тадқиқотчилик кўринишида тақдим этилади. Бундай кўринишдаги дастурлар одатда куйидаги кўринишда тақдим этилади:

– ўргатувчи, яъни ўрганилаётган фан бўйича маълум билимлар ва методик кўрсатмаларни ҳамда топшириқларни бажаришда йўл қўйилган хатоларни бирданига назорат қила олиш имконияти бор дастурлар. Бундай дастурлар одатда ўргатувчи ўйинлар шаклида тақдим этилади. Масалан, бундай дастурларни география, математика, информатика ва биология фанларидан яратиш мумкин. Бундай кўринишдаги компьютер имитацион моделлари талабаларни кўникма ва танқидий фикрлаш, малакаларини оширишга хизмат қилади, чунки кўп ҳолларда ўйинли дастурлар мантиқий ечимларни топишни талаб қилади.

География фанини ўқитишда асосий мураккаблик ҳар хил табиий географик жараёнларни амалий кўрсата олиш муаммосида сезилади. Шу сабабли, махсус компьютер технологиялари асосида яратилган имитацион моделлари базасида, тренажёрлардан фойдаланиб, географик жараёнларни моделлаштириш орқали муҳим қонуниятларни ўқув жараёнига татбиқ этиш, самарали даражада кузатиш имкониятини беради. Бу ҳолда компьютер тажриба қурилма вазифасини ўтайди ва у куйидаги муҳим вазифаларни бажаради:

- мураккаб табиий географик жараёнларни кўрсатиш зарур бўлган ҳолларда;

- реал ҳаётда тажриба ўтказиш мумкин бўлмаган ҳолларда, яъни фақат тасаввур қилиш орқали;

- тарихдан мерос бўлиб қолган машҳур табиий жараёнларни моделлаштириш орқали амалга ошириш мумкин;

- кузатиш мумкин бўлмаган табиий ҳодиса, табиий жараёнларни моделлаштириш имконияти.

АКТ дастурининг муҳим жабҳаларидан яна бири – бу таълим тизимида ўқув материалларини тақдимот-презентация кўринишида тақдим этишдир. Презентациялар тайёрлашда энг эффеқтив ва универсал воситалардан бири – бу Microsoft Office иловасидаги – Power Point дастуридир. Power Point – бу график пакет бўлиб, тақдимот (презентация) материаллари ва слайд фильмларни тайёрлашга хизмат қилади.

Презентация – бу слайдлар ва махсус натижалар тўплами бўлиб, уларни экранда кўрсатишни таъминловчи, тарқатиладиган мате-

риаллар, маъруза режаси ва матнни қисқача ёзиб олинган шаклида бўлиб, Power Point томонидан тузиладиган битта файлда сақланади. Бу файл ҳам ўз навбатида презентация (тақдимот) деб аталади.

Слайд – бу тақдимотнинг алоҳида кадри бўлиб, сарлавҳани, матнни, графика, диаграммаларни ва х.к. ўз ичига олади. Power Point воситалари билан барпо этилган слайдларни оқ-қора ёки рангли принтерда чоп этиш ёки махсус агентлик ёрдамида 45 миллиметрлик слайдларни фотоплёнкаларда тайёрлаш мумкин.

Тарқатиладиган материал – қулай шаклда босиб чиқарилган ва танишиш учун мўлжалланган материаллар бўлиб, бир бетда икки, тўрт ёки олти слайдлар шаклида чоп этилган бўлади.

Слайдлар кетма-кетлигидан иборат тайёр кўргазмани компьютер экранда, видеомониторда, катта экранда намойиш қилиш мумкин. Кўргазмани ташкил қилиш – слайдлар кетма-кетлигини лойиҳалаш ва жиҳозлаш демакдир. Тақдимотни намойиш этиш, ахборот технологиясининг самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқитувчини шахсига, унинг умумий маданиятига, нутқ маданиятига, мутахассислик фанини билиш даражасига ва билимдонлиги кабиларга боғлиқ. Ўқитувчи тақдимот тайёрлаш жараёнида албатта қуйидагиларга эътиборини қаратмоғи лозим:

- * махсус эффектларни ўрнатишни, яъни намойишларни бир слайддан бошқа слайдга ўтиш тезликлари кетма-кетлиги аниқлай олиши;

- * бу функцияни бажариш учун Power Point дастурининг «Слайднинг ўтиши» («Переход слайда») номли мулоқот дарчаси орқали горизонтал менюдаги буйруқлар билан ишлай олиши;

- * махсус эффектларни ўрната олиши, анимацион эффектлар ҳамда дастурдаги кўшимча элементлар билан ишлай олиши;

- * слайднинг турини, шрифт ўлчамини ва чизишлигини, абзац параметрларини белгилашни, уларни ўзгартириш, тайёр расмни қўйиш ёки қандайдир график элементни чизишни билиши;

- * наъмунавий слайдлар дарчаси имкониятларини тақдимот тайёрлаш жараёнига самарали татбиқ эта олиши. Буларга шрифт турлари, ўлчами, слайдларнинг асосий элементини бирлаштириш усуллари киради. Ўқитувчи ўз хошига қараб наъмунавий слайдга тақдимотнинг қолган барча слайдларида пайдо бўлувчи матн, жадвал, диаграмма, сана, вақт ҳамда слайд рақами ёки расм қўшиши мумкин (4-илова).

Тақдимот тайёрлашнинг асосий босқичларидан яна бири – ижодкорлик ва билимдонлик билан жиҳозлашдир. Тақдимотлар, асосан «Мастер автоформата» ёрдамида яратилиб, тўғридан-тўғри слайдларга матнлар киритилади. Тақдимот структура кўринишида ифодаланса, матн билан ишлаш жуда қулай бўлади, чунки бу ҳолда тақдимот структурасини кўриш ва унинг матнини тузатиш осон кечади. Чунки иш битта ойнада олиб борилади. Қолипдаги матнни алмаштириш учун, дастлаб уни белгилаш, сўнгра матнни киритиш керак. Тақдимот структура кўринишида ифодаланганда, даставвал, экранда структура панели пайдо бўлади. Унда матн блокинни юқори ёки пастга силжитувчи, структурани ёйувчи ёки йиғиштирувчи сарлавҳа сатҳиникўтарувчи ёки пасайтирувчи тугмачалар мавжуд. Бу жараёнда ўқитувчи қуйидагиларга алоҳида эътиборини қаратмоғи лозим:

- слайдни унинг ичидагилар билан бирга силжитиш учун слайд белгисини сарлавҳанинг чап томонида жойлашган хужжатнинг керакли жойига силжитиб бориш керак;

- рўйхатнинг янги элементини яратиш учун курсорни мавжуд рўйхатни охирига ўрнатиш ва Enter тугмасини босиш керак;

- рўйхат элементини бошқа ҳолатга силжитиш учун, курсорни ундан чапга ўрнатиш, яъни бунда курсор крест (х) кўринишига ўтади ҳамда бу элементни керакли жойга судраб олиб бориш керак;

- янги слайдни яратиш учун рўйхат элементини яратиш, сўнгра тугмачани босиш керак;

- сатҳни маркер белгиси слайд белгисига айлангунга қадар кўтариш лозим;

- структура кўринишидан слайд кўринишига ўтиш учун мос слайднинг белгиси устида икки марта “сичқонча” тугмачасини босиш керак;

- ўзгартириш киритиладиган жойда “сичқонча” босилади ва ас-боблар панелида керакли вазифани бажариш учун мос тугмачани топиш керак;

- барча тақдимотнинг бирон бир матн элементларини бир хил ҳарфда ёзиш учун “Вид” менюсида “Образец слайда” буйруғини танлаш керак;

- белгилар учун соя, яъни «Тень текста» тугмачаси билан, рельефличизма ишларини «Формат» менюсидаги шрифт буйруғи билан бажариш мумкин;

- ажратилган матннинг регистрини ўзгартириш талаб қилинса, «Формат» менюсидаги «Регистр» буйруғидан фойдаланиш керак;

- фигурали матнни яратиш, эгри чизик ёки айлана бўйлаб белгиларни жойлаштириш учун, улар ичига қандайдир фигурани ўрнатиш керак.

Бунинг учун “Объект” менюсидан “Вставка” буйруғи танланади, “Тип Объекта” рўйхатидан эса “Microsoft Word Art” элементи танланади. Сўнгра слайда фигурали матн жойлашиши учун керакли жой пайдо бўлади ва матнни киритиш учун очилади, матн киритилади. “Обновить” экран тугмачаси босилганда, матн слайд доирасида пайдо бўлади. Асбоблар панели фигурали матн шаклини, шрифт ўлчами ва турини танлаш, шунингдек, турлича эффект вазибаларига мўлжалланган тугмачалардан ташкил топган. Power Point фойдаланувчиларга мутахассислар томонидан тайёрланган кўп миқдордаги дизайн қолипларини тавсия этади. Формат менюсидаги “применить шаблон дизайна” буйруғи ёрдамида тақдимот учун дизайн қолипни тавсия қилиш мумкин. Буйруқ чақирилгач, бир хил номидаги мулоқот дарчаси очилади. Дизайн қолипида сичқонча тугмачаси босилса, олдиндан кўриш дарчасида унинг тасвирини кўриш мумкин. У ёки бу қолипни танлаш учун сичқонча тугмачасини икки марта босиш керак.

Power Pointда ҳар қандай мураккаб график объектлар расмини ҳам чизиш мумкин. Бунинг учун “Рисование” инструментлар панелидан фойдаланилади. Расм чизишнинг қўшимча воситалари “Рисование” асбоблар панелида жойлашган бўлиб, уни акс эттириш учун сичқонча кўрсаткичини исталган асбоблар панелига тўғирлаб, унинг ўнг тугмасини босиб контекст менюсидан “Рисование” буйруғи танланади. Power Point даги асосий расм чизиш усуллари қуйидагилардан ибоат:

- бирор бир шаклни расмини чизиш учун асбоблар панелидан керакли тугма босиб расм учун керакли асбоб танлаб олинади;

- ҳар хил объектларни чизиш учун ёки тайёр объектлар устида бир хил амалларни бажариш учун сичқонча тугмачаси икки марта босилади;

- ҳосил қилинган шакл устида қандайдир амал бажариш учун, аввал ундасичқончани тугмачасини босиб, белгилаб олинади;

- бошқа объектлар билан бутунлай ёки қисман тўсилган объектни ажратиш учун, биринчи галда олдинги планда жойлашган объект қорайтирилади, сўнгра “Tab” тугмаси керакли объект ажратилмагунга қадар босиб турилади;

- Эллипс асбоби билан айлана, “Прямоугольник” асбоби билан квадрат, Дуга асбоби билан айлана ёйини чизиш учун чизиш жараёнида босилган Shift тугмасини ушлаб туриш керак;

- «Линия» асбоби билан чизилган чизиқ горизонтал ёки вертикал ҳолатда бўлиши учун Shift тугмасини босилган ҳолда ушлаб туриш керак;

- бир неча объектларни қайтариш учун Shift тугмасини босилган ҳолда ушлаб туриб, сичқонча тугмасини кетма-кет босиш керак;

- барча объектларни қайтариш учун Ctrl A тугмалари биргаликда босилади.

Тақдимотни янада илмий жиҳатдан бойитиш учун Microsoft Clip Art, юзлаб расмларга эга бўлган кутубхонасидан фойдаланиш мумкин. Clip Art кутубхонаси слайднинг турини, шрифт ўлчами ва чизилишини, абзац параметрларини бериш, уларни ўзгартириш, тайёр расмни кўйиш ёки қандайдир график элементни чизиб бериши мумкин. Намунага киритилган ҳамма элементлар тақдимотнинг ҳамма слайдларида пайдо бўлади, киритилган ўзгаришлар эса шу заҳоти қолган ҳамма слайдларда акс этади. Шундай қилиб, Power Pointда индивидуал дизайн яратиш мумкин ва ҳамма тақдимот учун бир хил бўлган элементларни аниқлаш мумкин. Бу эса замонавий компьютерлардан фойдаланган ҳолда билимни ҳар хил шаклларда тақдим этиш имкониятини беради:

- тасвир, расм, чизмалар, хариталар ва слайдлар кўринишида;
- овоз, овозли фонлар, мусиқа;
- видео, анимацияли ҳаракатлар;
- ўқув объектлари учун компьютер имитацион моделини яратиш.

Power Point дастуридан ўқитувчи ихтиёрига бериладиган турли матн эффектлари, кулай танланган шрифт тақдимотнинг ташқи кўринишини яхшилайти ва талабалар учун тасаввур қилиш ҳолатга келтиради. Айниқса, график кўринишдаги маълумотлар матнли

маълумотларга нисбатан тушунарли бўлади, чунки график шаклда тақдимотнинг муҳим қисмларини ажратиб кўрсатади. Бу эса, маърузаларда мураккаб табиий жараёнларни тушунтириб беришни енгиллаштиради, талабада эса мавзунини ўрганиш жараёнида яхши таассурот қолдиради, янги маълумотларни ўзлаштириш ҳолатини осонлаштиради. Power Point дастуридан фойдаланганда талабалар ўрганаётган ўқув материални такрор ўқиши, унинг намойиш этиш тезлигини ўзгартириши, яъни уларнинг қабул қилиш қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда керакли режимни танлашлари мумкин. Power Point дастуридан ўқув жараёнида фойдаланиш ўқитиш учун кенг қўламдаги имкониятлар яратади, булар:

- талабалар томонидан ахборотни бир нечта қабул қилиш каналларидан бир вақтда фойдаланиш ва бунинг натижасида маълумотлар интеграциясини ташкил қилиш;

- мураккаб тажриба жараёнларини имитация қилиш;

- жараёнларни динамик тақдим этиш орқали тасаввур қилиш қийин бўлган, абстракт маълумотларни визуаллаштириш, образлар кўринишида тақдим этиш;

- ҳар хил даражадаги мураккаб, когнитив тузилмаларни ривожлантириш имконияти ва талабаларнинг қабул қилиш даражаси билан ўқув материалларини боғлаш қобилиятларидир.

Юқорида айтилганларни барчасини инобатга олган ҳолда, қуйида “Ўзбекистон табиий географияси” фанидан маъруза дарслари учун Power Point дастури асосида тайёрланган тақдимотлардан наъмуналар келтирилган (101-бет).

3.2. “Ўзбекистон табиий географияси” фанидан маъруза дарсларига ЭЎМТ-таъбиқ этишнинг ўзига хос жиҳатлари

3.1-жадвал

«Ўзбекистон табиатининг географик ўрганилиши тарихи, босқичлари, йирик сайёҳ ва олимларнинг Ўзбекистон табиатини ўрганишга қўшган ҳиссаси» мавзусини ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг «ЎЁТФ» методи ва ЭЎМТдан фойдаланилган дарснинг технологик харитаси

Босқичлар ва регламент	Ўқитувчи фаолияти	Талаба фаолияти	КТ, ЭЎМТдан фойдаланиш
1-босқич. Тайёргарлик. 5 дақиқа.	Ташкилий қисм: саломлашув, давомат	Талаба диққатини жамлаб олади.	Компьютер ишга туширилади
2-босқич Такрорлаш. 10 дақиқа.	Ўтилган мавзу бўйича вазифа текширилади, саволлар берилди.	ЭЛ ижодий ишлар КТ тапалади. Вазифа бажарилади	Презентация-тақдимот.
3-босқич. Компьютер билан ишлаш. 10 дақиқа.	ЭЎМТ тизимига кириш йўл-йўриғи ҳақида маълумот беради.	КТга логин ва паролни киритади, тизимга киришга рухсат олади.	Хамрр-control ишга туширилади
4-босқич. Метод: БББ Янги мавзуга кириш. 10 дақиқа.	Доскани учга бўлади: 1.Биламан; 2.Билишни хоҳлайман; 3. Билиб олдим, деб ёзиб қўяди ва савол беради.	Жавоблар «Биламан» ва “Билишни хоҳлайман” устунига ёзилади.	ЭЎМТ, StarBoard интерактив доска, проектор.
7-босқич. Янги мавзу билан танишиш. 20 дақиқа.	ЭЎМТдан фойдаланган ҳолда маъруза матнини ўқиш вазифасини беради.	Маъруза матнини ЭЎМТдан фойдаланган ҳолда мустақил, индивидуал ўқийди.	
8-босқич. Мавзунини мустақамлаш. 10 дақиқа.	Нималарни билиб олдингиз? – деган савол билан мурожаат қилади.	Жавоблар «Билиб олдим» устунига ёзиб борилади.	Star Board интерактив доска,
9-босқич Умумий хулоса.	Янги маълумотлар берилди, талабалар берган жавоблар	Тинглайди, фикрлаб мустақил, умумий хулоса чиқаради	Презентация тақдимот. Таълим

10 дақиқа.	тўлдирилади.		ресурслари.
10-босқич. Мустаҳкам- лаш Рағбат. 10 дақиқа.	ЭЎМТдан талабалар бўлимидан on-line- тестлар саҳифасига киришларини айтади.	on-line-тестлар саҳифасига киради, билимини мустаҳ- камлайди.	ЭЎМТ талаба. бўлими on- line-тестлар саҳифаси.
11-босқич. Кутиладиган натижалар	Дарсни бошқаради, та- лабаларни ЭЎМТдан фойдаланишга ўрга- тади, Ўзбекистон та- биати географик ўрга- нилиш тарих босқич- лари ҳақида тўлиқ маълумотлар беради, фаоллаштиради ва мустақил ишлашга йўналтиради	Мавзуни қобилияти, имкони, кизиқиши, хотирасига қараб мустақил ўрганади, нутқи ривожланади, масъулият сезади.	ЭЎМТнинг барча имкониятла- ридан тўлиқ фойдалани- лади
12-босқич. Келгуси режалар: таҳлил, ўзгаришлар.	Ўз устида ишлайди, ўқитишнинг янги, самарадорлигини оши- риш, талабаларни мотивация қилиш йўл- ларини излаб топади, дарсни янада мазмун- ли, қизиқарли бўлиши учун ижодий ёнда- шади.	Мавзу бўйича қўшимча адабиёт ва Интернет тармоғи маълумотларидан мустақил, ижодий ёндашиб, янги маълумотлар тўшлайди, нутқини ривожлантириш устида ишлайди	АКТ, ИНТЕРНЕТ ва ЭЎМТнинг имконидан оқилона фойдалана- ди.

Машғулотнинг бориши: «Ўзбекистон табиатининг географик ўрганилиши тарихи, босқичлари, йирик сайёҳ ва олимларнинг Ўзбекистон табиатини ўрганишга қўшган ҳиссаси» мавзуси талабаларга мустақил ахборот ресурс марказларида ЭЎМТдан фойдаланиб, дарслик ва ўқув қўлланмалардан, Интернет тармоғи маълумотларидан ўқиб, ўрганиб, тайёрланиб, конспект ёзиб келишлари учун олдиндан вазифа қилиб берилган эди.

1-босқич. Тайёргарлик (5 дақиқа). Ташкилий қисм: саломлашув давомат, гуруҳлар ташкил этиш, талаба диққатини жамлаб олиши.

2-босқич. Такрорлаш (10 дақиқа). Ўқитувчи ўтилган мавзунини сураб, мустаҳкамлайди.

3-босқич. Компьютер билан ишлаш (5 дақиқа). Компьютер ва ЭЎМТдан ушбу ишнинг 3-иловасидан тартиб бўйича фойдаланилади.

4-босқич. Янги мавзуга кириш (5 дақиқа). Ўқитувчи томонидан ҳар бир талабанинг янги мавзу бўйича мустақил ўқиб, ўрганиб, конспект қилиб келган ишлари кўриб, текшириб чиқилади.

5-босқич. Гуруҳлар вазифаларини аниқлаш (5 дақиқа). Гуруҳлардан вакиллар чиқиб, конвертдаги вазифалардан бирини танлайдилар. Гуруҳлар вазифаси куйидагича:

1. Қадимги дунё географиясида Ўзбекистон худудининг ўрганилганлиги ҳолати.

2. Ўзбекистон худуди табиати ҳақидаги географик тасаввурларнинг ўрта асрларда ривожланиши.

3. Ўзбекистон худуди табиати ҳақидаги географик тасаввурларнинг XVIII асрда ва XIX асрнинг биринчи ярмида ривожланиши.

4. Географик тасаввурларнинг Ўзбекистон худудида мустамлака даврида ривожланиши.

5. Ўзбекистонда географик тасаввурларнинг шўролар даврида ривожланиши.

6. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда географиянинг таракқиёти.

Ўқитувчи ушбу технология бир неча босқичда ўтказилиши ҳақида талабаларга маълумот беради, вазифани бажаришга белгиланган вақтдан унумли фойдаланиб, қўйилган вазифани гуруҳ аъзоларининг барчалари иштирокида бажарилиши кераклигини таъкидлайди, вазифа бажарилиши давомида ўқитувчи талабалар томонидан бериладиган саволларга жавоб беради, компьютердан, ЭЎМТдан фойдаланиш йўллари кўрсатади.

6-босқич. Гуруҳларда якка ҳолда ишлаш (10 дақиқа). Гуруҳлардаги ҳар бир талаба ўзи ёзиб келган конспекти, компьютер дастурлари Microsoft Word, Microsoft Excel ёки Microsoft Power Point да тайёрлаб келган тақдимотлари, яъни уй вазифаларидан фойдаланиб танқидий фикрлашга ҳаракат қиладилар. Ҳар бир гуруҳ ўз аъзоларининг барча танқидий фикрларини ҳурмат билан эшитади. Албатта фикрлар илмий асосланган бўлиши керак. Энг илмий асосланган ва энг муқобил фикрни гуруҳ билан келишилган ҳолда танлаб олишлари ва тақдимот қилиб беришлари керак бўлади.

7-босқич. Гуруҳларда ҳамкорликда ишлаш (10 дақиқа). Барча талабалар аудиториядаги компьютерлар сонига қараб шахсий компьютерда ёки гуруҳ бўлиб битта компьютерда ишлайдилар. Талабалар компьютерда Microsoft Word, Microsoft Excel ёки Microsoft Power Point дастурларидан бирида берилган вазифаларга жавобларни ёзишни бошлайдилар. Талабалар тайёрлаб келган энг илмий, оммабоп ва қизиқарли электрон тақдимотлардан бирини гуруҳ аъзолари билан келишилган ҳолда танлаб оладилар. Ишда камчиликлар бўлса, гуруҳ билан биргаликда тўғрилаб, тўлдириб, илмий асослаб, изоҳлаб беришга тайёрланадилар.

Изоҳ: Компьютер дастурлари билан ишлаш жараёнида монографиянинг 4-иловасидан фойдаланиш мумкин.

8-босқич. Гуруҳлар тақдимоти (10 дақиқа). Ҳар бир гуруҳдан биттадан вакил чиқади ва уларга берилган вазифадан келиб чиққан ҳолда гуруҳнинг танкидий, илмий асосланган фикрини билдиради.

Изоҳ: Тақдимот вақтида шу гуруҳ аъзолари фаол иштирок этиб, жавобларни тўлдириб борадилар, ўқитувчи ёки бошқа гуруҳ талабалари томонидан берилган саволларга ҳам жавоб берадилар.

9-босқич. Ўзаро ички ва ташқи назорат. Ҳар бир тақдимот гуруҳлар томонидан изоҳланади ва далиллар билан баҳоланади.

10-босқич. Ўқитувчи тақдимоти (10 дақиқа). Ўқитувчи ўзи тайёрлаб келган тақдимотдан, ЭЎМТдан фойдаланган ҳолда мавзуну умумлаштиради, мустаҳкамлайди ва хулоса қилади.

11-босқич. Гуруҳлар тақдимоти, талабаларнинг танкидий фикрлашлари, баҳс-мунозара олиб боришлари, саволлар беришлари, жавоблардаги иштироклари, ижодий ёндашувлари ва ишчанликлари ўқитувчи томонидан баҳоланади ва шарҳланади.

12-босқич. Талабаларнинг мавзуну ўзлаштирганликлари даражаси аниқланади (10 дақиқа). Талабалар мавзу бўйича олган билимларини ўзлари баҳолашлари учун «Тест» гипермуурожаатига кириб, тест саволларига жавобларни белгилайдилар ва ўзлаштирганлик даражаларини аниқлайдилар.

1.	5-Маъруза мавзуси:	Ўзбекистон иқлими, уни ҳосил қилувчи омиллар таҳлили. Иқлим элементларига тавсиф. Ноқулай иқлимий ҳодисалар.
2.	Мақсад:	Ўзбекистон иқлими, уни ҳосил қилувчи омиллар таҳлили, иқлим элементларига тавсиф.ва ноқулай иқлимий ҳодисалар ҳақида тўлиқ маълумот бериш.
	Вазифалар:	<p>1. Талабаларни республиканинг иқлимий кўрсаткичлари ҳақидаги билимларни мустақил эгаллашга йўналтириш.</p> <p>2. Ўзбекистонда йиллик ёғин миқдорининг турли жойларда турлича тақсимланиши, ҳароратнинг ойлар бўйича кўрсаткичлари, Қуёш нур сочиб туриши даврининг ҳар хиллиги ва уларнинг иқлимнинг таркиб топишидаги ўрнини аниқлашга ўргатиш.</p> <p>3. Республикамиз иқлимининг халқ хўжалигини ташкил этишдаги ўрни ҳақидаги билимларини шакллантириш.</p>
3.	Ўқув жараёнининг мазмуни	Иқлими икки хил иқлим минтақасига хос: субтропик ва мўътадил, шимолий саҳифаси (Устюрт)да мўътадил, қолган асосий саҳифасида эса субтропик иқлим хусусиятлари мавжуд. Ҳар бир иқлим типиди метеорологик кўрсаткичлар бир-биридан фарк қилади; Ўзбекистоннинг географик ўрни ва Қуёш радиацияси, ер юзаси ҳолатининг Ўзбекистон иқлими шаклланишидаги роли, атмосфера циркуляциясининг Ўзбекистон иқлимининг таркиб топишидаги ўрни, жой рельефининг иқлимга таъсири, Ўзбекистонда иқлимий шароит инсоннинг фаол хўжалик фаолиятига ҳам боғлиқ
4.	Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	<p>Метод: Қарорлар шажараси.</p> <p>Шакл: Маъруза, яқка ва гуруҳлар билан ишлаш.</p> <p>Восита: Компьютер, проектор, электрон доска, ЭЎМТ.</p>

	<p>Усул: Сухбат-бахс, мунозара, тушунтириш, ёзма.</p> <p>Назорат: Ички ва ташқи.</p> <p>Баҳолаш: Рейтинг тизими бўйича.</p>
<p>5. Кутилади-ган натижалар</p>	<p>Ўқитувчи иқлим кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотларни беради, ЭЎМТ ва Интернет маълумотлари, қўшимча адабиётлар билан ишлашга, янги ғоялар яратишга, мустақил илмий асосланган қарорлар чиқаришга ўргатади, талабаларни фаоллаштиради, таълим самарадорлигини оширади, керакли русумга йўналтиради ва билим даражасини баҳолайди.</p> <p>Талаба мавзунини эркин, эҳтиёжи ва талабидан келиб чиққан ҳолда мустақил эгаллайди, янги ғоялар яратишга ҳаракат қилади, мустақил қарорлар ишлаб чиқади, ўз билими даражасини аниқлайди.</p>
<p>6. Келгуси режалар: таҳлил, ўзгаришлар</p>	<p>Ўқитувчи янги маълумотларга эга бўлиш учун ўз устида қўшимча ишлайди ва ижодий ёндашади.</p> <p>Талаба мавзу бўйича қўшимча адабиётлардан ва Интернет тармоғи маълумотларидан фойдаланган ҳолда мустақил, ижодий ёндашиб, конспект ёзади, янги маълумотлар базасини тўплайди.</p>

Машғулотнинг бориши: Ушбу метод бир неча вариант ва бир неча босқичларда бажарилиши мумкин.

I вариант. 1-босқич. Тайёргарлик (5 дақиқа). Ташкилий қисм: саломлашув, давомат, гуруҳлар ташкил этиш, талаба диққатини жамлаб олиши.

2-босқич. Компьютер билан ишлаш (5 дақиқа). Компьютер ва ЭЎМТдан ушбу ишнинг 3-иловасидан тартиб бўйича фойдаланиши мумкин.

3-босқич. Такрорлаш (10 дақиқа). Ўқитувчи ўтилган мавзунини сўраб, мустаҳкамлайди. ЭЎМТда 4-маъруза «Ўзбекистон худудининг орографик тузилиши. Рельефнинг ранг-баранг табиий шароитини шакллантирувчи омил эканлиги. Рельеф турлари ва геомор-

фологик районлари» мавзуси очилади. Тест ойнаси босилади. Та-
лабалар якка ҳолда тестларга жавоб берадилар.

4-босқич. Гуруҳлар вазифаларини аниқлаш (5 дақиқа).
Ўқитувчи машғулот бошланишидан олдин мунозара, таҳлил учун
мавзуга оид бирор муаммони белгилайди. Ушбу технология бир
неча босқичда ўтказилиши ҳақида талабаларга маълумот беради,
гуруҳларга вазифалар тарқатади, қўйилган вазифа гуруҳларда ба-
жарилиши кераклигини таъкидлайди, муаммонинг ҳал этилиши, у
борада энг мақбул қарорнинг қабул қилиниши учун муайян вақт
белгилайди.

1-гуруҳ

Ўзбекистон иқлими		
Иқлимнинг ўзгариши ва тебраниши		
Табиий таъсир оқибатида		
1 Ғоя	2 Ғоя	3 Ғоя
ҚАРОР		

2-гуруҳ

Ўзбекистон иқлими		
Иқлимнинг ўзгариши ва тебраниши		
Антропоген таъсир оқибатида		
1 Ғоя	2 Ғоя	3 Ғоя
ҚАРОР		

3-гуруҳ

Ўзбекистон иқлими		
Иқлимнинг ўзгариши ва тебраниши		
Ер шари ҳаракатининг ўзгариши оқибатида		
1 Ғоя	2 Ғоя	3 Ғоя
ҚАРОР		

4-гуруҳ

Ўзбекистон иқлими		
Иқлимнинг ўзгариши ва тебраниши		
Куёш фаолиятидаги ўзгаришлар оқибатида		
1 Ғоя	2 Ғоя	3 Ғоя
ҚАРОР		

5-босқич. Янги мавзу билан танишиш (10 дақиқа). Ҳар бир талаба билими, қизиқиш қобилиятига қараб ўз гуруҳига берилган вазифани ЭЎМТнинг кенг имкониятларидан фойдаланган ҳолда муваққил ўзлаштиради.

6-босқич. Гуруҳларда ишлаш (15 дақиқа). Ҳар бир талаба биттадан ғоя таклиф қилади. Гуруҳ қарорини қабул қилиш жараёнида гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси томонидан билдириладиган вариантларнинг мақбуллик даражалари батафсил муҳокама қилади. Ҳар бир ғоянинг афзаллик ва камчилик жиҳатлари ёзиб борилади. Билдирилган ғоялар асосида муаммони ижобий ҳал этишга хизмат қилувчи усул хусусида гуруҳ аъзолари бир тўхтамага келиб оладилар. Барча гуруҳ аъзолари энг мақбул деб ҳисоблашган учта ғояни ЭЎМТда берилган гуруҳлар вазифасига ёзишади.

Изоҳ: Компьютер дастурлари, ЭЎМТдан билан ишлаш жараёнида монографиянинг 4-иловасидан фойдаланиш мумкин.

7-босқич. Гуруҳлар тақдироти (10 дақиқа). Ўқитувчи вазифанинг жавобини гуруҳ аъзоларидан бир вакил чиқиб, ҳар бир ғояни илмий асослаб тақдирот қилиб беришини ва қарорини айтишини талаб қилади.

Изоҳ: Тақдирот тугагач гуруҳ аъзоларига ўқитувчи томонидан қўшимча саволлар берилиши мумкин.

8-босқич. Гуруҳлар муҳокамаси (10 дақиқа). Ҳар бир гуруҳнинг энг мақбул деб ҳисобланган, яъни иложи борича биттадан ғояси танлаб олинади ва тўртта ғоя қарори билан куйидаги вазифага ёзилади

Изоҳ: Бунда ҳар бир гуруҳдан биттадан вакил чиқиб гуруҳ жавобини компьютерда ёзади.

Ўзбекистон иклими			
Иклимининг ўзгариши ва тебраниши			
Табиий таъсир оқибатида	Антропоген таъсир оқибатида	Ер шари ҳаракатининг ўзгариши оқибатида	Қуёш фаолиятидаги ўзгаришлар оқибатида
ҚАРОР	ҚАРОР	ҚАРОР	ҚАРОР

9-босқич. Якунлаш (10 дақиқа). Мунозара учун ажратилган вақт ниҳоясига етгач, ҳар бир гуруҳ аъзолари ўз гуруҳи қарори

борасида ахборот берадилар, Зарур ҳолларда, ўқитувчи раҳбарлигида барча талабалар билдирилган қарорларни бир-бири билан қиёслайдилар. Муаммо юзасидан билдирилган қарорлар борасида саволлар туғилгудек бўлса, уларга жавоблар бериб борилади, ноаниқликларга аниқлик киритилади. Агарда барча гуруҳлар томонидан муаммо юзасидан бир хил қарорга келинган бўлса, ўқитувчи бунинг сабабини аниқлайди, изоҳлайди, ўз фикрини билдиради, рағбатлантиради, баҳолайди ва хулоса қилади.

Иқлимнинг ўзгариши ва тебраниши							
1-қарор		2-қарор		3-қарор		4-қарор	
Афзаллиги	Камчилиги	Афзаллиги	Камчилиги	Афзаллиги	Камчилиги	Афзаллиги	Камчилиги
ҚАРОР:							

II вариант. 1-босқич. Тайёргарлик (5 дақиқа). Ташкилий қисм: саломлашув, давомат, гуруҳлар ташкил этиш, талаба диққатини жамлаб олиши.

2-босқич. Компьютер билан ишлаш (5 дақиқа). Компьютер ва ЭЎМТдан ушбу ишнинг 3-иловасидан тартиб бўйича фойдаланиши мумкин.

3-босқич. Гуруҳлар вазифаларини аниқлаш (5 дақиқа). Ўқитувчи машғулот бошланишидан олдин мунозара, таҳлил учун мавзуга оид бирор муаммони белгилайди, гуруҳларга вазифалар берилади, муаммонинг ҳал этилиши, у борада энг мақбул қарорнинг қабул қилиниши учун муайян вақт белгилайди.

4-босқич. Янги мавзу билан танишиш (10 дақиқа). Янги мавзу талабаларга мустақил тайёрланишлари учун компьютердаги ЭЎМТда берилади. Ҳар бир талаба билими, қизиқиш қобилиятига қараб ўз гуруҳига берилган вазифани ЭЎМТнинг кенг имкониятларидан фойдаланган ҳолда мустақил, ижодий ёндашиб қарор қабул қилади.

5-босқич. Якка тартибда ишлаш (5 дақиқа). Ўқитувчи гуруҳлардаги ҳар бир талаба берилган вазифани компьютерда бажариши керак эканлигини айтади, гуруҳ аъзолари якка ҳолда жавоб ёзидилар.

Ердаги энг қатта дарёлар

Миллатимиз саёраимизнинг 70% суви ёлдан қолганлиги, бу сувнинг қатти қисми бутунлай мушуб қолган ёки истеъмол учун қоқмасидир. Ердати чуқук сув-юсимени Астеристора мушуби деген ташкил этишди. Ердаги қўшлар ва дарёларда ташкил 40 минг километр куб суи оқиб, бу сувларга 3 миң бу водийларнинг сувини сўриб-чиқарилади. Абури билан сўриб-чиқарилади. 2023 йилга келиб 52 та мушуб водийни чуқук суи ташкил этишди мушуби деген ташкил этишди.



I. Мушуб ва қор сууларидан тўйналган дарёлар -

Республикамизда Асулар, Зарфшон, Исфаришқой, Осув, Хужабдорган, Сив, Нефери каби дарёларнинг бош қисмлари тоғларга 4500 м. дан ёлшоқда қолганлиги мушуб ва донош қорлар сувидан тўйналган.



Дарёлар.



В.Л.Шулы
Ўзбекистон
худудидати
дарёларни
тўйиниш
манбаига
қараб 4 та турга
ажратади:

Шохиқардон қишлоғига қарин қисмидати

Осув дарёси



Бу қил дарёларда оқим йиллар давомда энг қам ўзгалари, йиллик оқимда тўлиқ суи даври энг қам бўлиб, асосан июль-август ойларига тўри келди. Бу ойларда оқиб ўтган суи йиллик оқим миқдорининг 30-38%ни ташкил этиди. Чуқик бу ойларда ҳаво ҳароратининг қўтарилиши туфайли тоғларнинг ёлшоқ қисмидати мушуб ва қорлар эрибди. Дарё сувининг энг қамдан дарё, аксинча қил ойларига тўри келди.

II. Көр ва музлик сувлардан түйнәдәнгән дәреҗәләр -



Ўзбекистоннинг Норин, Сирдарё, Коралдарё, Қирчиёв, Қоралдарё, Қирчиёв, Сурхондарё каби дәреҗәләрнә көр ва муз сувларидән түйнәдәнгән. Бу турдагн дәреҗәләрнинг оғамн күнәроқ мавсумий көр ва кәчрөк мисләрда күн йнләнк көрләрнинг әршии хисобига хосла буладн.

IV. Көр ва ығыр сувлардан түйнәдәнгән дәреҗәләр -



Калас, Зоминсув, Шерободларё кабин сув йнәгнш мәйдонларн 2000 метрдән пәстдә жөйләштән дәреҗәләр көр-ығыр ва ер остн суларнәдәнгән түйнәдәнгән. Бу турдагн дәреҗәләрда түйнә сув дәвәри жүдә әртә, бәхөр бошпдә бұзыб ўтқдн ва бу дәвәрдә йсләлик оқирмнғ 80 %и оюб ўтқдн.

III. Көр сувлардан түйнәдәнгән дәреҗәләр -



Кашкәдәрё, Ғузғарләр, Сәйтхәйр, Оқангарн, Ғовасой кабин суа йнәгнш мәйдонларн 3400 метрдән пәстдә жөйләштән дәреҗәләр асосән мавсумий көрләр суви хисобига түйнәдәнгән.

Амударени қадимда Ўқуз, Чоржуй, Омуйа, Оксус, Ўкс, Жайхун, Омул номлари билан аталганлар



Амударё қадимда Ғузғарләр, Шерободларё, Қирчиёв ва Қоралдарё каби мавсумий көр ва муз сувларидән түйнәдәнгән.



Амударё қадимда Чоржуй, Омуйа, Оксус, Жайхун, Омул номлари билан аталганлар.



Амударё қадимда Оксус, Жайхун, Омул номлари билан аталганлар.

Амударёнинг ҳам ўрта ва қуби оқимларн Ўзбекистондә жөйләштән. У Ханджодш тоғларидәгн Вренский музлитидән Вахжир нөмә билән бошланадн. Суғра Пөмөр дәрәжә билән күшүрөб, Панж, Вақш билән күшүрөб, Амударё нөмәри оладн. Амударёа ўнгдан Кофир-ноқсон билән Сурхондарё, чагдән җә Кудуз یرмөк-дәрә келәб күшүрәдн. Амударё төкөсплөвә чөкдән Орөл дөңгәнәгә қадәр Урта өйдәнгән хам یرмөк күшүрәмәдн.

Амударё оқими куйидаги дарёлар сувидан шакланади -



■ Панж ва Вахш(8)

■ Кофирionнала

■ Суриандаре in

■ Куню

Сирдарё Ўрта Осиёдаги энг узуни, лексин серува-
лиги жониватидан Амударёдан кейин иккинчи
Ўрида турувчи дарёдир -



У Муқаввип Тошкентда Оқиларок тошда Пешро
турувчи били били узи Пурин дарёда били Фароно ва
тошкентда сарб турувчи Хоразмда билиги кили кили
билиги билиги сарб Сирдарё дёр билиги



Фуронга килиги Сирдарёда олиб килиги сарб
турувчи сарб билиги узи дарёда сарб билиги
Сирдарё ва килиги билиги килиги билиги билиги
18 миль м' суу килиги билиги



Сирдарё Фуронга килиги килиги ва килиги узи
Фуронга килиги Фуронга килиги билиги билиги
билиги килиги килиги билиги билиги билиги

АМУДАРЁ хавзалари ва уларнинг ўртача йиллик сув сарфи, м³/с



■ Панж

■ Вахш

■ Кофирionнала

■ Суриандаре, Шерободаре

■ Қашқадаре

■ Зетрафион

Сирдарё хавзалари ва уларнинг ўртача йиллик сув сарфи, м³/с



■ Нарин

■ Фергона vodiyesi

■ Туркiston tizmasi

■ Ошангарон

■ Чирчик

■ Калас

■ Арас

■ Корантор

Кўллار

• Ўзбекистонда кўллار шибобатин қам, улар республикамизда ҳудудда нотаксис тақсимланган. Кўллarning асосийгига қиенге кўллр бўлиб, улар кўрчак дарё водийлари ва дельталарида, воҳалар атрофида жойлашган. Ўзбекистоннинг тектоник қисмида кўллр суғга сероб тоғларга яқин кўллурларда жойлашган. Республиканинг чул тектоникларида кўллр деярли учрамайди.

• Ўзбекистоннинг тектоник қисмидаги кўллarning кўнчилиги улга чуқур бўлганли оғис кўллр бўлиб, умрининг ситкоҳ, суғ хақис, сонг Ўллр дамолда ўзгариб туради. Масалан, Амударё дельтасида 60 чин Ўллрнинг бошида 2600 га яқин кўл бўлган. Дельтага етиб қолган дарё суғларининг шибобатини ва эрозия билинганли тасийини натикажасиза умаринг сонг мултимас қамийиб борган ва 1985 йилга қисме 400 тага тушиб қолган.

Ўзбекистон кўллари ҳақида асосий маълумотлар ($V \cdot 10^6 \text{ м}^3$)

Т	Кўллр	Дарё хақис	Дарёга ситкоҳда бақимланган, м	Суғ ситкоҳ	Суғ оғис	Суғ оғис хақис, м ³	Дарё чуқурлиги, м	Дарё хақис, м
1	Орол (1940)		53	1048000		68 000	48	
2	Орол (2000)		32,6	140 000		22 500	47,6	
3	Аралбас	Сардар	237,5	13485,5		2000	22	
4	Айдар	Сардар	237,5	13037		1300	25	
5	Ургенч	Сардар	237,5	14485,5		515,8	8,22	
6	Қурбонқизил	Шибобатин	1725	1,17		0,14	13,4	
7	Сарқамаш	Амударё	4,3	24000		2400	39,5	
8	Сардар	Амударё	83			337		21
9	Денгизқизил	Зарфшон	181,5	2733,4		287		

Кўллarning бақимлик минтақалари бўлиб жойлашгани

Дарё хақислари	0-500 м	500-1000-	1000-1500-	1500-2000-
Амударё дельтаси ва кайири	422	-	-	-
Фарғона водийси	7	-	2	6
Чирчиқ хақис	-	5	1	3
Сурхондарё хақис	19	3	-	1
Қишлоқлар хақис	4	-	4	2
Зарфшон хақис	19	-	-	3
				16

Ўзбекистон кўллари орасида шибобатин кўллр ҳам бор. Фарғона водийсидаги Амсанкент, Жиззах шаҳри яқинидаги Туҳсон ва Денгизқизил ана шундай кўллрлар.



Ўзбекистон-даги энг катта кўл - Орол денгизидир.

Орол ва Оролбўйи

муаммоси

- Сув бадиис элементларини олиб-тура боғлақ холда дегизда сув сатхи динлар давлолда узгариб турган. Ма-салак, О Худодатов маълумотиға кура, 1785 йилдан дегизода сув сатхи ку-та-рига бошлаган, 1825 йилдан эса пасай-ган, 1835–1850 йилларда яна кўтарил-ган, 1862 йилдан камайлган, натижада Кўкорот 1880 йилда ариборлат айла-ниб колган, 1885 йилдан бошлай эса дегиз сув сатхи яна кўтарил бош-лаган. 1919 йилда дегизнинг сув дегиз мадорин 67 300 йе, сув мандорин 1087 йе булгак, 1935 йилда эса кузи янбирин 66 9670 йе; сув Хажоаб 113,5 йе га тенг булган.
- Дегизи сувиниң нўрулиги ўртача 10-11 % 0 га ташвиш элган, Дегизи вилда мушлагани убул унда 7 ой келин Хат-палан.

- Уттан эринов 60-йилларда Урта Осие ва Жалубой Кооп-тисгода янги ериловив ў-лаштришилди ва эоли мадор-лариниғ келтириларишони оор-багда сугуриша оловоидган сув мандорин кесери ортан 1965 йилда ериларин сугуриша жами бўлиб 63,2 км² сув элин-ган бўлса, 1985 йилда 111,5 км² сув олинган. Орол дегизода Амударё ва Сырдарёдан кўри-ладиган сув мандорин йилдан-йилга камак борди. Ойрбагда дегизи сув сатхи 1960 йилдан бошлай жала суратларда па-саб бошлаган.



Орол дегизги сув сатхи, сув юзаси майдони, сув ситими ва шўрлигиниң 1960 йилдан кейинги ўзгариши

Йиллар	Сув сатхи муғлак баландлиги, м	Майдони, 10 ⁴ км ²	Сув ситими, км ³	Шўрлиги, % 0
1960	53,4	66,03	1062	12,2
1970	51,50	61,20	975	14,9
1976	48,27	55,70	730	-
1980	46,30	52,1	675	22,1
1990	37,80	34,8	328	33,2
1991	37,70	35,10	302	-
1994	36,60	32,50	250	40,5
1997	36,60	32,50	250	50
2000	32,60	22,50	160	63,9
2001	32,11	21,10	142	65,1

Тарихда бу ерда икки дарё кесишган.....





АБДАҒ (Солмағ)

КҮЛ

Жойланған жайы
Аймақ: Алматы
Турағы: Абай
Құрамы: CaCO₃

Абдағ күйі (Солмағ күйі) - Пурота және тастармен алынатын күй, Шым, қорғасын, Шырағай, Рудолфит, Уртатқан, малахит және Нивабит. Абдағ күйі ұран Шым, Пурота бін тастарға бұрынғысын иберет.

Сув омборлари -



1969 йилда Абдағ шўрық (бөтинда мей- да шўр кўлар ва шўрлар (Жақсылар) вага таркатын ери. 1968-69 йилларда ёрлар- чоқлоқтан халдан ташларн кўн бўрнши туфанди. Сурлар ёрлоқтан бер күси (харидё 21 кы) Чорлар сув омбори ва Аринсой орман Абдағ бөтинга ороқдан, Чома Соял дөптонга ороқтан учун шўра сув. Сурлар ўзюкта сурмайды. Абдағ кўн шу тарзда ташка толди. Кўнган тор етатиди жн. қорғоқларн айна текис ва сув остн ён бөгэрларн дөптонга тороқ, шок. қорғоқларн қолтанс ва шок, ороқ ва қым ороқларн малахит. Абдағ кўнган шок. жисык айна сөй. Урташ кў. 10-12 м, шўрү жойларн 20-30 м, шўра жойларн кўк. 40 м геца. Абдағ кўн тор шўрлар орман Тура- кон ва Аринсой кўларни бекан туушган.

Чорнок сув омбори

Барно этилган
 вақт: 1970

Жойланган
 жойы: Ташкент
 район

Турағы: Ташкент
 аймақ, та-
 биғат қорғау
 бөлімі



Музликлар



- Ўзбекистондаги нам келтирувчи шамолларга рўпара бўлган баланд тоғ етбағирларида йилга 1000 мм гача егин тушади. Баланд тоғларда асосан қор эқканиги учун бу ёққан қорнинг ҳаммаси ҳам шу йил эриб улғура олмабди ва бир қисми кейинги йилларга қолиб кетади. Шу тарзда тўпланиб қолган эски қор уюмлари қуп вақт ўтгани билан эрилашиб, музликларга айланади.

- Сурхондарё вилоятининг Бойсуи туманида жойлашган Мачай қишлоғида ёнар булоқ топилади. Бу ҳақдаги мақола "Народное слово" газетасида чоп этилди.
- Муаллифининг таъкидлашича, булоқнинг бундай хусусияти ҳақда 10 йил муқаддам маълум бўлган.
- Илгари бу булоқ ҳеч қимнинг диққатини тортмас эди, негаки тоғларда бу каби булоқлар кун, - деб ҳикоя қилади маҳаллий аҳоли вақили, 80 ёшли Салоҳиддин Мажидов. – Ун йил олдин киши пайти Мачайга йўл олган бир сайёх йўл бўйида дам олишга қарор қилади. Булоқ олдинга ўтириб, ўтин териб, олов ёқади.
- Кейин қараса, олов суяга етиб боради, суя ҳам ёниб, атрофини иситта бошлайди... Шундан буён бу жой Ёнарбулоқ номини олди. Унинг бу хусусиятини қишлоқнинг ҳар бир одами шахсан текшириб кўрди". Мақолада булоқнинг бундай хусусиятлари қандай ҳодиса билан боғлиқлиги тушунтирилмаган.

Пик МЮД (4492) Северцев

музлигида

Шунинг учун Ўзбекистонда исмида исми кўроққоши бўлса ҳам унинг тоғларида музликлар вуқудга келади. Ўзбекистон тоғларида 517 та музлик бор, лекин булар қиёқ музликлар. Уларнинг умумий майёлини 332,2 км². Республикадаги энг ёриқ ҳисобланган Аютор-3 музлағининг майёли 3,8 км², у Тошкент вилоятида жойлашган, Қашқадарё вилоятидаги Северцев музлиги майёли эса 2,6 км², тегилади.

Северцев перевали



Шарқий Аютор



Ўзбекистон иқлими
Иклимининг ўзгариши ва тебраниши
Куёш фаолиятидаги ўзгаришлар оқибатида
Ғоя:

6-босқич. Гуруҳ аъзоларининг тақдимоти (10 дақиқа). Ҳар бир талаба ўзини ишлаб чиққан ғоясини илмий асослаб тақдимот қилиб беради. Қарорни қабул қилиш жараёнида гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси томонидан билдирилаётган вариантларнинг мақбуллик даражалари батафсил муҳокама қилинади. Ҳар бир ғоянинг афзаллик ва камчилик жиҳатлари ёзиб борилади. Билдирилган ғоялар асосида муаммони ижобий ҳал этишга хизмат қилувчи усул хусусида гуруҳ аъзолари бир тўхтамга келиб оладилар.

7-босқич. Гуруҳларда ишлаш (10 дақиқа). Ҳар бир талаба биттадан ғоя тақлиф қилади. Гуруҳ қарорини қабул қилиш жараёнида гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси томонидан билдирилаётган вариантларнинг мақбуллик даражалари батафсил муҳокама қилинади. Ҳар бир ғоянинг афзаллик ва камчилик жиҳатлари ёзиб борилади. Билдирилган ғоялар асосида муаммони ижобий ҳал этишга хизмат қилувчи усул хусусида гуруҳ аъзолари бир тўхтамга келиб оладилар. Барча гуруҳ аъзолари энг мақбул деб ҳисоблашган учта ғояни ЭЎМТда берилган гуруҳлар вазифасига ёзишади.

8-босқич. Гуруҳлар тақдимоти (10 дақиқа). Ўқитувчи вазифанинг жавобини гуруҳ аъзоларидан бир вакил чиқиб, ҳар бир ғояни илмий асослаб тақдимот қилиб беришини ва қарорини айтишини талаб қилади.

Изоҳ: Тақдимот тугагач, гуруҳ аъзоларига ўқитувчи томонидан қўшимча саволлар берилиши мумкин.

9-босқич. Гуруҳлар муҳокамаси (10 дақиқа). Ҳар бир гуруҳнинг энг мақбул деб ҳисобланган, яъни иложи борича биттадан ғояси танлаб олинади ва тўртта ғоя қарори билан қуйидаги вазифага ёзилади.

Изоҳ: Бунда ҳар бир гуруҳдан биттадан вакил чиқиб, гуруҳ жавобини компьютерда ёзади.

10-босқич. Якунлаш (10 дақиқа). Мунозара учун ажратилган вақт ниҳоясига етгач, ҳар бир гуруҳ аъзолари ўз гуруҳи қарори борасида ахборот берадилар, Зарур ҳолларда ўқитувчи раҳбарлигида барча талабалар билдирилган қарорларни бир-бири билан қийслайдилар. Муаммо юзасидан билдирилган қарорлар борасида саволлар туғилгудек бўлса, уларга жавоблар бериб борилади, ноаниқликларга аниқлик киритилади. Агарда барча гуруҳлар томонидан муаммо юзасидан бир хил қарорга келинган бўлса, ўқитувчи бунинг сабабини аниқлайди, изоҳлайди, ўз фикрини билдиради, рағбатлантиради, баҳолайди ва хулоса қилади.

3.3-жадвал

1.	6-маъруза мавзуси:	Ўзбекистоннинг ер усти сувлари, уларнинг ҳосил бўлиши ва географик тақсимланиши. Дарёлар, кўллар, музликлар. Ботқоқликлар. Ички сувлар режимининг ўзгартирилиши. Орол муаммоси.
2.	Мақсад:	Талабаларни республиканинг ички сувлари, уларнинг хусусиятлари, инсон томонидан фойдаланилиши ва муҳофаза қилиш ҳақида тўлиқ маълумот бериш.
	Вазифалар:	1. Ўзбекистоннинг ички сувларга камбағал эканини, улардан оқилона фойдаланиш зарурлигини тушунтириш. 2. Ички сувлардан оқилона фойдаланиш чоратадбирларини ўргатиш. 3. Талабаларда сувга нисбатан бўлган экологик маданиятни шакллантириш, ривожлантириш.
3.	Ўқув жараёнининг мазмуни	Ўзбекистоннинг иклими ғоят қуруқ бўлишига қарамадан унинг худудида дарё ва кўллар нотекис жойлашган; текислик саҳифасида оқар сувлар жуда кам, тоғларида эса серирмоқ дарёлар. Дарёлар, дарёлар сувининг ҳарорати ва музлаш ҳодисалари, дарёларнинг оқизиклари, музликлар, кўллар ва сув омборлари. Ўзбекистонда ва кўшни чегарадош худудларда жойлашган сув омборлар.
4.	Ўқув жараёнини	Метод: Муаммоли. Шакл: Маъруза, гуруҳлар билан ишлаш.

	<p>амалга ошириш технологияси</p> <p>Восита: Компьютер, ЭЎМТ. Усул: Сухбат-бахс, ёзма, тушунтириш, баён. Назорат: Ички ва ташқи. Баҳолаш: Рейтинг тизими бўйича.</p>
<p>5. Кутилади-ган натижалар</p>	<p>Ўқитувчи мавзу юзасидан керакли маълумотларни беради, қўшимча адабиётлар ва маълумотлар билан ишлашга ўргатади, талабаларни фаоллаштиради ва керакли русумга йўналтиради.</p> <p>Талаба мавзуни эркин, эҳтиёжи ва талабидан келиб чиққан ҳолда мустақил ўзлаштиради, мавжуд муаммоларни аниқлаш, олдини олиш чора-тадбирларини белгилаш, тушунтириш давомида нутқи ривожланади, масъулият сезади, ўзи муайян билимга эга бўлади.</p>
<p>6. Келгуси режалар: таҳлил, ўзгаришлар</p>	<p>Ўқитувчи янги маълумотларга эга бўлиш учун ўз устида ишлайди ва ижодий ёндашади.</p> <p>Талаба мавзу бўйича қўшимча адабиётлардан ва Интернет тармоғи маълумотларидан фойдаланган ҳолда мустақил, ижодий ёндашиб, янги маълумотлар тўплайди, конспект ёзади.</p>

Машғулотнинг бориши: Ушбу метод бир неча вариант ва бир неча босқичларда бажарилиши мумкин.

I вариант. Янги мавзу талабаларга мустақил ўқиб, ўрганиб, конспект ёзиб, тайёрлаиб келишлари учун олдиндан вазифа қилиб берилади.

1-босқич. Тайёргарлик (5 дақиқа). Ташкилий қисм: саломлашув даволат, талаба диққатини жамлаб олиши.

2-босқич. Компьютер билан ишлаш (5 дақиқа). Компьютер ва ЭЎМТдан ушбу ишнинг 3-иловасидан тартиб бўйича фойдаланиш мумкин.

3-босқич. Такрорлаш (10 дақиқа). Ўқитувчи ўтилган мавзуни сўраб, мустаҳкамлайди.

4-босқич. Талабаларга вазифани тушунтириш (5 дақиқа). Ўқитувчи ушбу технология бир неча босқичда ўтказилиши ҳақида талабаларга маълумот беради, вазифани бажаришга вақт белгилай-

ди, қўйилган вазифа яқка ҳолда бажарилиши кераклигини таъкидлайди. Ўқитувчи берилган вазифаларга тўлиқ жавобни ёзма ҳолда компьютер иш столида берилган тарқатма материалга ёзиш керак эканлигини айтади. Талабалар янги мавзунини мустақил ўқиб, ўрганиб келганликлари сабабли, компьютер иш столида ўқитувчи томонидан тайёрланган қуйидаги тарқатма материал билан ишлайдилар.

Муаммо тури	Келиб чиқиш сабаблари	Муаммони олдини олишчора-тадбирлари

Муаммо тури талаба томонидан тўплаган маълумотларидан келиб чиқиб, эркин танлаши ёки ўқитувчи томонидан берилиши мумкин.

5-босқич. Янги мавзу билан ишлаш (15 дақиқа). Ҳар бир талаба билими, қизиқиш қобилиятига қараб ўз гуруҳига берилган вазифани ЭЎМТнинг кенг имкониятларидан фойдаланган ҳолда мустақил ўзлаштиради ва Интернет тармоғига кириб, қўшимча адабиёт ва маълумотлардан фойдаланади, берилган муаммога талабалар томонидан жавоб ёзилади.

Изоҳ: Компьютер дастурлари билан ишлаш жараёнида монографиянинг 4-шловасидан фойдаланиши мумкин.

6-босқич. Талабалар тақдими (20 дақиқа). Тақдимот вақтида ўқитувчи ёки талабалар томонидан саволлар берилади.

7-босқич. Талабалар тақдимотининг муҳокамаси (5 дақиқа). Ҳар бир талабанинг тақдими курсдошлари томонидан изоҳ ва далиллар билан баҳоланади.

8-босқич. Мавзунини мустаҳкамлаш (10 дақиқа). Ўқитувчи тақдими. Мавзунини умумлаштиради, мустаҳкамлайди ва хулоса қилади.

9-босқич. Яқунлаш (5 дақиқа). Талабаларнинг тақдими, вазифа жавоблари, баҳс-мунозаралари, савол беришлари, жавоблардаги иштироклари, ижодий ёндашувлари ва ишчанликлари ўқитувчи томонидан шарҳланади ва баҳоланади.

II вариант. 1-босқич. Тайёргарлик (5 дақиқа). Ташкилий қисм: саломлашув, давомат, гуруҳлар ташкил этиш, талаба диққатини жамлаб олиши.

2-босқич. Компьютер билан ишлаш (5 дақиқа). Компьютер ва ЭЎМТдан ушбу ишнинг 3-иловасидан тартиб бўйича фойдаланиш мумкин.

3-босқич. Такрорлаш (10 дақиқа). Ўқитувчи ўтилган мавзунини сўраб, мустаҳкамлайди. ЭЎМТ да 5-маъруза «Ўзбекистон иқлими, уни ҳосил қилувчи омиллар таҳлили. Иқлим элементларига таъсир. Ноқулай иқлимий ҳодисалар» мавзуси очилади. Тест ойнаси босилади. Талабалар яққа ҳолда тестларга жавоб берадилар.

4-босқич. Гуруҳлар вазифаларини аниқлаш (5 дақиқа). Ўқитувчи машғулот бошланишидан олдин мунозара, таҳлил учун мавзуга оид бирор муаммони белгилайди. Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилиши ҳақида талабаларга маълумот беради, гуруҳларга вазифалар тарқатади, қўйилган вазифа гуруҳларда бажарилиши кераклигини таъкидлайди, муаммонинг ҳал этилиши, у болада энг мақбул ечимни аниқлашга муайян вақт белгилайди.

5-босқич. Янги мавзу билан танишиш (10 дақиқа). Янги мавзу талабаларга мустақил тайёрланишлари учун компьютердаги ЭЎМТда берилади. Ҳар бир талаба билими, қизиқиш қобилиятига қараб ўз гуруҳига берилган вазифани ЭЎМТнинг кенг имкониятларидан фойдаланган ҳолда мустақил ўзлаштиради ва Интернет тармоғига кириб, қўшимча адабиёт ва маълумотлардан фойдаланади.

6-босқич. Гуруҳларда ишлаш (10 дақиқа). Ҳар бир талаба биттадан муаммо ечимини таклиф қилади. Гуруҳ муаммо ечимини аниқлаш жараёнида гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси томонидан билдирилаётган вариантларнинг мақбуллик даражалари батафсил муҳокама қилади. Ҳар бир муаммо ечимининг афзаллик ва камчилик жиҳатлари ёзиб борилади. Барча гуруҳ аъзолари энг тўғри деб ҳисоблашган муаммо ечимини компьютер иш столида берилган гуруҳлар вазифасига ёзишади. Гуруҳ тақдимотини тайёрлашади.

Муаммо тури	Келиб чиқиш сабаблари	Кутиладиган оқибатлар	Муаммонинг ечими
-------------	-----------------------	-----------------------	------------------

Изоҳ: Компьютер дастурлари билан ишлаш жараёнида монографиянинг 4-иловасидан фойдаланиш мумкин.

7-босқич. Гурухлар тақдимоти (10 дақиқа). Ўқитувчи вазифанинг жавобини гуруҳ аъзоларидан бир вакил чиқиб, муаммо ечимини асослаб, тақдимот қилиб беришини талаб қилади.

Изоҳ: Тақдимот тугагач гуруҳ аъзоларига ўқитувчи томонидан қўшимча саволлар берилади.

8-босқич. Гурухлар муҳокамаси (10 дақиқа). Ҳар бир гуруҳнинг тақдимоти қолган гуруҳлар томонидан изоҳ ва далиллар билан баҳоланади.

9-босқич. Мавзуни мустаҳкамлаш (10 дақиқа). Ўқитувчи ўзи тайёрлаб келган тақдимот, ЭЎМТ ёрдамида мавзуни мустаҳкамлайди.

Муаммо тури	Келиб чиқиш сабаблари	Қутиладиган оқибатлар	Муаммонинг ечими
Сув танқислиги	<ul style="list-style-type: none"> - қурғоқчил континентал иқлим; - чўл, чала чўл ва тоғ олди данглар; - чўл массивларининг деҳқончилик учун ўзлаштирилиши; - экин майдонларининг муттасил кенгайиши; - сув омборлари ва каналлар қурилиши; - сувдан оқилона фойдаланмаслик. 	<ul style="list-style-type: none"> - янги антропоген чўллар вужудга келади; - табиий, геоэкологик ва ижтимоий-иқтисодий вазият юзага келади; - озиқ-овқат муаммоси юзага келади; - юқумли касалликлар кўпаяди; - ўсимлик ва ҳайвонот дунёси оламида салбий оқибатлар юзага келади; -демографик сиёсатта салбий таъсир этади. 	<ul style="list-style-type: none"> - сув ресурсларини тежаш ва уларнинг ифлосланиши ҳамда минераллашиш даражаси устидан назоратни кучайтириш; - айрим кимё корхоналарининг ҳозирги технология даражасида деярли тозалаб бўлмайдиган сувларини алоҳида ҳавзага йиғиб буглатиб юбориш; - Тоза сувни тежаш учун водопроводларни 2–3 тизимли фойдаланишга ўтказиш зарур.

10-босқич. Гуруҳлар ишини баҳолаш (5 дақиқа). Ўқитувчи талабаларни фаолиятини баҳолайди, рағбатлантиради.

1.	9-Маъруза мавзуси:	Ўзбекистон ўсимликлари, уларнинг кенглик зоналари ва баландлик минтақалари бўйича тарқалиши, халқ хўжалигидаги аҳамияти ва муҳофазаси.
2.	Мақсад:	Талабаларга Ўзбекистон ўсимликлари, уларнинг тарқалиши, хўжаликдаги аҳамияти ҳамда муҳофазаси ҳақида тўлиқ маълумот бериш.
	Вазифалар:	1. Ўзбекистонда ўсимликларнинг кенглик зоналари ва баландлик минтақалари бўйича тарқалишини тушунтириш. 2. Чўл минтақаси ўсимликлари ва интразонал ўсимликларни фарқлашга ўргатиш. 3. Талабаларда табиатга ва унинг неъматларига меҳр туйғусини тарбиялаш.
3.	Ўқув жараёнининг мазмуни	Ўзбекистон ўсимликларни дунёсининг хилма-хиллиги. Ўзбекистон ҳудудининг баландлик минтақаларига бўлиниши. Ўзбекистон табиатининг мураккаблиги, тупроқларининг хилма-хиллиги ҳамда ўсимликлар турларига атрофдаги ҳудудларнинг таъсири. Чўл минтақаси ўсимликлари. Ўзбекистонда ўсимликларнинг баландлик минтақалари. Интразонал ўсимликлар. Ўзбекистондаги доривор ўсимликлар. Ўзбекистоннинг ўрмон фонди.
4.	Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	Метод: Бумеранг. Шакл: Маъруза, гуруҳларда ишлаш. Восита: Компьютер ЭЎМТ. Усул: Оғзаки, ёзма, тушунтириш, ҳикоя. Назорат: Ички ва ташқи. Баҳолаш: Рейтинг тизими бўйича.
5.	Кутиладиган натижалар	Ўқитувчи мавзу бўйича керакли маълумотларни беради, кўшимча адабиётлар ва маълумотлар билан ишлашга ўргатади, талабаларни фаоллаштиради ва керакли русумга йўналтиради. Талаба мавзунини эркин, эҳтиёжи ва талабидан келиб чиққан ҳолда мустақил ўзлаштиради, тушунтириш давомида нутқи ривожланади, масъулият сезади, муайян билимга эга бўлади.
6.	Келгуси режалар: таҳлил, ўзгартириллар.	Ўқитувчи янги маълумотларга эга бўлиш учун ўз устида ишлайди ва ижодий ёндашади. Талаба мавзу бўйича кўшимча адабиётлардан ва Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда, мустақил, ижодий ёндашиб, янги маълумотлар тўплайди, конспект ёзади.

6-гуруҳ. Интразонал ўсимликлар зоналлик ва минтақаланиш қонуниятларига қатъий бўйсунмайдиган, бир неча зонада, турли баландлик минтақаларида ҳам учрайдиган ўсимликлар эканлигини ўрганадилар.

6-босқич. Гуруҳларни қайта гуруҳлаш (5 дақиқа). Белгиланган 10 дақиқадан сўнг олдиндан ўқитувчи томонидан тайёрланган, рақамлар ёзилган қоғозлар талабаларга берилади ва талабалар хоҳлаган рақамларини танлаб оладилар. Қоғоздаги рақамлар гуруҳдаги талабалар сонига боғлиқ, иложи борича гуруҳларда талабалар сони бир хил бўлиши керак. 1-6 гача бўлган рақамлардан биттадан танлаб олишади, 1 рақамини танлаганлар 1 столга, 2 рақамини танлаганлар 2 столга ва ҳоказо, 6 столга келиб жойлашади. Столларда 5 та мавзу бўйича гуруҳ аъзолари йиғилдилар, янги гуруҳ ташкил этилади.

7-босқич. Гуруҳларда ишлаш (10 дақиқа). Ҳар бир гуруҳ аъзоси ўрганиб чиққан матн маълумоти бўйича қолган гуруҳ аъзоларига тўлиқ маълумот беради. Бунга ҳам талабаларни ўзлаштиришларига қараб регламент белгиланади. Бу вазифани бажаришда талабадан ҳам ўқитувчилик, ҳам талаба ролини бажариш талаб қилинади. Аввало, ўқитувчи сифатида у ўрганган маъруза матнини курсдоши тушунадиган қилиб гапира бера олиши, ўзи мустақил ўрганган маъруза матнининг асосий жойларига барчанинг эътиборини ва диққатини қарата олиши, бошқа гуруҳ аъзоларини тушуниш ва ўзлаштириш қобилиятларини текшириб кўриш имкониятига эга бўлади. Талаба сифатида курсдошларини ҳурмат, сабртоқат ва эътибор билан эшита олиши, таҳлил қилиши ва фикрлаши, эшитганларини ёдда сақлаб қолиши талаб қилинади (20 дақиқа).

8-босқич. Ички назорат (5 дақиқа). Гуруҳдагилар бир-бирларига ўз матнларини гапириб бериб, барчалари ушбу матнларни билиб олишгач, ўқитувчи ўрганилган материал гуруҳ аъзолари томонидан қанчалик ўзлаштириб олинганини текшириб кўриш учун ҳар бир гуруҳ аъзоси бир-бирларига ўз матнларидан келиб чиққан ҳолда саволлар беришлари мумкинлигини тушунтиради. Шундай қилиб, гуруҳ ичида ички назорат савол-жавоб орқали ўтказилади. Бу эса, гуруҳдаги тингловчиларни бир-бирларига сўзлаб берган материалларини бошқалар томонидан ўзлаштирилганлик даражасини аниқлашга, мустаҳкамлашга ёрдам беради.

9-босқич. Гурухларни дастлабки гурух ҳолатига келтириш (5 дақиқа). Ҷўқитувчи томонидан ҳамма талабаларнинг ўзлари анвал эгаллаган жойларига қайтиб келишлари сўралади.

10-босқич. Янги мавзуни мустаҳкамлаш (10 дақиқа). Ҷўқитувчи аудиториядаги талабаларнинг барчаси янги мавзу материаллари билан таниш эканликлари, улар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлганликларини ҳисобга олган ҳолда, аудиториядаги ҳар бир талабадан ҳоҳлаган маъруза матни бўйича сўраши мумкинлигини айтади. Ҷўқитувчи ёки махсус тузилган эксперт гуруҳи талабаларга назорат саволлари билан мурожаат қиладилар. Ҷавоблар рейтинг баллар асосида баҳоланиши Ҷўқитувчи томонидан тушунтирилади, масалан, саволларга тўлиқ жавоб берган талабага – 3 балл, жавобни тўлдирган талабага – 2 балл, ўтирган жойдан луқма ташлаган талабага – 1 балл.

Изоҳ: Гуруҳ аъзоларининг жавобларини юқорида кўрсатилган тартибда баҳолаш балларни қўйиб бориши, умумлаштириши учун ҳар бир гуруҳ ўзига гуруҳ қатнашчиларидан бирини «ҳисобчи» этиб тайинлаши мумкин («ҳисобчи» ҳам даврада бўлаётган савол-жавоблар мулоқотида иштирок этади).

11-босқич. Талабалар жавобини баҳолаш (5 дақиқа). Умуман олганда, агар талаба фаоллик кўрсатмаган ёки савол-жавобларда иштирок этмаган бўлса ҳам унинг шу дарс жараёнида бирон нарсани билиб олган ҳолда унга энг кичик балл берилиши мумкин. Бу талабани кейинчалик шу шаклдаги дарсларда фаолроқ бўлишга ундайди

12-босқич. Хулоса ва яқунлаш (5 дақиқа). Ҷўқитувчи талабаларни фаолиятини баҳолайди, қуйидаги саволлар билан уларга мурожаат қилади ва берилган жавобларга ўз фикрини билдиради:

- бугунги машғулотдан нималарни билиб олдингиз?
- нималарга ўргандингиз?
- нималар сизлар учун янгилик бўлди?
- яна нималарни билишни истар эдингиз?

1.	10-маъруза мавзуси:	Ўзбекистон ҳайвонот дунёси, уларнинг ландшафт минтақалари бўйича тарқалиши, хўжаликдаги аҳамияти ва муҳофазаси.
2.	Мақсад:	Талабаларга ер юзининг зоогеографик районлаштирилиши тизимида Ўзбекистон ҳудудининг ўрни, республикамиздаги жуда бой ва хилма-хил ҳайвонот дунёси ҳақида уларнинг хўжаликдаги аҳамияти ҳамда муҳофазаси ҳақида маълумот бериш.
	Вазифалар:	<p>1. Ер юзининг зоогеографик районлаштирилиши тизимида Ўзбекистон ҳудуди палеарктика ўлкасининг Марказий Осиё кичик ўлкаси таркибига киришини тушунтириш.</p> <p>2. Республика ҳайвонот дунёси жуда бой ва хилма-хиллигини, уларни бир-биридан фарқлашга ўргатиш.</p> <p>3. Талабаларда «Қизил китобга» киритилган ҳайвонот дунёси вакиллари, табиатни, ундаги барча тирик жонзотларни муҳофаза қила олиш туйғусини шакллантириш.</p>
3.	Ўқув жараёнининг мазмуни	ЎЗРнинг дарёларида, кўлларида, сув омборларида балиқларнинг 60 дан ортиқ тури яшайди. Чўлларида, дарё қайирларида, воҳаларида ва тоғларида судралиб юривчиларнинг 57 тури, сут эмизувчиларнинг 91 тури ва қушларнинг 410 дан ортиқ тури тарқалган. Ўзбекистон ҳайвонот дунёси жуда бойлиги ва таркибининг турли-туманлиги, эндемикларнинг кўплиги, чўл ҳайвонларининг хилма-хиллиги, ҳар-хил ландшафтлар ҳайвонларининг кескин фарқланиши, ҳайвонот дунёсининг жуда қадимийлиги билан ажралиб туради, чўл ҳайвонлари, Ўзбекистонда атроф-муҳит ва табиат бойликлари давлат томонидан муҳофаза қилинади.
4.	Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	<p>Метод: Тоифалаш – жадвали.</p> <p>Шакл: Маъруза, гуруҳларда ишлаш.</p> <p>Восита: Компьютер, ЭЎМТ.</p> <p>Усул: Оғзаки, ёзма, баён.</p> <p>Назорат: Ички ва ташқи.</p> <p>Баҳолаш: Рейтинг тизими бўйича.</p>
5.	Кутиладиган натижалар	Ўқитувчи мавзу бўйича керакли маълумотлар беради, қўшимча адабиётлар ва маълумотлар билан ишлашга ўргатади, талабаларни фаоллаштиради ва керакли русумга йўналтиради.

		Талаба мавзуни эркин, эҳтиёжи ва талабидан келиб чиққан ҳолда мустақил ўзлаштиради, тушунтириш давомида нутқи ривожланади, маъсулият сезади, муайян билимга эга бўлади.
6.	Келгуси режалар: таҳлил, ўзгаришлар.	Ўқитувчи янги маълумотларга эга бўлиш учун ўз устида ишлайди ва ижодий ёндашади. Талаба мавзу бўйича қўшимча адабиётлардан ва Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда мустақил, ижодий ёндашиб, янги маълумотлар тўплайди, конспект ёзади.

Жамият ривожланишида ижтимоий-иктисодий, демографик жараёнлар ҳудуднинг табиий хусусиятлари билан узвий боғлиқ ҳолда содир бўлади ва ривожланишнинг асосий омилларидан бирини ташкил этади. Жамият тараққиётини мукаммал ўрганиш биринчи навбатда табиий географик хусусиятлар ва жараёнларни чуқур, илмий таҳлил этишни тақозо этади. Шу боис, «Ўзбекистон ҳайвонот дунёси, ҳамда уларнинг ландшафт минтақалари бўйича тарқалиши, хўжаликдаги аҳамияти ва муҳофазаси» мавзусини «Тоифалаш – жадвали» методи асосида ўрганиб чиқиш кўпроқ ижобий натижа беради. Тоифа-хусусият ва муносабатларни муҳимлигини намоён қилувчи умумий тушунча. Ажратилган тушунчалар асосида олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди, тизимли фикрлаш, маълумотларни тузилмага келтириш, тизимлаштириш кўникмаларини ривожлантиради.

Машғулотнинг бориши: Янги мавзу талабаларга мустақил аҳборот ресурс марказларида ЭЎМТдан ўқиб, тайёрланиб, ўрганиб келишлари учун олдиндан вазифа қилиб берилади. Талабаларга бериладиган вазифалар мавзудан келиб чиққан ҳолда бир хил ёки ҳар хил бўлиши мумкин.

1-босқич. Тайёргарлик (5 дақиқа). Ташкилий қисм: саломлашув, даволат, гуруҳлар ташкил этиш, талаба диққатини жамлаб олиши.

2-босқич. Компьютер билан ишлаш (5 дақиқа). Компьютер ва ЭЎМТдан ушбу ишининг 3-иловасидан тартиб бўйича фойдаланиш мумкин.

3-босқич. Такрорлаш (10 дақиқа). Ўқитувчи ўтилган мавзуни сўраб, мустаҳкамлайди.

4-босқич. Гуруҳлар вазифаларини аниқлаш (5 дақиқа). Ўқитувчи машғулот бошланишидан олдин мунозара, таҳлил учун мавзуга оид бирор муаммони белгилайди. Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилиши ҳақида талабаларга маълумот беради, гуруҳларга вазифалар таркагади, қўйилган вазифа гуруҳларда бажарилиши кераклигини таъкидлайди, муаммонинг ҳал этилиши борасида афзаллик ва камчиликларини кўрсатишлари ва сўнгида хулоса чиқаришлари кераклигини таъкидлайди ва муайян вақт белгилайди.Бериладиган вазифалар куйидаги кўринишда бўлади:

1-гуруҳ вазифаси:

Чўлхайвонот дунёсининг ландшафтлар бўйича тарқалиши		
Яшаш жойи (шароити)	Ҳайвонларноми	Ўзига хос хусусиятлари

2-гуруҳ вазифаси:

Воҳахайвонот дунёсининг ландшафтлар бўйича тарқалиши		
Яшаш жойи (шароити)	Ҳайвонлар номи	Ўзига хос хусусиятлари

3-гуруҳ вазифаси:

Адирхайвонот дунёсининг ландшафтлар бўйича тарқалиши		
Яшаш жойи (шароити)	Ҳайвонлар номи	Ўзига хос хусусиятлари


4-гуруҳ вазифаси:

Тоғхайвонот дунёсининг ландшафтлар бўйича тарқалиши		
Яшаш жойи (шароити)	Ҳайвонлар номи	Ўзига хос хусусиятлари

5-гуруҳ вазифаси:

Яйловхайвонот дунёсининг ландшафтлар бўйича тарқалиши		
Яшаш жойи (шароити)	Ҳайвонлар номи	Ўзига хос хусусиятлари

5-босқич. Янги мавзу билан танишиш (10 дақиқа). Янги мавзу талабаларга мустақил тайёрланишлари учун компьютердаги ЭЎМТда берилади. Ҳар бир талаба билими, кизиқиш қобилиятига қараб ўз гуруҳига берилган вазифани ЭЎМТнинг кенг имкониятларидан фойдаланган ҳолда мустақил ўқиб ўрганади, керак деб ҳисоблаган жойларини конспект қиладилар, Интернет тармоғига кириб, кўшимча адабиёт ва маълумотлардан фойдаланадилар.




3.4-расм. Ҳайвонот дунёси галереяси ойнаси

6-босқич. Гуруҳларда ишлаш (15 дақиқа). Гуруҳ вазифани бажариш жараёнида ҳар бир аъзоси томонидан билдирилаётган фикр-мулоҳазаларнинг мақбуллик даражаларини батафсил муҳокама қилади. Барча гуруҳ аъзолари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, ҳар бир муаммонинг афзаллик ва камчилик жиҳатларини, барча маълумотлар компьютер иш столида берилган гуруҳлар вазифасига ёзиб борилади. Билдирилган фикрлар асосида муаммони ижобий ҳал этишга хизмат қилувчи усул хусусида гуруҳ аъзолари умумий хулосага келади.

Изоҳ: *Компьютер дастурлари билан ишлаш жараёнида монографиянинг 4-иловасидан фойдаланиш мумкин.*



3.5-расм. Маъруза матнини ўрганиш жараёни



3.6-расм. Маъруза матнини ўрганиш жараёни

7-босқич. Гуруҳлар такдироти (10 дақиқа). Тоифали шарҳлашни тузиш қондаси билан танишадилар. Янги ўқув материали билан танишишдан сўнг, кичик гуруҳларда, олинган маълумот лавҳаларини бирлаштириш имконини берадиган тоифаларни излайди-

лар. Тоифаларни жадвал кўринишида расмийлаштирадilar. Ғояларни, маълумотларни тоифага мос равишда бўладilar. Иш жараёнида тоифаларнинг айрим номлари ўзгариши мумкин. Янгилари пайдо бўлиши мумкин. Гуруҳнинг барча аъзолари ҳамкорликда келишиб тайёрлаган “Тоифалаш – жадвали”ни гуруҳ сардори тақдимот килиб беради.

Изоҳ: Тақдимот давомида ўқитувчи томонидан қўшимча саволлар бериллади. Гуруҳнинг барча аъзолари жавоб беришда фаол қатнашадilar.

8-босқич. Гуруҳлар тақдимотининг муҳокамаси (5 дақиқа). Ҳар бир тақдимот гуруҳлар томонидан изоҳланади, баҳоланади.

9-босқич. Мавзуни мустаҳкамлаш (10 дақиқа). Ўқитувчи ўзи тайёрлаб келган тақдимот, ЭЎМТ ёрдамида мавзуни мустаҳкамланади. Гуруҳларга берилган вазифаларни тўғри жавоби келтирилган наъмуналар билан мавзуга умумий хулоса қилади. Қуйида наъмуналар келтирилган:

1-гуруҳ

Чўл хайвонот дунёсининг ландшафтлар бўйича тарқалиши		
Яшаш жойи (шароити)	Ҳайвонлар номи	Ўзига хос хусусиятлари
- Орол денгизининг шимоллий кенгликлари;	- юмронқозиқ;	- сувни ниҳоятда оз талаб этади;
- чўл минтақасининг майдони катта;	- қум сичқон;	- баъзилари бутунлай сув ичмайди;
- шимолдан жанубга катта масофага чўзилган;	- тулки;	- авжи ёз иссиғидан қочиб уйқуга киради;
- мутлак баландлик ҳар хил;	- чиябўри;	- иссиқдан қочиб, инларидан чикмайдilar;
- пастки чўл ва юқори чўлга бўлинади;	- хонгул;	- кечаси фаол ҳаёт кечирадilar;
- пастки чўл мутлак баландлиги 250 метргача;	- саксавул тўғрайи;	- тез югирадilar;
- юқори чўл мутлак баландлиги 250-400 м;	- хўжасавдогар;	- кўзлари ўткир;
- қумли чўлларда тупроқ таркибининг 80-90 %и қумлардан иборат;	- саксовул чумчуғи;	- ранглари қумникига ўхшаб бўлади;
- у сувни яхши ўтказди;	- ёввойи қўй;	- калтакесак гавдаси чўзиқ;
- қумли чўлларда ёзда тупроқнинг 50 см гача	- тошбақа;	- ингичка;
	- тўнғиз;	- қўл-оёқлари узун;
	- буғу;	- панжалари кенг;
	- тўқай мушуги;	- қумда тез югуришади;
	- хонгул;	- кавлаб киришга
	- қуён;	
	- сув каламуши;	
	- сичқон;	

<p>бўлган юза қисми қурийдн;</p> <p>- ундан пастдаги 60-120 см қалинликдаги катла-мида нам сақланади;</p> <p>- Устюртда, Марказий Қизилқумдаги қолдиқ тоғлар атрофида тошлок чўллар кенг тарқалган;</p> <p>- Сирдарё, Амударё, За-рафшон, Чирчиқ, Оҳан-гарон дарёлари қайирла-рида тўқайлар учрайди;</p> <p>- Қорақум;</p> <p>- Қизилқум;</p> <p>- Устюрт;</p> <p>- қурғоқчил;</p> <p>- жазирама иссиқ;</p> <p>- қумли;</p> <p>- гилли;</p> <p>- континентал;</p> <p>- тошлок;</p> <p>- Устюрт чинқлари;</p> <p>- қумли чўллар</p> <p>- шўрхок ерлар.</p>	<p>- қирғовул;</p> <p>- қарқунок;</p> <p>- чумчук;</p> <p>- бўри;</p> <p>- ўрдақ;</p> <p>- ғоз;</p> <p>- лойхўрак;</p> <p>- пуночка;</p> <p>- оқ каклик;</p> <p>- қутб бойқуши;</p> <p>- балиқчи қушбаклан;</p> <p>- сақоқуш;</p> <p>- қизил гоз;</p> <p>- бўз эчкиэмар;</p> <p>- Ўрта Осиё ага-маси;</p> <p>- курак бармоқли геккон;</p> <p>- чопқир чипор қалтакесак;</p> <p>- қулон;</p> <p>- оққурай;</p> <p>- жайрон;</p> <p>- қалта қулоқли думалок ва қум қалтакесаклари;</p> <p>- ёввойи мушук.</p>	<p>мослашган;</p> <p>- ёзда жанубдан иссиқсевар ҳайвонлар, қушлар кириб келади;</p> <p>- иссиқсевар ҳайвонлар, қушлар қишда жанубга қайтиб кетади;</p> <p>- қишда инларига кириб кетадилар;</p> <p>- қишда шимолдан қушлар учиб келади;</p> <p>- қалтакесаклар рангини ўзгартиради;</p> <p>- иссиққа ва сувсизликка турлича мослашган;</p> <p>- умуман сув ичмайди;</p> <p>- кечаси ҳаёт кечиради;</p> <p>- салқин жойларда яшайди;</p> <p>- қумли чўллар-судралиб юрувчилар макони;</p> <p>- узунлиги 1,5 метргача;</p> <p>- қундузи иссиқда жуда ҳаракатчан бўлади;</p> <p>- ҳарорат 15⁰ га тушганда бадани увишади;</p> <p>- 10⁰ да эса совиб қотиб қолади;</p> <p>- ранги қум тусида бўлиши душмандан сақлайди;</p> <p>- илдизларни еб, ундаги сув билан қаноатланади.</p>
---	---	--

2-гурух

Воҳа ҳайвонот дунёсининг ландшафтлар бўйича тарқалиши		
Яшаш жойи (шароити)	Ҳайвонлар номи	Ўзига хос хусусиятлари
<p>- Ўзбекистоннинг жануби;</p> <p>- йирик воҳалар жойлашган;</p> <p>- энг кўп майдонни пахта эгаллайди;</p> <p>- пахта билан беда, маккажўхори, бугдой,</p>	<p>- кўк бақа;</p> <p>- ҳар хил рангли қалтакесак;</p> <p>- Туркистон яйдоқ бармоқли геккони;</p> <p>- дала чумчуқлари;</p> <p>- туя қалдирғочи;</p>	<p>- сувни ниҳоятда кўп талаб этади;</p> <p>- баъзилари бутунлай сув ичмайди;</p> <p>- авжи ёз иссиғидан қочиб уйкуга қиради;</p> <p>- иссиқдан қочиб, инларидан чикмайдилар;</p>

арпа, шоли алмашиб экилади; - аҳоли яшаш жойи; - уй агрофи; - далалар.	- дала қалдирғочи; - мусича; - майна; - қарқуноқ; - кўршапалак; - кулранг каламуш; - Туркистон каламуши; - уй сичқони; - кўрсичқон; - сарик илон; - қорачипор илон.	- кечаси фаол ҳаёт кечирадилар; - кўзлари ўткир; - судралиб юрадилар; - осмонда учадилар; - ранглири қумникига ўхшаш бўлади.
--	---	--

3-гурух

Адир ҳайвонот дунёсининг ландшафтлар бўйича тарқалиши		
Яшаш жойи (шароити)	Ҳайвонлар номи	Ўзига хос хусусиятлари
- денгиз сатҳидан 500-700 м дан 1200-1600м гача; - баланд тоғолди қирларда - республика жанубида 1600 м гача бўлган тоғ олди текисликларда; - рельефи нотекис; - тупроғи бўз тупроқ; - чўлга нисбатан ёғин бир-мунча кўп ёғади; - ер ости сувлари кўпроқ; - юқори адирларда; - деҳқончилик қилинадиган жойлар атрофида;	- қўшоёқ; - юмронқозиклар; - суғур; - дала сичқонлари; - тулки; - бўри; - бўрсик жайра; - бўрсик; - типратиконлар; - сўфитўрғай; - бўздак; - кўк қарға; - каклик каби қушлар.	- чопқир; - йиртқич; - осмонда учади; - ўтхўр; - шохли; - тўда-тўда бўлиб яшайди; - ўз ҳаётининг кўп қисмини уйқуда ўтказди; - қанотли.

4-гурух

Тоғ ҳайвонот дунёсининг ландшафтлар бўйича тарқалиши		
Яшаш жойи (шароити)	Ҳайвонлар номи	Ўзига хос хусусиятлари
- денгиз сатҳидан 1200м дан 2000 м гача; - Писком дарё; - Угам дарё; - Оҳангарон дарёларининг юқори қисмида; - Чотқол тоғ;	- кўк суғур; - суғур; - жайра; - бўрсик; - олмахон; - ўрмон сичқонлари; - қўнғир айик;	- чопқир; - йиртқич; - осмонда учади; - ўтхўр; - шохли; - тўда-тўда бўлиб яшайди;

<ul style="list-style-type: none"> - Писком тоғ; - Угам тоғ; - Фарғона тоғ; - Қоржантоғ; - Ҳисор тоғ тизмалари; - Фарбий Тяньшан, Зарафшон, Туркистон тоғларида 1500-2000 метр баландликларда кенг тарқалган; - 2700-2800 метргача; - гумид иклим; - тоғ ўрмонларида; - арчазор ўрмонларда; - қояларда. 	<ul style="list-style-type: none"> - бӯри; - оқ сувсар; - силовсин; - арча болтатумшуғи; - сариқ тирноқ читтак; - қизилбош чумчук - косуля бургут; - Туркистон агамаси; - тоғ фотмачумчуғи; - каклик; - тоғ сувсари; - Сибирь эчкиси; - бурма шохли эчки. 	<ul style="list-style-type: none"> - ўз ҳаётининг кўп қисмини уйқуда ўтказади; - қанотли.
---	--	---

5-гурух

Яйловҳайвонот дунёсининг ландшафтлар бўйича тарқалиши		
Яшаш жойи (шароити)	Ҳайвонлар номи	Ўзига хос хусусиятлари
<ul style="list-style-type: none"> - Субальп ва альп минтақаси иқлими совуқ; - рельефи мураккаб; - 2000-4500 м баландликда; - Альп, Ҳимолай минтақасида; - доимий қорлар; - музликлар чегараси. 	<ul style="list-style-type: none"> - архар; - бугу (элик); - кийиклар; - суғур қор қоғлони; - оқ тирноқли айик; - қизил суғурдир; - Альп зағчаси; - илвирс; - қор қоғлони; - тоғ эчкиси ва б. 	<ul style="list-style-type: none"> - тўда-тўда бўлиб яшайди; - чопқир; - йиртқич; - осмонда учади; - ўтхўр; - шохли; - ўз ҳаётининг кўп қисмини уйқуда ўтказади.

Изоҳ: Юқоридаги вариант яқка тартибда ишлаш орқали ҳам бажарилиши мумкин.

10-босқич. Якунлаш (5 дақиқа). Гурухлар тақдмоти, талабаларнинг жавоблари, баҳс-мунозаралари, савол беришлари, жавоблардаги иштироклари, ижодий ёндашувлари ва ишчанликлари ўқитувчи томонидан шарҳланади ва баҳоланади.

1.	11-маъруза мавзуси:	Ўзбекистонда табиатни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш. Ўзбекистондаги регионал ва маҳаллий геозкологик муаммолар ва уларнинг ечими. Қўриқхоналар, буюртмалар. Миллий боғлар.
2.	Мақсад:	Ўзбекистонда табиатни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, регионал ва маҳаллий геозкологик муаммолар ва уларнинг ечими ҳақида маълумот бериш.
	Вазифалар:	<p>1. Ўзбекистонда табиатни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, регионал ва маҳаллий геозкологик муаммолар ва уларнинг ечими, қўриқхоналар, буюртмалар ва миллий боғлар ҳақида маълумотларни мустақил ўқиб ўрганишга йўналтириш.</p> <p>2. Регионал ва маҳаллий геозкологик муаммоларни аниқлашга ва уларни ҳал қилишга ўргатиш.</p> <p>3. Ватанимиз табиатини ва табиий ресурсларини муҳофаза қилиш туйғусини шакллантириш ва ривожлантириш.</p>
3.	Ўқув жараёнининг мазмуни	Алоҳида экологик, тарихий ва нафосат аҳамиятига эга бўлган табиий объектларни муҳофаза қилиш, рекреация, илмий, маданий, маърифий мақсадларда фойдаланишга мўлжалланган алоҳида муҳофаза этиладиган объектлар; миллий боғлар, ғорлар, ажойиб шаклли қоялар, даралар, шаршаралар, ер қатламлари очилиб қолган жойлар, ўзига хос булоқлар, катта ёшли дарахтларни; табиат объектларини илмий, рекреация, туризм, саёҳат, нафосат мақсадларида ўрганилиши ва муҳофаза қилиниши; хилма-хил карст рельефи шакллари, археологик аҳамиятга эга бўлган ғорлар ва унгурлар, нодир булоқлар, шаршаралар, илмий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган қоялар ва геологик очилмаларни муҳофаза қилиш муҳим вазифа эканлиги ҳақида батафсил маълумот бериш.
4.	Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	<p>Метод: ФСМУ.</p> <p>Шакл: Маъруза, гуруҳларда ишлаш.</p> <p>Восита: Компьютер, ЭЎМТ.</p> <p>Усул: Оғзаки, ёзма.</p> <p>Назорат: Ички ва ташқи.</p> <p>Баҳолаш: Рейтинг тизими бўйича.</p>

<p>5. Кутиладиган натижалар</p>	<p>Ўқитувчи мавзу бўйича керакли маълумотлар беради, қўшимча адабиётлар, компьютер, ЭЎМТ ва Интернет маълумотлари билан ишлашга ўргатади, талабаларни фаоллаштиради ва керакли русумга йўналтиради.</p> <p>Талаба мавзуни эркин, эҳтиёжи ва талабидан келиб чиққан ҳолда мустақил ўзлаштиради, конспект ёзади, мустақил фикрлайди, тушунтириш давомида нутки ривожланади, масъулият сезади, муайян билимга эга бўлади.</p>
<p>6. Келгуси режалар: таҳлил, ўзгаришлар.</p>	<p>Ўқитувчи янги маълумотларга эга бўлиш учун ўз устида ишлайди, ижодий ёндашади ва ЭЎМТга янги маълумотларни киритади.</p> <p>Талаба мавзу бўйича қўшимча адабиётлардан ва Интернет тармоғи маълумотларидан фойдаланган ҳолда мустақил, ижодий ёндашиб, янги маълумотлар тўплайди, конспект ёзади.</p>

Машғулотнинг бориши. Дарсни ўтказиш технологияси бир неча вариантда ва босқичда бажарилади.

I вариант. Янги мавзу талабаларга мустақил ўқиб, ўрганиб, тайёрланиб келишлари учун олдиндан вазифа қилиб бериледи. Талабалар вазифани бажаришда П.Баратовнинг «Ўзбекистон табиий географияси», И.А.Ҳасанов, П.Н.Фуломов, А.А.Қаюмовнинг «Ўзбекистон табиий географияси» ўқув кўлланмасининг ахборот ресурс марказларида электрон вариантдан, ЭЎМТдан фойдаланишлари мумкин. Талабаларга бериладиган вазифалар мавзудан келиб чиққан ҳолда, мураккаблик даражасига кўра бир хил ёки ҳар хил бўлиши мумкин.

1-босқич. Тайёргарлик (5 дақиқа). Ташкилий қисм: саломлашув, давомат, кичик гуруҳлар шакллантириш, талаба диққатини жамлаб олиши.

2-босқич. Компьютер билан ишлаш (5 дақиқа). Компьютер ва ЭЎМТ дан ушбу ишнинг 3-иловасидан тартиб бўйича фойдаланилади.

3-босқич. Такрорлаш (5 дақиқа). Ўқитувчи ўтилган мавзуни сўраб, мустаҳкамлайди.

4-босқич. Гуруҳлар вазифаларини аниқлаш (5 дақиқа). Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилиши ҳақида талабаларга маълумот беради, гуруҳларга вазифалар тарқатади, қўйилган вазифа

фи аниш якка ҳолда сўнгра гуруҳларда бажарилиши кераклигини таъкидлайди, муайян вақт белгилайди. Талабаларга вазифани бажариш технологияси ҳақида қисқа маълумот беради: Ф – фикр билдиради, С – сабаб келтиради, М – мисол ёзилади, У – фикрни умумлаштиради.

8-босқич. Якка ҳолда ишлаш (10 дақиқа). Талабалар берилган вазифаларга тўлиқ жавобни компьютерда ёзма ҳолда ёзишлари керак. Янги мавзу талабаларга мустақил тайёрланишлари учун компьютердаги ЭЎМТда берилади. Ҳар бир талаба билими, қизиқиш қобилиятига қараб ўз гуруҳига берилган вазифани ЭЎМТнинг кенг имкониятларидан фойдаланган ҳолда мустақил ўзлаштиради ва Интернет тармоғига кириб, қўшимча адабиёт ва маълумотлардан фойдаланади.

Изоҳ: Компьютер дастурлари билан ишлаш жараёнида монографиянинг 4-иловасидан фойдаланиш мумкин.

6-босқич. Гуруҳда ишлаш (10 дақиқа). Барча талабалар ўз вазифаларини ФСМУ методи талаблари бўйича ёзиб бўлгач ўз гуруҳида тақдимот қилишади. Ҳар бир гуруҳ ўз аъзолари тайёрлаган вариантлардан энг мукаммалини танлаб олиб, ижодий ёндашган ҳолда компьютерда гуруҳ тақдимотини тайёрлашади.

7-босқич. Гуруҳлар тақдимоти (10 дақиқа). Ҳар бир гуруҳдан бир вакил чиқиб тайёрлаган ишини тақдимот қилади.

Изоҳ: Тақдимот вақтида шу гуруҳ аъзоларига ўқитувчи ёки талабалар томонидан саволлар берилиши мумкин.

8-босқич. Гуруҳлар ишини баҳолаш (10 дақиқа). Ҳар бир гуруҳ тақдимоти гуруҳлар томонидан изоҳ ва далиллар билан баҳоланади.

9-босқич. Мавзунини мустаҳкамлаш (5 дақиқа). Ўқитувчи мавзунини умумлаштиради, мустаҳкамлайди ва хулоса қилади. Ўқитувчи ўзини ФСМУ методи асосида тайёрлаб келган ишини электрон вариантини тақлиф қилади.

10-босқич. Яқунлаш (5 дақиқа). Гуруҳлар тақдимоти, талабаларни жавоблари, баҳс-мунозаралари, савол беришлари, жавоблардаги иштироклари, ижодий ёндашувлари ва ишчанликлари ўқитувчи томонидан шарҳланиб баҳоланади.

11-босқич (10 дақиқа). Мавзуга хулоса қилиб, машғулотга яқун ясалади. Машғулот якунида ўқитувчи талабаларга «Баҳолаш сўровномаси» варақасига ўз фикр ва мулоҳазаларини ёзиб беришларини

айтади. Талабалар томонидан махсус тузилган анкета тўлдирилади, дарсга ёзма шаклда баҳо берилади. Ўқитувчи баҳолаш сўровномаси натижаларини таҳлил қилади ва дарсга яқун ясади

II вариант. 1-босқич. Тайёргарлик (5 дақиқа). Ташкилий қисм: саломлашув давомат, гуруҳлар шакллантириш, талаба диққатини жамлаб олиши.

2-босқич. Компьютер билан ишлаш (5 дақиқа). Компьютер ва ЭЎМТдан ушбу ишнинг 3-иловасидан тартиб бўйича фойдаланиш мумкин.

3-босқич. Такрорлаш (10 дақиқа). Ўқитувчи ўтилган мавзунини сўраб, мустаҳкамлайди.

4-босқич. Гуруҳлар вазифаларини аниқлаш (5 дақиқа). Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилиши ҳақида талабаларга маълумот беради, гуруҳларга вазифалар таркатади, кўйилган вазифа аввал яқка ҳолда сўнгра гуруҳларда бажарилиши кераклигини таъкидлайди, муайян вақт белгилайди. Талабаларга вазифани бажариш технологияси ҳақидақисқа маълумот беради:

5-босқич. Яқка ҳолда ишлаш (10 дақиқа). Янги мавзу талабаларга мустақил тайёрланишлари учун компьютердаги ЭЎМТда берилади. Ҳар бир талаба билими, қизиқиш қобилиятига қараб ўз гуруҳига берилган вазифани ЭЎМТнинг кенг имкониятларидан фойдаланган ҳолда мустақил, ижодий ёндашиб қарор қабул қилади. Талаба берилган вазифага тўлиқ жавобни компьютерда ёзма ҳолда ёзиши ва яқка ҳолда тақдимот тайёрлаши керак.

Изоҳ: *Компьютер дастурлари билан ишлаш жараёнида монографиянинг 4-иловасидан фойдаланиш мумкин.*

6-босқич. Гуруҳда ишлаш (15 дақиқа). Барча талабалар ўз вазифаларини ФСМУ методи талаблари бўйича ёзиб бўлгач ўз гуруҳида тақдимот қилишади. Ҳар бир талаба ўзи билдирган фикр-мулоҳазаси учун курашиши, илмий асосланган ҳолда фикрини исботлаши, гуруҳ аъзоларини ўз фикрига ишонтира олиши керак. Ҳар бир гуруҳ ўз аъзолари тайёрлаган вариантлардан энг мукаммалини танлаб олиб, ижодий ёндашган ҳолда компьютерда гуруҳ тақдимотини тайёрлашади.

7-босқич. Гуруҳлар тақдимоти (10 дақиқа). Ҳар бир гуруҳдан бир вакил чиқиб, тайёрлаган ишини тақдимот қилади.

Изоҳ: *Тақдимот вақтида шу гуруҳ аъзоларига ўқитувчи ёки талабалар томонидан саволлар берилиши мумкин.*

8-босқич. Гуруҳлар ишини баҳолаш (5 дақиқа). Ҳар бир гуруҳ тақдимоти гуруҳлар томонидан изоҳ ва далиллар билан баҳоланади.

9-босқич. Мавзуни мустаҳкамлаш (10 дақиқа). Ҳаётини умулштиради, мустаҳкамлайди ва хулоса қилади. Ҳаётини ўзини ФСМУ методи асосида тайёрлаб келган ишнинг электрон вариантини тақлиф қилади.

10 босқич. Яқунлаш (5 дақиқа). Гуруҳлар тақдимоти, талабаларни жавоблари, баҳс-мунозаралари, савол беришлари, жавоблардаги иштироклари, ижодий ёндашувлари ва ишчанликлари ҳаётини томонидан шарҳланиббаҳоланади.

3.3. “Ўзбекистон табиий географияси” фанидан амалий машғулотлар жараёнида ЭҲМТ тадбиқ этиш технологияси

3.7-жадвал

«Ўзбекистон табиий географияси» фанидан харитада ишлаш билан боғлиқ амалий машғулот технологик харитасини келтирамиз.

1.	Мавзу:	Ўзбекистоннинг давлат чегаралари.
2.	Мақсад:	Ўзбекистоннинг давлат чегаралари, чекка нуқталар координаталарини аниқлаш усулларини мустаҳкамлаш
	Вазифалар:	1. Ёзувсиз харитага Ўзбекистоннинг давлат чегарасини тушириш. 2. Чекка нуқталарини аниқлаш, координаталарни ёзиш ва улар орасидаги масофани аниқлаш. 3. Давлат чегарасини қайси табиий географик объектлардан ўтишини аниқлаб, уларнинг номини ёзувсиз харитага ёзиш.
3.	Ҳаётининг жараёнининг мазмуни	Ёзувсиз харитага Ўзбекистоннинг давлат чегаралари, чекка нуқталари координаталари, улар орасидаги масофа. Давлат чегаралари ўтган объектлар номи.
4.	Ҳаётининг амалга ошириш технологияси	Метод: Ёзувсиз харита билан ишлаш. Шакл: Амалий иш, гуруҳларда ишлаш. Восита: Компьютер, ЭҲМТ. Усул: Харита билан ишлаш. Назорат: Ички ва ташқи. Баҳолаш: Рейтинг тизими бўйича.
5.	Қилинадиган натижалар	Ҳаётини талабаларни мустақил ишлашга ўргатади. Ўзбекистоннинг давлат чегаралари ҳақида маълумот беради ва уларни мавзу бўйича билим, кўникма ва МА-


		<p>лака эгаллашларига йўналтиради.</p> <p>Талаба ёзувсиз харитага Ўзбекистоннинг давлат чегараларини, чекка нукталарини, уларнинг координатларини туширади ва улар орасидаги масофаларни аниқлайди. Давлат чегаралари ўтган географик объектлар номини ёзиб олади ва янги маълумотларга эга бўлади.</p>
6.	<p>Келгуси режалар: таҳлил, ўзгаришлар</p>	<p>Ўқитувчи қўшимча адабиётлардан фойдаланган ҳолда янги маълумотларни тўплайди ва улар устида ишлайди. Замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиб, янги машғулот режаларини тузади.</p> <p>Талаба қўшимча адабиётлардан, матбуот ва Интернет маълумотларидан фойдаланган ҳолда янги маълумотлар тўплайди ва улар билан ишлайди. Мустақил, эркин, илмий асосланган ҳолда ўз фикрини баён этишга ўрганади.</p>

Машғулотнинг бориши: 1-босқич. Тайёргарлик (5 дақиқа). Ташкилий қисм: саломлашув, даволат, талаба диққатини жамлаб олиши.

2-босқич. Компьютер билан ишлаш (5 дақиқа). Компьютер ва ЭЎМТдан ушбу ишнинг 3-иловасидан тартиб бўйича фойдаланилади.

3-босқич. Амалий машғулот вазифасини аниқлаш (10 дақиқа). Компьютер иш столида «Ўзбекистон табиий географияси» фанидан тайёрланган ЭЎМТ юкланади. ЭЎМТнинг бош саҳифасидаги «Geografiya» бўлимини сичқонча билан босганда, «O‘zbekiston geografiyasi fani amaliytopshiriqlar» саҳифаси очилади. «O‘zbekiston geografiyasi fani amaliy topshiriqlar» ойначасига сичқончани олиб бориб босилганда, машғулот мавзуси рўйхати пайдо бўлади. Мавзулар рўйхатидан «Ўзбекистоннинг давлат чегаралари» мавзуси танланади. Талабалар амалий машғулот вазифалари билан танишиб чиқадилар.

Шундан сўнг, ЭЎМТнинг ускуналар панелидаги «Metodika» бўлимидан «Ko'rgazmali qurollar» sahifasiga kirib «Xaritalar» oйначаси очади.



3.9-расм. Хариталар ойнаси

Хариталар ичидан мавзуга тегишди бўлганини танлайди. Компьютер экранида Евроосиё материгининг харитаси пайдо бўлади, унда Ўзбекистоннинг географик ўрни ҳам кўрсатилган. Талаба бу харита билан танишиб чиқади ва ўзига керак бўлган маълумотларни амалий иш дафтарига ёзиб олади. Ўқитувчи машғулот бошланишидан олдин мунозара, таҳлил учун мавзуга оид бирор муаммони белгилайди.

Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилиши ҳақида талабаларга маълумот беради, гуруҳларга вазифалар тарқатади, қўйилган вазифа гуруҳларда бажарилиши кераклигини таъкидлайди, муаммонинг ҳал этилиши, у борада энг мақбул ечимни аниқлашга муайян вақт белгилайди.



3.10-расм. Хариталар билан ишлаш жараёни

4-босқич. Якка ҳолда ишлаш (20 дақиқа). Янги мавзу талабаларга мустақил тайёрланишлари учун компьютердаги ЭЎМТда берилади. Ҳар бир талаба билими, қизиқиш қобилиятига қараб ўз гуруҳига берилган вазифани ЭЎМТнинг кенг имкониятларидан фойдаланган ҳолда мустақил, ижодий ёндашиб амалий ишни бажаради. Талаба ЭЎМТнинг усқуналар панелидаги «Methodika» бўлиmidан «Ko'rgazmali qurollar» саҳифасига кириб «Хариталар» гипермуружаатига муружаат қилиб, Ўзбекистоннинг сиёсий харитасини очади. Талаба бу харита билан ҳам танишиб чиқади ва ўзига керак бўлган маълумотларни конспект қилиб олади.

5-босқич. (20 дақиқа). Талаба барча керакли маълумотлар мажмуасига эга бўлгандан сўнг, ёзувсиз харита билан ишлашни бошлайди.

6-босқич. 1-вазифа – Ўзбекистоннинг чекка, яъни шимолий, жанубий, ғарбий ва шарқий нуқталарини аниқлаш ва уларни ёзувсиз харитада белгилаб қўйиш.

7-босқич. 2-вазифа – Ўзбекистоннинг шимолий, жанубий, ғарбий ва шарқий нуқталари координаталарни аниқлаш ва ёзувсиз харитага ёзиб олиш.

8-босқич. 3-вазифа – географик координаталар, чекка нуқталар орасидаги масофаларни компьютер экранида чиқиб турган харитадан масштаб ёрдамида ўлчанади, километрларга айлантирилади ва ҳақиқий масофа аниқланади.

9-босқич. 4-вазифа – давлат чегаралари ўтган географик объектлар номи аниқланади ва ёзувсиз харитага ёзиб олинади.

10-босқич. (20 дақиқа). Талабалар ўзлари тўшлаган маълумотларини компьютер дастурига киритадилар ва қай даражада тўғри бажарганликлари баҳоларини аниқлаб оладилар. Топшира олмаган талабаларга қайта топшириш имкони берилади.

Компьютер ёрдамида амалий машғулотлар бажаришнинг ижобий томони талаба, ҳеч кимга халақит бермаган ва ўқитувчини бўш вақтини кутмаган ҳолда ишлайди, зарур бўлса, ўз устида мустақил равишда қайта-қайта ишлаш имконига эга бўлади.

3.8-жадвал

1.	8-Майруза мавзуси:	Ўзбекистон худудининг тупроқлари, уларнинг классификацияси ва хусусиятлари. Ер ресурслари, уларнинг ҳолати ва муҳофазаси.
	5- амалий иш	Ўзбекистонда тупроқларнинг тарқалиши.
2.	Мақсад:	Ўзбекистонда тарқалган тупроқ турларини, қадимдан деҳқончилик қилиб келинаётган ерларни, янги ўзлаштирилган ҳудудларни харитада ажратишга ўргатиш.
	Вазифалар:	1. ЭЎМТдан тупроқлар харитаси ва унинг шартли белгиларини кўриб, ўрганиб чиқиш. 2. Ўзбекистонда тарқалган тупроқ турларини, қадимдан деҳқончилик қилиб келинаётган ерларни фарқлашга ўргатиш, билимларини «Чархпалак» методи асосида мустахкамлаш. 3. ЭЎМТ, харита, Интернет билан ҳамкорликда ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш, тақомиллаштириш.
3.	Ўқув жараёнининг мазмуни	Ёзувсиз харитада Ўзбекистонда тарқалган тупроқ турларини кўрсатиш, қадимдан деҳқончилик қилиб келинаётган ерларни, янги ўзлаштирилган ҳудудларни харитада ажратиш. Республикамизда турли хил тупроқларнинг вужудга келишига сабаб бўлган омиллар. Чўл тупроқлари. Қўнғир тусли сур тупроқлар. Қумли чўл тупроқлар. Тақирли тупроқлар. Тақирлар. Шўрхоқлар. Воҳа тупроқлари. Аллювиал тупроқлар.
4.	Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	Метод: Чархпалак. Шакл: Амалий иш, гуруҳларда ишлаш. Восита: Компьютер, ЭЎМТ, Интернет. Усул: Ёзма, жадвал, харита билан ишлаш. Назорат: Ички ва ташқи.

		Баҳолаш: Рейтинг тизими бўйича.
5.	Кутиладиган натижалар	<p>Ўқитувчи Ўзбекистон тупроқларининг географик тарқалиши қонуниятлари ҳақида маълумотлар беради, талабаларни тупроқ харитаси, кўргазмали материаллар, «гlossарий», қўшимча адабиётлар ва Интернет маълумотлари билан ишлашга ўргатади, фаоллаштиради ва керакли русумга йўналтиради.</p> <p>Талаба мавзуни эркин, эҳтиёжи ва талабидан келиб чиккан ҳолда мустақил ўзлаштиради, тушунтириш давомида нутқи ривожланади, масъулият сезади, тупроқлар ҳақидаги билими мустаҳкамланади.</p>
6.	Келгуси режалар: таҳлил, ўзгаришлар	<p>Ўқитувчи янги маълумотларга эга бўлиш учун ўз устида ишлайди ва ижодий ёндашади.</p> <p>Талаба мавзу бўйича қўшимча адабиётлардан ва Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда, мустақил, ижодий ёндашиб, янги маълумотлар тўплайди, тупроқ харитасини ёзувсиз харитага ишлаб келади.</p>

Машғулотнинг бориши: Амалий машғулот мавзуси ва вазифалари талабаларга мустақил ўқиб, ўрганиб, тайёрланиб келишлари учун олдиндан вазифа қилиб берилади. Талабалар вазифани бажаришда П.Баратовнинг «Ўзбекистон табиий географияси», И.А.Ҳасанов, П.Н.Фулотов, А.А.Қаюмовларнинг «Ўзбекистон табиий географияси» ўқув қўлланмасининг ахборот ресурс марказларида электрон вариантдан, ЭЎМТдан фойдаланишлари мумкин.


1-босқич. Тайёргарлик (5 дақиқа). Ташкилий қисм: саломлашув даволат, талаба диққатини жамлаб олиши.

2-босқич. Компьютер билан ишлаш (5 дақиқа). Компьютер ва ЭЎМТдан ушбу ишнинг 3-иловасидан тартиб бўйича фойдаланилади.

3-босқич. Амалий машғулот вазифасини аниқлаш (10 дақиқа). Ўқитувчи машғулот бошланишидан олдин мунозара, таҳлил учун мавзуга оид бирор муаммони белгилайди. Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилиши ҳақида талабаларга маълумот беради, гуруҳларга вазифалар тарқатади, қўйилган вазифа гуруҳларда бажарилиши кераклигини таъкидлайди, муаммонинг ҳал этилиши, у борада энг мақбул ечимни аниқлашга муайян вақт белгилайди. Компьютер иш столида «Ўзбекистон табиий географияси» фанидан тайёрланган ЭЎМТ юкланади. ЭЎМТнинг бош саҳифасидаги «Geografiya» бўлимини сичқонча билан босганда, «O'zbekiston

geografiyasi fani amaliy topshiriqlar» saҳifasi ochiladi. «O‘zbekiston geografiyasi fani amaliy topshiriqlar» oйначасига сичқончани олиб бориб босилганда, машғулот мавзуси рўйхати пайдо бўлади. Мавзулар рўйхатидан 8-мавзу «Ўзбекистон ҳудудининг тупроқлари, уларнинг классификацияси ва хусусиятлари. Ер ресурслари, уларнинг ҳолати ва муҳофазаси» матни танланади. Талабалар амалий машғулот вазифалари билан танишиб чиқадилар.

4-босқич. Якка ҳолда ишлаш (20 дақиқа). Янги мавзу талабаларга мустақил тайёрланишлари учун компьютердаги ЭЎМТда берилади. Ҳар бир талаба билими, кизиқиш қобилиятига қараб ўз гуруҳига берилган вазифани ЭЎМТнинг кенг имкониятларидан фойдаланган ҳолда мустақил, ижодий изланади. Талаба ЭЎМТнинг ускуналар панелидаги «Metodika» бўлиmidан «Ko‘rgazmali qurollar» саҳифасига кириб «Tuproqlar», саҳифасига гипермуружаат қилиб, Ўзбекистонда кенг тарқалган тупроқлар тасвири билан танишади, назарий билиmlарини мустаҳкамлайди ва амалиётга татбиқ этади.




3.11-расм. Тупроқлар кўргазмали ойнаси

6-босқич (10 дақиқа). Ўқитувчи ўтилган боб, бўлим, мавзунини қайтариш, мустаҳкамлаш, назарий билиmlарни амалий ишда мустақил қандай ўзлаштирганларини текшириш ва аниқлаш мақсадида

«Чархпалак» методи асосида тайёрланган вазифага яқка ҳолда жавоб беришларини айтади. Вақт белгилайди. Вазифа ўқитувчи томонидан тушунтирилади, яъни тарқатма материалда Ўзбекистоннинг асосий тупроқ турлари жадвал кўринишида берилган, устунларда асосий автоморф, ярим гидроморф, гидроморф, шўрхоқлар, суғориладиган тупроқ турлари берилган. Тупроқ номлари, уларни қайси устунга тўғри келишини тўлдириш талабларга вазифа қилиб топширилади. Улар бу вазифадан келиб чиққан ҳолда тўғри жавобни аниқлайдилар ва керакли устунга + (плюс) белигисини қўйиб борадилар. Масалан, оч кўнғир тусли – автоморф, ботқоқ-ўтлоқ – гидроморф устунига тўғри келади ва х.к.

7-босқич. Яқка ҳолда ишлаш (10 дақиқа). Белгиланган вақт давомида талабалар гуруҳларда индивидуал ишлашади. Ўқитувчи талабаларни вазифани қай даражада бажараётганларини назорат қилиб туради, фаоллаштиради.

8-босқич. Гуруҳларда ишлаш (10 дақиқа). Бир гуруҳда ўтирган талабалар ўриндиқларини алмаштирадилар ва курсдошларининг бажарган ишларини текширадилар. Бу жараён гуруҳда қанча талаба ўтирганига қараб такрорланади.



3.12-расм. Тупроқлар харитаси билан ишлаш жараёни

9-босқич. (10 дақиқа). Талаба ўзининг шахсий компютерига қайтиб келади. Курсдошлари томонидан текширилган ўз ишнинг натижасини кўради, таҳлил қилади, илмий-асосланган ҳолда хулоса чиқаради.

10-босқич. Мустақамлаш ва яқунлаш (10 дақиқа). Ўқитувчи тақдироти. Умумлаштиради. Компьютер экранида тўғри жавоблар ёзилган вариант пайдо бўлади.

Ўзбекистоннинг асосий туپроқ турлари						
№	Туپроқлар номи	Авто-морф	Яримгид-роморф	Гидро-морф	Шўрхоқ-лар	Суғориладиган
1.	Жигар ранг	+				
2.	Ўтлоқ-тақир		+			
3.	Бўз	+				
4.	Оч кўнғир тусли	+				
5.	Қумли чўл	+				
6.	Янги ўзлаштирил					+
7.	Кўнғир тусли сур	+				
8.	Суғориладиган					+
9.	Ўтлоқ-бўз		+			
10.	Қадимдан суғориладиган					+
11.	Ўтлоқ-қумли		+			
12.	Тақир	+				
13.	Бўз-ўтлоқ		+			
14.	Шўрхоқ-ўтлоқ				+	
15.	Тақир-ўтлоқ		+			
16.	Ўтлоқ			+		
17.	Типик шўрхоқ				+	
18.	Ботқоқ-ўтлоқ			+		
19.	Тақирли шўрхоқ				+	
20.	Ўтлоқ-ботқоқ			+		
21.	Қолдик шўрхоқлар				+	
22.	Ботқоқ				+	
23.	Қумли-ўтлоқ		+			
24.	Шўрхоқ-ботқоқ-ўтлоқ				+	
25.	Шўрхоқ-ўтлоқ-ботқоқ				+	
26.	Тўқ кўнғир тусли	+				

11-босқич. Баҳолаш (5 дақиқа). Талабалар ўзлари бажарган вазифаларни қай даражада бажарганларига қараб, ўзларини ва курсдошларини баҳолайдилар. Курсдошлар бир-бирларининг бажарган ишларини, жавобларини таҳлил қиладилар, илмий асосланган ҳолда фикр-мулоҳазалар билдирадилар, умумий гуруҳ хулосасини чиқарадилар

Изоҳ: Бунда ҳамма ишлайди, фаоллашади ва баҳоланади, эслаш, хотирлаш қобилиятлари шаклланади. Вақт танқислигига қараб вазифа фақат якка тартибда бажарилиши ҳам мумкин.

3.9-жадвал

1.	5-мартуза мавзуси:	Ўзбекистон иқлими, уни ҳосил қилувчи омиллар таҳлили. Иқлим элементларига тавсиф. Ноқулай иқлимий ҳодисалар.
	4-амалий машғулот	Ўзвусиз харитада Ўзбекистон ҳудудидида йиллик ёғин миқдорини кўрсатиш, июль ва январь ойларининг изотермаларини, июль ва январь ойларидаги асосий шамоллар йўналишини ва Қуёшнинг йил давомида неча соат нур сочиб туришини ўзвусиз харитада акс эттириш. Бунда куйидаги меъёрдан фойдаланилади: 2600 соатдан кам; 2600-2800; 2800-3000; 3000 ва ундан кўп соат.
2.	Мақсад:	Талабаларни республиканинг иқлимий кўрсаткичлари ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш.
	Вазифалар:	1. Ўзбекистонда йиллик ёғин миқдорининг турли жойларда турлича тақсимланиши, ҳароратнинг ойлар бўйича кўрсаткичлари, Қуёш нур сочиб туриши даврининг ҳар хиллиги ва уларнинг иқлимнинг таркиб топишидаги ўрнини аниқлаш. 2. Республика иқлимининг халқ ҳўжалигининг ташкил этишидаги ўрни ҳақидаги билимни шакллантириш.
3.	Ўқув жараёнининг мазмуни	Иқлими икки хил иқлим минтақасига хос: субтропик ва муътадил. Шимолий саҳифаси (Устюрт)да муътадил, қолган асосий саҳифасида эса субтропик иқлим хусусиятлари мавжуд. Ҳар бир иқлим типидида метеорологик кўрсаткичлар бир-биридан фарқ қилади. Ўзбекистоннинг географик ўрни ва Қуёш радиацияси, ер юзаси ҳолатининг Ўзбекистон иқлими шаклланишидаги роли, атмосфера циркуляциясининг Ўзбекистон иқлимининг таркиб топишидаги ўрни, жой рельефининг иқлимга таъсири.
4.	Ўқув жараёнини	Метод: Ақлий ҳужум. Шакл: Амалий, гуруҳлар билан ишлаш.

	амалга ошириш технологияси.	Восита: Компьютер, проектор, электрон доска, ЭЎМТ. Усул: Сухбат-бахс, мунозара, тушунтириш, ёзма. Назорат: Ички ва ташқи. Баҳолаш: Рейтинг тизими бўйича.
5.	Кутиладиган натижалар	Ўқитувчи иқлим кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотларни беради, ЭЎМТ ва Интернет маълумотлари, кўшимча адабиётлар билан ишлашга ўргатади, талабаларни фаоллаштиради ва керакли русумга йўналтиради ва билим даражасини баҳолайди. Талаба мавзунини эркин, эҳтиёжи ва талабидан келиб чиққан ҳолда, мустақил мустаҳкамлайди, ўз билими даражасини аниқлайди.
6.	Келгуси режалар: таҳлил, ўзгаришлар	Ўқитувчи янги маълумотларга эга бўлиш учун ўз устида ишлайди ва ижодий ёндашади. Талаба мавзу бўйича кўшимча адабиётлардан ва Интернет тармоғи маълумотларидан фойдаланган ҳолда мустақил, ижодий ёндашиб, янги маълумотлар тўплайди, конспект ёзади.

Машғулотнинг бориши: I вариант. Ушбу метод технологияси бир неча вариант ва босқичларда бажарилади. Амалий иш мавзуси талабаларга мустақил ўқиб, ўрганиб, тайёрланиб келишлари учун олдиндан вазифа қилиб берилади. Талабалар вазифани бажаришда П.Баратовнинг «Ўзбекистон табиий географияси», И.А.Ҳасанов, П.Н.Ғуломов, А.А.Қаюмовларнинг «Ўзбекистон табиий географияси» ўқув қўлланмасининг ахборот ресурс марказларида электрон вариантдан, ЭЎМТдан фойдаланишлари мумкин.

1-босқич. Тайёргарлик (5 дақиқа). Ташкилий қисм: саломлашув, давомат, талаба диққатини жамлаб олиши.

2-босқич. Компьютер билан ишлаш (5 дақиқа). Компьютер ва ЭЎМТдан ушбу ишнинг 3-илувасидан тартиб бўйича фойдаланилади.

3-босқич. Амалий машғулот вазифасини аниқлаш (5 дақиқа). Компьютер иш столида «Ўзбекистон табиий географияси» фанидан тайёрланган ЭЎМТ юкланади. ЭЎМТнинг бош саҳифасидаги «Geografiya» бўлимини сичқонча билан босганда, «O'zbekiston geografiyasi fani amaliy topshiriqlar» саҳифаси очилади. «O'zbekiston geografiyasi fani amaliy topshiriqlar» ойначасига сичқончани олиб бориб босилганда, машғулот мавзуси рўйхати пайдо бўлади. Мавзулар рўйхатидан 5-маъруза мавзуси «Ўзбекистон иқ-

лими, уни ҳосил қилувчи омиллар таҳлили. Иқлим элементларига тавсиф. Ноқулай иқлимий ҳодисалар» матни очилади. Талабалар амалий машғулот вазифалари билан танишиб чиқади. Ҳуқуқчи ушбу технология бир неча босқичда ўтказилиши ҳақида талабаларга маълумот беради, қўйилган вазифани яққа ва гуруҳларда бажарилиши кераклигини таъкидлайди.

4-босқич. Компьютер иш столида қуйидаги кўринишдаги жадвал пайдо бўлади [96].

Метеостанциялар	Йиллик ёғин миқдори, мм	Ҳарорат		Асосий шамолларнинг йўналиши	Қуёш нур сочиб турадиган вақт миқдори
		Январь	Июль		
1 Тошкент	-400	- 1 ⁰	+27 ⁰	Шимолий-шарқий-ғарбий	- 270
-	-	-	-	-	-
-	-	-	-	-	-

Изоҳ: StarBoard интерактив доска ёки проектордан фойдаланиш мумкин.

5-босқич. (5 дақиқа). Жадвалнинг биринчи устунни бўйича ўқитувчи талабаларга савол беради, улар нималарни билсалар ҳамма жавоблар доскага ёзиб борилади.

6-босқич. (10 дақиқа). Бу жараён жадвалнинг барча саволлар устунни тўлгунга қадар давом этади.

7-босқич. Яққа ҳолда ишлаш (10 дақиқа). «Республиканинг турли жойларида ёғин миқдори, ҳаво ҳарорати, шамол йўналиши ўртасидаги боғлиқликларни аниқланг ва уларни таҳлил қилиб, тушунтириб ёзинг» – деган саволга барча талабалар компьютерда яққа тартибда ёзма жавоб ёзадилар. Талаба амалий иш бўйича тайёрланган вазифалар билан танишиб чиқади, ЭЎМТнинг имкониятларидан фойдаланган ҳолда мустақил, ижодий ёндашиб танишиб чиқади ва ўзига керак бўлган маълумотларни амалий иш дафтарида ёзиб олади, «Fotogallereya» гипермуружаатига муружаат қилиб, мавзуга тегишли бўлган видео-роликлар билан танишади, назарий билимларини мустаҳкамлайди

8-босқич. Талабалар тақдимоти (15 дақиқа). Талабалар амалий иш вазифалари жавобларининг тақдимоти.

Изоҳ: Талабаларнинг барча фикрлари танқид қилинмай тинглаб борилади.

9-босқич (10 дақиқа). Экранда амалий иш бўйича яна вазифалар пайдо бўлади:

А. Ёзувсиз харитада Ўзбекистон худудида йиллик ёгин миқдорини кўрсатиш.

Б. Июль ва январь ойларининг изотермаларини, июль ва январь ойларидаги асосий шамоллар йўналишини ва Қуёшнинг йил давомида неча соат нур сочиб туришини ёзувсиз харитада акс эттириш.

10-босқич. Хулоса (10 дақиқа). Ўқитувчининг электрон тақдироти.

11-босқич. Талабаларнинг баҳоланиши жараёни (5 дақиқа). Ўқитувчи талабаларни ўқув жараёнидаги фаолиятига қараб рейтинг тизимида баҳолайди, рағбатлантиради.

II вариант. 1-босқич. Талабалар ғоялар ишлаб чиқувчи, вазиятни таҳлил қилиш ва ғояларни баҳоловчи, зид (қарши) ғояларни ишлаб чиқувчи гуруҳларга бўлинади.

2-босқич. Яширин фикрларнинг шиддатли хужуми шаклида ривожланади.

Изоҳ: Ҳар бир киши ҳам ижодий меҳнат қила олмайди, бегона шахслар олдиди, айниқса, бегона шахслар баҳсга аралашиб турганда ғоялар ишлаб чиқа олмайди, лекин уларнинг ғоялар ишлаб чиқишига уқувлари бор, балки улар ёлғизликка ва сокинликка муҳтож бўладилар. Шу тўғрисида «Яширин фикрлар хужуми»да икки ғоя ишлаб чиқувчи гуруҳга: бири-одатдаги фикрларнинг шиддатли хужуми давомида ғояни олға сурувчилар; иккинчиси – яширин, яъни улар биринчи гуруҳ муҳокамаларида қатнашмайдилар, улар учун «яширин хона»ташкил этилади ва жойлаштирилади.

3-босқич. Улар телемонитор воситасида биринчи гуруҳнинг баҳсларини кузатадилар ҳамда юзага келган ғояларни ўз дафтарларига ёзиб борадилар ва уларни «эксперт»ларга узатадилар.

4-босқич. Гуруҳларнинг фикрлар тақдироти. Ҳар бир гуруҳ лидери баҳслашув жараёнида юзага келган фикрларни электрон тақдиротини қилиб берадилар.

5-босқич. Ҳар бир гуруҳ тақдироти рақобатбардош гуруҳлар томонидан изоҳланади, илмий асосланади ва далиллар билан баҳоланади.

6-босқич. Ўқитувчи ЭЎМТдан фойдаланган ҳолда мавзунини умумлаштиради, мустаҳкамлайди ва хулоса қилади.

7-босқич. Гуруҳлар тақдироти, талабаларнинг жавоблари, баҳсмунозаралари, савол беришлари, жавоблардаги иштироклари, ижодий ёндашувлари ва ишчанликлари ўқитувчи томонидан баҳоланади ва шарҳланади.

1.	6-маъруза мавзуси:	Ўзбекистоннинг ер усти сувлари, уларнинг ҳосил бўлиши ва географик тақсимланиши. Дарёлари, кўллари, музликлари. Ботқоқликлари. Ички сувлар режимининг ўзгартирилиши. Орол муаммоси.
2.	4-амалий машғулот	Ўзувсиз харитада дарёлар, кўллар, сув омборлари, йирик каналларни, музликларни белгилаб, уларнинг номларини қуйидаги маълумотлар асосида топиш ва жадвал тартибда ёзиш.
2.	Мақсад:	Талабаларнинг республиканинг ер усти сувлари ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш.
3.	Вазифалар:	<p>1. Энг йирик дарёларнинг номи, ўртача йиллик сув сарфи ($\text{м}^3/\text{сек}$), узунлиги, ҳавзасининг майдони (км^2), бошланиш ва қуйилиш ерлари, тўйиниш типи, йиллик оқим миқдори (км^3)ни аниқлаш.</p> <p>2. Сув омборлари қайси дарёда қурилган, географик ўрни, ишга тушган йили, сув сийғими (млн.м^3), майдони, нима мақсадда фойдаланилиши, қайси ҳудудлар ерларини сув билан таъминлашига таъриф бериш.</p> <p>3. Кўлларнинг номи, майдони, жойлашган ери, ҳосил бўлишига кўра типи, ўртача ва энг чуқур ери неча метрлиги, шўрлиги, хўжаликдаги аҳамияти ҳақидаги билимларни шакллантириш.</p>
3.	Ўқув жараёнининг мазмуни	Ўзбекистоннинг иклими ғоят қуруқ бўлишига қарамасдан унинг ҳудудида дарё ва кўлларнинг анча кўплиги ва нотекис жойлашган; текислик саҳифасида оқар сувлар жуда кам, тоғларида эса серирмоқ дарёлар, катта-кичик сой ва жилғалар кўп; Ўзбекистон дарёларининг кўпчилиги маълум бир сув ҳавзасига қуйилмасдан тугаб қолади. Дарёлар; дарёлар сувининг ҳарорати ва музлаш ҳодисалари; дарёларнинг окизиклари; музликлар; кўллар ва сув омборлари; Ўзбекистонда ва кўшни чегарадош ҳудудларда жойлашган сув омборлари ҳақида батафсил тўхтаб ўтилади.
4.	Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	<p>Метод: Блиц.</p> <p>Шакл: Амалий, гуруҳлар билан ишлаш.</p> <p>Восита: Компьютер, проектор, электрон доска, ЭЎМТ.</p> <p>Усул: Сухбат-бахс, мунозара, тушунтириш, ёзма.</p> <p>Назорат: Ички ва ташқи.</p> <p>Баҳолаш: Рейтинг тизими бўйича.</p>
5.	Қутиладиган натижалар	Ўқитувчи иклим кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотларни беради, ЭЎМТ ва Интернет маълумотлари, қў-

		<p>шимча адабиётлар билан ишлашга ўргатади, талабаларни фаоллаштиради ва керакли русумга йўналтиради ва билим даражасини баҳолайди.</p> <p>Талаба мавзуни эркин, эҳтиёжи ва талабидан келиб чиққан ҳолда мустақил мустаҳкамлайди, ўз билими даражасини аниқлайди.</p>
6.	<p>Келгуси режалар: таҳлил, ўзгаришлар</p>	<p>Ўқитувчи янги маълумотларга эга бўлиш учун ўз устида ишлайди ва ижодий ёндашади.</p> <p>Талаба мавзу бўйича кўшимча адабиётлардан ва Интернет тармоғи маълумотларидан фойдаланган ҳолда мустақил, ижодий ёндашиб, янги маълумотлар тўплайди, конспект ёзади.</p>

«Ўзбекистон табиий географияси» фанида бирор бир географик объектнинг майдони, узунлиги, катталиги, кабиларни, бундан ташқари статистика маълумотлари ёки рақамлар билан ўрганилиши керак бўлган мавзуларга «Блиц» ёки «Тўғри жойлаштир» методини татбиқ этиш мумкин. Ушбу технология бир неча вариант ва бир неча босқичларда бажарилади.

Машғулотнинг бориши: I вариант. Амалий иш мавзуси талабаларга мустақил ўқиб, ўрганиб, тайёрланиб келишлари учун олдиндан вазифа килиб берилади. Талабалар вазифани бажаришда П.Баратовнинг «Ўзбекистон табиий географияси», И.А.Ҳасанов, П.Н.Ғуломов, А.А.Қаюмовларнинг «Ўзбекистон табиий географияси» ўқув қўлланмасининг ахборот ресурс марказларида электрон вариантдан, ЭЎМТдан фойдаланишлари мумкин. Талабаларга мустақил ахборот ресурс марказларида ЭЎМТдан ўқиб, тайёрланиб, ўрганиб келишлари керак бўлади. Талабаларга бериладиган вазифалар мавзудан келиб чиққан ҳолда бир хил ёки ҳар хил бўлиши мумкин.

1-босқич. Тайёргарлик (5 дақиқа). Ташкилий қисм: саломлашув, даволат, талаба диққатини жамлаб олиши.

2-босқич. Компьютер билан ишлаш (5 дақиқа). Компьютер ва ЭЎМТдан ушбу ишнинг 3-иловасидан тартиб бўйича фойдаланилади

3-босқич. Амалий машғулот вазифасини аниқлаш (5 дақиқа). «O‘zbekiston geografiyasi fani amaliy topshiriqlar» ойначасига сичкончани олиб бориб босилганда, машғулот мавзуси рўйхати пайдо бўлади. Мавзулар рўйхатидан «Ўзбекистоннинг ер усти сувлари, уларнинг ҳосил бўлиши ва географик тақсимланиши.

Дарёлири, кўллари, музликлари. Ботқоқликлари. Ички сувлар режимининг ўзгартирилиши. Орол муаммоси» матни очилади. Талабалар амалий машғулот вазифалари билан танишиб чиқадилар. Уқитувчи ушбу технология бир неча босқичда ўтказилиши хақида талабаларга маълумот беради, кўйилган вазифани яқка ва гуруҳларда бажарилиши кераклигини таъкидлайди.

4-босқич. Яқка ҳолда ишлаш (15 дақиқа). Талаба ЭЎМТнинг ускуналар панелидаги «Methodika» бўлиmidан «Ko'rgazmali qurol» саҳифасига кириб «Xaritalar», «Ichki suvlari» гипермуружаатларидан фойдаланиб ўзига керак бўлган маълумотларни тўплайди ва конспект қилиб олади.



3.13-расм. Ўзбекистоннинг ички сувлари билан ишлаш жараёни

Талаба «Xarita» гипермуружаатига муружаат қилиб, «Ўзбекистоннинг ички сувлари» харитасини очади. Талаба бу харита билан ҳам танишиб чиқади ва ўзига керак бўлган маълумотларни амалий иш дафтарига ёзиб олади. Талаба «Fotogallereya» гипермуружаатига муружаат қилиб, мавзуга тегишли бўлган видеороликлар билан танишади, назарий билиmlарини мустаҳкамлайди.



3.14-расм. Орол муаммосининг салбий оқибатлари фотогалереяси

5-босқич (15 дақиқа). Талабалар амалий машғулот вазифаларини бирин-кетин бажарадилар. Ёзувсиз харитада дарёлар, кўллар, сув омборлари, йирик каналларни, музликларни белгилаб, уларнинг номларини куйидаги маълумотлар асосида топиш ва жадвал тартибда ёзиш:

А. Энг йирик дарёларнинг номи, ўртача йиллик сув сарфи ($\text{м}^3/\text{сек}$), узунлиги, ҳавзасининг майдони (км^2), бошланиш ва куйилиш ерлари, тўйиниш типи, йиллик оқим миқдори (км^3).

Б. Кўлларнинг номи, майдони, жойлашган ери, ҳосил бўлишига кўра тиши, ўртача ва энг чуқур ери неча метрлиги, шўрлиги, хўжаликдаги аҳамияти.

В. Сув омборлар қайси дарёда қурилган, географик ўрни, ишга тушган йили, сув сиғими (млн.м^3), майдони, нима мақсадда фойдаланилиши, қайси ҳудудлар ерларини сув билан таъминлаши.

6-босқич (5 дақиқа). Ўқитувчи талабаларнинг назарий ва амалий билимларини мустаҳкамлаш мақсадида «Блиц» методидан фойдаланади. Ҳар бир талаба тарқатма материалдаги «Якка жавоб» устунига шу ерда берилган вазифани ўзининг шахсий фикрига кўра ва назарий билимларига таяниб: дарёларни қайси ҳавзага кириши, ўртача йиллик сув сарфининг миқдорига қараб кўпдан озга тартиб билан қандай кетма-кетликда бўлади деб ҳисобласа, шу тартибда

белгилаб чиқади. Бу вазифани бажариш учун ўқитувчи талабаларга вазифанинг ҳажмига, оғир ёки енгиллигига қараб вақт белгилайди ва уни талабаларга эълон қилади.

7-босқич (10 дақиқа). Компьютер иш столида ўқитувчи томонидан тайёрланган вазифа кўринади. Талабалар берилган вазифани яқка ҳолда бажаришади.

Амударё ва Сирдарё ҳавзаларидаги дарёларни уларнинг ўртача йиллик сув сарфининг миқдорига қараб кўндан озга тартиб билан кўйиб чиқинг.

№	Дарёлар	Ўртача йиллик сув сарфи, м ³ /с	Қайси ҳавзага кириши	Яқка жавоб	Тўғри жавоб
1.	Кофирнихон				
2.	Зарафшон				
3.	Туркистон тизмаси дарёлари				
4.	Калас				
5.	Оҳангарон				
6.	Вахш				
7.	Фарғона водийси дарёлари				
8.	Панж				
9.	Норин				
10.	Арис				
11.	Сурхондарё, Шерободдарё				
12.	Зарафшон				
13.	Чирчиқ				
14.	Қашқадарё				
15.	Қоратоғ тизмаси дарёлари				

Ўқитувчи талабаларнинг вазифани қай даражада бажараётганларини назорат қилиб туради.

8-босқич. (10 дақиқа). Компьютер экранида ўқитувчининг тўғри жавоблар ёзилган вариант чиқади. [96,88].

№	Дарёлар ҳавзалари	Ўртача йиллик сув сарфи, м ³ /с	Қайси ҳавзага кириши	Тўғри жавоб
1	Кофирнихон	187,0	Амударё	6
2	Зарафшон	169,0	Амударё	7

3	Туркистон тизмаси дарёлари	4,63	Сирдарё	14
4	Калас	6,67	Сирдарё	13
5	Оҳангарон	38,5	Сирдарё	11
6	Вахш	661,0	Амударё	2
7	Фарғона водийси дарёлари	405,8	Сирдарё	4
8	Панж	1140,0	Амударё	1
9	Норин	448,0	Сирдарё	3
10	Арис	64,2	Сирдарё	9
11	Сурхондарё, Шерободдарё	127,0	Амударё	8
12	Зарафшон	169,0	Амударё	7
13	Чирчик	248,0	Сирдарё	5
14	Қашқадарё	49,6	Амударё	10
15	Қоратоғ тизмаси дарёлари	21,1	Сирдарё	12

9-босқич (5 дақиқа). Талабалар ҳам ўз ишларининг «Тўғри жавоб» устунини тўлдирадилар.

10-босқич (5 дақиқа). Талабаларнинг жавоблари ўқитувчи томонидан шарҳланиб баҳоланади. «Якка жавоб» устундаги жавоблар ярмидан кўпига тўғри келган бўлса, яъни 55%дан 70%гача, демак, «қониқарли», 71%дан 84 гача «яхши», 85%дан 100%гача «аъло» деб белгиланади.

II вариант. 1-босқич (5 дақиқа). Ўқитувчи талабаларни компьютерлар билан жиҳозланган хонага киришлари билан 3 кишидан иборат кичик гуруҳларга бўлади


2-босқич. Компьютер билан ишлаш (5 дақиқа). Компьютер ва ЭЎМТдан ушбу ишнинг 3-иловасидан тартиб бўйича фойдаланилади.

Компьютерлар ишга туширилади, иш столида «Ўзбекистон табиий географияси»дан ЭЎМТ очилади. ЭЎМТ бош саҳифасидан «Geografiya» бўлимидан «O‘zbekiston geografiyasi fani amaliy topshiriqlar» ойнасига сичқонча билан босилади, машғулотлар мавзуси рўйхатидан «Ўзбекистоннинг ер усти сувлари, уларнинг ҳосил бўлиши ва географик тақсимланиши. Дарёлари, кўллари, музликлари. Ботқоқликлари. Ички сувлар режимининг ўзгартирилиши. Орол муаммоси» матни очилади ва амалий машғулотлар вазифаси аниқланади.

3-босқич (5 дақиқа). Талабаамалий иш бўйича берилган вазифалар билан танишиб чиқади ва ўзига керак бўлган маълумотларни амалий иш дафтарига ёзиб олади.

4-босқич (10 дақиқа). Талаба ЭЎМТнинг ускуналар панелидаги «Metodika» бўлимидан «Ko'rgazmali qurollar» саҳифасига кириб «Хариталар» ойначаси очади. Хариталар ичидан мавзуга тегишди бўлганини танлайди.

5-босқич (5 дақиқа). Талаба «Fotogallereya» гипермуружаатига муружаат қилиб, мавзуга тегишли бўлган видео-роликлар билан танишади, уларни назарий билимлари билан боғлайди.



3.15-расм. Видео роликлар билан ишлаш жараёни

6-босқич (10 дақиқа). Амалий машғулот вазифалари гуруҳ аъзоларининг ҳамкорлигида бажарилади

Ёзувсиз харитада дарёлар, қўллар, сув омборлари, йирик каналларни, музликларни белгилаб, уларнинг номларини қуйидаги маълумотлар асосида топиш ва жадвал тартибида ёзиш:

А. Энг йирик дарёларнинг номи, ўртача йиллик сув сарфи ($\text{м}^3/\text{сек}$), узунлиги, ҳавзасининг майдони (км^2), бошланиш ва қуйи-лиш ерлари, тўйиниш типи, йиллик оқим миқдори (км^3).

Б. Қўлларнинг номи, майдони, жойлашган ери, ҳосил бўлишига кўра тип, ўртача ва энг чуқур ери неча метрлиги, шўрлиги, хўжаликдаги аҳамияти.

В. Сув омборлар қайси дарёда қурилган, географик ўрни, ишга тушган йили, сув сифими (млн.м³), майдони, нима мақсадда фойдаланилиши, қайси худудлар ерларини сув билан таъминлаши.

7-босқич (10 дақиқа). Ўқитувчи ҳар бир талабанинг ва гуруҳларнинг назарий ҳамда амалий билимларини мустаҳкамлаш мақсадида «Блиц» методидан фойдаланади. Компьютер дисплейида ўқитувчи томонидан тайёрланган вазифа кўринади Аввал ҳар бир талаба тарқатма материалдаги «Якка жавоб» устунига дарё ҳавзаларини улардаги кўллар сонига қараб кўпдан камга тартиб билан жойлаштиради. Вазифа якка ҳолда бажарилади.

8-босқич. Кичик гуруҳларда ишлаш (10 дақиқа). Кичик гуруҳлардаги талабаларнинг ҳар бири берилган вазифани якка жавоб устунига ўзлари белгиланган жавоб кетма-кетлиги билан таништиридилар, илмий асослаб тушунтиридилар. 3 кишидан уч хил фикр чиқади, ҳар бир талаба ўз фикрини ёклаши, далиллар билан исботлаши, гуруҳ аъзоларини ишонтира олиши керак бўлади. Юзага келган баҳс-мунозарада ҳар бир талаба ўзининг фикрини исботлашга, бир-бирлари билан тортишиб, баҳслашиб, ўз фикрларига ишонтира олишлари керак бўлади. Гуруҳ аъзолари бир фикрга келиб, «Гуруҳ жавоби» устунини тўлдирдиладар.

Изоҳ: Ўқитувчи кичик гуруҳдаги тортишувларда иштирок этмайди, фақат гуруҳ аъзолари фаолиятини кузатади. Талабалар «якка баҳо» устунига ўзлари белгиланган рақамларга тегмайдилар, ўчирмайдилар.

Топшириқ: ҳавзаларидаги кўллар сонини ёзинг, кўллар сонига қараб ҳавзалар ўрнини белгиланг.

№	Дарё ҳавзалари	Кўлларнинг сони	Якка жавоб	Гуруҳ жавоби	Тўғри жавоб
	Фарғона водийси				
	Қашқадарё ҳавзаси				
	Зарафшон ҳавзаси				
	Сурхондарё ҳавзаси				
	Чирчиқ ҳавзаси				
	Амударё дельтаси ва қайири				

9-босқич. Гуруҳлар тақдими (5 дақиқа). Ҳар бир гуруҳ ўз фикрини ёклаши, далиллар билан исботлаши, қолган гуруҳларни ишонтира олиши керак бўлади. Юзага келган баҳс-мунозарада ҳар бир гуруҳ ўзининг фикрини илмий-назарий асослашга, исботлашга, бир-бирлари билан тортишиб, ўз фикрларига ишонтира олишлари керак бўлади.

10-босқич (5 дақиқа). Компьютер экранига ўқитувчининг тўғри жавоблар ёзилган варианты чиқади. [96,90].

№	Дарё ҳавзалари	Кўлларнинг сони	Тўғри жавоб
	Фарғона водийси	36	3
	Қашқадарё ҳавзаси	12	6
	Зарафшон ҳавзаси	38	2
	Сурхондарё ҳавзаси	27	5
	Чирчиқ ҳавзаси	29	4
	Амударё дельтаси ва қайири	422	1

11-босқич (5 дақиқа). Талабалар ҳам ўз ишларининг «Тўғри жавоб» устунини тўлдирдилар.

12-босқич (5 дақиқа). Талабаларнинг ва гуруҳларнинг жавоблари ўқитувчи томонидан шарҳланиб баҳоланади.

3.4. “ЎЗБЕКИСТОН ТАБИЙ ГЕОГРАФИЯСИ” ФАНИДАН ДАРСЛАРДА ЎҚУВ ЛОЙИҲА ВА КЕЙС-СТАДИ ЎҚИТИШНИНГ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

3.4.1. Ўқитишнинг лойиҳавий технологияси

Ўқитишнинг лойиҳавий технологияси билим ва малакаларни амалий қўллаш, таҳлил қилиш ва баҳолашни назарда тутувчи мажмуали ўқитиш методини амалга оширади. Бугунги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда лойиҳавий таълим қуйидаги таълим муаммоларини ҳал этишга ёрдам беради [38,7]:

- таълимни реал ҳаёт билан амалий боғлайди;
- назарий маълумотларни амалий фаолият билан боғлаб, ўқувчиларни мустақил ишлашга жалб этади;
- касбий ва таянч лаёқатларини шакллантиради ва ривожлантиради.

Лойиҳа (project) – тушунчаси кенгрок ифодаланиб, маълум натижа, лойиҳанинг бекиёс маҳсулига эга мақсадли фаолиятни ташкил этиш учун бирор-бир ташкилий шаклни белгилаш учун фойдаланилади.

“Ўқув лойиҳаси” тушунчаси:

• муайян истеъмолчига мўлжалланган, муаммоларни излаш, **тадқиқ қилиш ва ечиш**, натижани моддий ёки интеллектуал маҳсулот кўринишида расмийлаштиришга қаратилган, талабларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил қилиш усули;

- назарий билимлар орқали амалий вазифаларни ечишга қаратилган ўқув восита ва жўроллари;

- ривожлантирувчи, таълим ва тарбия ҳамда билимларни кенгайтириш, чуқурлаштириш ва малакаларни шакллантиришга қаратилган дидактик восита.

Таълимда лойиҳалаштириш ўқитувчи томонидан ўқувчининг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолиятни режалаштириш ва ташкил этишдан то интеллектуал ёки оддий маҳсулотни оммавий баҳолаш учун уни ҳал этиш усулини тақдим этишгача мустақил ҳаракат қилишини таъминловчи ўқув фаолиятидир.

Ўқитишнинг лойиҳавий технологияси – лойиҳалаштириш, режалаштириш ва амалга ошириш жараёни, ўқитувчининг юқори малакага эгаллиги кўрсаткичидир. Шунинг учун ҳам бу технология XXI аср технологияси ҳисобланади

3.11-жадвал

Лойиҳанинг асосий белгилари	Лойиҳа тури
<i>Фан жиҳатидан мазмунли соҳа</i>	
Бир фан доирасида, баъзан бошқа фандан билимларни жалб этиш орқали.	Ягона лойиҳа
Бир неча билимлар соҳасига тааллуқли бўлган.	Фанлараро
<i>Лойиҳа миқёси</i>	
Лойиҳанинг ҳажми	Кичик, ўрта, йирик
Иштирокчилар сони	Якка, гуруҳ бўлиб
<i>Амалга ошириш даврининг изчиллиги</i>	
1-2 ҳафта давомида ишлаб чиқилади.	Қисқа муддатли
Бир ой давомида ишлаб чиқилади.	Ўрта муддатли
Бир ойдан кўпроқ вақтда ишлаб чиқилади.	Узоқ муддатли
<i>Ўқув режасига киритилганлиги</i>	
Лойиҳа устида аудиториядан ташқари мустақил ишлаш фанни ўрганиш якунида, унинг натижалари тақдими ва баҳоланиши – маъруза, семинар, амалий машғулотларида режалаштирилади. Якуний назорат доирасида баҳоланиши мумкин.	Якуний
Ўқув курсидан таълим бериш мазмунининг бир қисми аудиториядан ташқари лойиҳавий мустақил ишга ажратилади (дарс мавзуси, бўлим). Натижалар мазкур ўқиш даврига режалаштирилган маъруза, семинар, амалий машғулотларида тақдим этилади.	Оралик

Аудиториядан ташқари мустақил фаолият доирасида хажми бўйича катта ўқув бўлими ёки бутун курс давомида бажариш режалаштирилади. Оралиқ натижалар маъруза, семинар, амалий машғулотларида тақдим этилади ва баҳоланади.

Очик (бевосита)

ЛОЙИХАВИЙ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯНИНГ ТУЗИЛИШИ

- Ўқув предмети.
- Ўқув мавзуси.
- Қатнашчилар.
- Таълимнинг мақсади.
- Режалаштириладиган ўқув натижалари.
- Талабалар лойиҳани муваффақиятли ҳал этиш учун эгаллаши лозим бўлган олдинги билим ва кўникмалар рўйхати.
- Лойиҳанинг турланиш белгиларига кўра тавсифномаси.
- Лойиҳани бажариш тартиби.
- Лойиҳанинг баҳоланиши.
- Лойиҳавий таълимни ташкил этиш босқичлари.
- Таълим моделининг қисқача тавсифномаси.

2-маъруза: “Ўзбекистон табиатининг географик ўрганилиши тарихи, босқичлари, йирик сайёҳ ва олимларнинг Ўзбекистон табиатини ўрганишга қўшган ҳиссаси” мавзуси бўйича ўқув лойиҳа методи асосида тузилган ўқитиш технологияси ўқув машғулотининг ўқитиш технологияси модели

3.12-жадвал

Машғулот вақти-4 соат	Талабалар сони:
Машғулот шакли ва тури	Маъруза – янги билимларни эгаллаш бўйича ўқув машғулоти
Ўқув машғулот режаси	Қадимги дунё географиясида Ўзбекистон ҳудудининг ўрганилганлиги ҳолати. 1.Ўзбекистон ҳудуди табиати ҳақидаги географик тасаввурларнинг ўрта асрлардаги ҳолат.

	<p>2. Ўзбекистон ҳудуди табиати ҳақидаги географик тасаввурларнинг XVIII асрда ва XIX асрнинг биринчи ярмидаги ҳолат.</p> <p>3. Географик тасаввурларнинг Ўзбекистон ҳудудида мустамлака давридаги ҳолат.</p> <p>4. Ўзбекистонда географик тасаввурларнинг шўролар даврида ривожланиши.</p> <p>5. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда географиянинг таракқиёти.</p>
<p>Ўқув машғулотининг мақсади: Ўзбекистон табиатининг географик ўрганилиши тарихи, босқичлари, йирик сайёҳ ва олимларнинг Ўзбекистон табиатини ўрганишга қўшган ҳиссаси тўғрисидаги умумий тушунчаларни такомиллаштириш.</p>	
<p>Педагогик вазифалар:</p> <ul style="list-style-type: none"> * Ўзбекистон ҳудуди табиати ҳақидаги географик тасаввурларнинг илк ўрта ва ўрта асрларда ривожланиши моҳиятини, мазмунини ёритиб бериш; * Ўзбекистон ҳудуди табиати ҳақидаги географик тасаввурларнинг XVIII асрда ва XIX асрнинг биринчи ярмида ривожланиш тарихи билан таништириш; * Географик тасаввурларнинг Ўзбекистон ҳудудида мустамлака давридаги ривожланишини тушунтириш; * Ўзбекистонда географик тасаввурларнинг шўролар даврида ривожланишини айтиб бериш; * Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда географиянинг таракқиёти ҳақида маълумот бериш. 	<p>Ўқув фаолияти натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> * Ўзбекистон ҳудуди табиати ҳақидаги географик тасаввурларнинг илк ўрта ва ўрта асрлардаги ривожланиш моҳияти, мазмуни бўйича мустақил изланадилар; * Ўзбекистон ҳудуди табиати ҳақидаги географик тасаввурларнинг XVIII асрда ва XIX асрнинг биринчи ярмида ривожланишига хос бўлган белгиларни санаб берадилар; * Географик тасаввурларнинг Ўзбекистон ҳудудида мустамлака даврида ривожланишини тушунтириб бера оладилар; * Ўзбекистонда географик тасаввурларнинг шўролар даврида ривожланишини айтиб берадилар; * Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда географиянинг таракқиётини тавсифлаб бера оладилар.
<p>Ўқитиш методлари</p>	<p>Ўқув лойиҳа педагогик технология.</p>
<p>Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари</p>	<p>Оммавий, жамоавий.</p>
<p>Ўқитиш воситалари</p>	<p>Ўқув қўлланма, ЭЎМТ, проектор, слайд компьютер.</p>
<p>Ўқитиш шарт шароити</p>	<p>Махсус жиҳозланган ўқув хона.</p>
<p>Қайтар алоканинг йўл ва воситалари</p>	<p>Кузатиш, савол-жавоб.</p>

Иш босқичи	Фаолият	
	Ўқитувчи	Талаба
Биринчи ўқув машғулоти: тайёргарлик босқичи		
1. Ўқув машғулотига кириш	Машғулот мавзуси ва мақсадини айтади. Талабаларга қутиладиган ўқув натижалар маълум қилади, ўқув машғулотигадаги иш тартиби ва хусусиятлари, ўқув натижаларини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради.	
2. Асосий босқич	Лойиха фаолияти мазмуни ва унинг бўлғуси мутахассиснинг асосий ваколатларини шакллантиришга таъсири билан таништиради. Талабаларнинг лойиха мавзуси бўйича билимларини блиц-сўровнома ёки савол-жавоб ёрдамида аниқлайди. Мавзуларни таклиф қилади, лойихалар мазмуни ҳақида ҳикоя қилади, улар доираларини ифодалайди, ишлар турларини айтади, уларнинг натижаларини маълум қилади. Гуруҳларга бирлашиб ва лойиха мавзусини танлашни таклиф қилади.	Гуруҳларга бирлашишади. Мавзунини танлаш ҳақида умумий қарорни муҳокама этишади ва қабул қилишади.
	Сухбат орқали муаммони ўртага қўяди: муаммоли вазиятни баён қилади ва талабаларни зиддиятларни аниқлаш ҳамда уларни ҳал қилиш зарурлигини билишга, муаммони ва лойиха мавзусини ифодалашга ундайдиган саволлар қўяди. Талабаларнинг лойиха мақсади ва унинг вазифаларини ифодалашни бўйича мунозара ёки фикрий ҳужум уюштиради. Ўқув лойихадан қутиладиган натижа – маҳсулот ва унинг тахминий фойдаланувчиларини ифодалайди. Баҳолаш мезонлари билан таништиради.	Саволларга жавоб беришади; зиддиятни аниқлашади, уларни ҳал қилиш зарурлигини билишади; муаммони ва лойиха мавзусини ифодалашади. Лойиха мақсади ва унинг вазифаларини ифодалашади.
	Лойиха топшириғини қўяди. Ахборот манбалари, уни йиғиш ва таҳлил этиш усулларини тавсия қилади. ЭЎМТ дан фойдаланиши йўллари кўрсатади. Лойиха фаолияти натижалари ва умуман жараёнини баҳолаш русумлари ва мезонлари билан таништиради.	Лойиха топшириғи билан танишишади. ЭЎМТ дан фойдаланиши йўллари билиб олади. Саволлар беришади.

	<p>Талабаларнинг лойиҳа устида ишлаш шаклини танлашни танкил қилади. Лойиҳа гуруҳлари шаклантиришини уюштиради.</p> <p>Гуруҳ иши учун топширик беради, гуруҳда ишлаш қоидаларини эслатади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - лойиҳадаги вазифалар ва фаолият турларини ажратиш, уларни қатнашчилар ўртасида тақсимлаш (гуруҳли лойиҳада); - лойиҳа фаолияти алгоритмини ишлаб чиқиш; - лойиҳа вазифаларини бажариш, унинг натижаларини ифодалаш, тақдимот усуллари ҳамда воситаларини танлаш; - ишчи режасини тузиш. 	<p>Лойиҳа устида ишлаш шаклини танлашади.</p> <p>Гуруҳларга бирлашишади.</p> <p>Лойиҳа фаолиятини лойиҳалаштириш ва режалаштириш бўйича гуруҳлардаги ишни ташкил этишади: лойиҳани бажариш йўналишлари ва босқичларини белгилашади, гуруҳ аъзолари ўртасидаги функцияларни тақсимлашади, ҳамкорлик шаклларини белгилашади, лойиҳа вазифаларини бажариш, унинг натижаларини ифодалаш ва тақдимот усуллари ва воситаларини танлашади.</p> <p>Лойиҳа ишларининг ишчи режасини вазифалар, уларни бажариш муддатлари, тайёр маҳсулот турини ва масъулларни кўрсатиб тузишади.</p>
<p>3. Яқунловчи баҳолаш босқичи</p>	<p>Лойиҳа топшириги устидаги ишнинг асосий натижаларини белгилаш ва лойиҳа фаолиятини режалаштириш бўйича хулоса чиқаради. Талабалар эътиборини лойиҳа ишлари мазмунига ва лойиҳанинг ижро босқичида уларни бажариш графигига қаратади. Саволларга жавоб беради.</p>	<p>Саволлар беришади.</p>
<p>Аудиториядан ташқари иш: ижро босқичи</p>		
<p>1.</p>		<p>Индивидуал вазифаларга биноан</p>

<p>Лойиханинг бажарилиши</p> <p>2. Натижаларнинг ифодаланиши.</p> <p>3. Ҳисобот тузилиши.</p> <p>4. Тақдимот тайёрланиши.</p>	<p>Маслаҳат беради, гуруҳлар иштини мувофиқлаштиради, улар фаолиятини рағбатлантиради, кузатади, ахборот манбаларини излашда ёрдам беради, ўзи ахборот манбаи бўлади, лойиха ишлари мониторинги ва назоратини амалга оширади</p>	<p>ишларни бажаришади. Фаол ва мустақил ишлашади, ҳар ким ўз вазифасига мувофиқ ва биргаликда:</p> <p>-турли манбалардан ахборот йиғишади, таҳлил этишади ва умумлаштиришади;</p> <p>-гадқиқотлар ўтказишади, ҳисоб-китобларни бажаришади;</p> <p>-заруратга қараб маслаҳатлашишади;</p> <p>-оралиқ натижаларни муҳо-кама қилишади; Ҳамма олинган натижаларнинг умумий йиғилиши ва муҳокамасини ўтказишади. Лойиха маҳсулотини ифодалашади. Ҳисобот тузишади. Лойихадаги ютуқларнинг ўзини ўзи баҳолаш анкеталарини тўлдиришади. Лойиха иши натижалари тақдимотини расмийлаштиришади.</p>
<p>Иккинчи ўқув машғулотининг асосий босқичи</p>		
<p>1.Ўқув машғулотига кириш</p>	<p>Лойихалар тақдимотига кўрсатма беради: гуруҳларнинг бажарилган лойихаларни тақдим этиши регламенти ва изчиллигини белгилайди. Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини эслатади. Ўзаро баҳолаш жадвалларини тарқатади.</p>	
<p>2.Асосий босқич</p>	<p>Тақдимот бошланишини эълон қилади. Ҳар бир гуруҳ тақдимоти якунлари бўйича:</p> <p>- мазмуни бўйича аниқловчи саволлар</p>	<p>Гуруҳлар ўз иши натижалари ҳақида маъруза қилади ва уларни белги-ланган</p>

	<p>ва ҳар бир қатнашчининг роли ҳақида аниқ мақсадга қаратилган саволлар беради;</p> <p>- курсдошлар саволларига жавоблар вақтида қувватлайди ва рағбатлантиради.</p>	<p>шаклда тақдим этади.</p> <p>Саволларга жавоб беришади.</p>
	<p>Гуруҳларнинг лойиҳа тақдимоти муҳокамаси ва ўзаро баҳолашини уюштиради.</p>	<p>Жамоа бўлиб муҳокама қилиш орқали:</p> <p>тақдимот, олинган маҳсулот, лойиҳа фаолияти натижаларини баҳолашади</p>
	<p>Талабалар билан бирга лойиҳа устидаги иш жараёни ва яқунларини муҳокама қилади, нотикларни рағбатлантиради, ўз мулохазаларини назорат билан билдиради, агар зарур бўлса, айрим талабаларнинг ютуқлари ва хатолари ҳақида ўз фикрини индивидуал билдиради.</p>	
<p>3.</p> <p>Яқунловчи баҳолаш босқичи</p>	<p>Лойиҳа фаолиятининг асосий натижаларини аниқлаш бўйича хулоса чиқаради. Бажарилган ишнинг бўлғуси профессионал фаолият учун муҳимлигига эътиборни қаратади. Гуруҳлар фаолияти, лойиҳа топшириғи устидаги индивидуал иш натижа ларига баҳо беради. Ўзаро баҳолашга яқун ясайди. Лойиҳа ва лойиҳали таълим мақсадига эришиш даражасини таҳлил этади ва баҳолайди. Саволларга жавоб беради.</p>	<p>Натижалар, жараён, ўзининг ундаги иштирокини бошқалар баҳоларини ҳисобга олиб ўзи баҳолайди.</p>

ЎҚУВ ЛОЙИҲА: Ўзбекистон табиатининг географик ўрганилиши тарихи, босқичлари, йирик сайёҳ ва олимларнинг Ўзбекистон табиатини ўрганишга қўшган ҳиссаси

ЛОЙИҲА ТОПШИРИҒИ

Кириш. Ўзбекистон табиий географияси ўқув фанининг бош мақсади ўқув жараёнида бу фанга доир билимларни умумлаштириш, мазкур фаннинг долзарб муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал этиш йўлларини белгилаб бериш бўйича билимларни шакллантиришдан иборат. У ҳозирги табиий ҳамда табиатдан фойдаланиш-

нинг географик асослари туркум фанлари билан чамбарчас боғлиқ холда география факультетларининг юқори курс талабаларига ўқитилади ва юқори малакали географлар тайёрлашда катта ахамиятга эга. Бироқ барча талабалар Ўзбекистон табиатининг географик ўрганилиши тарихи, босқичлари, йирик сайёҳ ва олимларнинг Ўзбекистон табиатини ўрганишга қўшган ҳиссаси тўғрисида етарлича маълумотга эга эмаслар.

Лойиҳа доирасида ўз ечимини толувчи, муаммо: Ўзбекистон табиатининг географик ўрганилиши тарихи, босқичлари, йирик сайёҳ ва олимларнинг Ўзбекистон табиатини ўрганишга қўшган ҳиссаси тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш.

Лойиҳа мақсади (у нима учун яратилади): Ўзбекистон табиатининг географик ўрганилиши тарихи, босқичлари, йирик сайёҳ ва олимларнинг Ўзбекистон табиатини ўрганишга қўшган ҳиссаси тўғрисида маълумотнома, ахборотнома кабиларни ишлаб чиқиш.

Яқуний натижа: Ўзбекистон табиатининг географик ўрганилиши тарихи тўғрисида қисқа ва тузилмавий ахборотни ўз ичига олувчи, маълумотнома.

Фойдаланувчилар: География факультети ва табиий йўналишда таҳсил олувчи талабалар.

Лойиҳа доираси: бажариш муддати: 3-ҳафта

- иштирокчилар сони: гуруҳларда бештагача.

Лойиҳа гуруҳи иштирокчиларининг вазифалари ва фаолият турлари:

1. Ахборотларни йиғиш: қуйидаги мавзулар бўйича:

- Қадимги дунё географиясида Ўзбекистон худудининг ўрганилганлиги ҳолати.

- Ўзбекистон худуди табиати ҳақидаги географик тасаввурларнинг ўрта асрларда ривожланиши.

- Ўзбекистон худуди табиати ҳақидаги географик тасаввурларнинг XVIII асрда ва XIX асрнинг биринчи ярмида ривожланиши.

- Географик тасаввурларнинг Ўзбекистон худудиди мустамлака даврида ривожланиши.

- Ўзбекистонда географик тасаввурларнинг шўролар даврида ривожланиши.

• Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда географиянинг тараққиёти.

2. Маълумотномани расмийлаштириш.

3. Лойиҳа фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот тайёрлаш.

4. Лойиҳа фаолияти натижалари тўғрисида визуал КТ ёрдамида тақдимотни тайёрлаш.

ЛОЙИҲА ТОПШИРИҒИНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ТАЛАБАЛАРГА УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

Лойиҳа фаолиятини босқичма-босқич бажариш учун йўриқнома

1. Гуруҳ сардорини танланг.

2. Дикқат билан лойиҳа топшириғи билан танишинг.

3. Маълумотнома тузилишини аниқланг.

4. Иштирокчилар ўртасида лойиҳани ишлаб чиқиш бўйича ҳамда уни расмийлаштириш, тақдимотга ва ҳисоботга тайёрлаш бўйича вазифалар ва фаолият турларини тақсимланг.

5. Иш режасини тузинг.

Лойиҳани бажариш бўйича иш режаси (Лавҳа)

Иштирокчи Ф.И.Ш.	Вазифа, фаолият тури	Иш мазмун	Тайёр маҳсулот тури	Бажариш муддати

6. Ахборот манбаларини аниқланг, ахборотни йиғинг ва уни матн, жадвал, чизма ҳамда шарҳлаш кўринишида расмийлаштиринг (Дикқат! ушбу вазифани барча гуруҳ иштирокчилари бажаради).

7. Натижаларни маълумотнома кўринишида материалларни расмийлаштиринг (1-та талаба).

8. Ҳисоботни тайёрлаш йўриқномаси бўйича, ҳисоботни тайёрланг (2-та талаба).

9. Лойиҳани Microsoft Power Point бўйича тайёрлаш йўриқномасидан фойдаланиб, тақдимотни тайёрланг (2-та талаба).

10. Лойиҳа тақдимотида гуруҳ аъзолари ўртасидаги вазифаларни аниқланг. Оғзаки тақдимотга тайёргарлик вақтида унинг қоидаларига риоя қилинг, оғзаки тақдимот сирларини эсдан чиқарманг.

Тавсия этиладиган “Ўзбекистон ҳудуди табиати ҳақидаги географик тасаввурларнинг илк ўрта ва ўрта асрларда ривожланиши” мавзусидаги маълумотнома тузилиши

Титул варағи

Аннотация

Кириш – маълумотли ахборотнинг моҳияти ва вазифаси очиб берилади.

1. Ўрта Осиё географиясига асос солган, IX асрда яшаб ижод этган олимлардан бири – Мухаммад ибн Мусо Хоразмийдир.

2. Аҳмад Фаргоний, Абу Райхон Беруний, Ибн-Синолар яратган асарлар жаҳон маданияти ҳазинасининг дурдоналаридир.

3. География фани ривожига катта хисса қўшган олимлар – Заҳириддин Бобур, Ҳайдар Мирза, Хофиз Бухори, Султон Балҳий ва б.

Хулоса – маълумотли ахборотнинг аҳамияти очиб берилади.

Фойдаланилган манбалар рўйхати.

Лойиҳа иши тўғрисида ҳисобот тузилиши

1. Титул варағи

2. Лойиҳани долзарблиги

3. Лойиҳа доирасида ўз ечимини топувчи, муаммо, лойиҳа мақсади, яқуний натижа, фойдаланувчилар.

4. Лойиҳанинг иш режасини (жадвал) баён этинг.

5. Бажарувчиларни кўрсатган ҳолда маълумотнома тузилишини қисқа баёни.

6. Лойиҳа сифатини, лойиҳа устида ишлаш жараёни: ишнинг натижавийлиги, қийинчиликлар ва уни енгиб ўтиш йўлларини баҳолаш.

Визуал тақдимот тузилиши

1. Лойиҳа мавзуси. Бажарувчилар.

2. Лойиҳани долзарблиги

3. Лойиҳа доирасида ўз ечимини топувчи, муаммо, лойиҳа мақсади, яқуний натижа, фойдаланувчилар.

4. Лойиҳанинг иш режасини (жадвал) баён этинг.

5. Лойиҳа маъсули: маълумотнома

- титул варағи
- аннотация
- мундарижа

Лойиҳа сифатини, лойиҳа устида ишлаш жараёни: ишнинг на-
тижавийлиги, кийинчиликлар ва уни енгиб ўтиш йўлларини баҳо-
лаш.

Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари

Гуруҳли лойиҳада қуйидагилар баҳоланади:

- Лойиҳа маҳсули – Маълумотнома (энг юқори 10 балл);
- ҳисобот (энг юқори 5 балл);
- лойиҳа тақдимоти (энг юқори 5 балл).

13-маъруза: “Ўзбекистон ҳудудининг табиий географик районлаштирилиши” мавзуси бўйича ўқув лойиҳа методи асосида тузилган ўқитиш технологияси

3.13-жадвал

Ўқув лойиҳа машғулотининг ўқитиш технологияси модели

Талабалар сони: _____	Вақти: 6 соат
Ўқув машғулоти шакли ва тури	Маъруза – билимларни мустаҳкамлаш ва кўникма ва малакаларни шакллантириш бўйича ўқув лойиҳа машғулоти.
Ўқув машғулот режаси ва ўқув лойиҳа тақдимотини режалаштириш	1. Назарий қисми: 1. Ўзбекистоннинг табиий географик районлаштиришда Р.И.Аболин, Л.С.Берг, Е.П.Коровин, А.Розанов, В.М.Четиркин, Э.М.Мурзаев, Л.Н.Бабушкин ва Н.А.Когайларнинг тадқиқот ишларида кўтарилган муаммоли масалалар. 2. Табиий географик районлаштиришнинг регионал, зонал ва аралаш тамойил асосида амалга ошириш. 3. Табиатда объектив мавжуд бўлган ва таксономик жиҳатидан бир-бири билан боғлиқ регионал табиий географик комплексларни ажратиш. 4. Табиий географик районлаштириш асосида ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос табиий шароити ва ресурсларини баҳолаш. 5. Ландшафт ҳосил қилувчи омиллар гаҳлили. 6. Ландшафтнинг таркибий тузилиши ва морфологияси.

7. Ландшафтларни таснифлаш масалалари.
П.Кичик гуруҳларда ўқув лойиҳа фаолиятининг тақдими:
 1. Лойиҳа тақдими.
 2. Тақдимот муҳокамаси
 3. Якуний хулоса

Ўқув машғулотнинг мақсади: табиий географик районлаштиришнинг регионал, зонал ва аралаш тамойил асосида амалга ошириш, табиатда объектив мавжуд бўлган ва таксономик жиҳатидан бир-бири билан боғлиқ регионал табиий географик комплексларни ажратилиши ҳақида билимларни такомиллаштириш.

Ўқув лойиҳанинг мақсади: Ўзбекистоннинг табиий географик районлаштиришда Р.И.Аболин, Л.С.Берг, Е.П.Коровин, А.Розанов, В.М.Четиркин, Э.М.Мурзаев, Л.Н.Бабушкин ва Н.А.Когайларнинг тақдирот ишларини таҳлили, ўқув материали бўйича олган билимларни чуқурлаштириш ҳамда кўникма ва малакаларни шакллантириш.

Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
1. Табиий географик районлаштиришнинг регионал, зонал ва аралаш тамойил асосида амалга ошириш, табиатда объектив мавжуд бўлган ва таксономик жиҳатидан бир-бири билан боғлиқ регионал табиий географик комплексларнинг ажратиш масалалари билан таништирилади ва топширик беради. 2. Ландшафтларни баҳолаш, башоратлаш муаммолари, ландшафт тушунчасининг шаклланиши, ландшафтнинг таркибий тузилиши ва морфологияси ҳақида маълумот беради. 3. Лойиҳа тақдимотига кўрсатма беради. 4. Тақдимот муҳокамасини шакллантиради. 5. Лойиҳа фаолиятининг асосий натижаларини аниқлашга йўналтиради	1. Табиий географик районлаштиришнинг регионал, зонал ва аралаш тамойил асосида амалга ошириш, табиатда объектив мавжуд бўлган ва таксономик жиҳатидан бир-бири билан боғлиқ регионал табиий географик комплексларнинг ажратиш масалалари билан танишадилар ва топшириқни ёзиб оладилар. 2. Ландшафтларни баҳолаш ва прогнозлаш муаммолари, ландшафт тушунчасининг шаклланиши ва мунозарали томонлари, ландшафтнинг таркибий тузилиши, морфологияси ҳақида маълумотга эга бўладилар. 3. Лойиҳа тақдимотига берилган кўрсатмага амал қиладилар. 4. Тақдимот муҳокамасида қатнашадилар 5. Лойиҳа фаолиятининг асосий натижаларини баҳолашади.
Ўқитиш методлари	Лойиҳалаштириш усули, матн ва ахборот манбалари билан ишлаш, КТ намоиш қилиш.
Ўқитиш воситалари	Инсерт жадвали, лойиҳа топшириғи,

	услубий кўрсатмалар, ЭЎМТ, компьютер технологиялари, слайдлар, проектор.
<i>Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари</i>	Оммавий, жамоавий, гуруҳли, якка ҳолда.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалар билан жиҳозланган аудитория
<i>Қайтар алоқанинг усул ва воситалари</i>	Оғзаки назорат: савол-жавоб, кичик гуруҳлар тақдимоти, баҳо тизими асосида баҳолаш

Лойиҳали ўқитишнинг универсал технологик картаси [38, 11]

Иш босқичи	Фаолият	
	Ўқитувчи	талаба
<i>Биринчи ўқув машғулоти: тайёргарлик босқичи</i>		
1. Ўқув машғулоти га кириш	Машғулот мавзуси ва мақсадини айтади, талабаларга қутиладиган ўқув натижалар маълум қилади; ўқув машғулотигадаги иш тартиби ва хусусиятлари, ўқув натижаларини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради.	
2. Асосий босқич	Лойиҳа фаолияти мазмуни ва унинг бўлгуси мутахассиснинг асосий ваколатларини шакллантиришга таъсири билан таништиради. Талабаларнинг лойиҳа мавзуси бўйича билимларини долзарблаштиради: блиц-сўровнома ўтказади ёки савол-жавобли шаклни қўллайди. Мавзуларни таклиф қилади, лойиҳалар мазмуни ҳақида ҳикоя қилади, улар доираларини ифодалайди, ишлар турларини айтади, уларнинг натижаларини маълум қилади. Гуруҳларга бирлашиш ва лойиҳа мавзусини танлашни таклиф қилади.	Гуруҳларга бирлашишади. Мавзуни танлаш ҳақида умумий қарорни муҳокама этишади ва қабул қилишади

<p>Сухбат орқали муаммони ўртага қўяди: муаммоли вазиятни баён қилади; талабаларни зиддиятларни аниқлаш ҳамда уларни ҳал қилиш зарурлигини билишга, муаммони, лойиҳа мавзусини ифодалашга ундайдиган саволлар қўяди. Талабаларнинг лойиҳа мақсади, вазифаларини ифод қилиши бўйича мунозара ёки фикрий ҳужум уюштиради.</p>	<p>Саволларга жавоб беришади; зиддият-ни аниқлашади, уларни ҳал қилиш зарурлигини билишади; муаммони ва лойиҳа мавзусини ифодалашади. Лойиҳа мақсади ва унинг вазифаларини ифодалашади.</p>
<p>Лойиҳа топширигини қўяди. Ахборот манбалари, КТ, ЭЎМТ билан ишлаш, маълумот йиғиш, ишлаш ва таҳлил этиш усулларини ўргатади. Лойиҳа фаолияти натижалари ва умуман жараёни баҳолаш русумлари, мезонлари билан таништиради.</p>	<p>Лойиҳа топшириги билан танишишади.</p> <p>Саволлар беришади.</p>
<p>Талабаларнинг лойиҳа устида ишлаш шаклини танлашни ташкил қилади. Лойиҳа гуруҳлари шакллантиришини уюштиради.</p>	<p>Лойиҳа устида ишлаш шаклини танлашади. Гуруҳларга бирлашишади.</p>
<p>Гуруҳ иши учун топшириқ беради, гуруҳда ишлаш қоидаларини эслатади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - лойиҳадаги вазифалар ва фаолият турларини ажратиш, уларни қатнашчилар ўртасида тақсимлаш; - лойиҳа фаолияти алгоритминини ишлаб чиқиш; - лойиҳа вазифаларини бажариш, унинг натижаларини ифодалаш ва тақдимот усуллари ва воситаларини танлаш; - ишчи режасини тузиш. 	<p>Лойиҳа фаолиятини лойиҳалаштириш, режалаштириш бўйича гуруҳлардаги ишни ташкил этишади; лойиҳани бажариш йўналишлари ва босқичларини белгилашади; гуруҳ аъзолари ўртасидаги функцияларни тақсимлашади; тақдимот усуллари ва воситаларини танлашади.</p>

<p>3. Яқунловчи баҳолаш босқичи</p>	<p>Лойиҳа топшириғи устидаги ишнинг асосий натижаларини белгилаш, лойиҳа фаолиятини режалаштириш бўйича хулоса чиқаради. Талабалар эътиборини лойиҳа ишлари мазмунига ва лойиҳанинг ижро босқичида уларни бажариш графигига қаратади. Саволларга жавоб беради.</p>	<p>Саволлар беришади</p>
<p>Аудиториядан таишқари иш: ижро босқичи</p>		
<p>1. Лойиҳанинг бажарилиши. 2. Натижалар ифодаланиши 3. Ҳисобот тузилиши. 4. Тақдимот тайёрланиши</p>	<p>Маслаҳат беради, гуруҳлар ишини мувофиқлаштиради, улар фаолиятини рағбатлантиради, кузатади, ахборот манбаларини излашда ёрдам беради, ўзи ахборот манбаи бўлади, лойиҳа ишлари мониторинги ва назоратини амалга оширади</p>	<p>Индивидуал вазифаларга биноан ишларни бажаришади. Фаол ва мустақил ишлашади, ҳар ким ўз вазифасига мувофиқ ва биргаликда: - турли манбалардан ахборот йиғишади, таҳлил этишади ва умумлаштиришади; - тадқиқотлар ўтказишади, - оралик натижаларни муҳокама қилишади. Лойиҳа маҳсулотини ифодалашади. Ҳисобот тузишади. Лойиҳадаги ютуқларнинг ўзини-ўзи баҳолаш анкеталарини тўлдиришади. Лойиҳа иши натижалари тақдимотини расмийлаштиришади.</p>
<p>Иккинчи ўқув машғулотини: яқунловчи босқич</p>		
<p>1. Ўқув машғулотига кириш</p>	<p>Лойиҳалар тақдимотида кўрсатма беради: гуруҳларнинг бажарилган лойиҳаларни тақдим этиши регламенти ва изчиллигини белгилайди. Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини эслатади. Ўзаро баҳолаш жадвалларини тарқатади.</p>	
<p>2. Асосий босқич</p>	<p>Тақдимот бошланишини эълон қилади. Ҳар бир гуруҳ тақдимоти яқун-</p>	<p>Гуруҳлар ўз иши натижалари ҳақида</p>

	лари бўйича: -мазмунни бўйича аниқловчи саволлар ва ҳар бир қатнашчининг роли ҳақида аниқ мақсадга қаратилган саволлар беради.	маъруза қилади ва уларни белгиланган шаклда тақдим этади. Саволларга жавоб беришади.
	Гуруҳларнинг лойиҳа тақдимоти муҳокамаси ва ўзаро баҳолашини уюштиради.	Жамоа бўлиб муҳокама қилиш орқали: тақдимот, олинган маҳсулот, лойиҳа фаолияти натижаларини баҳолашади.
	Талабалар билан бирга лойиҳа устидаги иш жараёни ва якунларини муҳокама қилади, нотикларни рағбатлантиради, ўз мулоҳазаларини назокат билан билдиради, агар зарур бўлса, айрим талабаларнинг ютуқлари ва хатолари ҳақида ўз фикрини индивидуал билдиради	
3. Яқунловчиб аҳолаш босқичи	Лойиҳа фаолиятининг асосий натижаларини аниқлаш бўйича хулоса чиқаради. Гуруҳлар фаолияти, лойиҳа топшириғи устидаги индивидуал иш натижаларига баҳо беради.	Натижалар, жараён, ўзининг ундаги иштирокини бошқалар баҳоларини ҳисобга олиб ўзи баҳолайди

ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

Фаннинг номи: Ўзбекистон табиий географияси.

Мавзунинг номи: Ўзбекистон ҳудудининг табиий географик районлаштирилиши.

Иштирокчилар: 3-курс талабалари “география” йўналиши учун.

Ўқитишнинг мақсади: Табиий географик районлаштиришнинг регионал, зонал ва аралаш тамойил да бўлиши, регионал табиий географик районлаштиришда табиатда объектив мавжуд бўлган ва таксономик жиҳатидан бир-бири билан боғлиқ регионал табиий географик комплекслар юзасидан олган билимларни чуқурлаштириш ҳамда кўникма ва малакаларини шакллантириш.

Режалаштирилаётган ўқув натижалари: Ўзбекистоннинг табиий географик районлаштиришда Р.И.Аболин, Л.С.Берг, Е.П.Коровин, А.Розанов, В.М.Четиркин, Э.М.Мурзаев, Л.Н.Бабушкин ва Н.А.Когайларнинг тадқиқот ишларининг мақсад ва вазифаларини билиб олади, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳа

мақсадларида бажариладиган табиий географик районлаштириш масалалари, ландшафтларни баҳолаш ва прогнозлаш муаммолари, ландшафт тушунчасининг шаклланиш ва мунозарали томонлари, ландшафтнинг таркибий тузилиши ва морфологияси, ландшафт ҳосил килувчи омиллар муаммоси тўғрисида билим, кўникма ва ма-лакаларга эга бўладилар.

Лойиҳалаштириш фаолияти бўйича қуйидаги амалий кў-никмаларга эга бўлади: муаммони шакллантириш ва вазифалар-ни аниқлаш; вазифаларни амалга оширишдаги усулларни танлаш ва улардан фойдаланиш; ўз фаолиятини режалаштириш; маълумот манбаларини аниқлаш, тизимга келтириш ва таҳлил этиш; натижа-ларни талаб даражасида расмийлаштириш ва керакли кўринишда тақдим этиш.

Лойиҳанинг турлиниш белгиларига кўра тавсифномаси: ту-ри амалий йўналтирилган предмет ва мазмун жиҳатдан кўлами: география асослари фанида фойдаланиш мумкин бўлган фанлараро лойиҳа.

Лойиҳани бажариш тартиби: талабаларнинг аудиториядан ташқари мустақил фаолиятларида бажарилади, амалий машғулотда тақдим этиб борилади. Лойиҳа маҳсули семестр охирида, талаба-лар ва педагог ўртасида белгиланган кунда амалга оширилади.

ЎҚУВ ЛОЙИҲА: “ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДИНИНГ ТАБИЙ ГЕОГРАФИК РАЙОНЛАШТИРИЛИШИ”

Лойиҳа топшириғи

Кириш. Табиий географиянинг энг муҳим биринчи даражали муаммоларидан бири бу – табиий-географик районлаштиришдир. Табиий-географик районлаштиришнинг илмий жиҳатдан пухта асосланган принципи, услуги ва таксономик бирлиги фақат илмий аҳамиятга эга бўлиш билан бирга халқ хўжалигининг турли соҳа-лари учун ҳам амалий аҳамиятга эгадир. Шу нуқтаи назардан қара-ганда, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, уларни муҳо-фаза қилиб, ўзгартириш, халқ хўжалигини интенсив ривожланти-риш, халқ хўжалик тармоқларини ихтисослаштириш энг аввало ҳу-дуд табиати ичидаги тафовутларни ҳар томонлама ва илмий жиҳат-дан пухта билишни тақозо этади.

Район ва районлаштириш география учун илмий жиҳатдан илмий, амалий аҳамиятга молик тушунча ҳисобланади. География ҳамма вақт худудий тафовут, худудий таркиб ва худудий тизимларни ўрганувчи фан бўлиб келган. У доимо бир жойдан иккинчи жойнинг фарқи, худудларнинг хусусиятини таҳлил ва тадқиқ қилар экан, ана шу фарқ қилувчи худудий бирликлар ўзига хос районларни ташкил қилишини, ўзининг умумий хусусиятларига кўра бошқа жой ва унга туташ худудлардан фарқ қилишини илмий-амалий асослаб бера олган.

Умуман олганда, районлар ва улар чегарасини аниқлаш айниқса анклав ва эксклав характерга эга бўлмаган, яхлит табиий географик бирликлардан ташкил топмаган мамлакатларда мураккаб муаммо саналади. Бундай шароитда анъанавий районлаштириш принциплари ва омиллари билан бирга район ҳосил қилувчи марказларнинг шаклланиши ҳам катта аҳамиятга эга. Бинобирин шундай экан талаба ёшлар районлаштириш соҳасида амалга оширилаётган илмий тадқиқотлардан хабардор бўлишлари билан бирга Ўзбекистон худудининг табиий географик районлаштириш соҳасини ривожлантиришда фаол иштирок этишлари ва она Ватанимизнинг дунё фанида тутган ўрнини юксак ривожланган мамлакатлар эришган даражасига кўтара оладиган бўлишлари зарур.

Бундай фуқарони тарбиялаш замон, тараққиётимиз талаби. Бунга қандай эришиш мумкин? Ўзбекистон худудининг табиий географик районлаштириш, ландшафт тушунчасининг шаклланиши ва мунозарали томонлари, ландшафтнинг таркибий тузилиши ва морфологияси. тўғрисидаги тушунчаларни кенг оммага етказиш зарурати туғилмоқда ва талайгина қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Лойиҳа доирасида ечилиши керак бўлган муаммо: Қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳа мақсадларида бажариладиган табиий географик районлаштириш масалалари, ландшафтларни баҳолаш ва прогнозлаш муаммолари, ландшафт тушунчасининг шаклланиши ва мунозарали томонлари, ландшафтнинг таркибий тузилиши ва морфологияси, ландшафт ҳосил қилувчи омиллар муаммоси тўғрисида ахборотларни камлиги, маълумотларни йиғишдаги қийинчиликлар ва уларнинг ечими.

Лойиҳанинг мақсади (нима учун яратилаёпти): Қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳа мақсадларида бажариладиган табиий геог-

рафик районлаштириш масалалари, ландшафтларни баҳолаш ва прогнозлаш муаммодари, ландшафт тушунчасининг шаклланиш ва мунозарали томонлари, ландшафтнинг таркибий тузилиши ва морфологияси, ландшафт ҳосил қилувчи омиллар муаммоси тўғрисида мустақил ахборот йиғиш ва қўшимча маълумот сифатида қўллаш, мустақил таълимни ривожлантириш.

Якуний натижа: Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳа мақсадларида бажариладиган табиий географик районлаштириш масалалари, ландшафтларни баҳолаш ва прогнозлаш муаммолари, ландшафт тушунчасининг шаклланиш ва мунозарали томонлари, ландшафтнинг таркибий тузилиши ва морфологияси, ландшафт ҳосил қилувчи омиллар муаммоси тўғрисида қисқа ва тузилмавий маълумотни ўз ичига олувчи маълумотнома.

Лойихадан фойдаланувчилар: талаба-ёшлар ва кенг омма учун мўлжалланган.

Лойиха доираси:

Бажарилиш муддати: семестр давомида (якуний назоратдан олдин тақдимот қилинади), лойиха қисмлари белгиланган график асосида;

Иштирокчилар сони: гуруҳ талабалари 4-5та ишчи гуруҳга бўлиниб, ҳар бир ишчи гуруҳда 5 тагача иштирокчи бўлиши мумкин.

Лойиха гуруҳи иштирокчиларининг вазифаларива фаолият турлари:

1. Ахборотларни йиғиш: қуйидаги мавзулар бўйича:

* Ўзбекистоннинг табиий географик районлаштириш тажрибасидан Р.И.Аболин, Л.С.Берг, Е.П.Коровин, А.Розанов, В.М.Четиркин, Э.М.Мурзаев, Л.Н.Бабушкин ва Н.А.Когайларнинг табиий географик районлаштириш ишларида кўтарилган муаммоли масалалар.

* Табиий географик районлаштиришнинг регионал, зонал ва аралаш тамойил асосида бўлиши.

* Регионал табиий географик районлаштиришда табиатда объектив мавжуд бўлган ва таксономик жиҳатидан бир-бири билан боғлиқ регионал табиий географик комплекслар.

* Ландшафтларни баҳолаш ва башоратлаш муаммолари.

* Ландшафт тушунчасининг шаклланиш ва мунозарали томонлари.

* Ландшафтнинг таркибий тузилиши ва морфологияси.

- * Ландшафт ҳосил қилувчи омиллар муаммоси.
 - * Ландшафтларни таснифлаш масалалари.
2. Маълумотномани расмийлаштириш.
 3. Лойиҳа фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот тайёрлаш.
Лойиҳа фаолияти натижалари тўғрисида кўргазмали электрон тақдимотни тайёрлаш.

Лойиҳа топшириғини бажариш бўйича талабалар учун услубий кўрсатмалар

Лойиҳа фаолиятини босқичма-босқич бажариш учун йўриқнома

1. Гуруҳ сардорини танланг.
2. Диққат билан лойиҳа топшириғи билан танишинг.
3. Маълумотнома тузилишини аниқланг.
4. Иштирокчилар ўртасида лойиҳани ишлаб чиқиш бўйича ҳамда уни расмийлаштириш, тақдимотга ва ҳисоботга тайрлаш бўйича вазифалар ва фаолият турларини тақсимланг.
5. Иш режасини тузинг.
Лойиҳани бажариш бўйича иш режаси

Иштирокчи Ф.И.Ш.	Вазифа, фаолият тури	Иш мазмуни	Тайёр маҳсулот тури	Бажариш муддати

6. Ахборот манбаларини аниқланг, ахборотни йиғинг ва компьютер технологиялари ёрдамида матн, жадвал, чизма ҳамда шарҳлаш кўринишида расмийлаштиринг (Диққат! Ушбу вазифани барча гуруҳ иштирокчилари бажаради.)

7. Натижаларни маълумотнома кўринишида материалларни расмийлаштиринг. (1-талаба)

8. Ҳисоботни тайёрлаш йўриқномаси бўйича, ҳисоботни тайёрланг. (2-талаба)

9. Лойиҳани microsoft Power Point бўйича тайёрлаш йўриқномасидан фойдаланиб, тақдимотга тайёрланг. (2-талаба)

10. Лойиҳада тақдимотида гуруҳ аъзолари ўртасидаги вазифаларни аниқланг.

Оғзаки тақдимотга тайёргарлик вақтида унинг қодаларига риоя қилинг, оғзаки тақдимот сирларини эсдан чиқарманг.

***Тавсия этиладиган “Ўзбекистоннинг табиий географик
районлаштириш тажрибасидан” мавзусидаги
маълумотнома тузилиши***

Титул варағи

Аннотация

Кириш – маълумотли ахборотнинг моҳияти ва вазифаси очиб берилади.

1. Р.И.Аболин, Л.С.Бергларнинг табиий географик районлаштириш ишлари.

2. А.Розанов, Е.П.Коровинларнинг табиий географик районлаштириш ишлари.

3. В.М.Четиркин, Э.М.Мурзаевларнинг табиий географик районлаштириш ишлари.

4. Л.Н.Бабушкин, Н.А.Когайларнинг табиий географик районлаштириш ишларида кўтарилган муаммоли масалалар.

Хулоса – маълумотли ахборотнинг аҳамияти очиб берилади.

Фойдаланилган манбалар рўйхати.

Лойиҳа иши тўғрисида ҳисобот тузилиши

Титул варағи

Лойиҳани долзарблиги

Лойиҳа доирасида ўз ечимини топувчи, муаммо, лойиҳа мақсади, якуний натижа, фойдаланувчилар.

Лойиҳанинг иш режасини (жадвал) баён этинг.

Бажарувчиларни кўрсатган ҳолда маълумотнома тузилишини қисқа баёни.

Лойиҳа сифатини, лойиҳа устида ишлаш жараёни: ишнинг натижавийлиги, кийинчиликлар ва уни енгиб ўтиш йўллари баҳолаш.

Визуал тақдимот тузилиши

Лойиҳа мавзуси. Бажарувчилар.

Лойиҳани долзарблиги

Лойиҳа доирасида ўз ечимини топувчи, муаммо, лойиҳа мақсади, якуний натижа, фойдаланувчилар.

Лойиҳанинг иш режасини (жадвал) баён этинг.

Лойиҳа маҳсулоти: маълумотнома.

титул варағи;

аннотация;

мундарижа.

Лойиҳа сифатини, лойиҳа устида ишлаш жараёни: ишнинг натижавийлиги, қийинчиликлар ва уни енгиб ўтиш йўллари баҳолаш.

Ўқув лойиҳани расмийлаштириш йўллари

1. Қўлёзма ёки босма қилинган вариантда.

2. Электрон вариантда.

3. Видео вариантда.

4. Аудио вариантда.

5. Мультимедиа

Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари

Гуруҳли лойиҳада қуйидагилар баҳоланади:

Лойиҳа маҳсули – Маълумотнома (энг юкори 10 балл);

Ҳисобот (энг юкори 5 балл);

лойиҳа тақдимоти (энг юкори 5 балл).

3.4.2. Кейс-стади ўқитиштехнологияси

Кейс-стади (инглизча case – вазият, ҳолат, study – ўрганиш). Кейс-стадида баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган ўқитиш усулидир.

Кейс-стади – ўқитиш, ахборотлар, коммуникация ва бошқаруving қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва кейс-стадида баён қилинган амалий муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнида прогноз қилинадиган ўқув натижаларига кафолатли етишишни воситали тарзда таъминлайдиган бир тартибга келтирилган оптимал усуллари ва воситалари мажмуидан иборат бўлган ўқитиш технологиясидир [37, 7].

Кейс-стади типологияси [37, 7]

Типологик белгилари	Кейс-стади тури
Асосий манбалари	1. Даладаги 2. Кабинетдаги
Сюжет мавжудлиги	1. Сюжетли 2. Сюжетсиз
Ҳажми	1. Қиска (лўнда) 2. Ўртача микдордаги 3. Катта (узун)
Ўқув топшириғини тақдим этиш усули	1. Саволли 2. Кейс-стади топширик
Дидактик мақсадлари	1. Муаммо, ечим ёки концепцияни изоҳлаш. 2. Тренингли, ўқув мавзу бўйича малака ва кўникмалар орттиришга мўлжалланган. 3. Таҳлил ва баҳолашга ўргатувчи. 4. Муаммони ажратиш ва ечиш, бошқарувчилик қарорлари қабул қилишга ўргатувчи. 5. Вазият субъекти ривожининг янги стратегиялари ва йўллари, янгича баҳолаш услубларини ишлаб чиқишга рағбатлантирувчи.
Расмийлаштириш усули	1. Босма 2. Электрон 3. Видео-Кейс-стади 4. Аудио-Кейс-стади 5. Мультимедиа-Кейс-стади

**6-маъруза: ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЕР УСТИ СУВЛАРИ,
УЛАРНИНГ ҲОСИЛ БЎЛИШИ ВА ГЕОГРАФИК
ТАҚСИМЛАНИШИ МАВЗУСИ БЎЙИЧА ЎҚУВ
МАШҒУЛОТИНИНГКЕЙС-СТАДИ ЎҚИТИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

3.15-жадвал

Ўқув машғулоти нинг технологияси модели [37,18]

Талабалар сони: _____	2 соат
Ўқув машғулоти шакли	Билимларни кенгайтириш, чуқурлаштириш, кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган маъруза машғулоти
Машғулот режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Кейс-стади мазмунига кириш. 2. Талабалар билимларини фаоллаштириш мақсадида “Блиц - сўров” ўтказиш. 3. Кейс-стади мазмуни билан танишиш ва яқка тартибда ишлашни ташкил қилиш. 4. “Кейс-стади”ни гуруҳларда ечиш. 5. Натижалар тақдироти ва муҳокамасини ўтказиш. 6. Муҳокама этилаётган муаммони “SWOT” – методи асосида таҳлил этиш. 7. Якуний хулоса чиқариш. Эришилган ўқув натижаларига кўра талабалар фаолиятини баҳолаш
Машғулотнинг мақсади: Ўзбекистоннинг ер усти сувлари, уларнинг ҳосил бўлиши ва географик тақсимланиши ҳамда Орол муаммосининг ўзига хос бўлган энг муҳим хусусиятлари ҳақида билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштириш.	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
<ul style="list-style-type: none"> • кейс-стади мазмунини мустақил ўрганиш учун асос яратади; • Ўзбекистоннинг ер усти сувлари, уларнинг ҳосил бўлиши ва географик тақсимланиши ҳақида маълумот бериш; • Орол бўйидаги табиий, геозкологик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятлар билан таништиради; • Геозкологик муаммони ажратиблишига, таққослашга, таҳлил қилиш- 	<ul style="list-style-type: none"> • кейс-стади мазмуни билан олдиндан танишиб чиқиб, ёзма тайёргарлик кўради; • Ўзбекистоннинг ер усти сувлари, уларнинг ҳосил бўлиши ва географик тақсимланиши ҳақида маълумотга эга бўлади; • Орол бўйидаги табиий, геозкологик ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятига оид вазиятларни аниқлайди;

га умумлаштиришга кўмак беради; • муаммони ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кетма-кетлигини тунтириб беради.	• муаммони ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кетма-кетлигини айтиб беради; • якуний манتيкий хулосалар чиқаради.
Ўқитиш методлари	Кейс-стади, КТ, ЭЎМТ, ақлий хужум, SWOT, мунозара, амалий усул.
Ўқитиш воситалари	Ўқув материали, талабага услубий кўрсатмалар, такдимот, флипчат.
Ўқитиш шакллари	Индивидуал, фронтал, жамоа, гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароитлари	Гуруҳларда ишлашга мўлжалланган, аудитория.
Қайтар алоқа усул ва воситалари	Блиц-сўров, такдимот, кузатув.

Ўқув машғулотнинг технологик картаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
I босқич. Мавзуга кириш (10 дақик)	Ташкилий бошланиш. 1.1. Талабалар давомати ва дарсга тайёргарлигини текширади. Кейс-стадига кириш. 1.2. Кейс-стади мавзуси, мақсади, вазифалари ва ўқув фаолияти натижаларини айтади, долзарблиги ва ахамиятига тўхталиб ўтади. 1.3. Машғулотда ишлаш тартиби ва баҳолаш мезонлари билан таништиради.	Тинглайдилар Танишадилар Ёзиб оладилар.
II босқич. Асосий (60 дақиқа)	Талабалар билимини фаоллаштириш. 2.1. Мавзу бўйича таълим олувчилар билимларини фаоллаштириш мақсадида блиц-сўров ўтказади. Кейс-стади мазмуни билан танишиш. 2.2. Кейс-стади мазмуни билан танишиб чиқиш учун Талабаларга материалларни тарқатиб чиқади. Уларга кейс-стади материалларини тарқатади. Кейс-стади билан яқка тартибда ишлашни ташкил қилиш.	Муҳокама қиладилар.

<p>2.3. Кейсни ечишда “Кейс-стади” вазифаси ва унинг жамият тараққиёти ривожланишига асос бўлувчи маънавий баркамол авлодни тарбиялашдаги ўрнини аниқлаш ва кейс вазиятни мустақил таҳлил қилиш учун йўриқнома беради.</p>	<p>Вазиятни мустақил равишда таҳлил қиладилар.</p>
<p>2.4. Кейс-стадида бор бўлган материалларни муҳокама қилишни ташкиллаштиради, диққатни кейс-стади билан ишлаш қондаларига, муаммони ечиш алгоритмига ва вазифани аниқлаштиришга қаратади.</p>	
<p>2.5. Мустақил равишда вазиятни индивидуал таҳлил қилишни таклиф қилади.</p>	<p>Гуруҳларга ажралади,</p>
<p>Кейс-стадини жамоавий тарзда ечиш.</p>	<p>ёзиб оладилар,</p>
<p>2.6. Талабаларни 3 ёки 4 та кичик гуруҳларга ажратади. Кейс билан индивидуал тарзда ишлаш натижаларини мини гуруҳларда муҳокамасини ташкил қилади.</p>	<p>топшириқлар устида ишлайдилар.</p>
<p>2.7. Берилган топшириқни қай даражада тушунганлигини аниқлаш мақсадида қайтар алоқа ўтказади.</p>	<p>Фаол катнашадилар.</p>
<p>2.8. Индивидуал ечилган кейс-стади вазиятлар билан танишиб, вазиятни кичик гуруҳларда жамоавий “Муаммони таҳлил қилиш ва ечиш жадвали” усулидан фойдаланилган ҳолда ечишни таклиф қилади.</p>	<p>Жамоа бўлиб бажарилган ишнинг тақдимотини ўтказадилар, бахс-мунозара</p>
<p>2.9. Кичик гуруҳларда кейс-стади билан якка тартибда бажарилган ишлар натижаларини муҳокама қилишни ташкиллаштиради. Гуруҳларга топшириқни бажариш учун ёрдам беради, қўшимча маълумотлардан фойдаланишга имкон яратади. Диққатларини қутиладиган натижага жалб қилади.</p>	<p>юритадилар, қўшимчалар қиладилар, баҳолайдилар, хулоса чиқарадилар.</p>
<p>2.10. Ҳар бир гуруҳ топшириқларни компьютер иш столида файл очишда, жадвални чизиб олишда, тақдимотини ўтказишда ёрдам беради, изоҳ беради, билимларини умумлаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради. Топшириқларнинг бажарилиши қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди.</p>	<p>Гуруҳларда берилган топшириқни бажарадилар. Тақдимот тайёрлайдилар</p>
<p>2.11. Талабаларнинг фикрларини умумлаштириб бўлгач, ўқитувчи Ўзбекистоннинг ер усти сувлари, уларнинг ҳосил бўлиши ва географик тақсимланишини “SWOT – таҳ-</p>	<p>Тақдимотини ўтказадилар. Мавзу бўйича якуний хулоса чиқарадилар.</p>

	лил” жадвалида акс эттирадилар. 2.12. Талабаларнинг тақдиротда кўрсатилган фикрларини умумлаштиради.	
Ш босқич. Яқуний (10 дақиқа)	Яқуний умумий хулоса. 3.1. Иш яқунларини чиқаради. Бугунги мавзу долзарб эканлигига тўхталиб ўтади. Шу сабабли ҳар бир инсон маънавий етуклик даражасига интилиши, олган билимларини амалиётда татбиқ этишлари лозим эканлигини таъкидлайди. Фаол талабаларни баҳолаш мезонлари орқали рағбатлантиради. 3.2. Тавсия этилган муаммо ечимларига изоҳ беради. Яна бир бор “Кейс-стади”нинг аҳамиятига агрофлича тўхталиб ўтади.	Эшигади. Аниқлайди. Тинглайди.

ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

Ўқув фани: Ўзбекистон табиий географияси.

Мавзу: Ўзбекистоннинг ер усти сувлари, уларнинг ҳосил бўлиши ва географик тақсимланиши.

Берилган кейс-стадининг мақсади: талабаларга Ўзбекистоннинг ер усти сувлари, уларнинг ҳосил бўлиши ва географик тақсимланиши, Орол бўйи муаммоси, сув ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳақида маълумот бериш. Дунёқарашини кенгайтиришга ва мустақил фикрлашга ўргатиш.

Бугунги кунда дунёда сув муаммоси глобал муаммоларнинг энг баланд чўққисини эгаллайди. Бу муаммони бартараф қилишнинг энг макбул йулларини излаб топиш, уларни ҳаётга татбиқ қилиш ҳар бир инсонни ўйлантириб қўйишга қодир масала бўлиб қолди. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташқил этиш орқали муаммони камайтиришга эришиш.

Бу борада зарур билимларни бериш ҳамда таҳлил қилиш, уларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Мавзуда кўрсатилган муаммоларни келтириб чиқарувчи сабабларни топиш ва уларни ўзаро боғлаган ҳолда ечимларни аниқлаш.

Кутилаётган натижалар: сув манбаларидан оқилона фойдаланиш қанчалик муҳимлигини тушунади; ўрганилаётган мавзу бўйича амалий кўникмаларга эга бўлади; ўрганилиши назарда тутилаётган тушунчалар ҳақида малакага эга бўлади; муаммоли вазифалар-

ни ечишда назарий билимларини қўллайди; муаммони аниқлаб, уни ҳал қилишда ечим топади.

Кейс-стадини муваффақиятли амалга ошириш учун талабалар куйидаги билимларга эга бўлиши лозим:

Талаба билиши керак: Ўзбекистоннинг ер усти сувлари, уларнинг ҳосил бўлиши ва географик тақсимланиши; Орол бўйи муаммоси, сувдан оқилона фойдаланиш.

Талаба амалга ошириши керак: мавзуни мустақил ўрғанади; муаммонинг моҳиятини аниқлаштиради; ғояларни илғари суради; маълумотларни танқидий нуктаи назардан кўриб чиқиб, мустақил қарор қабул қилишни ўрғанади; ўз нуктаи назарига эга бўлиб, манتيкий хулоса чиқаради; ўқув маълумотлар билан мустақил ишлайди; маълумотларни таққослайди, таҳлил қилади ва умумлаштиради;

Кейс-стадида ишлатилган маълумотлар манбаи:

1. Гвоздецкий Н.А. Основные проблемы физической географии. М., 1979.

2. Забелин И.М. Физическая география в современном естествознании. М., 1979.

3. Зокиров Ш.С. Кичик худудлар табиий географияси. –Т., 1999.

4. Мильков Ф.Н. Физическая география: современное состояние. Закономерности, проблемы. Воронеж, 1981.

5. Назаров И.Қ. География фанининг асосий муаммолари. – Т.: “Мухаррир” 2003. – Б. 212.

6. Ҳасанов И.А., Фуломов П.Н. Ўзбекистон табиий географияси. 1-қисм. – Т.: Ўқитувчи, 2007. – 162 б.

7. Ҳасанов И.А., Фуломов П.Н., Қаюмов А.А. Ўзбекистон табиий географияси. 2-қисм. – Т.: Университет, 2010. – 100 б.

8. Интернет сайтлари маълумотлари.

Кейс-стадининг типологик хусусиятларига кўра характеристикаси: Бу кейс-стади маълумотлар, вазиятлар ва саволлар асосида тузилган. У ўрта ҳажмдаги кейс-стади технологияси ҳисобланади, маъруза, семинарга мўлжалланган ўқув мавзу бўйича билим ва кўникмалар ҳосил қилишга қаратилган.

Дидактик мақсадларга кўра кейс-стади муаммоларни тақдим қилишга, уларни ҳал этишга ҳамда таҳлил қилишга қаратилган. Ушбу кейс-стадидан география йўналишидаги барча профессор-ўқитувчилар, талабалар фойдаланишлари мумкин.

Кейс-стади: “Сувларни муҳофаза қилишга оид муаммолар ва уларнинг ечими”

Ўзбекистоннинг қурғоқчил континентал иқлимли чўл, чала чўл ва тоғ олди даштлари кенг тарқалган шароитда сув муаммоси ҳамиша энг жиддий муаммо бўлиб келган. Сўнгги ярим асрда янги-янги чўл массивларининг деҳқончилик учун ўзлаштирилиши, мавжуд экин майдонларининг муттасил кенгайиши, янги-янги сув омборлари ва каналлар қурилиши билан оқар сувлар тобора тақчиллигининг вужудга келиши ҳамда ифлосланиши кўплаб жиддий иқтисодий-ижтимоий ва геозэкологик муаммоларни келтириб чиқарди. Хусусан, Ер ости сувларини муҳофаза қилишда жиддий муаммолар вужудга келди. Мас., Фарғона водийсининг айрим худудларида сизот сувлари нефть билан ифлосланган. Бу ҳолат тоза ичимлик ва технологик сув таъминоти учун жиддий хавфга айланди.

Коллектор-зовур шохобчаларидаги ифлосланган сувларнинг шўрлик ва минераллашганлик даражаси Оролбўйи, Бухоро воҳаси, Мирзачўл ва Фарғона водийсида тиббий-экологик жиҳатдан йўл қўйиш мумкин бўлган даражадан 15 баравар ортди [96, 139].

1960-йиллардан бошлаб, Ўрта Осиёнинг энг катта сув ҳавзаси – Орол денгизи тезлик билан қурий бошлади. Орол денгизи ўрнида яна бир чўл вужудга келиб, денгиз суви юзасининг қисқариши ҳисобига тобора кенгайиб бормоқда. Орол бўйидаги табиий, геозэкологик ва ижтимоий-иқтисодий вазият ниҳоятда оғирлашиб, жаҳон жамоатчилигини ташвишга солган. Орол бўйида вужудга келган ноқулай геозэкологик вазиятни бартараф этиш муаммоси вужудга келди. Орол денгизи ҳавзасининг геозэкологик ҳолатининг ёмонлашгани фақат Ўзбекистон эмас, балки бутун дунё олдида турган энг долзарб геозэкологик муаммодир. Шунинг учун бу масалани ҳал қилишда Марказий Осиё давлатлари, бошқа хорижий давлатлар, кенг жамоатчилик, турли ташкилотлар билан биргаликда фаолият кўрсатмоқдалар. Шу масала юзасидан 1993 йилда Тошкент ва Қизилўрдада, 1994 йилда Нукус шаҳридаги Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг юқори даражадаги учрашувида Орол денгизи ва унинг атрофидаги худудлар геозэкологик ҳолатини яхшилаш мақсадида Халқаро фонд ҳамда Орол денгизи ва Оролбўйи минтақаси муаммолари бўйича давлатлараро кенгаш тузиш ҳақида қарор қабул қилинди. Унда Орол денгизи ҳавзасидаги геозэкологик ҳолатни яхшилашга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури тасдиқланди [96, 140].

1993 йил 6 майда Ўзбекистонда «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» қонун қабул қилинди. Унда сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ кўрсатиб берилган.

Мутахассислар Ўрта Осиё шароитида экинларни суғоришга гектарига ўрта ҳисобда салкам 8–10 минг м³ сув сарфланиши мақсадга мувофиқ эканлигини асослаб берганлар. Амалда эса Ўзбекистон хўжаликларида 1960–90 йиллар мобайнида суғориладиган ҳар гектар экин майдонига 17,2 минг м³ сув сарфланган, яъни гектарига 7,3 минг м³ сув ортиқча сарфланиб исроф қилинган [96, 140].

Лекин мустақиллик йилларида пахта экин майдонларининг қисқариши ва суғоришда тартиб ўрнатилиши натижасида ҳар бир гектар ерда суғоришга сарфланадиган сув миқдори анча камайди. Лекин айрим вилоятларда ҳали ҳам суғориш нормасидан анча кўп (қашқадарё вилоятида ҳар гектар ерга 16 минг м³, Сирдарё вилоятида 18 минг м³) сув сарфланади.

3.16-жадвал

Амударё ва Сирдарё ҳақида маълумот [96, 88]

Дарёлар хавзалари	Ўртача йиллик сув сарфи, м ³ /с	Йиллик оқим ҳажми, км ³ /йил		
		Ўртача	Энг кўп	Энг кам
АМУДАРЁ				
Панж	1140,0	35,0	49,10	27,66
Вахш	661,0	20,8	28,6	16,2
Кофирниҳон	187,0	5,89	9,81	4,09
Сурхондарё, Шерободдарё	127,0	4,0	5,71	2,44
Қашқадарё	49,6	1,56	2,72	0,897
Зарафшон	169,0	5,32	6,86	3,81
Ҳаммаси	2332,6	73,57	100,8	55,1
СИРДАРЁ				
Норин	448,0	13,8	23,4	8,17
Фарғона водийси	405,8	12,8	24,6	6,35
Туркистон тизмаси	4,63	0,303	0,446	0,225
Охангарон	38,5	1,22	3,04	0,577
Чирчиқ	248,0	7,82	14,5	4,53

Калас	6,67	0,21	0,507	0,088
Арис	64,2	2,02	4,91	0,35
Қоратоғ тизмаси	21,1	0,663	1,61	0,11
Ҳаммаси	1242,9	38,84	72,67	20,4

Орол денгизи хавзасида сувнинг асосий истеъмолчиси Ўзбекистон ҳисобланади. Ўртадаги дарёлар сувидан давлатлараро келишувига кўра, Ўзбекистонга йилига 43-52 км³ сув ажратилади. Ўзбекистонда ишлатиладиган ялпи сув миқдори 62-65 км³ га тенг. Бунинг 25 км³ Амударёдан, 11 км³ эса Сирдарёдан олинади. Қолган қисми кичик дарё ва сойлар ҳамда ер ости сувлари ҳисобига тўлдирилади. Республикада ер ости сувлари захираси 19 км³. Шундан 52 % и халқ хўжалигида ишлатилмоқда. Бунинг 3,43 км³ хўжалик мақсадларида, 0,74 км³ – обикор деҳқончиликда, 2,5 км³ дренаж ишларида фойдаланилмоқда [96, 89].

Ўзбекистонда сунъий сув хавзалари – сув омборлари ҳам кўп (3.17-жадвал). Улар асосан дарёлар оқимини тартибга солиб туриш, энергетика мақсадларида қурилган. Республикада 1995 йилда сув хўжалиги ихтиёрида умумий ҳажми 18,8 млрд м³ бўлган 53 та сув ва 25 та сел омборлари бўлган. Булар дарё хавзалари ва баландлик минтақалари бўйича нотекис жойлашган. Жадвалда келтирилган 25 та сув омборидан 1 таси денгиз сатҳидан 200 м гача баландликда, 12 таси 200-500 м орасида, 9 таси 500-1000 м орасида, 3 таси 1000-1200 м орасида жойлашган. Сирдарё хавзасидаги сув омборлари сув сатҳи майдонининг катталиги билан ажралиб туради. Сув омборининг фойдали томонлари билан бирга салбий жиҳатлари ҳам мавжуд. Улардан сизилиб чиққан сув атрофдаги грунт сувларини тўйинтириб, улар сатҳининг кўтарилишига сабаб бўлмоқда ва оқибатда сув омбори атрофидаги автоморф ландшафтлар аста-секин ярим гидроморф ва гидроморф ландшафтларга айланмоқда [96, 94].


**Ўзбекистонда ва қўшни чегарадош ҳудудларда
жойлашган сув омборлари [98].**

№	Сув омбори	Дарё хавзаси	Фойдаланишга топширилган йили	Сув сигми, 10 ⁶ м ³	Сув юзаси майдон. км ²
1	Туямўйин	Амударё	1979	7300	790
2	Жанубий Сурхон	Сурхондарё	1964	800,0	64,6
3	Дегрез	Сурхондарё	1958	12,8	2,3
4	Учқизил	Сурхондарё	1960	160,0	10,0
5	Чимқўрган	Қашқадарё	1964	440,0	45,1
6	Қамаши	Қашқадарё	1946	25,0	3,4
7	Пачкамар	Ғузордарё	1967	243,0	12,4
8	Ҳисорак	Ғузордарё	1985	170,0	4,1
9	Талимаржон	Амударё	1977	1530,0	77,4
10	Қаттақўрган	Зарафшон	1952	845,0	84,5
11	Қуйимозор	Зарафшон	1957	306,0	16,3
12	Тўдакўл	Зарафшон	1983	875,0	225,0
13	Шўркўл	Зарафшон	1983	170,0	17,0
14	Қайроқ қум	Сирдарё	1959	4200,0	513,0
15	Чордара	Сирдарё	1967	5700,0	783,0
16	Учқўрган	Норин	1961	54,0	3,7
17	Андижон	Қорадарё	1970	1750,0	60,0
18	Каркидон	Қувасой	1964	218,0	9,5
19	Косонсой	Косонсой	1954	160,0	7,6
20	Оҳангарон	Оҳангарон	1974	339,0	8,1
21	Туябўғиз	Оҳангарон	1966	204,0	20,7
22	Чорбоғ	Чирчиқ	1978	2000	40,3
23	Хўжакент	Чирчиқ	1977	30,0	2,5
24	Ғазалкент	Чирчиқ	1988	20,0	1,7
25	Жиззах	Сангзор	1962	73,5	12,5

Сув ресурсларидан фойдаланишда йўл қўйилган камчиликлар йирик муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Булар: Орол денгизи муаммоси, дарё қайирларида тўқай экосистемаларининг деградацияси, дарё сувларининг ифлосланиши ва камайиб қолиши, зовур, ташлама қўлларнинг вужудга келиши, ер ости сувларининг ифлосланиши, зовур сувларини чучуклаштириш, тозалаш ва улардан яна суғоришда фойдаланишни ташкил этиш. Ўзбекистонда Орол ва унинг атрофи муаммосидан ташқари, оқар сувлар ва ер

ости сувларидан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш бўйича ҳам тадбирлар амалга ошириляпти.

Кейси расмийлаштириш йўллари



Тушунчалар

В.Л.Шульц Ўзбекистон ҳудудидаги дарёларни тўйиниш манбаига қараб 4 та турга ажратади.

I.Музлик ва қор сувларидан тўйинадиган дарёлар.

II. Қор ва музлик сувларидан тўйинадиган дарёлар.

III. Қор сувларидан тўйинадиган дарёлар.

IV. Қор ва ёмғир сувларидан тўйинадиган дарёлар.

Амударё билан Сирдарё ҳавзадаги энг йирик дарёлар бўлиб, республикамиз ҳудудидан уларнинг Норин, Қашқадарё, Сох, Чирчиқ, Зарафшон, Сурхондарё, Шерободдарё ва бошқа ирмоқлари оқиб ўтади. Ўзбекистонга уларнинг ўрта ва қуйи оқимлари тўғри келади.

Сирдарё Ўрта Осиёдаги энг узун, лекин серсувлиги жиҳатидан Амударёдан кейин иккинчи ўринда турувчи дарёдир. У Марказий Тяншандаги Оқшироқ тоғидаги Петров музлигидан бошланувчи Норин дарёси билан Фарғона тоғ тизмасидан оқиб тушувчи Қорадарё Балиқчи кишлоғи ёнида қўшилгандан сўнг Сирдарё деб аталади.

Дарёларда сувнинг музлаши ва унинг давомийлиги, сув организмларининг яшай олиши ва кўпайиши, дарё сувидан истеъмолда, халқ хўжалигида фойдаланиш жиҳатдан сувнинг хароратига боғлиқ бўлади.

Республикамиздаги сув омборлари, кўпроқ тоғ олдида, тоғ ораллиги ботикларида жойлашганлигидан уларда дарёлар олиб келган катта миқдордаги лойка йиғилмоқда. Натижада сув омборларидан тиниган ва совук сув чиқмоқда, бунинг оқибатида далаларимиз табиий ўғитдан маълум даражада маҳрум бўлмоқда.

Дарёларнинг оқизиклари сувнинг тоғ ёнбағирлари, дарё ўзанларида тоғ жинсларини ювиши, емириши, олиб кетиши натижасида ҳосил бўлади.

Савол ва тоншириқлар:

1. Республикамизда дарё ва кўлларнинг нотекис тақсимланганлигига асосий сабаб нима?
2. Республикамиздаги дарёларнинг бош қисмлари қандай сувлардан тўйинади?
3. Ўзбекистоннинг қайси дарёлари қор ва муз сувларидан тўйинади?
4. Дарёларда сувнинг музлаши ва унинг давомийлиги нималарга боғлиқ бўлади?
5. Дарё ҳавзасида тоғ жинсларининг ювилиш тезлиги ўндай қонуниятларга боғлиқ?
6. Ўзбекистон майдони ва сув миқдори жиҳатидан қўшни хавзалардан кескин ажралиб турадиган қайси ҳавзада жойлашган?
7. Сув ресурсларидан фойдаланишда йўл қўйилган камчиликлар қандай муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади?
8. Орол денгизи ҳақида қандай маълумотларга эгасиз?
9. Ўзбекистонда ва қўшни чегарадош ҳудудларда жойлашган сув омборлари айтиб беринг.
10. Ўзбекистон ҳудуди ер ости сувларининг қандай заҳирага эга.

Амалий вазиятни босқичма-босқич таҳлил қилиш ва ҳал этиш бўйича талабаларга методик кўрсатмалар

Иш босқичлари	Маслаҳатлар ва тавсияномалар.
1. Кейс-стади ва унинг ахборот таъминоти билан танишиш	Аввало кейс-стади билан танишинг. “Сувларни мухофаза қилишга оид муаммолар ва уларнинг ечими” ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун бор бўлган бутун ахборотни диққат билан ўқиб чиқинг. Ўқиш пайтида вазиятни таҳлил қилишга шошилманг.
2. Берилган вазият билан танишиш	<p>Маълумотларни яна бир маротаба диққат билан ўқиб чиқинг. Сиз учун муҳим бўлган сатрларни белгиланг. Бир абзацдан иккинчи абзацга ўтишдан олдин, уни икки уч маротаба ўқиб мазмунига кириб боринг.</p> <p>Кейс-стадидаги муҳим фикрларни қалам ёрдамида остини чизиб қўйинг. Ўқиганингизда қуйидаги белгиларни ҳошияга қўйинг:</p> <ul style="list-style-type: none"> - “Д” - муаммони тасдиқловчи далиллар; - “С” - муаммонинг келиб чиқиш сабаби; - “Е У” - муаллиф томонидан тавсия этилган муаммони ечиш усуллари. <p>Вазият тавсифида берилган асосий тушунча ва ибораларга диққатингизни жалб қилинг. Сизнинг фикрингизча, муаллиф қандай муаммони ўз мақоласида кўтарган. (<i>Ёрдам: Кейс-стади мавзусига эътибор беринг</i>). Бу тавсифида берилган далилларни санаб ўтинг ва қайсиси аниқлаштирилиши лозимлигини аниқланг.</p>
3. Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш	<p>Асосий ва кичик муаммоларга диққатингизни жалб қилинг. Муаммони тасдиқловчи далилларни кўрсатинг. Вазиятдаги инсон таъсири туфайли вужудга келган салбий оқибатларни ажратиб олинг ва муаммонинг келиб чиқиш сабабларини кўрсатинг.</p> <p>Кейс-стадидан муаммони олдини олиш йўлларини кўрсатиб беринг. Халқимизга хос бўлган қандай инсоний фазилатларни муаммони счишда қўллаш мумкинми?</p> <p>Асосий муаммо: Инсоният келажакига ҳавф солаётган ичимлик суви муаммоси ва унинг ечими.</p>
3. Муаммоли вазиятни ечиш усул ва воситаларини танлаш ҳамда асослаш	<p>Ушбу муаммони олдинни олиш ҳаракатлари излаб топиш мақсадида қуйида тақдим этилган “Муаммони таҳлил қилиш ва ечиш жадвали” жадвалини тўлдирингиз.</p> <p>Муаммони ечиш учун барча вазиятларни кўриб</p>

чикинг, муқобил вазиятни яратинг. Муаммонинг ечимини аниқ вариантлардан танлаб олинг, муаммонинг аниқ ечимини топинг. Жадвални тўлдириг. Кейс-стади билан ишлаш натижаларини ёзма шаклда илова қилинг.

Гуруҳларда кейс-стадини ечиш бўйича йўриқнома

1. Индивидуал ечилган кейс-стади вазиятлар билан танишиб чикинг.
2. Гуруҳ сардорини танланг.
3. Компьютер иш столида файл очинг ва қуйидаги жадвални чизинг.

Муаммони таҳлил қилиш ва ечиш жадвали

Муаммони тасдиқловчи далиллар	Муаммони келиб чиқиш сабаблари	Муаллиф томонидан таклиф этилган ечим
-------------------------------	--------------------------------	---------------------------------------

4. Компьютер технологиялари ёрдамида Интернет манбалари, ЭЎМТ ресурсларидан фойдаланган ҳолда “SWOT - таҳлил” жадвалини тўлдириг.

“SWOT – таҳлил” жадвали

“SWOT – таҳлил” жадвалининг номи инглизча сўзларнинг бош ҳарфларидан тузилган:

Strengths – кучли томони, ташкиллаштиришнинг ички манбалари мавжудлиги назарда тутилади;

Weakness – кучсиз томони ёки ички муаммоларнинг мавжудлиги;

Opportunities – ташкиллаштиришдан ташқарида ривожланиш учун мавжуд, имкониятлар;

Threats – ташқи муҳитда ташкиллаштиришни муваффақиятига таъсир этувчи хавф-хатарлар.

“SWOT-таҳлил” жадвали

S	W
O	T

5. Ишни яқунлаб, КТ ва ЭЎМТ фойдаланган ҳолда тақдимотни тайёрланг.

Аудиториядан ташқари бажарилган иш учун баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

Талабалар рўйхати	Асосий муаммо ажратиб олиниб, тадқиқот объекти аниқланган. макс. 6 б.	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаби ва далиллари аниқ кўрсатилган. макс. 4 б.	Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракат- лари аниқ кўрса- тилган. макс. 10 б.	Жами макс. 20 б.

Аудиторияда бажарилган иш учун баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

Гуруҳлар рўйхати	Гуруҳда фаоллиги макс. 1 б	Маълумотлар кўр- газмали тақдим этилди. макс.4 б.	Жавоблар тўлиқ ва аниқ берилди. макс. 5 б.	Жами макс. 10 б.

Ўқитувчи томонидан кейс-стадини ечиш ва таҳлил қилиш варианты

Муаммо: Инсоният келажагига ҳавф солаётган ичимлик суви муаммоси ва унинг ечими; ичимлик суви муаммоси келтириб чиқариши мумкин бўлган озиқ-овқат муаммоси; Ўзбекистонда Орол ва унинг атрофи муаммоси; ичимлик сув муаммоси келтириб чиқариши мумкин булган экологик муаммони олдини олиш чора-тадбирлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Вазифалар:

- берилган вазият бўйича ўқув адабиёти, слайд, ЭЎМТ, КТ ресурслари ва видеороликлар билан танишиб чиқиш;
- берилган муаммоли вазият билан танишиб чиқиш ва таҳлил қилиш;
- вазиятдаги муаммоларни аниқлаш;
- муаммоли вазиятдаги тушунча ва таянч иборалар устидан ишлаш;
- муаммоли вазият жадвалини тўлдириш ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- муаммоли вазият бўйича хулосани шакллантириш;

Муаммоли вазиятни ечиш йўллари: Мамлакатда сув ресурсларини муҳофаза қилишнинг икки асосий йўналиши, яъни сув ресурсларини тежаш ва уларнинг ифлосланиши ҳамда минералла-

пиш даражаси устидан назорат ўрнатиш бирдай муҳим муаммолардир. Сувлар сифатининг ёмонлашуви аксарият ҳолларда оқова, қайтарма ва саноат чикинди сувларининг тоза сувларга қўшиб юборилиши билан боғлиқ. Бинобарин, қайтарма ва оқова сувларни тозалаш долзарб вазифадир. Тозаланган бу сувлардан экин далаларини суғориш ва яйловларга сув чиқаришда фойдаланиш мумкин. Саноат корхоналарини эса айланма сув таъминотига ўтказиш лозим: бунда корхона ишлатилган сувни ўзига керакли даражада тозалаб, ундан қайта фойдаланади. Айрим кимё корхоналарининг ҳозирги технология даражасида деярли тозалаб бўлмайдиган сувларини алоҳида ҳавзага йиғиб буғлатиб юбориш мақсадга мувофиқ. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда шаҳарлардаги водопроводлар бир системали. Бунинг оқибатида ичишга ҳам, ювиниш, кир ювишга ҳам, ёзда сепиш ва суғоришга ҳам тозаланган сув сарфланади. Тоза сувни тежаш учун водопроводларни 2–3 системали фойдаланишга ўтказиш зарур. Инкирозга карши чоралар дастурида белгиланган комплекс чора-тадбирлар доирасида ҳал этишга қаратилган асосий вазифалардан бири – сув ресурслари тизимини модернизация қилиш, истеъмол сувини тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чора-тадбирларини амалга ошириш. Иқтисодиётимизнинг рақобат бардошлигини янада кучайтириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш кўп жиҳатдан бизнинг мавжуд ресурслардан, биринчи навбатда, сув ресурсларидан канчалик тежамли фойдалана олишимизга боғлиқдир [96, 140].

Муаммони таҳлил қилиш ва ечиш жадвали

Муаммони тасдиқловчи далиллар	Муаммони келиб чиқиш сабаблари	Муаллиф томонидан таклиф этилган ечим
Ўзбекистоннинг қурғоқчил континентал иқлимли чўл, чала чўл ва тоғ олди даштлари кенг тарқалган шароитда	Сўнгги ярим асрда янги чўл массивларининг деҳқончилик учун ўзлаштирилиши, мавжуд экин майдонларининг муттасил кенгайиши, янги сув омборлари ва каналлар қурилиши билан оқар сув-	Мамлакатда сув ресурсларини муҳофаза қилишнинг икки асосий йўналиши, яъни сув ресурсларини тежаш ва уларнинг ифлосланиши ҳамда минераллашиш даражаси устидан назорат ўрнатиш бирдай муҳим муаммолардир. Сувлар сифатининг ёмонлашуви аксарият ҳолларда оқова, қайтарма ва саноат чикинди сувларининг тоза сувлар-

<p>сув муаммо-си ҳамиша энг жиддий муаммо бўлиб келган.</p>	<p>лар тобора такчиллигини вужудга келиши, инфлацияни кўплаб жиддий иқтисодий-ижтимоий ва геозекологик муаммоларни келтириб чиқарди.</p>	<p>га қўшиб юборилиши билан боғлиқ. Бинобарин, қайтарма ва окова сувларни тозалаш долзарб вазифадир. Тозаланган бу сувлардан экин далаларини сугориш ва яйловларга сув чиқаришда фойдаланиш мумкин. Саноат корхоналарини эса айланма сув таъминотига ўтказиш лозим: бунда корхона ишлатилган сувни ўзига керакли даражада тозалаб, ундан қайта фойдаланади.</p>
---	--	---

“SWOT-таҳлил” жадвали

<p>S-кучли: Ўзбекистонда сунъий сув ҳавзалари – сув омборлари кўп. Улар асосан дарёлар оқимини тартибга солиб туриш, энергетика мақсадларида қурилган. Республика-мизда 1995 йилда сув ҳўжалиги ихтиёрида умумий ҳажми 18,8 млрд м³ бўлган 53 та сув ва 25 та сел омборлари бўлган.</p>	<p>O-имкониятлар: Жадвалда келтирилган 25 та сув омборидан 1 таси денгиз сатҳидан 200 м гача баландликда, 12 таси 200-500 м орасида, 9 таси 500-1000 м орасида, 3 таси 1000-1200 м орасида жойлашган. Сирдарё ҳавзасидаги сув омборлари сув сатҳи майдонининг катталиги билан ажралиб туради.</p>
<p>W-кучсиз: Дарё ҳавзалари ва баландлик минтақалари бўйича нотекис жойлашган.</p>	<p>T-ҳавф-хатарлар: Сизилиб чиккан сув атрофдаги грунт сувларини тўйинтириб, улар сатҳининг кўтарилишига сабаб бўлмоқда ва оқибатда сув омбори атрофидаги автоморф ландшафтлар аста-секин ярим гидроморф ва гидроморф ландшафтларга айланмоқда.</p>

12-майруза: ЎЗБЕКИСТОН ТАБИЙ ШАРОИТИНИ КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ НУҚТАИ-НАЗАРИДАН БАҲОЛАШ

3.19-жадвал

Ўқув машғулотининг ўқитиш технологияси модели

Вақт: 2соат	Талабалар сони: _____
Ўқув машғулотининг шакли ва тури	Маъруза – тўлик ўқув машғулоти
Ўқув машғулоти режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Геоэкологик муҳитнинг ландшафт таҳлили. 2. Турон провинцияси ландшафтларининг қишлоқ хўжалиги нуқтаи назаридан гуруҳлаштирилиши. 3. Агроиклимий таҳлил. 4. Сув ресурсларидан фойдаланиш. 5. Рельефни қишлоқ хўжалиги нуқтаи назаридан баҳолаш.
Ўқув машғулоти мақсади: Ўзбекистон табиий шароитини қишлоқ хўжалиги нуқтаи-назаридан баҳолаш ва унинг назарий асослари тўғрисида тушунча ва билимларни шакллантириш.	
Педагогик вазифалар: <ul style="list-style-type: none"> • Ландшафтнинг тузилиши ва хусусиятлари ҳақида маълумот бериш; • Турон провинцияси (Ўзбекистон қисми) ландшафтларининг қишлоқ хўжалиги нуқтаи назаридан гуруҳлаштирилиш омилларини ва қонуниятларини очиқ бериш; • Агроиклимий таҳлил ва уларнинг умумий хусусиятларини айтиб бериш; • Сув ресурсларидан фойдаланиш муҳим масалаларидан бири эканлигини асослаб бериш; • Рельефни қишлоқ хўжалиги нуқтаи назаридан баҳолашни тушунтириш. 	Ўқув фаолияти натижалари: <ul style="list-style-type: none"> • Ландшафтнинг тузилиши ва хусусиятларини айтиб берадилар; • Турон провинцияси (Ўзбекистон қисми) ландшафтларининг қишлоқ хўжалиги нуқтаи назаридан гуруҳлаштирилиш омилларини ва қонуниятларини таснифи моҳиятини айтиб бера оладилар; • Агроиклимий таҳлил ва уларнинг умумий хусусиятларини тушунтирадилар; • Сув ресурсларидан фойдаланиш глобал масалаларидан бири эканлигини илмий асослаб берадилар; • Рельефни қишлоқ хўжалиги нуқтаи назаридан баҳолай оладилар.
Ўқитиш усуллари	Кичик маъруза, намойиш, ақлий ҳужум, тушунтириш.
Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакли	Жамоавий, индивидуал, гуруҳли.

<i>Ўқитиш воситалари</i>	Дарслик, кўргазмали материаллар слайдлар, компьютер тизими.
<i>Ўқитиш шароити</i>	Махсус техник воситалар билан жиҳозланган, гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория.
<i>Қайтар алоқанинг усул ва воситалари</i>	Кузагиш, савол-жавоб, қарточка-саволлар, тезкор-сўров.

3.1. Ўқув машғулотининг технологик картаси

<i>Иш босқичлари ва вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
1-босқич Ўқув машғулоти га кириш (20 дақ.)	<p>Ташкилий бошланиш.</p> <p>1.1. Саломлашди, хона озадалигини ва талабаларнинг тайёргарлигини текширади. Йўқлама қилади ва журнални тўлдиради.</p> <p>Мақсад ва вазифани белгиланиши.</p> <p>1.2. Мавзунинг номи, мақсад ва қўйлаётган натижаларни етказди. Мавзуларнинг ўзаро алоқасини ёритади, уларга қисқа тавсиф беради, фан микёсида бажариладиган услубий ва ташкилий ишлар хусусиятларини тушунтиради.</p> <p>Таянч билимларни фаоллаштириш.</p> <p>1.3. Ҳар бир талабани ўтилган мавзу бўйича ўзлаштириш даражасини “Блиц-сўровнома” саволлар орқали текширади.</p> <p>1.4. Талабалар билиминини баҳолайди ва янги ўқув материалга олиб киради.</p>	<p>Дарсга тайёргарлик кўрадилар, йўқламага жавоб берадилар.</p> <p>Тинглайдилар Мавзуни ва режани ёзиб оладилар.</p> <p>Саволларга индивидуал тарзда жавоб берадилар.</p>
2-босқич Асосий (50 дақ.)	<p>Янги ўқув материалга кириш.</p> <p>2.1. Слайдларни Power Point тартибда намойиш ва шарҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий ҳолатларни баён қилади.</p> <p>2.2. Жалб қилувчи саволлар беради.</p> <p>2.3. Мавзунинг ҳар бир қисми бўйича хулосалар қилади, энг асосийларига эътибор қаратади, берилаётган маълумотларни дафтарга қайд этишларини эслатади.</p> <p>2.4. Табиий муҳитнинг ландшафт ҳамда агроиклимий таҳлилни амалга оширади.</p> <p>2.5. Турон провинцияси ландшафтларининг қишлоқ хўжалиги нуктаи назаридан гуруҳ-</p>	<p>Кузатадилар. Саволларга жавоб берадилар, маълумотларни дафтарга қайд қиладилар.</p> <p>Диққат қиладилар. Интернет, ахборот ресурс манбалари, ЭЎМТ, КТ воситалари билан</p>

	<p>лаштирилишини (Н.А.Когай 1971, 1990 й.) тушунтиради.</p> <p>2.6.Рельеф шакллари кишлоқ хўжалиги нуқтаи назаридан баҳолашга ўргатади.</p> <p>2.7.Сув ресурсларининг танқислиги глобал муаммо эканлигини илмий асослаб беради.</p> <p>Янги ўқув материални мустаҳкамлаш.</p> <p>2.8. Жараён кичик гуруҳларда давом этишини маълум қилади.</p> <p>2.9. 3 та кичик гуруҳга бўлади, кичик гуруҳда ишлаш коидаси билан таништиради ва ишни бажариш йўриқномасини беради. Ҳар бир гуруҳга топширик беради ва баҳолаш мезони билан таништиради.</p> <p>2.10. Гуруҳда ишларни бошлашга рухсат этади.</p> <p>2.11. Бажариш жараёнини кузатади, маслаҳатлар бериб туради.</p> <p>2.12. Ишга ажратилган вақт тугаганини маълум қилади, гуруҳлар тақдмотини ташкил этади.</p> <p>2.13.Гуруҳ аъзоларига диққат билан эшитишларини ва саволлар беришларини, шу билан бирга ўзаро бир-бирларини баҳолашларини эслатади.</p> <p>2.14. Жавобларни тўлдирди ва қисқача хулосалар қилади.</p> <p>2.13. Гуруҳ ишини ўзаро баҳолаш ўтказди.</p>	<p>ишлайдилар.</p> <p>Кичик гуруҳларга бўлинадилар.</p> <p>Ҳар бир гуруҳ ўз топширик варақлари бўйича фаолиятини бошлайди.</p> <p>Ҳар бир гуруҳ сардорлари чиқиб ўз ишларини тақдим қилишларини айтади. Берилган кўшимча саволларга жавоб берадилар.</p> <p>Гуруҳ иш натижаларини ўзаро баҳолайдилар.</p>
<p>3-босқич Яқуний (10 дақ.)</p>	<p>Машғулотга яқун ясаш.</p> <p>3.1.Мавзу бўйича яқун қилади, қилинган ишларни келгусида касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги муҳимлигига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Талабалар фаолиятини ва белгиланган ўқув мақсадларига эришилганлик даражасини таҳлил қилади ва баҳолайди.</p> <p>Уйга вазифа бериш.</p> <p>3.3.Ўзбекистон табиий шароитини кишлоқ хўжалиги нуқтаи-назаридан баҳолашда қандай асосий омилларга эътибор қаратиш кераклигини илмий асосланган ҳолда таснифлаб ёзиб келишни айтади.</p>	<p>Диққат қиладилар.</p> <p>Топшириқни ёзадилар.</p>

Олий таълимда география таълими методикаси – география таълими жараёнини тадқиқ қиладиган, унинг қонуниятларини аниқлайдиган фан бўлиб, географияни ўқитишнинг мақсади, вазифалари, мазмуни, таълимий-тарбиявий жиҳатларини аниқлайди, билимларнинг онгли ва мустаҳкам ўзлаштирилишини таъминлайдиган метод, усул ва қонуниятларни асослаб беради ва уларни ҳал этиш йўллари кўрсатади. География фанлари, хусусан умумий ер билими, картаграфия, геология, геоморфология, иқлимшунослик, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси географияси, Ўзбекистоннинг табиий ва иқтисодий географиялари, жаҳон географияси методологияси ва мазмуни билан бевосита боғлиқ.

Кўпчилик фанлар каби географик фанлар ҳам назарий, ҳам амалий фанлар сарасига киради. Улар бевосита аниқ кузатиш ва тадқиқот маълумотларига, далиллар, рақамлар ҳисоб-китобларга асосланади. Шунинг учун географ мутахассисларни тайёрлашда бериладиган географик билимлар тизимидаги энг муҳим ўқув фанларидан бири – бу Ўзбекистон табиий географиясидир. Бу ўқув фани Ватанимиз – Ўзбекистоннинг табиий компонентлари, уларнинг ҳолати, ўзаро чамбарчас боғлиқлиги, табиий шароити, табиий бойликлари улардан оқилона фойдаланиш, муҳофаза қилиш ҳақида билим бериш билан бирга республикаимиз табиатидаги тафовутларни тушуниб олишга хизмат қилади.

Ўз мазмуни ва моҳиятига кўра илмий-назарий, амалий ва таълимий аҳамиятга эга бўлган «Ўзбекистон табиий географияси» фани Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Геология ва география факультетида географ мутахассисларни, ёш кадрларни тайёрлашда муҳим ўрин тутди. Бундай кадрларни тайёрлаш республикаимиз педагоглари олдида турган энг муҳим ва масъулиятли вазифалардан биридир.

Ҳеч кимга сир эмас бутунги бозор иқтисодиётига ўтилаётган замонда жамиятимиз тараққиёти барча соҳаларига янгидан-янги технологияларни, жумладан, Интернет, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жалб қилишни тақозо этмоқда. Айниқса, мультимедиа технологияларининг кенг жорий қилиниши, компьютер ёрдамида график тасвирлар ҳосил қилиш ёки тайёр график тасвирларни қайта ишлаш технологиясини жиддий ўрга-

ниш ёшлардан компьютер технологияси борасида ўта саводхон бўлишни талаб қилмоқда. Ҳамма вақт ҳам факат матндан фойдаланиб, мавзунини тўлиқ тушунтириб булмайди. Баъзи холларда расм ва графиклар зарур бўлса, баъзи холларда харита ва жадваллар анча самара беради.

АКТ дастурига хос интерфаоллик сифати, эгилувчанлиги ва хар хил турдаги мультимедиали ўқув материаллари билан биргаликда ишлаш олиши интеграция нуктаи назаридан фойдали ҳисобланади. АКТ дастурининг интерфаоллиги деганда маълумотларни тақдим этиш воситасида фойдаланувчининг талабига жавоб олиш тушунилади. Интерфаоллик маълум бир даврда, чегарада маълумотларни тақдим этишни бошқаришга имконият яратади. География фанини ўқитиш жараёнида талабаниннг ижодий-изланувчанлик қобилиятини шакллантириш, ривожлантириш, педагогик-психологик хусусиятини эътиборга олиб ўқитиш, талабани дарс жараёнида фаоллаштириш, ўзлаштириш даражасини кўтариш билан бирга маъруза машғулотлари самарадорлигини ошириш муҳим муаммолардан ҳисобланади.

Замонавий ахборот-коммуникацион технологиялар таълим тизимининг барча соҳаларига жадал суръатлар билан кириб келаётгани, унинг имкониятидан самарали фойдаланган ҳолда талабаларнинг ўқув материалларини мустақил ўзлаштириш самарадорлигини оширишга эътибор бериш давр талаби. «Ўзбекистон табиий географияси» фанини ўқитишда ЭЎМТдан фойдаланиш талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштиришга, ақлий фаолиятини ривожлантиришга, кузатувчилик, фазовий тасаввур, эркин, мустақил, мантиқий ҳамда танқидий фикрлашга имкон яратади ва таълим самарадорлигини оширишга асос бўлади.

ТАБИЙ ГЕОГРАФИЯ

Абиссал ётқизиклар – абиссал зонада ҳосил бўлган чуқур сув чўкинди жинслари. Асосан, карбонатли ва кремнийли гиллардан, қизил рангли лойдан иборат, улар ҳайвонлар суяклари колдикларидан, курукликдан оқимлар ва шамол келтирган минерал заррачалардан, космик чанглардан ҳосил бўлади.

Абиссал текисликлар – чуқур сувости текисликларининг бир тури. Океанлар тагидаги ботиклар ва сойликларда жойлашган. Эр юзаси тузилишига кўра ясен, теме ва сертепа бўлади. Ясен текисликлар тептекис бўлиб, ғовак чўкинди жинсларнинг чўкишидан вужудга келган. Сертепа текисликлар сойликларни бир-биридан ажратиб туради. Нисбий адирлар баландлиги 500 м дан 1000 м гача этади. Сертепа текисликлар Тинч ва Ҳинд океанларида кўпроқ учрайди.

Агломерат – (лотинча аггломеро – қўшиб оламан, йиғаман) – 1. Одатда силликланмаган йирик донадор чақиктошлар тўплами. Улар чўкинди жинслардан ҳам, вулқон жинсларидан ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Агломератларнинг цементланишидан брекчиялар, туфлар вужудга келади. 2. Темир маъданини оҳактош ва кокс билан аралаштириб, қизитишдан ҳосил бўладиган темир маъдани парчалари. Домна печларида чўян эритиш учун қўлланилади.

Адирлар – Ўрта Осиё тоғлари этагидаги чўл ва чалачўл қирлар. Неоген ва антропоген даврларининг чўкинди тоғ жинсларидан таркиб топган. Фарғона, Ҳисор, Сурхондарё водийларида кўпроқ конгломерат ва чақиктошлардан иборат бўлиб, баъзи жойларда лёсс билан қопланган. Адирлар паст-баланд бўлади. Уларни кўп жойларда сой ҳамда жарлар кесиб ўтиб, айрим-айрим қисмларга бўлиб оборган. Адирларнинг мутлақ баландлиги 400—500 м дан 1000—1500 м гача боради. Адирлар баланд тоғ этакларидан тектоник ботиклар орқали ажралган бўлади. Баҳор пайтларида адирларда ранг-баранг ўтлар, лолалар ўсиб ётади. Хўжаликда адирлардан баҳорги яйлов сифатида фойдаланилади, ёғин кўпроқ тушадиган жойларда ғалла этиштирилади. Копетдоғ ва Қримда тоғ этакларидаги бундай баландликлар байир деб юритилади. Қозоғистон ва Қирғизистонда унча катта бўлмаган колдиқ қир ва тоғлар ҳам адир деб юритилади. Масалан, Қозоғистондаги Оқадир.

Алмашлаб экиш – тупроқ унумдорлигини сақлаш учун бир даланни ўзида экинларни муайян тартиб билан алмаштириб экиш. Асосий алмашлаб экиладиган экинлардан Ўзбекистонда дуккакли экинлар, хусусан беда, мош, ловия кенг қўлланилади.

Алунит – (французча алун – аччиктош) – алюминий, калий, натрий ва бошқалардан иборат минерал. Алунитдан аччиктош, калий тузлари, олтингугурт, сульфат кислота ва алюминий олинади. Алунит Ўзбекистонда Гушсой, Оқтош, Оқсоқота ва бошқа жойларда топилган.

Альп сурмаланиши – Ер тарихининг кайнозой эрасида рўй берган бурмаланиш. Номи шу бурмаланишда вужудга келган Альп тоғлари номидан олинган. Альп сурмаланиши бурмаланиш даврида ҳозирги мавжуд кўп ёш тоғ тизмалари ҳосил бўлган. Булар икки тоғ минтақасини ташкил этади: Альп-Ҳимолай (Пиренея, Андалусия, Атлас, Апеннин, Альп, Болқон, Карпат, Кавказ, Кичик Осиё, Эрон, Ҳиндикуш, Ҳимолай, Бирма) ва Тинч океан (Коряк, Камчатка, Сахалин, Япон, Янги Гвинея, Янги Зеландия, Антарктида ярим ороли, Анд, Кордильера) тоғлари минтақалари.

Ареал – (лотинча ареа – майдон, ҳудуд) – куруклик ва денгиз-океанларнинг бирор бир нарса, ҳодисалар тарқалган қисми, ҳудуди. Илгарилари бирор тур ҳайвон ёки ўсимлик тарқалган майдон ареал деб тушунилар эди. Ҳозир бу атама географиянинг ҳам кўп соҳаларида қўлланилади. Масалан, инсон таъсир этган ландшафтлар Ареали, бирор хил ҳодиса (карст) тарқалган майдон ва ҳоказо.

Арик – дарё, сой, канал ва бошқалардан суғориш, сув билан таъминлаш ва бошқа мақсадларда инсон кучи билан чиқарилган шохобча. Баъзи қадимги каналлар ҳозир ҳам арик дейилади. Чунончи, Захарик, Жилвонарик, Кайковус ариғи, Дамарик ва ҳоказо. Экинларни суғориш учун тортилган жўяклар ҳам баъзан арик дейилади.

Абиоген компонентлар – Ер пўстидаги бирламчи тоғ жинслари, ҳаво ва сув географик қобикнинг ҳамда ландшафтларнинг абиоген (неорганик) компонентлари ҳисобланади. Абиоген компонентлар муайян шароитда ўзаро бирикиб органик компонентларни вужудга келтирган. Абиоген ландшафтлар – абиоген компонентлардан ташкил топган ландшафтлар. Уларнинг вужудга келишида ўсимлик, ҳайвонот дунёси ва микроорганизмлар (биоген компонентлар) қатнашмайди. Абиоген компонентларга Антарктида ва

Гренландиянинг муз калқонларидаги ҳамда баланд тоғлардаги қор-музлик ландшафтлари киради. Абиоген компонентларда жонли ҳаёт бўлмаса ҳам биоген компонентлар маҳсулотлари бўлган ксилород, оҳак-тошлар, шамол келтирган айрим замбуруғлар ва микроорганизмлар қолдиқлари бўлиши мумкин. Ой, Уторит, Зухра ландшафтларини ҳам абиоген компонентлардейиш мумкин.

Абиоген омиллар – географик қобик ва ландшафтларнинг жонсиз табиат таъсирида мавжуд бўлган омиллари. Масалан, бирламчи тоғ жинслари, иқлим, релеф, ернинг ички энергияси ҳамда космик энергия.

Абиссал зона – (юнонча абуссос – тубсиз)– океанларнинг 2500 м дан 6000 м гача бўлган чуқур қисмлари. Абиссал зонага қуёш нури этиб бора олмайди, тим қоронғи, сув ҳарорати паст, босими катта, сув ҳаракати кам. Ўзига хос экологик шароитга эга. Абиссал зонада бактерия ва сапрофит сув-ўтлардан бошқа ўсимликлар йўқ. Ҳайвонот олами ўзига хос: сезги органлари жуда тараққий этган, катта босимга чидамли ҳайвонлар яшайди.

Абиссал ётқизиклар – абиссал зонада ҳосил бўлган чуқур сув чўкинди жинслари. Асосан, карбонатли ва кремнийли гиллардан, кизил рангли лойдан иборат, улар ҳайвонлар суяклари қолдиқларидан, қуруқликдан оқимлар ва шамол келтирган минерал заррачалардан, космик чанглардан ҳосил бўлади.

Аккумулятив текислик – Ер пўсти чўкаётган жойда ёки ер юзининг ботиқ (манфий) шаклларида узоқ вақт давомида сув, шамол, муз келтирган нуруқ ғовак жинсларнинг тўпланиши натижасида ҳосил бўлган текислик. Ер юзаси одатда текис бўлади ёки саёз водий ва ўзанлар кесиб ўтиб, бир оз паст-баланд қилиб юборган бўлади. Масалан, Амударё этаги, Қуйи Зарафшон воҳаси, Шеробод воҳаси ва ҳоказо.

Антициклон – (юнонча *anti* – қарши, *cyklon* – айланувчи) – атмосферада рўй берадиган катта гирдоб. Ҳаво босимидаги фарқлар таъсирида шамоллар Антициклон марказдан чеккага томон йўналади. Лекин Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши таъсирида шамол Шимолий яримшарда ўз йўналишини ўзгартириб, соат мили ҳаракати йўналишида, Жанубий яримшарда тескари йўналишда эсади. А. соатига ўргача 30 км тезликда силжийди.

Антрепоген (юнонча *antronos* – инсон ва *genes* – туғилган) – инсон фаолияти натижасида ёки унинг таъсири натижасида вужуд-

га келган демакдир. Масалан, антропоген ландшафт – инсон фаолияти натижасида пайдо бўлган ландшафт. Инсоннинг табиатга таъсири ижобий бўлиши ҳам, салбий бўлиши ҳам мумкин. Шу сабабли антропоген ландшафт ҳам икки хил бўлади. Табиат бузилган бўлса бузилган ландшафт, яхшиланган бўлса маданий ландшафт дейилади.

Артезиан сувлари – ҳар хил чуқурликда сув ўтказмайдиган қатламлар оралиғида ҳосил бўлган ер ости сувлари. Артезиан сувлари босим остида бўлади, шунинг учун бурғ қудуғи казилганда сувли қатламнинг шипидан юқори кўтарилади, босим етарли даражада кучли бўлганда эса ер юзига кўтарилади ёки фаввора бўлиб чиқади. Артезиан сўзи Франциядаги Артуа вилояти номидан олинган. Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг Сирдарё, Жиззах, Бухоро вилоятларида ва Марказий Фарғонада Артезиан сувларидан чорва молларини, айрим ҳолларда кичикроқ экин майдонларини суғоришда ҳамда баъзи корхоналарда технологик мақсадлар учун фойдаланилмоқда.

Базальт – откинди тоғ жинси. Вулканлардан ва Ер ёриқларидан оқиб чиқади. Ранги қора ва бўзранг. Базальт лавалари Ер юзасига оқиб чикиб, юзлаб, минглаб квадрат километр майдонларни қоплаган. Базальт кислотага чидамли кимёвий идишлар ясашда, қурилишда кенг қўлланилади. Яхши сайқаллангани учун ҳайкалтарошлиқда ҳам қўлланилади. Сибирда, Забайкальеда, Арманистонда, Украинада, Камчаткада, Қурама, Туркистон, Томди тоғларида бор.

Байир – Кумок жинслар кенг тарқалган чўлларда шамолнинг ўйиш фаолияти натижасида пайдо бўлган ботиқ ерлар. Булар одатда ер ости суви сатҳигача чуқурлашади, сўнгра тўхтади. Тагида кичик-кичик чуқурлар, майда кум дўнглари, шўрхоқлар бўлиши мумкин. Қримда, Туркменистонда тоғ олди баландликлари байир деб юритилади. Устюрт ва Манғишлоқда усти ёсен тепа, қирлар ҳам байир дейилади.

Баландлик – қир, тоғнинг баланд қисми, текисликдан кўтарилиб турувчи ясси кўтарилмалар. Умуман теварак-атрофга нисбатан кўтарилиб турган рельеф шакли баландлик дейилади.

Баландлик минтақалари – тоғларда юқорига кўтарилган сари табиатнинг конуний ўзгариб бориши. баландлик минтақаларининг пайдо бўлишига асосий сабаб юқорига кўтарилган, яъни ҳавонинг асосий исиш манбаи бўлган ердан узоқлашган сари шароитнинг

ўзгариб боришидир. Юқорига кўтарилган сари куёш радиацияси, хусусан қисқа тўлқинли радиация кўпаяди, ҳаво ҳарорати ва босими камаяди, сув буғлари қуюқлашиши шароити ўзгаради. Маълум баландликкача ёғинлар кўпайиб боради, сўнгра камаяди. Юқори кўтарилган сари иқлимнинг ўзгариши билан тупроқ турлари, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси, оким шароити, маълум даражада ер усти тузилиши, яъни бутун манзара (ландшафт) ўзгаради. Кишиларнинг хўжалик фаолияти табиат билан боғлиқ бўлганлиги сабабли маданий ландшафт ҳам ўзгаради. Тоғлардаги энг қуйи минтака ландшафти мазкур тоғ текисликдаги қандай зонада жойлашган бўлса, шу зона ландшафтага ўхшайди. Масалан, чўлдаги тоғларнинг қуйи минтақаси чўл кўринишига эга. Баландлик минтақалари юқорига кўтарилган сари текислик зоналари алмашинган тартибда ўзгариб боради, бироқ уларни тўлиқ такрорламайди. Масалан, тоғлардаги тундра ва муз минтақаларда кутб кунтунлари бўлмайди, бу нарса табиатнинг бошқа компонентларида ҳам ўз аксини топади. Баландлик минтақаларининг денгиз сатҳидан баландлиги турлича – экватордан шимолга ва жанубга томон пасайиб боради ва тоғ қайси зонада бўлса, уша минтақадан бошланади. Минтақаларнинг баландлигига ва хусусиятига маҳаллий шароитлар – шамоллар, рельеф шакллари, тоғ ёнбағирларининг қайси томонга қараганлиги ҳам таъсир кўрсатади. Баландлик минтақалари икки гуруҳга – денгиз бўйи ва қуруқлик баландлик минтақаларига бўлинади. Ўрта Осиё тоғларидаги баландлик минтақалари. тоғлар этагида чўллар минтақасидан бошланиб, юқорига кўтарилган сари тоғ даштлари, тоғ ўрмонлари, тоғ ўтлоқлари, баланд тоғ чўллари, қор-муз минтақалари билан алмашинади.

Баланд тоғлар – рельефнинг морфогенетик типи, баландлиги 2000 м дан юқори бўлган тоғлар. Юқорида муз билан қопланганлиги сабабли муз ҳосил қилган рельеф шакллари кенг тарқалган бўлади. Бундай тоғларга Ҳимолай, Тяньшань, Альп, Помир, Кавказ, Олтой тоғлари киради.

Берк ботиқ – ташқи оқим ҳавзалари билан туташмаган ботиқ. Масалан, Эрон тоғлигининг ички қисми, Тарим ботиғи, катта ҳавза ва бошқалар. Ўрта Осиё ҳам баландлик минтақалари ҳисобланади.

Бег – адир, қир, тоғ олди тепаликларидаги текис ёки салгина қия ёнбағир ва юзалар. Қашқадарё ва Сурхондарё водийларида кўп тарқалган атама.

Биогеоценоз – (юнонча био – ҳаёт, гео – Ер, ценоз – умумий) – Ер юзасининг табиий компонентлар ўзаро таъсири, модда ва энергия алмашилиши ҳамда бошқа табиий жараёнлар бир хил, ўзига хос хусусиятга эга бўлган кичик қисми. Табиий географик фация тушунчасига яқин келади. Биогеоценозга атмосферанинг Ер юзасига яқин қатлами, тупроқ она жинси, тупроқ, тупроқ ва ҳаводаги нам, ўсимлик, ҳайвонот дунёси ҳамда микроорганизмлар киради. Рельеф биогеоценоз компоненти бўлмай, у жойлашган макон ҳисобланади. Биогеоценоз чегараси ўсимлик туркуми чегараси билан белгиланади.

Биологик озикланиш занжири – ер юзидида ўсимлик ва ҳайвонларнинг ўзаро бир-бирларига боғланиб кетиб ҳосил қилган бир бутун мураккаб тизим. Оддий мисол: тупроқ жониворлари (чиритувчи, ачитувчи бактериялар) тупроқни чиринди, минераллар билан таъминлайди, ўсимликларнинг ўсишига шароит яратади. Ўсимликлар мева тайёрлаб, йирик жониворлар – қушлар, кемирувчилар, ўтхўр ҳайвонлар учун озиқа беради. Қушлар, кемирувчилар ва ўтхўр ҳайвонлар йиртқичларни озиқа билан таъминлайди. Ўсимликлар ва ҳайвонлар қолдиғи ерга тушиб, чиритувчи ва ачитувчи жониворлар учун озиқа бўлади. Агар бу занжир бирор жойида узилса ҳаётдаги айланма ҳаракат бузилади, ҳалокат юз беради.

Бирламчи текисликлар – денгизларнинг чекиниши ёки саёзлашиб денгиз тагикинг очилиб қолиши натижасида пайдо бўлган текисликлар. Масалан, Каспий бўйи паст текислиги.

Ботик – ер пўстининг тектоник кучлар таъсирида атрофи кўтарилиб ёки атрофга нисбатан пасайиб қолган қисми. Масалан, Фарғона, Борсакелмас, Сарикамиш ботиклари ботик таги кўпинча ясен ёки ўрта қисмига томон бир оз ёйшаб бўлади. Диаметри 10 лаб, 100 лаб км га этади. Океан тагида ҳам ботиклар бўлади. Масалан, Мариана ботиғи –11022 м ва бошқалар.

Бўз тупроқ – Ўрта Осиёда денгиз сатҳидан баландлиги 300 м дан 1600 м гача бўлган ерларда кенг тарқалган тупроқ тури. Асосан лёсс, лёссимон гил жинслари, чағиртошли, шағалли ётқизиклар устида пайдо бўлади. қандай баландликда тарқалганига қараб 3 хил бўлади: оч бўз тупроқ денгиз сатҳидан 300–700 м баландликда, оддий бўз тупроқ 700–1200 м баландликда ва тўқ бўз тупроқ 1200–1600 м юқорида. Бўз тупроқларда чиринди кам–1,5 дан 3–4% гача. Табиий ва минерал ўғитлар солинса бўз тупроқлар юқори ҳосил беради.

Бўз сув – лойка, сарик тусли сув. Дарё юмшоқ жинсларни, айниқса лёссни, лёсссимон гилни ювиб оққанда, унинг сув йиғадиган ҳавзагида шйддатли ёмғирлар ёққанда сув бўз рангда бўлади. Баъзан географик ном сифатида ҳам қўлланилади. Масалан, Бўзсув.

Водий – рельефнинг узун чўзилган ботиқ шакли. Ҳосил бўлишига кўра, эрозион ва тектоник бўлади. Ҳар иккала сабабнинг биргаликда таъсиридан ҳам вужудга келади. Водийлар турли катталиқда бўлади. Баъзан катта водийларда ён водийлар ҳам келиб қўшилади. Водийлар шаклига қараб қуйидаги турларга бўлинади: 1) дарасимон водий – тоғли жойларда учрайди, ёнбағирлари тик, қояли бўлади; 2) канъонсимон водийлар – таги жуда тор, ёнбағирлари тик, чуқур; 3) кўндаланг кесими V симон водийлар; 4) кенг текислик водийлари – ёнбағирлари қия, таги текис, ўзанлар кўп бўлади; 5) таги текис, ён бағирлари тик бўлган музлик водийларлари – тоғларда музнинг емириш иши натижасида вужудга келади.

Географик кенглик – географик координата элементларидан бири. Ер юзасидаги бирор нуқтанинг Ер экваторидан қанча даража узоқда эканини билдиради. Географик кенглик даражаси қиммати меридиан бўйлаб экватордан ҳар икки географик кутб томонига 90° гача ўзгаради. Экватордан шимолдаги кенглик шимолий кенглик деб аталади, кенглик даражаси мусбат (+) белги билан белгиланади. Жанубдагиси жанубий кенглик деб аталиб, манфий (–) белги билан белгиланади. Масалан, Тошкентнинг Географик кенглик 41° 5' шимолий кенглик.

Географик минтақа – Ер юзаси табиий географик кенглик-зонал бўлинишининг муайян термик умумийликка эга бўлган энг катта босқичи. Географик минтақаларнинг турли қисмида ҳаво ҳароратида фарқ катта бўлмаса ҳам, лекин намлик шароити турлича бўлиши мумкин. Шу сабабли Географик минтақа доирасида турли табиий географик зоналар таркиб топади. Ер юзи одатда қуйидаги Географик минтақаларга бўлинади: арктика, антарктика, субарктика, субантарктика, мўтаъдил, субтропик, тропик, субэкваториал ва экваториал.

Географик узунлик – географик координата элементларидан бири. Ер юзасидаги бирор нуқтанинг параллел бўйлаб бошланғич меридиандан узоқлиги даражалар билан ифодаланади. Географик

узунлик бошланғич (бош) меридиандан шарк ва ғарб томонларга 180° га ўзгаради. Агар берилган нукта ғарбда бўлса ғарбий узунлик дейилиб, манфий (-) белги билан, шарқда бўлса шарқий узунлик дейилиб, мусбат (+) белги билан кўрсатилади. Масалан, Самарқанднинг географик узунлиги 67° шарқий узунлик.

География (юнонча *гео* – ер, *графо* – тасвирлаш) – географик қобик табиий шароитини ва турли мамлакат ҳамда районлардаги аҳолининг хўжалик фаолияти хусусиятларини ўрганувчи, ўзаро бир-бирлари билан жуда боғланган табиий ҳамда ижтимоий фанлар системаси.

Географик фанлар туркуми қадимги бир бутун географиянинг бўлинишидан таркиб топган. Улар бир-бирларига боғланган бўлиб, бир бутун географик фанлар тизимини ташкил этади.

Географик фанларни тўрт асосий гуруҳга ажратиш мумкин: 1. Табиий географик фанлар; 2. Иқтисодий ва ижтимоий географик фанлар; 3. Ўлкашунослик, ва тиббиёт географияси, ҳарбий география; 4. Катография ва унинг барча тармоқлари.

Дарёнинг йиллик оқими – дарёнинг бирор жойи кўндаланг қисмидан бир йил давомида оқиб ўтган сув миқдори. Куб м ёки куб км ҳисобида ифодаланади. Дунёнинг энг серсув дарёларидан Амазонканинг йиллик оқим миқдори 3150 куб км, Амударёники эса 17-20 куб км.

Дарё сувдорлиги – дарёлардан муаян вақтдавомида (ўн кун, ой, фасл, йил) оқиб ўтадиган кўп йиллик ўртача сув сарфи ёки кўп йиллик ўртача сув миқдори билан ифодаланади.

Дарёнинг тўйиниши – дарёларга турли манбалардан сув келиб тушиши. Дарёлар тўйинишига кўра ёмғир, қор, муз, ер ости сувларидан тўйинадиган бўлиши мумкин. Кўпинча дарёлар мураккаб тўйинувчи бўлади, яъни турли манбалардан сув олади. Лекин бир манба асосий манба ҳисобланади.

Ер ости сувлари – Ер пўстининг юза (12–16 км чуқурликкача) қисмидаги сувлар суюқ, муз, буғ ҳолатида учрайди. Ер ости сувлари ғовак жинс парчалари оралигидати бўшлиқларни (масалан, шағал, кумда), зич кристалл жинсларда ёриқларни, оҳақтош, доломит, гипс ва бошқаларда карст бўшлиқларини тўлдиради. Ер ости сувлари босимсиз грунт сувлари ва босимли артезиан сувларига бўлинади. Грунт сувлари юзада жойлашади, ер юзасининг манфий шаклларида булоқлар, сизот сувлари тарзида чиқади.

Заказник – табиат комплексининг ўсимлик, тупроқ, ҳайвонот дунёси, фойдали қазилмалари ёки бошқа қисмлари қонун билан қўриқланадиган, кўпайтириладиган ҳудуд. Овчиликка хизмат қилувчи заказниклар кўпроқ ташкил этилган. Заказникларда нодир, фойдали ўсимлик ва ҳайвонотлар кўпайтирилиб, бошқа жойларга тарқатилиши ҳам мумкин.

Зилзила – Ер пўсти ва юқори мантияда қатламларнинг тўсатдан силжиши, ёрилиши, синиши натижасида ҳосил бўладиган ер ости турткилари ва ер юзасининг тебраниши, силкиниши, титраши, турли куч билан рўй бериши мумкин.

Ички сувлар – 1. Қуруқлик ичкарасига узоқ кириб турадиган қўлтиқ ва денгизлар; дарёлар, қўллар; 2. Бирор давлат ҳудудида жойлашган дарё, қўл, денгизлар, қўлтиқлар, бўғизлар. Давлатлар қирғоқларига туташ денгизларнинг қирғоқ бўйидаги эни 18,5 км ли сув халқаро ҳуқуққа кўра мазкур давлатнинг ихтиёрида бўлади

Ички жараёнлар, эндоген жараёнлар – Ернинг ички энергияси, оғирлик кучи ва Ер айланиши натижасида вужудга келадиган кучлар таъсирида Ернинг ички қисмида рўй берадиган жараёнлар. Ички жараёнлар тор ҳосил бўлишида, ер пўстининг тебранма ҳаракатлари, магма чиқиши, вулканлар отилиши, зилзилалар кўринишида акс этади. Экзоген кучлар билан бирга рельефни ҳосил қилади.

Иқлим – Ер юзаси бирор жойи об-ҳавосининг кўп йиллик режими. Иқлим Қуёш радиацияси, ер юзасининг ҳолати ва атмосферадаги ҳаво ҳаракатлари ҳосиласидир. Қаранг. Иқлим ҳосил қилувчи омиллар. Иқлим об-ҳаводан фарқ қилиб, барқарор бўлади. У йиллар, асрлар мобайнида ўзгаради.

Иқлим минтақалари – Ер юзасида кенглик бўйлаб ёки кенгликка яқин йўналишда чўзилган ҳамда бир-бирларидан Қуёшнинг нур энергияси билан иситилишига ҳамда атмосферадаги ҳаво ҳаракатларига кўра фарқ қилувчи минтақалар. Ер юзида арктика, субарктика, мўътадил, субтропик, тропик, субъэкваториал, антарктика иқлим минтақалари ажратилади.

Иқлим ҳосил қилувчи омиллар – жойнинг географик кенлиги, денгиз сатҳидан баландлиги, денгиз ва қуруқликларнинг бирига нисбатан жойлашиши, ер юзасининг тузилиши, ер юзасининг ҳолати, океан оқимлари, атмосфера ҳаракатлари (шамоллар). Жойнинг географик кенлиги Қуёш нурунинг Ер юзасида нотоқис

таксимланишига таъсир этиб, иклимнинг зоналлигини белгилайди. Жойнинг денгиз сатҳидан баландлиги ҳаво ҳароратига, ҳаво зичлиги ва таркибига, ер юзасининг иссиқлик энергиясини тарқатишига таъсир кўрсатади.

Кўл – куруқликдаги чуқурликларни тўлдирган сув ҳавзалари Кўллар ҳосил бўлишига кўра тектоник (Иссиқкўл, Байкал ва б.), вулкан кўллари (вулкан кратерларида – оғзида), музлик кўллари (музлик ўйиб ҳосил қилган чуқурликларда, мореналар тўсиб қўйган водийларда), карст кўллари, лиман кўллари, ўзан кўллари, сунъий кўллар (сув омборлари) бўлади. Сув ҳолатига кўра оқар ва оқмас кўллар бўлади. Сувида эриган тузлар микдорига қараб, шўр (минералли) ва чучук сувли кўлларга бўлинади. Энг катта кўллар Ўрта Осиёда Каспий, Орол, Иссиқкўл ва б. К.-лар Ер юзида куруқли майдонининг 1,4%ини (2,1 млн. км²) эгаллаган.

Ландшафт(немисча *ланд* – ер ва *шафт* – манзара) – табиий комплексларни умумлаштирувчи тушунча: геологик замини, рельефи, иклими, тупроқлари, ўсимлик туркуми, ҳайвонот дунёси, ер ости ва ер усти сувлари режимининг бир хиллиги билан ажралиб турадиган ва табиий чегараларга эга бўлган ҳудуд. Ландшафт-шуносликда ландшафтнинг уч хил тушунчаси мавжуд: 1) регионал тушунча. Бунда ландшафт ер юзасининг табиий чегараланган унча катта бўлмаган қисми тушунилади; 2) типологик, умумлаштирувчи тушунча. Мас., тоғ-ўрмон кўнғир тупроқларидаги бугазор-сийрак ўрмонлар ландшафти; 3) ландшафт умумий тушунча. Мас., ўрмон ландшафти, чўл ландшафти, ботқоқ ландшафти.

Миллий боғлар – табиатни муҳофаза қилиш, истироҳат саёҳат, дам олиш мақсадларида махсус ажратиб, қўриқланадиган жойлар. Ўзбекистонда яхши ривожланмаган. Фақат биттагина Ўзбекистон миллий боғи бор. Миллий боғлар одатда уч қисмдан иборат бўлади: истироҳат, саёҳат ва қўриқхона минтақалари.

Мўътадил иқлим – мўътадил минтақалар иклими. Мўътадил минтақаларда Куёш ҳеч қачон қоқ тепага келмайди ва унинг уфқдан баландлиги катта фарқ қилади. Шу сабабли иқлим ҳам жуда ҳар хил. Январь ойининг ўртача ҳарорати шимолий қисмида -20° -25° бўлса, жанубий қисмида 0° атрофида, шимолда июлнинг ўртача ҳарорати 10° атрофида бўлса, жанубида 27° . Ёғин ҳам турли микдорда ёғади. Мўътадил иқлим асосан 3 хилга бўлинади: 1.

Мўътадил денгиз иқлими, 2. Мўътадил континентал иқлими ва 3. Мўътадил муссон иқлими.

Пасттекислик – мутлоқ баландлиги денгиз сатҳидан 200 м гача бўлган текисликлар. М., Каспий бўйи пасттекислиги пасттекисликлар денгиз саёзлигининг дарёлар келтирган лойкалар билан тўлишидан, тоғ олди букилмаларининг тоғлардан тушган нуроқ жинслар билан тўлиши натижасида ҳосил бўлади. Платформаларнинг аста пасайиши ва денгиз саёзлигининг кўтарилиши оқибатида ҳам пасттекисликлар вужудга келади.

Паст тоғлар – мутлоқ баландлиги 500 м дан 1000 м гача бўлган тоғлар. Паст тоғларга Урал тоғининг ғарбий қисми, Қозоғистон паст тоғлари; Ўзбекистонда Букантоғ, Помдитоғ, Султон Увайс тоғлари мисол бўлади.

Подзол (кулранг) тупроқлар – мўътадил совуқ иқлим шароитида игна баргли ўрмонлар тагида таркиб топган тупроқ тури. Нам кўп бўлганлигидан сувда яхши эрийдиган минераллар эриб, тупроқ қатламидан пастга тушиб кетади. Тупроқда кум қолади. Шунинг учун ранги кулранг бўлади. Чиринди кам (1–4 фоиз). Ўзбекистонда тоғлардаги арчазорлар остида учрайди.

Рельеф – (франдузча «*рельеф*» кўтараман) – ер юзаси шакллари: тоғлар, текисликлар, пасттекиеликлар, адирлар, ясси тоғликлар, тепаликлар, қирлар, водийлар, ботиклар, сойликлар, жарлар ва бошқалар мажмуи. Рельеф икки хил куч – ички (эндоген) ва ташқи (экзоген) кучларнинг биргаликда ҳамда мунтазам ўзаро таъсири натижасида вужудга келади

Сейсмик шкала – Ер кимираш вақтида Ер юзасида zilзила тўлқинлари кучини аниқлаш мезони. Сейсмик шкала иншоотларининг бузилиш даражасига, ер юзасидаги ўзгаришларга асосланади. Мамлакатимизда 12 балли шкала қабул қилинган.

Табиий географик жараёнлар – табиатдаги модда ва энергия ўзгаришлари, шакл ўзгаришлари ҳамда умуман, табиий географик комплексларнинг ривожланишига сабаб бўлувчи барча хил жараёнлар. Табиий географикжараёнларга атмосфера циркуля-цияси, намликнинг айланиб юриши, рельеф ҳосил бўлиши, нураш, тупроқ ҳосил бўлиши, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг мавсумий ҳамда асрий ўзгаришлари, компонентлараро алоқаларда рўй берувчи жараёнлар яққол мисолдир. Табиий географик жараёнларни тадқиқ этиш ландшафтларни динамик тузилма сифатида ўрганишга, улар-

ни муҳофаза қилиш ва ўзгартиришнинг оқилона йўллари ташлашга имкон беради.

Табиий географик ўрин – барча географик объектларнинг (шаҳар, қишлоқ, ўлка, мамлакат, қитъа, тоғ, дарё, кўл, денгиз ва ҳ.к.) атрофдаги табиий географик объектларга нисбатан йлашган ўрни. Мас., Тошкент 42° шим. кенглик ва 68° шарқий узунликда Чирчиқ дарёси бўйида, Чотқол тоғларнинг ғарбий тоғ олди текислигида жойлашган.

Табиий география – 1. Географик қобик табиатини ўрганувчи фан. Ер ҳақидаги фанлардан бири. Географик қобикнинг моддий таркиби, тузилиши, ривожланиши, ўзгариши, ҳудудий бўлинишини ўрганеди; 2. Табиий география фанлар системаси. Бу системага умумий ер билими, ҳудудий табиий география, ландшафтшунослик, геоморфология, иқлимшунослик, океанография, музшунослик, музқоқшунослик, тупроқлар географияси, биогеография, фенология ва бошқа фанлар киради.

Табиат ёдгорликлари – табиатнинг илмий, ўқув-таълимий, тарихий, меъморлик, маданий, маънавий, эстетик аҳамиятга эга бўлган объектлари. Мас., табиат ҳосил қилган турли шаклдаги тошлар, қоялар, шаршаралар, ғорлар, қадимдан сақланиб келаётган айрим дарахтлар ва б. Табиат ёдгорликларининг кўпчилиги халқ боғлари, кўриқхоналар ташкил этиб сақланади.

Табиат компонентлари – табиатни ҳосил қилувчи асосий таркибий қисмлар, яъни тоғ жинслари, рельеф, ер усти ва ер ости сувлари, тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот дунёси, ҳаво массалари. Буларни ландшафт компонентлари деб ҳам юритилади. Табиат компонентларининг ўзаро нисбатига ва мувозанатига қараб ландшафтлар хилма-хил бўлади. Табиат компонентларининг ўзаро нисбати ўзгарса, мувозанат бузилиб, табиат, яъни ландшафт ўзгаради.

Табиатни муҳофаза қилиш – Табиатни инсоният манфаатларини кўзлаб сақлашга ва онгли равишда ўзгартиришга, унинг маҳсулдорлигини сақлаб қолишга ҳамда бойликларидан табиат қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда оқилона фойдаланишга қаратилган барча тадбирлар тизими.

Текислик – ер юзасининг ясси ёки бир оз ўнқир бўлган катта майдонлари: жойлашган ўрнига қараб пасттекислик, баланд текислик, ясси тоғликларга бўлинади. Ер юзасининг шаклига қараб ясси, сертепа, ўнқир текисликлар бўлади.

Тоғлар – Ер пўстининг якка-якка ёки қатор тизмалар, палахсалар шаклида кўтарилган жойлари. Тоғ бурмали, палахсали, бурмали-палахсали бўлиши мумкин. Турли хил баландликда бўлади. Мутлоқ баландлиги 600 м дан баланд жойлар одатда тоғ дейилади. Дунёда энг баланд тоғ Химолайдир (Жомолунгма чўккиси 8848 м). Тоғ сўзи Ўрта Осиёдаги турли халқларда турлича талаффуз қилинади: қирғизларда **тоо**, козоқларда **тов**, туркманларда **доғ**. Тоғ сўзи географик номлар таркибида ҳам учрайди: Октоғ, Етимтоғ, Копетдоғ, Олатов ва ҳ. к.

Тоғли ўлка – атрофдаги текисликлардан кўтарилиб турадиган паст-баланд, кенг ҳудудлар тоғли ўлкада тоғ тизмалари, якка-якка тоғлар, водийлар, кенг сойликлар ҳам бўлади. Тоғли ўлкалар жуда катта ҳудудни эгаллаган (бўйи минглаб, энг юзлаб км га чўзилган) бўлади.

Тоғ тизмалари – бир неча ўнлаб, юзлаб ва ҳатто минглаб километрга туташ чўзилиб кетган тоғлар. Мас., Кордильера, Анд, Урал тоғ тизмалари, Ўзбекистонда Хисор, Нурота, Қоратоғ, Писком, Угом тоғ тизмалари ва б. бор.

Тупроқлар – Ер пўстининг ўсимликлар ўсиши учун зарур бўлган минерал ва чиринди жинсларга бой, юмшоқ юза қисми. Тупроқлар организмлар, сув, ҳаво ва ғовак тоғ жинсларининг ўзаро таъсири натижасида пайдо бўлади. Тупроқлар таркиби турли хил минераллардан, чириндилар, тирик организмлар, сув, тупроқ эритмасидан иборат бўлади.

Устюрт – козоқ ва қорақалпоқларда атрофдаги жойлардан баланд, усти текис ерлар, ясси қирлар. Устюрт номи ҳам шу атамадан олинган.

Қонуниятлар – географик борлик, ҳодиса ва жараёнлар орасидаги энг муҳим ва нисбатан мустаҳкам алоқа ва боғлиқликларни акс эттиради. Табиий географияда куйидаги қонуниятлар очиб берилади: бир бутунлик, моддаларнинг айланма ҳаракати, даврийлик, зоналлик ҳамда айрим табиат таркибларини вужудга келиш қонуниятлари.

Чала чўллар – муътадил минтақада даштлар билан чўллар орасида жойлашган, қуруқ иқлим шароитида таркиб топган табиат зоналари. Иқлими қуруқ континентал, ёғингарчиликка (300 мм) нисбатан мумкин бўлган буғланиш 5–6 баробар кўп; дарёлар жуда

кам. Тупроклари: оч каштан, кўнғир, бўзтупрбк; чириндиси кам (2–4%), шўрланган ерлар кўп.

Шўрхок – дашт, чала чўл, чўл жойлардаги таркибида туз кўп бўлган тупрокли ерлар. Тупроқда 10–15 фоизгача туз бўлиши мумкин. Шўр грунт сувларининг тупроқ юзасидан буғланиб туришидан вужудга келади. Туз тупроқ юзасида катқалоқ ҳосил қилши мумкин.

Экзоген кучлар (латинча *ексо* – ташқи, генез – туғилган) – Ер юзасига ташқаридан таъсир кўрсатувчи кучлар. Буларга Куёш нури, шамоллар, музликлар, оқар сувлар, тўлқинлар, қалқиш жараёни, ўсимлик ва ҳайвонлар киради. Қалқиш ҳодисасидан ташқари ҳамма ҳаракат манбаи Куёш радиациясидир.

КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯ

Автоматлаштирилган дарслик – автоматлаштирилган ўқиш тизими таркибида тармоқ технологияси ёрдамида мазмуни яратиладиган, сақланадиган ва фойдаланувчига етказиладиган дарслик.

Автоматлаштирилган ахборот технологияси – маълумотларни узатиш, тўплаш, сақлаш ва қайта ишлаш учун ҳисоблаш техникаси, алоқа тизимлари усуллари ҳамда воситалари қўлланиладиган ахборот технологияси.

Автоматлаштирилган лойиҳалаш воситалари – таълим маҳсулоти ва хизматларини лойиҳалаш учун мўлжалланган дастурий воситалари мажмуаси.

Автоматлаштирилган тестлаш – махсус дастурли тестлаш тизими ёрдамида талабаларнинг билимини назорат қилиш.

Амалий дастур интерфейси (API-Application Program Interface) – амалий дастурлар ва платформалар орасидаги стандарт интерфейс.

Анимация – динамик ва овозли жараёнларни ифодалашга мўлжалланган график ахборотларни ташкил этиш усули.

Асинхрон алоқа сервери – тармоқдаги ишчи станцияга, коммутацияли алоқа динамикасининг иловасига киришга руҳсат олиб берувчи сервер.

Ахборот коммуникация технологиялари – хусусий, умумий ва ишлаб чиқариш коммуникациясида ахборотлар тайёрлаш, қайта ишлаш ва етказиб бериш билан боғлиқ бўлган объектлар, ҳаракатлар ва қоидалар, шунингдек барча технологиялар ҳамда санаб ўтилган жараёнларни бирлашган равишда таъминловчи соҳалар мажмуаси. АКТ тушунчасига микроэлектроника, компьютер ва дастурий таъминот, телекоммуникациялар ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқариш, Интернетдан эркин фойдаланишни таъминлаш, Интернетнинг ахборот ресурсларини таъминлаш, шунингдек санаб ўтилган соҳалар билан боғлиқ бўлган турли хил ҳодисалар ва бу фаолият соҳаларини тартибга солувчи расмий ва норасмий қоидалар қиради.

Баённома (протокол) – компьютерлар орасида маълумотларни узатиш тартиби ва форматни белгиловчи қоидалар мажмуаси.

Билимлар омбори (БО) – муайян бир соха (йуналиш, фан, боб, булим, мавзу, тушунча ва кабилар) кўйича тўпланган билимлар ва уларнинг компьютер хотирасида мужассамлаштирилиши ва қайта ишланган ахборотларни сақлашга мўлжалланган билимлар мажмуиси.

Билимлар омборини бошқариш тизими – маълумотлар омборини яратиш ва унинг функционал вазифасини аниқлаш, ҳамда улар асосида бошқариш фаолиятини амалга оширивчи амалий дастур ва алгоритмик тил воситалари мажмуи.

Бир масалалик манитор – микрокомпьютер операцион тизимининг таркибий қисмидаги, бир вақтда битта масалани ечилишини таъминловчи, бошқарувчи дастур.

Бош компьютер – 1. Кўп машинали ҳисоблаш мажмуаларида, бошқа компьютерларни бошқарадиган, тизимда (ҳисоблаш тармоғида) ишларни ташкиллаштирадиган ва асосий ахборот ишловини амалга оширадиган компьютер. 2. Телекоммуникация ҳисоблаш тармоқларида, тармоққа хизмат кўрсатишни, хабарларни узатишни ва дастурларни бажариш билан боғлиқ қўшимча функциялар ёки вазифаларни таъминлайдиган компьютер.

Браузер – Интернетда ахборот ашёларини кўриб чиқишга мўлжалланган махсус дастурий таъминот.

Видеоанжуман – узоклаштирилган фойдаланувчи гуруҳлар орасида рақамли видеоёзув ёки оқимли видеокўринишда маълумотлар алмашинуви, йиғилиши ва мунозаралар ўтказиш жараёни.

Видеоматн – тармоқ тақдим этадиган маълумотлар омбори.

Визуал маъруза (ВМ) – бу кўргазмали маърузадир. Бунда асосий ўқитиш методи кўргазмали намойиш кино, теле ва видао кадрлар, слайдлар, дискдаги ахборотлар ўқитувчи томонидан шарҳланади.

Визуаллаштириш – маълумотларни тасвирлар кўринишида ифодалаш жараёни.

Виртуал аудитория – ўқув жараёни ўқитувчиси ва башқарувчисини маслаҳатини олиш учун тармоқ технологияси ёрдамида турли ерларда ишлаётган талабаларни бирлаштириш.

Виртуал синф – ўқитиш тизимидан фойдалариниб, турли хона ёки бинолардаги талабалар гуруҳи билан ўтказиладиган машғулот.

Гипермедия китоблар – мультимедия китобларнинг такомиллашган шакли бўлиб, бунда фойдаланувчи асосий матндан таш-

қари турли кўшимча манбаларга ҳам (шарҳларга, атамаларнинг изоҳларига, тузатишларига) мурожаат қилиш мумкин бўлган китоблардир.

Глобал тармок – дунёнинг ихтиёрий давлатидаги компьютерлар ва локал компьютер тармоқларини ўзида бириктирувчи бош тармок. Бу, асосан, INTERNET тармоқлари билан иш кўришда истеъмолда фойдаланилади.

Глобал таълим – бу бир вақтнинг ўзида ўқувчиларнинг интеллектуал, ҳиссий, жисмоний, ахлокий ва руҳий хусусиятларини ривожлантириш ёрдамида уларни тез ўзгарувчан, жуда мураккаб, кўп миллатли ва ўзаро алоқадор ҳаётга бирмунча сифатлироқ тайёрлашга йўналтирилган мажмуавий ёндашувдир.

Графиклар чизувчи қурилма – қоғозга берилганларни график шаклда чиқаришга мўлжалланган қурилма.

Дастур – олдиндан тайёрланган алгоритм ва ҳисоблаш техникаси воситаларига асосланган ҳолда бажариладиган ишнинг шарт-шароити, мақсади ва вазифасини эътиборга олиб, унинг бирор бир формал (шартли) алгоритмик тилдаги аниқ ва тўлиқ ифодаланиши.

Дастурнинг мақсади: муайян алгоритм ёрдамида амалларни, ҳаракат фаолиятини компьютер воситасида амалга ошириш бўлса, вазифаси эса алгоритмни бирор алгоритмик тил воситаси ЭҲМ тилига кўчиришдан иборат.

Талабаларга таълим-тарбия беришда ўқув режаси ва дастурларини оғишмай амалга оширишда замонавий таълим технологияларидан фойдаланишга кенг имкониятлар яратеди.

Дастур алгоритмлаш ва дастурлаш асосида жараёнлар кечилишини тавсифлашини кўргазмалилигини таъминлаш соҳаларида фойдаланилади.

Дастур, дастурлаш алгоритмларини ҳаётга кенг жорий этишнинг асосини ташкил этади. Дастур – ишни самарали режалаштиришни ҳам ўргатади.

Дастур – бажариладиган иш ёки бирор фаолият режаси. Дастур – бирор масалани ечишда компьютер бажариши лозим бўлган амалларнинг изчил тартиби.

Дастурлаштирилган таълим (ДТ) – ўқув жараёнини муайян тартиб (дастур) асосида ташкил этиш. ДТ кибернетика, информатика, математик логика ва ҳисоблаш техникасининг самарали тамойиллари ва мураккаб тизимларидаги бошқариш воситаларининг

педагогикада жорий этилиши натижаси бўлиб, у XX асрнинг 50-йилларида пайдо бўлди. ДТ ўқув материални кичик-кичик қисмларга бўлиш, уни муайян тартибда баён этиш, ушбу қисмларнинг биридан иккинчисига ўтиш тартиби (қоидалари)ни белгилаш, хусусан, ҳар бир қисмни ўзлаштириш юзасидан аниқ кўрсатмалар, топшириқлар бериш, ўз-ўзини назорат қилишни таъминлаш каби йўллар билан амалга оширилади.

ДТ нинг дастури, яъни ўргатувчи дастур (ўргатувчи алгоритм) махсус ўргатувчи қурилмалар (машинали ДТ) ёки дастурлаштирилган дарсликларга (электрон дарслик, электрон ўқув қўлланма ва х.к.) киритилади. Бугунги кунда баъзи ҳолатларда ДТни гоҳ ўргатувчи ва ўрганувчи меҳнатни илмий асосда ташкил этиш тизими сифатида қаралса, гоҳида анъанавий таълимнинг ўрнини эгалладиган педагогик тизим, баъзан қандайдир кибернетик дидактика, таълимнинг янги методи ёки мустақил ишлашнинг алоҳида тури, деб қаралмоқда. Лекин бундан қатъи назар, ДТнинг мақсади таълим олувчининг билимларини ўзлаштириш жараёнини бошқаришни оптималлаштиришдан иборатдир.

Дастурлаш тили компьютерлар учун дастурлар (кўрсатмалар йиғмаси) ёзиладиган, уни у ёки бу ҳаракатларни бажаришига мажбур қиладиган расмий тил. Дастурлаш тилида ёзиладиган кўрсатмалар дастлабки код деб аталади. Дастлабки код компьютерда амалда бажарилишидан аввал, уни машина кодига бўлаклаб талқин қилиш ёки батамом талқин қилиш зарур. Дастурлаш тилининг таърифи қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Мумкин бўлган белгилар рўйхатини.
2. Захиранган сўзлар рўйхатини.
3. Синтаксисни (белгиларни ва захираланган сўзларни бирик-малаш усулларини).
4. Семантикани (дастурлаш тилининг бирикмалар маъноси).

Дастурлаш тиллари қуйи поғона тилларига (ассемблер тили ва машина тили) ва юқори поғонадаги тилларига (BASIC, C, COBOL, FORTRAN, Ada, Pascal ва б.) бўлинади. Яна тўртинчи авлод тилларини (4GL) ҳам ажратилади.

Дастурлаштириш тизими жами дастурлаштириш тили ва дастурларни яратиш тизими. У берилган тилда дастурларни автоматлаштирилган тарзда яратиш ва бажариш ҳамда тегишли ҳужжатлар тайёрлашни таъминлайди. Одада, дастурлаштириш тизими тил-

нинг эталон хилини эмас, балки унинг диалектик – маълум осонлаштириш ёки кенгайтиришларга эга русумини ўз ичига олади. Баъзи дастурлаштириш тизимлари дастурларни бир неча тилда яратишни қўллаб-қувватлаши мумкин. Шахсий компьютерлар учун энг машхур дастурлаштириш тизимлари: Microsoft компаниясининг Basic, Java, СҚҚ тилларини қўллаб – қувватловчи Visual Studiosi; Inprise (Borland International) компаниясининг Delphi тили ва бошқалар.

Дастур-аппаратли мажмуа – масалаларнинг аниқ бир синфини ечиш учун техник восита ва дастурларни бирлиги.

Дисплей – тасвирни кўриш; маълумотларни график, жадвал ёки алфавитли – рақамли тасвирини кўриш имконини берувчи экранли терминал; видео қурилма экранида маълумотларни акслантириш.

Жамиятни ахборотлаштириш (ЖА) – инсон ҳаётининг барча жабҳаларида интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш турлари ва воситалар билан боғлиқ бўлган динамик жараён. Бу ўз навбатида «фан→таълим→амалиёт» тизимини ахборотлаштириш ҳам демакдир. Бундан мақсад жамиятнинг турли жабҳалари фаолиятини юритишининг интеллектуаллик даражасини ошириш ва «Фан→таълим→амалиёт» тизимини тўлиқ ахборотлаштириш ҳамда юқоридаги тизимда фаолият кўрсатувчи кишиларнинг ахборот маданиятини юксалтириш.

ЖА бевосита таълим-тарбия билан узвий боғлиқ. Унинг ёрдамида таълимда оптимал вариантлар танлаш имконияти кенгайди, тарбияда эса тарбиянинг таъсирчанлигини ошириш имкониятлари кенгайди (кўргазмалилик). ЖА янги ахборот технологиялари кўринишида ва айниқса кўмакчи компьютерли тизимлар, универсал компьютерли тизимлар ҳамда касбий компьютерли ўйинларни амалиётда жорий қилиш йўналишидаги соҳаларда фойдаланилади.

ЖА учинчи минг йилликнинг дастлабки асриданок долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади ва у жараён кишилик жамиятининг барча бўғинларини тўлиқ қамраб олади. ЖАдан шундай натижалар кутилмоқдаки, вақти келиб одамлар ягона тилда гаплашиш имкониятига ҳам эга бўладилар ва албатта у «Машина» тили бўлади.

ЖАнинг асосларидан бири таълим тизмида замонавий ахборот технологиялари (ЗАТ) дан кенг фойдаланишга эришишдир. Бу жараён таълимни такомиллаштириш ва ривожлантиришни амалга ошириш мақсадида ЗАТни қўллашни, унинг метод ва воситалари-

дан фойдаланишни, таълим-тарбия жараёнининг барча бўғинлари-ни жадаллаштиришни, мутахассисларни илмий ходимларни ахборотлашган жамият шароитида фаолият кўрсатишга тайёрлашни тақозо этади.

Замонавий ўқув адабиётлари – (ЗАТ) асосида маълумотларни жамлаш, тасвирлаш, янгилаш, сақлаш, билимларни интерактив усулда тақдим этиш ва назорат қилиш имкониятига эга бўлган манба. ЗПТни қўллашдаги воситалар: компьютер технологиялари; видеонигоҳлар; мультимедиа воситалари; методик ва тарқатув кўргазмалари; тезис материаллари; назарий билимларни бевоқиф амалиёт билан боғлаш; видеокамералар; Интернет тармоғи; «Электрон кутубхона» ва шу кабилар.

Ижодий фаолият тажрибаси – янги муаммоларни ҳал қилиш ва воқеликни ижодий қайта яратишга тайёр бўлишда намоён бўлади.

Илмий ишлар депозитарийси – диссертация ва уларнинг авторефератларини ўз ичига олган эдлектрон кутубхона.

Интеллектуал ахборотли излаш тизимлари – иш жойидан туриб, билимлар омборидаги керакли ахборотни излаш имкониятини берадиган тизимдир.

Интернет – минглаб маҳаллий ва минтақавий компьютер тармоқларини бир бутун қилиб бирлаштирувчи бутун дунё компьютер тармоғи.

Интернет технологиялар – Интернет тармоғи орқали маълумотларни узатиш учун мўлжалланган усул, услуб, қоида ва баённомалар тўшмаи.

Интернет тармоғига уланиш – Интернет тармоғи ахборотларидан унумли фойдаланиш, яъни очиш, сақлаш, кўчириш, узатиш кабилар.

Интернет хизматлари – интернет тармоғи абонентларига амалий баённомалар томонидан тақдим этилувчи функционал имкониятлар мажмуи: электрон почта, файлларни қабул қилиш ва узатиш, веб-ҳужжатларни ўқиш, воқеий вақтдаги мулоқот (чат), терминал орқали эркин фойдаланиш, тармоқда ҳужжатларни сақлаш, ишлаш ва ҳ.к.

Интерфейс – ҳисоблаш тизими қурилмалари ёки программалар орасидаги ўзаро мантикий ёки физик ҳаракатни таъминловчи восита ва қоидалар мажмуаси; икки тизим қурилма ва программаларнинг ажралиш чегараси; программа ва техник воситаларни бир

хилликка келтириш мажмуаси, ҳисоблаш тизимидаги қурилмалар ёки тизимларни ўзаро биргаликда ишлашини таъминлаш воситаси.

Компьютер – ҳисоблаш ва маълумот масалаларига автоматик ишлов беришга мўлжалланган, электрон техник воситалар мажмуаси.

Компьютер графикаси – компьютер график қурилмаларида – дисплей ва график қурувчиларда, маълумотларни киритиш, қайта ишлаш акслантириш учун усуллар, алгоритмлар ва программалар тизими.

Компьютер дарслик (ҚД) – ўқув фани ёки унинг бирор бир бўлимини мустақил ўзлаштиришга имконият яратадиган дастурий-услубий мажмуа. ҚД ўзида оддий дарслик, маълумотнома, масалалар ва мисоллар тўплами, амалий топшириқлар, хариталарни бирлаштиради.

Коммуникацион тизимлар – тармоқдаги компьютерлар орасида ахборотларни узатиш учун маршрутлаш ва боғланишларни коммутация қилиш вазифасини бажарадиган тизимлар.

Компьютерли моделлаштириш – бу ҳодиса ва жараёнларнинг компьютерлардан фойдаланиб моделларини яратиш жараёнидир.

Ҳозирги кунда компьютерда моделлаштириш технологияси мавжуд бўлиб, унинг мақсади атрофимизни ўраб турган табиат, унда рўй берадиган ҳодиса, воқеаларни ва жмийтадаги ўзгаришларни англаш, тушуниб етиш жараёнини замонавий усуллар воситасида тезлаштиришдир. Компьютерда моделлаштириш технологиясини ўзлаштириш компьютер тизимларини (восита, қурилма сифатида) яхши билишни ва унда моделлаш технологияларини ишлата олишни талаб қилади.

Компьютерли таълим дастурлари – компьютерли таълим дастурлари, одатда 2 хил, яъни ахборот маълумотли ва назорат таълимий тартибда ўқитиш имкониятига эга бўлган турларга бўлинади. Талабаларни масофадан туриб ўқитиш мобайнида ўз-ўзини билимини синаб ҳам жорий ёки оралик синашда муҳим аҳамият касб этади.

Маҳсус ишлаб чиқариладиган ускунавий воситалардан фойдаланиш компьютерли таълим дастурларини яратиш жараёнини анчагина енгиллаштиради. Улар ёрдамида компьютер технологияларидан беҳабар бўлган география, тарих, адабиёт, ҳуқуқ ва бошқа фан ўқитувчилари ҳам бемалол таълим дастурини яратиши мумкин.

Компьютерли ўқитиш тизими – куйидаги вазифаларни бажаришга имкон берувчи ўқув методик ва дастурий-техник воситалар комплекси деб ҳисобланади:

- билимнинг аниқ предмет соҳасини ўрганиш;
- ўқув курсларида ишланмаларни қўллаш;
- ўқув жараёнини бошқариш...».

Компьютер тармоқлари – компьютерларда ўзаро ахборот алмашиш имкониятини бервчи қурилмалар мажмуи.

Компьютер тизими – маълумотларни қайташ ишлаш. Маълумотларни қайта ишлаш жараёнини автоматлаштириш ва керакли жойларда ундан фойдаланишга узатиш. Электрон ва электромеханик элементлар, алоқа тармоқлари, алгоритмлар, моделлар, мезон ва тамойилларни амалиётда жорий этишда фойдаланилади.

Компьютер масалалар тўплами – турли масала ва мисолларни ечиш усуллари тез ўзлаштиришга имконият берадиган компьютер ўйини кўринишида амалга оширилган мисоллар ва масалалар тўплами.

Курсор – компьютер экранида силжиб борадиган объект номи ёки бажарилаётган амалнинг жойини кўрсатувчи нишон, белги. У клавиатура, «сичқонча», ёруғлик пероси ёки дастур бошқарувидан олинган буйруқларга монанд силжийди. Экранда курсор тўртбурчак, нишон, стрелка ёки қисқа чизикча шаклида акс этади. Инсон ва компьютер мулоқотнинг муҳим элементи.

Кўп экранли технология – фойдаланувчининг ҳар бири монитор экранида ўзини деразасига эга бўлган амалий жараёнлар гуруҳи билан ишлаш методологияси.

Лазер диск – лазер нури ёрдамида ўқиладиган, диск шаклидаги маълумотлар ташувчиси. Иккилик санок тизимида берилган маълумотлар металл ёки полимер лазер диск устига кучли лазер нури ёрдамида майда чуқурликларга ва улар орасидаги ўрталикларга ёзилади. Шахсий компьютерларда тахминан 650 Мбайт ҳажмидаги маълумотларни сақлаш имконини берадиган компакт – дисклар (CD) қўлланилади.

Лазер принтери – лазерли чоп этиш технологияси услуги асосида ишловчи ва компьютер ахборотини чоп этиш вазифасини бажарувчи аппарат. Компьютердан чиқиш маълумотлари экраннинг нуқталар тўпламига ўхшаш растр форматига ўгирилади. Лазер билан ёруғланган нуқталарда барабан электрсизланади.

Лицензия – давлат органлари ёки маъсул ташкилотлар томонидан таълим фаолиятини олиб бориш ҳукуқини берадиган расмий руҳсат.

Локал тармоқ – бир бинода ёки бир-бирига яқин биноларда жойлашган компьютерларда ўзаро ахборот алмашиш имконини берувчи тармоқ.

Маҳаллий тармоқ – бир бинода ёки бир офис ичида жойлашган компьютерларда ўзаро ахборот алмашиш имкониятини берадиган тармоқ.

Масофали кириш – тармоқ технологияси билан жиҳозланган аппарат-дастурли мажмуа орқали таълим муассасалари билан маълумотларни алмашиниб жойларда ўқиш ёки ишлаш.

Масофали таълим (МТ) – масофали ўқиш усул ва воситалари орқали таълим олиш шакли.

Масофали таълим муассасаси – масофали технология асосида ўқув жараёнини амалга оширувчи таълим муассасаси.

Масофали таълим тизими (МТТ) – масофали технологияларни қўллаб, масофали ўқитишни яратиш ва амалга оширишга жалб қилинган академик, ташкилий, телекоммуникациявий, педагогик ва илмий ашёлар йиғиндиси.

Масофали технология – таълим сифати кўрсаткичларини сақлаган ҳолда ўқитувчи ва талаба орасидаги масофани йўқ қилишга қаратилган ўқитишнинг ахборот технологияси.

Масофали ўқитиш (МУ) – ахборот-коммуникация технологияси, яъни компьютер, телекоммуникациялар, мультимедиа воситаларига асосланган таълим шакли (кундузги, сиртки, экстернат).

Масофали ўқитишнинг дастурли таъминоти – ўз ичига ўқитиш дастурлари ва дастурлари мажмуани яратиш учун ускунавий муҳитни олиб, масофали ўқитишда у ёки бу кўринишда фойдаланиладиган тизимли ва амалий дастурлар ҳамда дастурий мажмуадир.

Мулоқот воситалари (чат, форум, электрон почта, виртуал синф хонаси) – курсдаги телекоммуникация, Интернет воситалари орқали мулоқот қилишдир.

Мультимедиа – ахборот, яъни матн, расм, анимация, аудио, видеони тасвирлашнинг кўп каналлик усули.

Мультимедиади дарсликлар – мультимедиа муҳит ёрдамида тасвирий материалларни юқори тартибли динамикаси билан яра-

тилган CD дисклардаги дарслиklar. Мазмуни, одатда, табиий маърузалар, тасвиpлаб айтиб бериш, малакали диктор томонидан касбий овоз бериш ва кинематографик йиғиш қонуниятларни саклаган ҳолда бирлаштирилган бўлади.

Мультимедиа технологияси – интерфаол дастурий таъминотнинг ягона бошқарувида визуал ва аудиосамара, турли вазиятларни мультидастурлашларни қамраб олган электрон ҳужжатларни тайёрлаш усули.

Мухим (релевант) ахборот (ингл. relevant – муҳим) – жорий вақтда катта аҳамиятга эга бўлган зарурий ахборот.

МЎ тизимининг мониторинги – МЎ тизими ҳолатини бошқариш ва назорат қилиш мажмуаси.

МЎТ восита (тизимости)лари – мулоқот воситалари, тестлаш тизимлари, кутубхоналар, файлларни айирбошлаш, ўрнатилган электрон почта ва б.

Навигация – МЎТнинг ўқув материалларини ўрганишнинг соддалаштириш воситалар ва индикатор йиғиндиси.

Назорат қилинувчи анимациялар – фойдаланувчига ҳақиқий вақт тартибида аксланаётган динамик жараёнини жўнатиш ва ўзгартириш имкониятини берадиган график ахборотни ташкил этиш усули.

Нашрий тизим – маҳсулот наъмунасини кўпайтириш учун компьютер тайёргарлигини таъминлайдиган тизим.

Ойна – (window, окно) – программа ёки фойдаланувчи алоҳида экран сифатида ишлайдиган, дисплей экранининг қисми; машина графикасида – виртуал фазонинг берилган қисми.

On-line мавзули муҳокама – электрон тахталарда аввалдан ахборотлар жойлаштириладиган курс, муаммо, лойиҳа, кейс ва бошқаларнинг у ёки бу бўлимларини турли On-line мавзуда муҳокама қилиш учун талабаларга киритишни ташкил этиш.

On-line машғулот –ўқитувчи ва талабаларни Интернет орқали ахборот алмашиш йўли билан ўзаро алоқа қиладиган ўқув жараёни.

On-line ўқиш – Интернет технологияларига асосланган таълим мухитидан фойдаланиб мустақил ўқиш ва сертификат олиш.

ОТТ портали (WEB-сайт) – очиқ таълим тизимининг WEB – сервери ўрнатиладиган ва фойдаланувчиларга релевант ахборотларни тақдим этишга мўлжалланган WWW компьютер тизими.

ОТТ WEB – сервери – ОТТ нинг ахборотларига сўровлар қабул қиладиган, уларни қайта ишлайдиган ва сўровларга зарур жавоб, ҳужжатларни жўнатадиган WWW даги дастур.

Очиқ ўқиш – виртуал таълим муҳитида ўқиш.

Оқимли видео – ҳақиқий вақтда мурожаат қилишга имконият берадиган видеоахборотларни ташкил этиш усули.

Пароль билан кириш – рўйхатдан ўтган талабага пароль, шунингдек, тўлов ва ОТТ ўқиш шартларини тақдим этадиган БКнинг вазифаси.

Педагогик ахборот технологиялари – компьютер ва тармоқ технологияси ҳамда дидактик воситалардан фойдаланига асосланган таълим.

Пост–тест – баҳо учун тест. Ўтилган мавзулар бўйича талабаларнинг билимини текшириш.

Пре–тест – баҳо қўйилмайдиган тест. У талаба янги мавзу билан қанчалик танишлиги, аввалги масалаларнинг қайсиларини ўқитувчи тушунтириши ёки қўшимча амалиёт ўтказиши зарур эканлигини аниқлайди. Бу ўқитшга янада эътиборни кучайтириш учун қўлланилади.

Процессор – программани шарҳлаш учун мўлжалланган ЭҲМ қурилмаси ёки функционал қисми.

Процессорлараро алоқа – кўп процессорли ЭҲМларда, процессорлар орасидаги алоқа.

Рўйхатга олиш – МЎТ ашёларига кириш ҳуқуқини олиш учун фойдаланувчи ҳақидаги маълумотлар (логин, пароль)ни киритиш жараёни.

Сервер – МЎТнинг ишлаб туришини таъминлашга мўлжалланган дастур – техник мажмуа.

“Сичқон” – (mouse, «мышь») – дисплей экранида кўрсаткич ҳолатини ўзгартириш ва тизимнинг маълум амалларини бажаришга ундовчи қурилма; маълум бир текисликда силжитиш натижасида ўз фаолиятини юритувчи, маҳаллийлашган кичик қурилма; график маълумотларни киритиш манипулятори.

Таълимнинг компьютер технологияси–компьютер техникаси, телеком-муникация алоқаси, шунингдек ахборотларни ифодалаш, узатиш, йиғиш, билиш фаолиятини назорат қилиш, башқаришни ташкил этиш бўйича ўқитувчининг вазифаларини моделловчи интерфаол дастурий маҳсулот.

Таълимни компьютерлаштириш – у таълим жараёнидаги ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш, бошқариш ва таҳлил қилиб ўрганиш жараёнларининг универсал дидактик асосларидан бири бўлиб ҳисобланади. Жамиятда инсон фаолиятининг барча соҳалари компьютерлаштирилаётган ҳозирги шароитда ёш авлодни компьютер билан эркин мулоқот қилишга ўргатиш ҳам муҳим ҳисобланади. Зеро, ёшларнинг компьютердан кенг фойдалана олиши жамиятда фан-техника тараққиётининг жадаллашишини ва шу асосда ижтимоий-иктисодий ривожланишига эришиш учун хизмат қилади.

Телеконференция – ахборотларни узатиш ва қайта қабул қилишнинг рақамли техникаси имконияти телеконференция – янги техник даражадаги телефон ва телевидениенинг бир қўшилган варианты.

Телеконференция ўтказиш технологияси бир пайтнинг ўзида турли муассасаларнинг турли масофадаги кишилар билан биргаликда турли мулоқатлар қилиш имкониятини яратишдан иборат. Иштирокчилар бунда бир-бирин кўриш ва эшитиши билан бирга ёнма-ён, юзма-юз турганидек шароитга эга бўладилар.

Муаммовий конференциялар ўтказишда, кутубхоналар форталига уланишда, олий аттестация комиссиясидаги форталга уланишда, нуфузли олий ўқув юртларининг интеллектуал салоҳиятдан фойдаланиш орқали ҳам таълим-тарбияда истиқболли натижаларни қўлга киритиш мумкин.

Муаммоларнинг ечимини тезкор ҳал қилишда, фойдаланувчиларни моддий жиҳатдан иқтисодни ва вақтини тежашда, ахборотларнинг барча турларидан фойдаланиш имкониятини яратишда, қарорлар қабул қилишнинг оптимал вариантларини яратишда телеконференция пайтида ҳар қандай иштирокчи, унга тегишли маълумотлар базасидан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришдан фойдаланилади. Масофадан туриб маълумот алмашиш ва ундаги оптимал вариантларни танлаш борасида ривожланиб, такомиллашиб бораверади.

Телеконференция ўтказиш учун факсимиль алоқа, телевизион-камера, дисплей, акустик аппаратуралар керак бўлади.

Телекоммуникацион инфратузилма – компаниянинг телекоммуникацион инфратузилмаси бўлиб турли ахборотларни: автоматлашган бошқарув тизимлари маълумотлари, электрон хабарлар,

интернет-графика, турли файллар ҳамда овоз ва видео кўринишидаги ахборотларни узатиш вазифасини ҳал қилувчи ўзаро алоқадор тизимлар мажмуасидир.

Телекоммуникация – симли, радио, оптик ёки бошқа электромагнит тизимлардан фойдаланиб сигнал, белги, матн, тасвир ва товушларни ёки бошқа кўринишдаги ахборотни узатиш, қабул қилиш ва унга ишлов бериш жараёни. Ахборот-коммуникация технологиялари асосида маълумотларни масофадан узатиш жараёни.

Тизим – атамаси икки хил маънода ишлатилади. Улар: тизим – хосса сифатида; тизим – объект сифатида. Шахсий компьютерлар асосида локал ва кўп поғонали ҳисоблаш тармоқлари яратилмоқда ва уларни жорий этиш ижобий натижалар беради.

Ҳисоблаш тармоқлари ўзида маълумотларга ишлов беришнинг яхлит компьютер тизимлари (ЯКТ)ни мужассамлаштиради. Маълумотларга ишлов беришнинг ЯКТ маълумотларни тасвирлашнинг ягона усулига, тизим компьютерлари билан фойдаланувчи ўртасидаги ўзаро муносабатнинг ягона усулига асосланган ҳамда мутахассисларнинг ва уларнинг профессионал ишларида ахборотга ва ҳисоблага бўлган талабини қондирувчи мураккаб-технологик ва дастурий мажмуадир.

Файл – ягона яхлит деб қараладиган маълумотлар ёки дастурлар мажмуаси. Файл ўз номига эга бўлган ва тизимда сақланадиган маълумотларнинг асосий элементи бўлган объектдир.

Фойдаланувчи файлни яратиши, таҳрирлаши, бир қурилмадан бошқасига жўнатиши ва йўқ қилиши мумкин.

Ҳар бир файл атрибутлар ва ундаги ахборотдан иборат. Файлнинг атрибутларига, биринчи навбатда унинг исми ахборот тури, яратиш кун ва вақти, ундан эркин фойдаланиш усули, уни ишлатишга рухсат бериш шартлари киради. Файлни кузатиб бориш муҳим тушунчалардандир. У даврий захира нусхаларини яратиш ва файлни самаралироқ излаш имконини берадиган тарзда ташкил қилишни назарда тутати. Матн, график ва товуш файллари ажратилади.

Файл вируси – кўпайиш жараёнида у ёки бу усул асосида бирор бир операцион тизимнинг (ёки тизимларнинг) файл тизимини ишлатадиган вирус. Амалда, файл вируси барча оммавий операцион тизимларнинг бажараётган ҳамма файлларига юқиши мумкин. Дастурнинг дастлабки матнини, кутубхона ёки объектли мо-

дулларни ўз ичига олган файлларни ҳам захарлайдиган вируслар мавжуд. Вирус, маълумотлар файлига ҳам ёзилиши мумкин. Бироқ, бу вируснинг хатоси туфайли ёки унинг тажовузкорлигини намён бўлиши оқибатидир. Макро – вируслар ҳам, ўзларининг кодларини маълумотлар файлларига, ҳужжатлар ёки электрон жадвалларга ёзиб қўядилар, аммо бундай вируслар махсус аломатга эга бўлиб, алоҳида гуруҳ ҳосил қиладилар.

Факс-модем – ичига алоқа ўрнатиш, модуляция ва тасвирларни узатиш бўйича факс баённомалари ўрнатилган модем. Бундай модем одатий модемлар (маълумотларни узатиш баённомалари воситасида) каби, факсмашиналар (тасвирни узатиш баённомалари орқали) билан ҳам ишлай олади. Одатда, барча замонавий модемлар факсларни бирдай яхши узата оладилар. Лекин одатий факслардан қолишмасида қабул қилиш вазифасини уларнинг ҳаммаси ҳам эплай олавермайди.

Флеш – Macromedia Flash – тармоқда, ўзаро фаол векторли графикани ва анимацияни яратиш имконини берадиган дастур. Веб – дизайнерлар Flashни турли тугмачаларни, айлангириш чизгичларини, менюни, анимациялашган логотурларни ва бошқа элементларни шу жумладан товушни яратиш учун ишлатадилар. Flash файллари ихчам ва тез юкланади

Формат – ахборот объектнинг тузилмаси. Формат маълумотларни турли объектларда, яъни жадвалларда, принтерларда, маълумотлар блокларида жойлашиш ва ифодаланиш усуларини белгилайди. Манзиллар, кодлар, буйруқлар, саҳифалар, қаторлар ва ҳоказоларнинг форматларини ажратадилар. Компьютер билан боғлиқ барча тушунчалар ўзининг форматига эга.

Форматлаш – 1. Хотира қурилмасини, одатда дискни ёзишга ва ўқишга тайёрлаш. Дискни форматлашда операцион тизим дискда жойлашган барча ахборотни ўчиради, дискни ҳамма соҳаларининг ишончилигини текширади, яроқсиз соҳаларни белгилайди ва манзиллар жадвалини яратади. Булар кейинчалик дискдаги ахборотни топиш учун ишлатилади.

2. Танланган форматга монанд бажарилаётган ҳаракат. Махсус дастурлар ёрдамида бажарилади. Масалан, матнни форматлаш, уни сақлаш, узатиш, чоплаш ёки экранга, ёки принтерга чиқариладиган кўринишга келтиришдир. Бу жараёнга сарлавҳалар ва хатбошла-

рини шакллантириш, қагорларни ўнг тарафдан текислаш, саҳифаларга бўлиш киради.

Хабар – компьютер тармоғи бўйича узатилган бирор бир моддий кўринишга эга бўлган ва истеъмол учун тайёрланган маълумот.

Хотира – 1. Маълумотлар жойлаштириш, сақланиши ва олиниши мумкин бўлган функционал курилма.

2. Буйруқларни бажариш учун ишлатиладиган ишлов бериш курилмаси ва ҳар қандай бошқа ички хотирадаги бутун манзил макони.

Электрон алоқа – бу технология таълим-тарбия жараёнида таълим берувчи билан таълим олувчи ўртасидаги алоқани танлаб беришда қанчалик муҳим бўлса, ёшлар орасида ўтказиладиган турли анжуманлардаги ўзаро алоқаларда ҳам ундан самарали фойдаланиш мумкин.

Электрон алоқа орқали мунозарали формлар ўтказиш ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш учун турли рўйхатларни жонлантиришни ташкил этишга мўлжалланган.

Ёпиқ компьютерли анжуманларга нафақат пуллик, балки, маълум бир даражадаги ёки касбга эга бўлган ёшлар учун мўлжалланган бепул анжуманлар ҳам киради.

Кўпгина яқин ва узоқ хорижий давлатларда, шу жумладан, Россияда гуруҳий манзиллар, обуналар, саралаш ва маълумотларни жўнатишларни ташкил этиш учун алоқали анжуманлар ўтказишнинг махсус ускунавий воситалар ишлаб чиқишда фойдаланилади.

Кўпчилик ўқув алоқа анжуманларида мунозараларни бошқариш ва уларни мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқ. Бундай анжуманлар модерланувчи ҳисобланади. Ушбу технологияда ўқув жараёнида фойдаланишнинг самараси кўп томондан модератор (фасилитёр) нинг ихтисослаштирилганлиги, унинг ўқув курси мақсадига энг юқори даражада эришилишини таъминлайдиган мунозараларни бошқара олиш жараёнида фойдаланиб борилаверади.

Электрон дарслик – анъанавий дарслиқдан фарқли ўлароқ, фанга оид тегишли материалларни динамик талқинда, яъни фойдаланувчи эътиборини жалб қилувчи турли ранглардан, мультимедиа, аудио ва видео анимациялар, гипермуружаатлардан ўринли фойдаланган ҳолда тузилган ёхуд дастурлаштирилган дарслиқдир. У компьютер технологиясига асосланган ўқув услубини қўллашга,

мустақил таълим олишга ҳамда фанга оид ўқув материаллари, илмий адабиётларнинг ҳар томонлама самарали ўзлаштиришига мўлжалланган адабиёт.

Электрон китоблар (ЭК) – таълим тизимига CD – ROM ва мультимедиа технологияларининг кенг жорий қилиниши, электрон китобларнинг ишлаб чиқилишига ва уларнинг таълим-тарбияда самарали қўлланишига катта имкониятлар яратиш жараёни.

ЭК лар тўртта йўналишдан иборат. Улар: комусий; маълумот берувчи; ўқитувчи; имтиҳон олувчи. ЭК лар ахборот турлари ва уларни фойдаланувчига етказиб бериш билан шуғулланади. Бунда мультимедиали китоблар – битга ахборот ташувчи воситага жамланган ҳамда матнли овозли статик динамик ва видеотасвирли маълумотлардан ташкил топган китоблардир.

Яриммедиа китоблар – мультимедиа китоблардан фарқли равишда маълумотларни етказиб беришда турли воситаларнинг комбинациясидан фойдаланувчи китоблар. **Гипермедиа китоблар** – мультимедиали китобларнинг такомиллашган шакли бўлиб, бунда фойдаланувчи асосий матндан ташқари турли қўшимча манбаларга ҳам (шарҳларга, атамаларнинг изоҳларига, тузатишларига) мурожаат қилиши мумкин бўлган китоблардир.

Интеллектуал китоблар – имтиҳон олувчи китобларга ўхшаш бўлиб, бунда талабаларнинг қобилиятлари, билим даражалари, махсус тестлар ёрдамида уларнинг компьютер билан мулоқати жараёнида аниқланади ва баҳоланади.

Телемедиа китоблар – телекоммуникация воситалари ёрдамида масофадан ўқитишга хизмат қилувчи китоблардир. **Кибернетик китоблар** – математик моделлаштириш воситалари ёрдамида ҳодисаларни ва объектларни ҳар томонлама ўрганиш ва тадқиқ қилишга ёрдам берувчи китоблар.

Экран графикаси – график дисплейлардан фойдаланишга мўлжалланган қурилма.

Электрон почта – ахборот алмашиш хизматни кўрсатиш воситаси. Ундан фойдаланувчи ҳар қандай ташкилот ва ҳаттоки ўз уйида терминал орқали керакли манзилни кўрсатган ҳолда ахборот жўнатиш мумкин ёки қабул қилиб олиш мумкин. Бунинг учун ахборот компьютерда юборилади, у ерда эса тегишли манзилнинг электрон қутисига файл жўнатилади.

Мақсад: Босма материаллар, фотография, жадвал, график иш коғозлари ва журналларни электрон почта усулида жўнатилади.

Вазифаси: Ахборотлар (хат-хабарлар) ни узатиш ва қайта иш-лашнинг электрон усулидан фойдаланиш.

Ахборот узатишнинг ушбу усули сифатидан таълим олувчилар, масофавий таълим билан шуғулланувчилар учун қўл келади.

Электрон почта хизматидан фойдаланувчи ўқ файлини олиб кўриш орқали ахборотни қабул қилиб олиш мумкин. Ушбу жараёнда ахборот имзоланган ва тасдиқланган расмий хужжат ёки график, фото ва ҳоказолардан иборат бўлса, у ҳолда факсимил хизматидан фойдаланилади. Улар қуйидагилар: ахборотни жўнатувчи ва олувчиларнинг иш вақтига унчалик халақит бермайди; ахборот олувчининг бошқа жойга боришига ҳожат йўқ; электрон почта кутисига (файлига) кириш қийинчилик тўғдирмайди; чунки алоқа бўлимларида, меҳмонхона ва шу қабиларда мавжуд терминаллар ва умумий фойдаланишга мўлжалланган; ҳар қандай турдаги ахборотларни, жумладан, молиявий хужжатлар, чизмалар, иш коғозларини узатиш имконияти кенгайди.

Электрон шаклдаги ўқув-услубий материаллар – булар электрон дарслик, электрон ўқув қўлланмалар, электрон маъруза матнлари, электрон кутубхоналар, мос (CD, Flash ва ҳ.к.) сизимдаги аудиовизуал материаллар, интерфаол ўқув курслари, компьютерда ҳисоблаш тажрибасини ўтказиш учун лаборатория вазифалари, тест синовларини ўтқизиш бўйича тизимлар.

Электрон ўқув адабиётлар (ЭЎА) – замонавий ахборот технологиялари асосида маълумотларни тўплаш, тасвирлаш, янгилаш, сақлаш, билимларни интерактив усулда тақдим ва назорат қилиш имкониятларига эга бўлган манбадир.

ЭЎАни яратишда қўшимча равишда қуйидагиларга ҳам эътиборни қаратиш керак:

– режалаштирилган (эгалламоқчи бўлган) касбни мустаҳкам эгаллашга, унга қизиқишни кучайтириш ҳақида рақобатбардош мутахассислар тайёрлашни таъминлашга;

– мустақил ва эркин фикр юритиш, тўғри қарор қабул қилишга қодир бўлган шахсларни тарбиялашга;

– маълум фан соҳасига оид хусусиятларни инобатга олиб илм-фаннинг охириги ютуқларини ўзида мужассамлаштирган кўргазмали маълумот беришга ва ҳақозога. (Тойлоқов Н., Маллаев З.

Касбий таълим учун ахборот технологияларига асосланган ўқув адабиётларини яратиш «Касбий таълим муаммолари» Res.илми-амалий конференция материаллари. Самарканд 2003й. 50 бет.)

Янги ахборот технологиялар – ҳисоблаш техникаси ва алоқа воситалари асосида ахборотларни тўплаш, сақлаш ва керакли манбаларга узатишнинг замонавий усуллари.

Таълимни ахборотлаштириш орқали таълим сифатини оширишни кафолатлайди. ЯАТ – бу ахборотларни қабул қилиш, қайта ишлаш билан шуғулланади ва натижада янги (фойдаланувчига керакли кўринишдаги) ахборотни компьютер ёрдамида ишлаб чиқилади.

Умуман олганда, ЯАТ деганда қандайдир яратиш фаолиятини амалга оширувчи компьютер ва унда жорий этилган дастурий таъминот назарда тутилади ва бу ўз навбатида замонавий таълим технологиялари яратиш ва ундан амалиётда самарали фойдаланишга кенг имкониятлар яратади.

Яриммедия китоблар – мультимедия китоблардан фаркли равишда, маълумотларни етказиб беришда турли воситаларнинг (CD-ROM, магнит диск, қоғоз ва ҳ.к) мажмуасидан фойдаланувчи китоблардир.

Яхлит компьютер тизимлари (ЯКТ) – бу маълумотларга қайта ишлов беришга мўлжалланган тизим бўлиб, у маълумотларни тасвирлашнинг ва тизим коапанентлари билан фойдаланувчи ўртасидаги ўзаро муносабатнинг ягона усулига ҳамда мутахассислар ва уларнинг профессионал ишларида ахборотга ва ҳисоблашга бўлган талабни қондирувчи мураккаб ахборот-технологик ва дастурий мажмуадир.

ЯКТ шахсий компьютерлар ёрдамида локал ва кўп поғонали ҳисоблаш тармоқлари асосида яратилмоқда. Бу тармоқлар ўз навбатида маълумотларга ишлов беришнинг ЯКТни мужассамлаштиради.

Аниқ тушунчалар – ўзининг номига эга бўлган аниқ географик борлик, худуд. Волга дарёси, Қора денгиз. Аниқ тушунчаларнинг моҳияти географик баёнларда очиб берилади. Аниқ тушунчалар: Африка, Франция, Помир.

Академия – билим ва йўналишларнинг муайян соҳаси бўйича олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурини амалга оширади.

Бакалаврият – мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим муддати камида 4 йил давом этадиган таянч олий таълим.

Билимлар – атроф-муҳитни билиш натижалари, унинг инсон онгида ҳақиқий акс этишидир, дейишга имконият беради.

Билишга бўлган қизиқиш – ўқитишдаги ўзига хос қизиқиш туридир.

Билимга йўналтирилган ёндашувида – билим инсониятнинг бутун тарихий тажрибаларида тўпланган бой маънавий бойлик сифатида диққат марказда бўлади.

Дастурли маъруза-маслаҳат (ДММ) – бу талабаларни муаммо муҳокамасига фаол иштирок этишга мажбурлайдиган маъруза тури бўлиб, унда жамият жамоавий маслаҳатдан ўқитувчининг ўзи талабаларга саволлар тузишни таклиф этади. ДММ бир муаммога бағишланган циклли маърузалардан кейин ташкил этиш ҳам мумкин.

Дидактик воситалар – ўқув фанини ўзлаштириш самарадорлигини оширувчи педагогик усул.

Дифференциалланган таълим – талабанинг мойиллиги, қизиқиши ва қобилияти эътиборга олинган ўқув фаолияти табақалаштирилган жараён.

Бошқариш функцияси (БФ) – бошқаришнинг ихтиёрий фаолиятида бошқариш мазмун-моҳиятини ифодаловчи, асосланган математик ифода.

БФ ҳодиса ва жараёнларни бошқариш алгоритминини амал қилиш қонуниятини ифодалайди. Бошқариш алгоритмининг асосини ташкил қилиб, таълим-тарбия жараёнидаги бошқарув фаолияти алгоритмик тизими бошқарув функцияси орқали бошқарув алгоритминини ишга туширади.

БФ таълим-тарбия жараёнидаги фаолиятни оптимал бошқаришга имконият яратади ва бошқаришда тескари алоқани ҳам йўлга қўйиш мумкин. Бу эса таълим-тарбия жараёнини ростлаш ишларида жуда катта имкониятдир. БФ таълим-тарбия жараёнини оптимал бошқариш ишларни амалга оширишнинг барча босқичларида фойдаланилади.

БФ кишилиқ жамияти фаолиятида ҳар доим фойдаланилади ва бошқариш натижаларини доимо назорат қилиб бориш имкониятини беради ҳамда режалаштирилган натижага етиб боришни кафолатлайди.

“Бумеранг” технологияси – дарс жараёнида янги мавзунини ўрганишда, дарсдан ташқарида қўшимча қўшимча манбалар, матнлар ва адабиётлар билан ишлаганда қўлланиладиган технологиялардан бири бўлиб, бу технология ўқувчининг мустақил билим эгаллаши ва шу эгалланган билимни бошқа ўқувчиларга ўргатишга асосланади. Бунда ўқувчида ўз билимини бошқаларга ўргатиш орқали эслаб қолиш қобилияти ва нутқ маданияти ривожланади.

Дидиатик тамойиллар – натижавийликни таъминлайдиган таълим жараёнига қўйилган энг муҳим талаблар тизими.

Жараён – берилган шартларда бажариладиган, объект ёки ҳодиса орқали аниқланадиган, кўзда тутилган ҳодисалар кетма-кетлиги; кўзда тутилган мақсад ёки натижага мос равишда содир бўладиган воқеалар оқими; иш бирлиги ва манбалар истеъмолини намоён қилувчи ҳаракатларнинг кетма-кет бажарилиши.

Замонавий педагогик технолги (ЗПТ)ни қўллашдаги омиллар: ўқув жараёнини ДТС доирасида ташкил этиш; ўқув режарининг бажарилишини таъминлаш; фан дастурлари асосида ўқитишни ташкил этиш; ўқитишда фанларнинг кетма-кетлиги ва узвий боғланишини таъминлаш; таълим натижалари мониторингини ташкил этиш; профессор-ўқитувчилар илмий салоҳияти.

Зеҳн – муайян бир фаолиятга ёки кўпгина нарсаларга нисбатан ортиқча қизиқувчанликда, мойилликда, интилишда намоён бўлади. Зеҳн натижалари деганда қобилиятнинг ички имкониятларини табиий асосини тушуниш мақсадга мувофиқ.

Зеҳни ўткирлик, фаросатлилик; янги ёки мураккаб назарий ҳамда амалий масалаларни ҳал қилишнинг тўғри йўллари тез топа олишдан иборат ақл сифати.

Ижодий тадқиқот ишлари – бундай ишларда вазифа муаммоли вазиятнинг юзага келишини такозо қиладиган шароит яратишдан иборат бўлади. Талаба ўз фаолиятида тайёр намуналардан озод бўлган ҳолда масаланинг ҳал қилиниш йўллари кидиради, тадқиқ қилади. Бундай ишлар сирасига эксперимент қўйиш, жиҳозлар, макетлар ва дастгоҳларни лойиҳалаш билан боғлиқ бўлган вазифалар киради.

Ижтимоий ҳамкорлик – хилма-хил фикр ва қарашларга эга бўлган, турли миллат, ирқ ва динга мансуб шахс ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлиги.

Инновация (инглизча innovation) – янгилик киритиш, янгиликдир.

Инновацион технологиялар – иқтисодиётга янгиликларни татиқ этиш босқичларида қўлланилувчи усул ва воситалар мажмуи бўлиб, ўз ичига жорий этиш, тренинг, консалтинг, трансферт, аудит, инжиниринг каби турларини олади.

Инновация жараёни – бу янгиликнинг илмий-техник, ишлаб чиқариш-иқтисодий ва ижтимоий-ташкилий салоҳиятини яратиш, ривожлантириш ва ундан фойдаланиш жараёнидир. Инновация жараёнининг қуйидаги босқичлари мавжуд – янгиликни яратиш, уни ўзлаштириш, тарқатиш ва такомиллаштириш.

Интеллектуал фаоллик кўрсаткичлари – савол ва жавоб мустақил-лиги, жонли фаолиятга ўз ташаббуси билан киришишга интилиш.

Институт – бир билим соҳаси миқёсида муайян йўналиш олий, шунингдек, олий ўқув юртдан кейинги таълим дастурини амалга оширади.

Иродани намойиш қилиш – жиддий диққат қилиш, кучсиз чалғиш, ўқув ишларини тугаллашга интилиш.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури – «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1997 йил 29 августда қабул қилинган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимининг жаҳон миқёсидаги ютуқлари асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўл-

ган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган.

Кейс-стади (инглизча case – вазият, ҳолат, study –ўрганиш). Кейс-стадида баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган *ўқитиш усули*дир.

Кейс-стади – ўқитиш, ахборотлар, коммуникация ва бошқарувнинг қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва кейс-стадида баён қилинган амалий муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнида прогноз қилинадиган ўқув натижаларига қафолатли етишишни воситали тарзда таъминлайдиган бир тартибга келтирилган оптимал усуллари ва воситалари мажмуидан иборат бўлган *ўқитиш технологияси*дир.

Комил инсон – ҳам миллий, ҳам башарий моҳиятга эга бўлган, одамзодга хос энг юксак маънавий ва жисмоний баркамолликни мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олижаноб ғоя асосида тарбияланган шахс.

Креативлик термини – англия-америка психологиясида 60-йилларда пайдо бўлди. У индивиднинг янги тушунча яратиши ва янги кўникмалар ҳосил қилиш қобилияти, хислатини билдиради.

Кучли жамият – мустақкам негизнинг барқарорлиги таъминланган, давлатнинг бошқарувчилик фаолияти қисқариб, жамоат ташкилотларининг роли кучайган, фуқароларнинг қонун асосида, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадриятларга айланган жамият.

Кўникмалар – бу фаолият методлари, бу методлар орқали талабалар олган билимларини амалда қўллашади. Кўникма – автоматик тарзда бирор ҳаракатни бажариш қобилияти.

Малака – мавжуд билимлар асосида ўзгариб турувчи ёки янги шароитда шахснинг муайян фаолиятни самарали бажаришга қаратилган қобилияти сифатида белгиланади.

Магистратура – аниқ ихтисослик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриат негизида камида икки йил давом этадиган олий таълим.

Маъруза (лот. *Lectio* – ўқимок) – ўқув материални маълум кетма-кетликда баён этиш.

Метод – табиий ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини тадқиқ қилиш, билиш усули.

Методика – ўқув жараёнини ташкил қилишда мақсадга мувофиқ қўлланиладиган метод.

Меҳнат – инсонларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондирувчи ижтимоий фойдали маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган фаолиятдир.

Модернизация – объектни такомиллаштириш, яхшилаш, янгилаш, уни янги талаб ва меъёрларга, техник шарт-шароитларга, сифат кўрсаткичларига мослаштириш.

Мотивлар – бу ички кучлар бўлиб, эҳтиёжлар билан боғланган ва у шахсни белгили фаолиятга ундайди..

Мустақиллик – (арабчада: тобе эмаслик, ихтиёри ўзидалиқ, қарам эмаслик) – эркин ва озод равишда, бошқаларнинг раҳбарлигисиз иш юрита билиш. Мустақиллик барча жабҳаларда муносабатларни меъёр-мезонга солади, ҳар қандай камситиш, тобеликни инкор этади. Мустақиллик – ўзаро ҳурмат, бир-бирларини қадрлаш, миллий ва башарий қадриятларга таяниб иш кўриш, кенг дунёқараш ва эркин тафаккурга таяниб яшаш, фикрлаш, ўз ҳаётини ўзи ташкил этиш имконияти ва амалиётини билдиради.

Мулоқотнинг янги вазияти – бу ўқитувчининг ўз мустақиллик мавқеини, дунёга, педагогик фан, ўзига бўлган янги муносабатни ярата олиш қобилиятидир.

Намуналар бўйича мустақил ишлар – типик вазифаларни, турли машқларни намуна асосида ечишдир. Улар материални ўзлаштиришга омил бўлади, лекин талабаларнинг ижодий фаоллигини ўстирмайди.

Педагогик технология – талабанинг олдиндан белгиланган ижтимоий сифатларини самарали шакллантирувчи ва аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнига тизим сифатида ёндашиб, уни ташкил қилувчи қисмлари бўлган педагогнинг ўқитиш воситалари ёрдамида талабаларга маълум бир шароитда муайян кетма-кетликда кўрсатган таъсирни назоратда тутувчи ва таълим натижасини баҳолаб берувчи технологиялашган таълимий тадбирлар тизимидир.

Перцептив билиш фаолияти – бу фаолиятнинг шундай наъмунасики, унда предмет, воқеа, ҳодиса ва улар ҳақидаги айрим маълумотлар белгилари ва мазмуни оғзаки ва ёзма нутқ воситасида акс

этирилади. Перцептив фаолият сезгидан бошланади ва тасаввурларни ифодалаш билан якунланади.

Потенциал креативлик – Н.М Гнатьконинг фикрича, муайян ташки шароитларда фаол креативликка айланишга назарий тайёр шаклда намоён бўладиган индивидуумнинг потенциал жойлашишини англатувчи креатив фаолиятдир. Потенциал креативлик ижоднинг зарурий субъектив шартидир.

Продуктив билиш фаолияти – фаолиятнинг шундай намунасики, у турли тоифадаги ижодий вазифаларни ҳал қилишга қаратилган. Продуктив билиш фаолиятининг турларидан бири – эвристик фаолиятдир. Эвристик фаолият талабаларнинг мустақил ишлари билан бирга амалга оширилади.

Проспектив рефлексия – бу фаолиятнинг амалга ошишига бўлган талабнинг ҳукм суриш динамикаси.

Рекоинструктив-вариатив мустақил ишлар – нафақат билимларнинг амалий тавсифномасини, балки билимлар тузилмасини қайта ишлаб чиқишни, масала, муаммони ечишда мавжуд билимларни жалб қилишни кўзда тутати.

Репродуктив билиш фаолияти – бу фаолият билимларни амалий ва ижодий фаолиятда пировард натижада қайта ишлаб чиқиш билан боғлангандир. Билиш фаолиятининг бу намунаси билимларни ўзлаштириш, уларни ижодий ишда қўллаш, ўқув фаолиятининг турли усулларини эгаллашни қамраб олади.

Ретроспектив рефлексия – бу "содир этилган фаолият тарихининг ретроспектив тикланиш шаклидаги рефлексиясидир".

Рефлексия –(лотинча Reflexio- ортга қайтиш) субъектнинг ўз (ички) психик туйғу ва ҳолатларини билиш жараёни сифатида қаралади.

Тадқиқий мустақил ишлар – тадқиқот муаммосини кўра олиш малакасини, уни мустақил ифодалай олиш, фаразни белгилаб олиш, муаммонинг ҳал қилиниш режасини ишлаб чиқиш, уни ҳал қилишни мўлжаллайди.

Таълим сифати – бу таълим жараёнининг турли қатнашчиларини ўқув массасаси томонидан кўрсатилган таълим хизматларидан қоникши даражаси ёки таълимда қўйилган мақсад ва вазифаларга эришганлик даражаси.

Тизим – объект сифатида жуда мураккаб ва маълум шаклда тартибланган (узлуксиз таълим тизими, таълим-тарбия жараёни ва шу

кабилар) ички тузилмага эга бўлган жараёнларда намоён бўлади ва қаралаётган жараённи тизимий ўрганишга имконият яратади.

Тизим қўйилган мақсадларга эришиш мақсадида бирлашган, бошқарув персоналининг характерларини ўзаро мувофиқлаштириш ва бир-бирига мослаш соҳаларида ишлатилади.

Тизим, тизимий таҳлил ва тизимий ёндашув жараёнларида мунтазам фойдаланилиб бораверади ва тадқиқот ишларини самарали олиб боришнинг асосий негизларидан бирини таъминлайди.

Тизим – хосса сифатида макон ва замондаги муайян миқдордаги ҳамма тартибланган унсурлардан ва уларнинг рационал комбинациясидан ташкил топган. Бу унсурларнинг ҳар бири бутун объект фаолиятининг муваффақиятига таъсир этади.

Университет – билим соҳалари ва йўналишларининг кенг тармоқлари бўйича олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурини амалга оширади.

Усул – методнинг унсури бўлиб, унинг таркибий қисми, методни амалга оширишда бир мартагина қўлланади ва алоҳида қадам ҳисобланади.

Фаол мулоқат – программа ёки тизимга тегишли галма –галдан киришни қабул қилиш ва жавобини чиқариш. Давом этувчи фаол мулоқотли тизимда, фойдаланувчи ва тизим орасидаги мулоқот.

Фаолиятдаги креативлик – Н.М.Гнатъконинг фикрича, фаолиятнинг бирор турида ижодий фаоллик кўрсатувчининг бевоқиф тайёргарлигини таъминлайдиган фаолиятининг у ёки бу тури тавсифли потенциал креатив индивидуумнинг индивидуал тавсифлари алоқаларини юзага келтиради. Фаол креативлик ижоднинг энг муҳим субъектив шартидир.

Фикрлаш фаолияти – умумлаштириш ва абстракция лашнинг олий даражасига кўтарилади, ҳодисаларнинг сабабий боғланишлари йўналишини оширади, унда аҳволни асослаш ва исботлаш малакаси шаклланади, фикрлашда танкидийлик ривожланади.

Формал назария ёки дидактик формализм – таълим мазмунини қобилиятлар ва билишга бўлган қизиқишни ўстириш воситаси сифатида тушунтиради.

Ҳиссиётни намоён қилиш – нафрат, қувонч, безовта бўлиш, интеллектуал ҳолатдаги ҳиссиёт.

Шахс муносабатлари тажрибаси. Бу асослаш (мотивация) – баҳолаш, ҳиссийлик, иродалилиқ муносабатлар тизимидан иборат-

дир. Бу тажриба дунёга, вокеликка, одамларга баҳо бериш муносабатида намоён бўлади.

Ўз хатти-ҳаракатларини эркин танлаш – ўқув машғулотларидан бошқа вақтларда у ёки бу машғулотларни эркин танлай олиш.

Ўйин – шартли вазиятларда ижтимоий тажрибани ўзлаштиришга қаратилган фаолият тури.

Ўрганиш – бу меҳнат фаолиятини бажариш учун зарур бўлган билим, малака ва кўникмаларни мунтазам эгаллаш жараёнидир.

Ўрганиш методлари билим, малака ва кўникмаларни ижодий эгаллашга ҳамда методик ва ғоявий-сиёсий эътиқодларни ишлаб чиқишга қаратилган талабаларнинг илмий билиш фаолияти усули сифатида белгиланади.

Ўқиш – талабанинг ўз қобилияти, билими, малака ва кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган ҳаракати.

Ўқитиш методи – мураккаб, кўп қиррали, кўп сифатларга эга бўлган таълимдир.

Ўқитиш методлари билимларни бериш усуллари сифатида қаралади ва талабаларнинг илмий билиш фаолиятига раҳбарлик қилишга қаратилган бўлади ҳамда ўқув жараёнида олим педагогнинг талабаларга таъсир кўрсатишини шакллантиради.

Ўқитиш сифати – таълим муассасаси битирувчисининг билим ва малакаларини педагогик талабларга мос келган ҳолда меҳнат бозорида рақобатбардошлигини таъминловчи даража.

Эвристик мустақил ишлар – маъруза, лаборатория, амалий машғулотлар, семинарларда қўйилган айрим масала, муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқдир.


Эмперик билимлар – тасаввур: географик борлиқнинг хаёлий тасвири шакли, тасаввури, образи. Аниқ тасаввур воқеа ва ҳодисаларни бевосита кўриш орқалим пайдо бўлади. Хаёлий тасаввур эса маълум бир ҳодисаларни ва шароитларни баёнини ёки таърифини ўқиш орқали пайдо бўлади.

ЭЎМТдан фойдаланишда ўқитувчилар учун йўриқнома

ЭЎМТдан фойдаланишда ўқитувчилар учун йўриқнома


1. Веб-серверни ўрнатиш:

Веб-сервер дастурини ўрнатиш учун ўрнатиш каталогидан `xampplite.exe` файлини ишга туширилади.




1.1-расм. `xampplite.exe` файлини ишга тушириш ойнаси

Ҳосил бўлган ойнадаги `Extract to` майдонида фақатгина `D:\` ёзуви кўрсатилади, `Extract` тугмасини босилади. Дастур ўз ишини яқунлагач, шахсий компьютернинг `D` дискида `xampplite` номли папка пайдо бўлади. Ўрнатиш каталогидagi `Co'chirish uchun deb номланган папка` ичидаги `xampplite` номли папкани ҳам `D` дискка нухаси кўчирилади. Бунда баъзи файлларни алмаштириш ҳақидаги сўровга `Ҳа (Да, Заменить)` тариқасида жавоб берилади. Шундан сўнг, `d:` дискдаги `xampplite` номли папка очилади ва `xampp_control.exe` дастури ишга туширилади.



1.2-расм. `xampp_control.exe` дастури ишга туширилиши

Ҳосил бўлган ойнада 4 та Startномли тугмалардан 1- ва 2-си босилганда қуйидаги ҳолатни кўриш мумкин бўлади: Apache ва MySQL Runnig ҳолатида ишлайди.Шундан сўнг Internet Explorer дастури ишга туширилади. Бунда адрес қаторида `http://localhost/тајтма/` манзили киритилади ва Enter тугмасини босилади.



1.3-расм. хамpp_control.exe дастури ишга тушган жараёни

Дастур ишга туширилди ва унга маълумотларни киритиш мумкин.


2. *Ўзбекистон табиий географияси электрон ўқув-методик таъминоти порталига ресурсларни жойлаштириш (Admin Panel):*

Порталга янги манбаларни киритиш учун аввало админ панели саҳифаси браузер ойнасига юклаб олинади. Бунинг учун Internet Explorer браузерининг адреслар қаторида бош `url` дан кейин `/admin.php` манзили ёзилганда, қуйидаги саҳифа браузер ойнасига юкланади.



1.4-расм. Порталга янги манбаларни киритиш ойнаси

Ушбу кўрсатилган шаклда администраторнинг логин ва пароли киритилгандан кейин асосий администратор панели саҳифаси юкланади. У қуйидагича кўринишга эга:




1.5-расм. Асосий администратор панели

Тизимга киритиладиган манбалар шартли равишда *Бўлим (категория), Ички бўлим, Саҳифа ва Ички саҳифаларга* ажратиб киритилади. Мас элементни қўшиш учун навигацион қаторнинг жорий бўлимида ойнанинг пастки қисмида жойлашган «*Янги киритиш*» майдони орқали амалга оширилади. Администратор панелида қуйидаги асосий функциялар берилган:

Portalga o'tish | Kutubxona | Rasm qo'shish | Sozlovlar | Bitiruvchi kiritish | Bosh menu elementlari | Qoldirilgan xabarlar | Yangi qo'shish


Portalga o'tish – администрация панелидан порталнинг талаба учун мўлжалланган қисмига ўтишни таъминлайди.

Kutubxona буйруғи фаоллаштирилганда қуйидаги саҳифа браузер ойнасида намоён бўлади: Бу саҳифада келтирилган майдонда Ўзбекистон табиий географияси электрон ўқув-методик таъминотининг электрон кутубхонасига янги электрон ресурс киритиш имкони мавжуд бўлиб, бунинг учун тизим администратори ресурсга тааллуқли бўлган барча маълумотларни, яъни ресурснинг номи, муаллифи, аннотация, формати, яратилган жойи, юкланган файл ва бошқ. киритади, киритиш тугмаси босилади, янги электрон ресурс электрон кутубхонага жойлаштирилади.



1.6-расм. Электрон кутубхонага янги электрон ресурс киритиш

Rasm qo'shish буйруғи фаоллаштирилганда порталнинг фотогалереясига янги расм киритиш саҳифаси намоён бўлади.



1.7-расм. Фотогалереяга янги расм киритиш саҳифаси

Бунда администратор юкоридаги каби юкланаётган расмга учта тилда изох киритади ва юклаш учун файл жойлашган ерни кўрсатади. *Yuklash* тугмаси босилиши натижасида расм фотогалереяга қўшилади.

Sozlovlar бўлимида сайт билан боғлиқ бўлган асосий созловлар амалга оширилади. Куйида созловларнинг тўлиқ тавсифи келтирилади:


Saytning nomi: Ўзбекистон табиий географияси.

Title: Браузер ойнасининг сарлавҳа каторида акс этади.

Pastki qismdagi matn: Портал саҳифасининг пастки қисмида муаллифлик ҳуқуқлари, боғланиш манзиллари кўрсатиладиган матн.

Bosh sahifa Id si: Бош саҳифа сифатида кўрсатиладиган саҳифанинг махсус рақами кўрсатилади.

Yangilik sahifasi Id si: Янгиликлар анонси (рўйхати) кўрсатиладиган саҳифанинг махсус рақами кўрсатилади.



1.8-расм. Администратор талабалар томонидан қолдирилган фикр-мулоҳазалар билан танишиш ойнаси

Bizga yozing sahifasi Id si: Тескариалоқа формаси кўрсатиладиган саҳифанинг махсус рақами кўрсатилади.

Qoldirilgan xabarlar бўлимида администратор талабалар томонидан қолдирилган фикр-мулоҳазалар билан танишиши мумкин.

Yangi qo'shish буйруғини фаоллаштириш орқали жорий навигацион ҳолатга мувофиқ янги элемент (бўлим, ички бўлим ёки саҳифа) киритиш ойнаси кўрсатилади.

Yangi sahifa (maqola, yangilik) qo'yish

Nom: _____

UZ: _____

RU: _____

EN: _____

Miqy: _____

OY: _____ KUN: _____ YIL: _____

Sana: _____

OY: _____

KUN: _____

YIL: _____

Mavzu bilan ta'bir

Ma'lumotlarni saqlash uchun saqlash

Saqlash

1.9-расм. Бўлим, ички бўлим ёки саҳифа киритиш ойнаси

Таҳрирланиши керак бўлган саҳифанинг олдида турган қаламча босилса, шу саҳифанинг таҳрирлаш ойнаси пайдо бўлади. Таҳрирлаш ойнасида керакли ўзгартиришларни кириб, *Сақлаш* тугмасини босилса, ўзгартиришлар сақланди. Худди шунга ўхшаш саҳифани ўчириш ёки ички бўлим ичида жойлашиш тартибини ўзгартириш учун учун мос равишда ✕ (Ўчириш), ⬆️ (Юқорига кўтариш) ва ⬇️ (Пастга тушириш) буйруклари босилади.


Тизимдан фойдаланиш жараёнида аввал талаба тизимда мавжуд *таълим йўналишлари рўйхати ва ўқув режалари* билан танишиб чиқади. Шундан сўнг у шахсий маълумотлари асосида тизимга аъзо бўлади, яъни рўйхатдан ўтади. Рўйхатдан ўтиш учун *Тизимга кириш* бўлимида *Рўйхатдан ўтиш*ёзуви устида сичқонча тугмаси босилади. Рўйхатдан ўтиш саҳифасидаги барча майдонларни тегишли тартибда тўлдириб чиқилади ва рўйхатдан ўтиш тугмаси босилади.

ЎЎМТдан фойдаланишда таълим олувчилар учун йўриқнома

<i>Asosiy sahifa</i>	Икки қисмдан: асосий ва янгиликлардан иборат. Бу тизим география фанининг ўқув методик мажмуаси ҳақида умумий маълумотлар беради.
<i>Geografiya</i>	саҳифада география фанининг ўқув методик мажмуаси маърузалари жойлаштирилган.
<i>Ta'lim resurslari</i>	география фанидан тайёрланган барча таълим ресурслари (электрон кутубхона, ўсимликлар галереяси, ҳайвонот дунёси, лугат, видео роликлар)ни ўз ичига олади
<i>Forum</i>	тизим юзасидан талабалар ўз фикр ва мулоҳазаларини қолдиришлари, тизимнинг бошқа аъзолари (Ўқитувчилар, фанга аъзо бўлган талабалар) билан тегишли фан, маъруза юзасидан муҳокама олиб боришлари мумкин.
<i>Metodika</i>	саҳифадан ўқитувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин. У технологик харита, кўргазмали қуроллар, амалий топшириқар, машғулотлар, ўқув дастури, ишчи ўқув дастури, тест саволлари банки каби бўлимлардан ташкил топган. Ўқитувчи дарс ва дарсга тайёргарлик жараёнида ўзига керакли бўлган маълумотлардан фойдаланиши мумкин.
<i>Talabalar uchun</i>	саҳифа он-лайн тестлар ва соҳа бўйича энциклопедия қисмларидан ташкил топган бўлиб, талаба бу бўлимдан дарс вақтида тушуна олмаган терминларини излаб топиб, танишиб чиқиши мумкин. On-line тестлар орқали ўз билимини сынаб кўриши мумкин. On-line тестлар бўлимида ҳар бир мавзу бўйича тестлар алоҳида берилган. Ҳамда махсус интеллектуал тестлар ҳам мавжуд. Интеллектуал тестлар расми ва мураккаб жавобли тестлардан ташкил топган.
<i>Qo'shimcha ma'lumotlar</i>	саҳифасида бизга ўзингизнинг сайт харитаси бўлимларимавжуд бўлиб, бизга ўзингиз саҳифасида фойдаланувчилар ўз фикр ва мулоҳазаларини юборишлари мумкин. Сайт харитаси эса фойдаланувчиларга сайт ичида ҳаракатланишлариға ёрдам беради.
<i>Fotogalereya</i>	ушбу саҳифада табиий география Фани бўйича барча расмлар жойлаштирилган.


Компьютер тизимига киришда талабалар учун йўриқнома

Талаба компьютер тизимига киришда ўзининг логини ва паролини тўғри киритади ва тизимга киришга рухсат олади ва Windows иш столи экранга чиқади. Windows операцион тизимининг бош менюсига Пуск ёки Ctrl+Esc тугма орқали мурожаат қилади.




3.1-расм. Тизим бош менюси

Тизим бош менюси орқали XAMPPControl ишга туширилади.



3.2-расм. XAMPPControl панели

Ҳосил бўлган ойнада, Хамpp-control панелида 4 та **Start** номли тугмалардан 1- ва 2-си босилади ва ЭЎМТ ишга (3.2-расм) туширилади.



3.3-расм. ЭЎМТнинг бош саҳифаси

ЭЎМТ бош (3.3-расм) саҳифасидан «Geografiya» бўлимини сичконча билан босганда, «O'zbekiston geografiyasi fani ma'ruzalari» қисми очилади.




3.4-расм. Маърузалар ойнаси

Маърузалар рўйхатидан (3.4-расм) «Ўзбекистон табиатига умумий тавсиф. Ўзбекистоннинг географик ўрни, чегаралари ва табиатининг ўзига хос хусусиятлари» мавзуси танланади.


Компьютер дастурлари билан ишлаш жараёнида талабалар учун йўриқнома

Microsoft Word – бу матн муҳаррири. Microsoft Excel – бу электрон жадваллар билан ишловчи дастур. Microsoft Excel дастури ёрдамида яратиладиган ҳужжатлар «.xls» номланади. Microsoft Excel дастурида янги ҳужжат яратилганда, одатда автоматик равишда дастур томонидан унга *Книга1* ном берилади. Компьютер дискида ёки ихтиёрий ахборот ташувчида жойлашган «.xls» кенгайтмали файлга сичқонча кўрсаткичи билан икки марта босилса *Microsoft Excel дастури ишга тушади*. Microsoft Excel дастури *Программы-Microsoft Excel* ёки *Пуск-Программы-Microsoft Office-Microsoft Excel* тартибида ишга туширилади. «Запуск программы» ойнасининг расмда кўрсатилган майдонига *excel* жумлани ёзиб «ОК» тугмаси босилса Microsoft Excel дастури ишга туширилади.



4.1-расм. Microsoft Excel дастури ишга тушириш ойнаси

Microsoft Power Point дастури ёрдамида яратиладиган ҳужжатлар *юлдузчануқта ppt* деб номланади. Microsoft Power Point дастурида янги ҳужжат яратилганда, одатда автоматик равишда дастур томонидан унга *презентация 1* ном берилади. Компьютер дискида ёки ихтиёрий ахборот ташувчида жойлашган «ppt» кенгайтмали файлга сичқонча кўрсаткичи билан икки марта босилса *Microsoft PowerPoint* дастури ишга тушади. Microsoft Power Point дастурида яратилган ҳужжатнинг расмда белгиланган саҳифаси *слайд* деб номланади.




4.2-расм. Microsoft Power Point дастурида ишлаш ойнаси

Microsoft Power Point дастур интерфейсининг расмда келтирилган саҳифаси *слайдлар эскизлари* деб номланади. Дастур ускуналар панелидаги *Файл – Открыть* тугмаси ёрдамида тақдимотларни (презентациясини) очиш мумкин.



4.3-расм. Microsoft Power Point дастурида ишлаш жараёни

Расмда келтирилганидек, Microsoft Power Point дастурининг «Создание презентации» топшириқлар майдонидаги 1 амал ёрдамида тақдимотни мустақил равишда қўлда яратиш мумкин, 2 амал ёрдамида ўз шрифтлар тўплами, фони ва дизайнига эга бўлган шаблонлардан фойдаланиб, тақдимот яратиш мумкин, 3 амал ёрдамида шакл ва мазмун жиҳатдан ўхшаш тақдимот асосида бошқа бир янги тақдимот яратилса бўлади.




4.4-расм. Презентация ойнаси

Файламали ёрдамида мавжуд тақдимотнинг янги номини *Сохранить как* билан сақлаб қўядилар. Расмда келтирилган дастур ускуналар панелидаги тугмалардан 1 янги тақдимот яратиш учун, 2 тақдимотни очиш учун, 3 тақдимотларни сақлаш учун, 4 тақдимотларни чоп қилиш учун, 5 тақдимотларни чоп этишдан олдин бирламчи кўриш учун мўлжалланган.



4.5-расм. Microsoft Power Point дастурларидан фойдаланиш ойнаси



2.11-расм. Мустақил таълимни ташкил этиш модели

“Ўзбекистон табиий географияси” фанидан электрон ўқув-методик таъминотнинг таркиби



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 326 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 686 б.
3. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.
4. Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 173 б.
5. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
6. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 56 б.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1997. – 31 б.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1997. – 64 б.
9. Замонавий компьютар ва ахборот технологияларининг иқтисодий ва фан таълимининг барча соҳаларига кенг жорий этиш ҳалқаро ахборот тизимларига шу жумладан Интернетга кириб боришни кенгайтириш, юқори малакали дастур мутахассисларни тайёрлаш даражасини ошириш мақсадида. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 23 майдаги қарори // Халқ сўзи. – 2001 йил 24 май. – №101 (2623).
10. Абдиева З.А. Географияфанида ноанъанавий дарс услубларидан фойдаланиш. – Навоий, 2003. – 68 б.
11. Абдуғаниев И. География дарсларида таълимнинг техника воситаларидан фойдаланиш. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – 77 б.
12. Абдрахмонов Т., Жабборов З.А., Никадамбаева Ҳ.Б. Тупроқларни кимёвий ифлосланиш муаммолари ва муҳофаза қилиш тадбирлари махсус фанини ўқитишда педагогик технологиялар. – Т.: Университет, 2010. – 112 б.

13. Абдулла Авлоний. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: Ўқитувчи, 1967. – 25 б.
14. Абдуқодиров А.А. Теория и практика интенсификации подготовки учителей физико-математических дисциплин. Аспект использования компьютерных сре. в учебно-воспитательном процессе: Дис.... доктора пед. наук. – Т.: ТГПИ, 1990. – 360 с.
15. Абдуқодиров А.А., Хайитов А. Ахборот технологиясига оид атамаларнинг изоҳли луғати. – Т.: ТДПУ, 2002. – 27 б.
16. Абдуқодиров А.А. Таълим тизимида масофали ўқитиш технологияси // Физика, математика ва информатика. – Т.: 2005. – №3. – Б. 17-23.
17. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. – Т.: Фан, 2009. – 145 б.
18. Абдуназаров Ў., Никалдамбаева Ҳ.Б. Современные информационные технологии и географическое образование. ОПИ. Ахборот-коммуникация технология. – Т., 2005. – Б. 36-39.
19. Абдурахмонов М. Методика использования дидактических игр в обучении физической географии: Автореф. дисс.... канд. пед. наук. – Ташкент, 2001. – 22 б.
20. Абылкасымова А. Познавательная самостоятельность в учебной деятельности студента. Учебное пособие. – Алматы: Самат, 1998. – 160 стр.
21. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: 2006. – 159 б.
22. Ал Форобий. Математические трактаты. – Алма-Ата: Ильм, 1972. – Б. 327-328.
23. Арипов М. Интернет–аср мўъжизаси // Физика, математика ва информатика. – Т.: 2002. 1-сон. – Б. 38-54.
24. Аширова А.И. «Ахборот тизимларини лойиҳалаш» фанидан дастурий қобик яратиш ва таълимда фойдаланиш методикаси: Пед. фан. ном. илм. даража. ... диссер. – Т., 2009. – 140 б.
25. Бабанский Ю.К. Избранные педагогические труды. – М.: Педагогика, 1989. – 560 стр.
26. Баранский Н.Н. Методика преподавания экономической географии. – М.: Учпедгиз, 1960.
27. Баратов П. Ўзбекистон табиий географияси. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 264 б.
28. Баратов П., Маматкулов М., Рафиқов А. Ўрта Осиё табиий географияси. – Т.: Ўқитувчи, 2002. – 440 б.

29. Баратов П. Ўзбекистон табиий географиясидан амалий машғулотлар. – Т.: Ўқитувчи, 2005. – 141 б.с.
30. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий-назарий асослари. – Т.: Фан, 2007. – 159 б.
31. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти: Пед. фан. док. ... диссер. автореф. – Т., 2007. – 37 б.
32. Беспалько Б.П. Слагаемые педагогической технологии. – М.: Педагогика, 1989. – 168 с. с.
33. Бочкина Н.В. Педагогические основы формирования самостоятельности школьника: Дис. ... докт. пед. наук. – Санкт-Петербург, 1991. – 346 с.
34. Боқиев Р.Р. Электрон-ўқув методик материалларни ишлаб чиқариш ва қўллашнинг дидактик ва психофизиологик жиҳатлари // Педагогик маҳорат. – Тошкент, 2005. – № 2. – Б. 62-65.
35. Вилькеев Д.В. Применение гипотезы в познавательной деятельности школьников при проблемном обучении. Дид-е пособие. – Казань, 1994. – 86 с.
36. Гайпова Р.Т. Табиий география бошланғич курсида маҳаллий кўргазма воситаларидан фойдаланишнинг услубий асослари: Пед. фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2002. – 17 б.
37. Ганиева М.А., Файзуллаева Д.М. Кейс-стади ўқитишнинг педагогик технологиялари тўплами. Методик қўлланма / Серия “Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида инновацион технологиялар”. – Т.: ТДИУ, 2013. – 95 бет.
38. Ганиева М.А., Файзуллаева Д.М. Ўқитишнинг лойиҳавий технологияси тўплами. Методик қўлланма / Серия “Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида инновацион технологиялар”. – Т.: ТДИУ, 2013. – 83 бет.
39. Гвоздецкий Н.А. Основные проблемы физической географии. – М.: Высшая школа. 1981. – 223 стр.
40. Гершунский Б.С. Компьютеризация в сфере образования: Проблемы и перспективы. – М.: Педагогика, 1987. – 264 с.
41. Даринский А.В. Активизация деятельности учащихся на уроках географии. – М., 1984. – 47 с.
42. Дьяченко М.И., Кандыбович А.А. Психология высшей школы. – Минск: изд-во БГУ, 1981. – 383с.

43. Жучкевич В.А. Наглядность и наглядные пособия в географии. – Минск: Вышэйшая школа, 1975. – 224с.

44. Загвязинский В.И. Инновационные процессы в образовании и педагогическая наука. – Тюмень, 1990.

45. Закирова Ф.М. Теоретические и практические основы методической подготовки будущих преподавателей информатики в педагогических вузах: Автореф. дисс.... док. пед. наук. – Ташкент, 2008. – 42 с.

46. Зайнутдинова Л.Х. Создание и применение электронных учебников (на примере общетехнических дисциплин): Монография. – Астрахань: ЦНТЭП, 1999, – 364 с.

47. Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: “Фан ва технология”, 2008. – 286 б.

48. Исаков И. Совершенствование содержания и автоматизация проведения лабораторно-практических, самостоятельных работ по информатике в вузах: Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Т.: ТДПИ, 1995. – 19 с.

49. Ишмухамедов Р.Ж., Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Таълимда инновацион технологиялар. – Т.; 2008. – 180 б.

50. Каримова В. Психология. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2007. – 97 б.

51. Коменский Я.А. Буюк дидактика. – Т.: Ўқитувчи, 1975. – Б. 174-175.

52. Лернер И.Я. Дидактические основы формирования познавательной самостоятельности учащихся при изучении гуманитарных дисциплин: Дисс. ... докт. пед. наук. – М.: 1971. – 300 с.

53. Мамаражабов М.М. Касб-хунар коллежларида информатика фанининг «Амалий дастурий таъминот» бўлими мазмуни ва ўқитиш методикаси: Пед. фан. ном. ... дис. автореф. – Т.: ТДПУ, 2004. – 20 б.

54. Мавлонова ва бошқ. Педагогика. – Т.: Ўқитувчи, 2001. – 512 б.

55. Матсаидова С.Х. Мактаб ўқувчиларида табиий географик матнлар билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш: Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Ташкент, 2008. – 26 б

56. Махмудова Х.М. Применение информационной технологии в проведении лабораторных занятий по разделу «Оптика» курса общей физики: Автореф. дисс.... канд. пед. наук. – Ташкент, 2000. – 20 с.

57. Муслимов Н.А. ва бошқалар. Касбий малака ва педагогик маҳорат йўналиши бўйича олий таълим профессор-ўқитувчилари

малакасини оширишни ташкил этиш юзасидан тайёрланган методик қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2010.

58. Мўминов О. География таълими методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1986. – 208 б.

59. Мўминов О., Сафаров У. Олий жўғрофия таълимида компьютер техникасидан фойдаланиш. – Т.: 1992. – 27 б.

60. Никадамбаева Ҳ.Б. Ўзбекистон табиий географияси фанини ўқитишда ахборот педагогик технологияларнинг аҳамияти // Таълим муаммолари. – Т., 2008. – № 3-4. – Б. 16-20.

61. Никадамбаева Ҳ.Б. Инновацион педагогик технологияларни қўллаш – замон талаби // ЎзМУ хабарлари, махсус сон. – Т., 2008. – Б. 119-122.

62. Никадамбаева Ҳ.Б. Электронный мультимедийный учебник в обучении курса физической географии Узбекистана // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. – Т., 2008. – 32-жилд. – Б. 144-146.

63. Никадамбаева Ҳ.Б. П.Н., Гуломов Практическая роль информационной технологии в обучении физической географии Узбекистана // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. – Т., 2009. – 34-жилд. – С. 51-52.

64. Никадамбаева Ҳ.Б. Компьютерная технология в обучении физической географии Узбекистана // Таълим муаммолари. – Т., 2009. – № 2. – Б. 74-78.

65. Никадамбаева Ҳ.Б., Мажидова Н.М., Каюмов А.А. Демография асослари фанини ўқитиш жараёнига педагогик технологияларни татбиқ этиш бўйича назарий методологик ва услубий қўлланма. – Т.: ЎзМУ, 2008. – 86 б.

66. Никадамбаева Ҳ.Б. «Ўзбекистон табиий географияси» фанини ўқитиш жараёнига компьютер ва педагогик технологияларни татбиқ этиш бўйича услубий қўлланма. – Т.: ЎзМУ, 2011. – 115 б.

67. Никадамбаева Ҳ.Б. «Ўзбекистон табиий географияси» фанини ўқитишда компьютер технологияларидан фойдаланиш методикаси (олий таълим мисолида): Пед. фан. ном. илм. даража. ... диссер. – Т., 2012. – 222 б.

68. Олий таълим. Меъёрий-ҳуқуқий ва услубий ҳужжатлар гўплами. – Т.: Истиқлол, 2004. – 511 б.

69. Отаниёзов Б.Ж. Развитие мышления учащихся на основе моделирования экономических задач: Автореф. дисс.... канд. пед. наук. – Ташкент, 2000. – 22 с.

70.Олимов М., Жумабоева А. Электрон ўқув амалиётларини яратиш технологиялари // Ахборот ва коммуникация технологиялари асосида электрон ўқув адабиётларини яратиш: тажриба, муаммо ва истикболлар: Республика илмий-амалий анжумани маърузалар тўплами. – Т.: ТошДИУ, 2004. – Б.61.

71.Окун В. Введение в общую дидактику. – М.: Высшая школа, 1990. – 382 с.

72.Педагогика. Ўқув қўлланма. А.Муннавваров таҳририда. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 129 б.

73.Пидкасистый П.И. Самостоятельная деятельность учащихся. Дид-й анализ процесса и структуры воспроизведения и творчества. – М.: Педагогика, 1992. – 280 с.

74.Прессман Л.П. Методика применения технических средств обучения. – М.: Просвещение, 1988.

75.Рўзиева Д, Усмонбоева М, Ҳоликова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши/ Методик қўлланма. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2013. –116 бет.

76.Сафаров У.Х. Талабаларнинг билим фаоллигини ошириш жараёнида ЭҲМдан фойдаланиш (Ўзбекистон табиий жуғрофияси фани мисолида): Пед. фан. ном. ... дис. – Т.: ТДПИ, 1994. – 141 б.

77.Тигай О.Э. Методика применения технологий в преподавании физики в среднем специальном, профессиональном образовании (на примере электронного учебника по физике): Автореф. дисс.... канд. пед. наук. –Ташкент, 2009. – 24 б.

78.Толипова Ж.О., Гофуров А.Т. Биология таълими технологиялари. – Т.: Ўқитувчи, 2002. – 128 б.

79.Толипова Ж.О., Гофуров А.Т. Биология ўқитиш методикаси. Методик қўлланма академик лицей, касб-хунар коллежлари учун. – Т., 2004. – 160 б.

80.Толипова Ж.О. Биология ўқитувчисининг илмий-методик тайёргарлигини ортиришнинг назарияси ва амалиёти: Пед. фан. док. ... дисс. – Т., 2006. – 305 б.

81.Толипова Ж.О. Биологияни ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш. – Т., 2009. – 121 б.

82.Толипова Ж.О. Олий таълим муассасаларидаги таълим-тарбия жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш // Таълим-технологиялари илмий-услубий журнал. – Т., 2010. – № 1.

83.Tolipova J.O. Biologiyani o'qitishda pedagogic texnologiyalar. – Т.: TDPI. 2011. – 159 б.

84. Гурсупбекова Г.М. Изучение картографических материалов в школьном курсе физической географии: Автореф. дисс.... канд. пед. наук. – Ташкент, 2002. – 17 б..

85. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётлари янги авлодини яратиш концепцияси. – Т., 2002. – 8 б.

86. Узлуксиз таълим учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси / Тузувчилар: Каримов А.А., Иمامов Э.З., Рўзиев К.И., Бўгаёров Қ.И. – Т.: «Шарқ» НМАК, 2002. – 26 б.

87. Файзиёв М. А. Талабаларнинг билим ва кўникмаларини компьютер имитацион модели асосида шакллантириш методикаси: Автореф. дисс.... канд. пед. наук. – Самарқанд, 2008. – 24 б.

88. Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г. Концепция конвергенции и интеграции подходов к обучению, ориентированных на ожидаемый результат учению и на процесс развития мышления. – Гулистан, 2003. – 143 с.

89. Шакирова Ч.Т. Талабаларнинг ижодий фикрлашини ривожлантириш ва дастурий назорат асосида ўқитиш самарадорлигини ошириш: Пед. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 2009. – 24 б.

90. Шамова Т.И. Активизация учения школьников. – М.: Педагогика, 1982. – 208 с..

91. Курбонниёзов. Р. География ўқитиш методикаси. – Урганч: Хоразм 2001. – 212 б.

92. Фуломов П.Н. Жўғрофия атамалари ва тушунчалари изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1984. – 144 б.

93. Фуломов П.Н. Инсон ва табиат. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2009. – 84 б.

94. Fulomov P.N. Geografiyadan qisqacha ruscha-o'zbekcha terminlar va tushunchalar lufati. – Toshkent: "O'zbekiston milliy entsiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti, 2013. – 80 b.

95. Фуломов С.С. ва бошқалар. Ахборот тизимлари ва технологиялари: Олий ўқув юрти талабалари учун дарслар. – Т.: Шарқ, 2000. – 529 б.

96. Ҳасанов И.А., Фуломов П.Н. Ўзбекистон табиий географияси. 1-қисм. – Т.: Ўқитувчи, 2007. – 162 б.

97. Ҳасанов И.А., Фуломов П.Н., Қаюмов А.А. Ўзбекистон табиий географияси. 2-қисм. – Т.: Университет, 2010. – 100 б.

98. Ҳикматов Ф.Ҳ., Айтбаев Д.П. Кўлгунослик. Тошкент, "Университет", 2002.

Интернет сайтлари:

99. <http://ziyoʻnet.uz>.
100. <http://www.ou.nl>. Голландия Очик университети
101. <http://www.ceac.com>. Испаниянинг Масофали ўқитиш миллий университети
102. <http://www.shtrou.edu.cn>. Хитойнинг Шанхай телеуниверситети
103. <http://www.open.ac.uk>. Британиянинг Очик университети
104. <http://www.ola.edu.au>. Австралиянинг Очик турдаги ўқитиш Агентлиги я.
105. <http://conf.sssu.ru/ito2002/scien.shtml>. Кречетников К.Г. Индивидуализация обучения при использовании информационных технологий.
106. <http://totalstudy.ru> Мультимедийные учебники по физической географии.
107. <http://festival.1september.ru/articles/582770> Мультимедийные учебники и наглядные пособия, используемые в процессе обучения географии.
108. http://geostudy.narod.ru/metodika_geo.html Мультимедийные учебники по физической географии для учителей географии.
109. <http://gofuckit.ru/biblioteka/elektronnwe/507-uchebnik-po-fizicheskoj> Мультимедийные учебники по физической географии.
110. <http://900igr.net/prezentatsii/geografija/Tekhnologii/008-Varianty> Электронные учебники. Внеурочная технологии в преподавании географии.
111. <http://murrates.ru/posobij/3805-elektronnwe-knigi-uchebniki-po-geografii.html> Электронные книги учебники по географии в электронном виде.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1-боб. «Ўзбекистон табиий географияси» фанини ўқитишда компьютер технологияларидан фойдаланишнинг педагогик асослари	
1.1. Таълим-тарбия жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятлари.....	7
1.2. Географияни ўқитишда талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш йўллари.....	15
1.3. Географиядан электрон ўқув-методик таъминот яратиш принциплари.....	33
2-боб. Географияни ўқитишда электрон ўқув-методик таъминотдан фойдаланиш методикаси	
2.1. География таълими жараёнида электрон ўқув-методик таъминотдан фойдаланиш методикаси.....	40
2.2. Талабаларни мустақил таълимини ташкил этиш методикаси.....	66
2.3. Электрон ўқув методик таъминотдан фойдаланиб, талабалар билимини баҳолаш методикаси.....	73
3-боб. “Ўзбекистон табиий географияси” фанини ўқитиш жараёнига компьютер ва педагогик технологияларни татбиқ этишнинг ўзига хос жиҳатлари	
3.1. “Ўзбекистон табиий географияси” фанини ўқитишда ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиш имкониятлари.....	80
3.2. “Ўзбекистон табиий географияси” фанидан маъруза дарсларига ЭЎМТ татбиқ этишнинг ўзига хос жиҳатлари.....	92
3.3. “Ўзбекистон табиий географияси” фанидан амалий машғулотлар жараёнида ЭЎМТ татбиқ этиш технологияси.....	133
3.4. “Ўзбекистон табиий географияси” фанидан дарсларда ўқув лойиҳа ва кейс-стади ўқитишнинг педагогик технологиялари	
3.4.1. Ўқитишнинг лойиҳавий технологияси лойиҳавий ўқитиш технологиясини педагогик аннотациянинг тузилиши.....	155
3.4.2. Кейс-стади ўқитиш технологияси.....	177

ХУЛОСА.....	198
ГЛОССАРИЙ	
Табийй география.....	200
Компьютер технология.....	214
Педагогик технология.....	232
1-илова.....	240
2-илова.....	247
3-илова.....	248
4-илова.....	250
ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	253

В данной монографии дано обоснование повышения эффективности обучения в учебном процессе при использовании современных и информационно-коммуникационных технологий в преподавании предмета «Физическая география Узбекистана». Даны методические разработки использования и внедрения в учебный процесс электронное учебно-методическое обеспечение для высших учебных заведений по данному предмету, ориентированный на дистанционное образование, обогащенный новыми географическими сведениями и информацией.

Монография разработана на основе Интернет-ориентированный электронное учебно-методическое обеспечение, предназначенный для студентов, магистрантов, преподавателей высших и средних специальных учебных заведений, специалистов, а также для широкого круга читателей, интересующихся географией родной страны.

This monograph's teaching process efficiency increase with modern computer communicative technology implementation has been established in «Physical Geography of Uzbekistan» teaching at higher educational establishments. Methodical developments are given electronic methodical teaching complex provision for remote control education with new geographical data has been created, worked out application methods have been inculcated into the teaching process.

Monograph is designed on base Internet electronic methodical teaching complex provision for remote control education of students, master course students, higher educational establishments' lecturers and specialized educational institutions teachers, Physical Geography of Uzbekistan specialists has been established.

Илмий-услубий нашр

Нашриёт муҳаррири: Файзи Шоҳисмоил
Мусаҳҳиҳа: Хилола Болтабоева
Техник муҳаррир: Бехзод Болтабоев

«MUMTOZ SO‘Z»
масъулияти чекланган жамияти
нашриёти

Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.
Тел.: (998 71) 241-60-33 E-mail: mumtoz_soz@mail.ru

Нашриёт лицензияси АИ № 103. 15.07.2008
Босишга рухсат этилди 24.12.2015
Қоғоз бичими 60x84 1/32. Офсет қоғози
Times New Roman гарнитураси. Ҳисоб-нашриёт табоғи 16,0
Шартли босма табоғи 17,2. Адади 300
Баҳоси келишилган нарҳда

«MUMTOZ SO‘Z»
масъулияти чекланган жамиятининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.
Тел.: 241-81-20



Дилола НИКАДАМБАЕВА (Ашурбаева)

1964 йил 27 мартда Тошкент шаҳрида туғилган. 2003 йилдан ҳозирги кунга қадар Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Геология ва география факультети География кафедраси доцент в.б., ЎзМУ қошидаги “Иновацион педагогик технологиялар” илмий-амалий маркази директори (жамоатчилик асосида) ефатида фаолият юргизиб келмоқда.

Халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда 100 дан ортиқ илмий ишлари билан қатнашган. 1 та монография, 8 та ўқув-услубий кўланма ва 100 та илмий мақолалар муаллифи. Ўзбекистон Республикаси Патент идорасининг ва Интеллектуал мулк агентлигининг муаллифлик гувоҳномаларини олган. “Ўзбекистон табиий географияси фанини ўқитишда компьютер технологияларидан фойдаланиш методикаси (олий таълим мисолида)” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

ЮНЕСКО, БМТ ЕЭК (Европейская Экономическая Комиссия), CAREC (The Regional Environmental centre for central Asia), РЭЦА (Региональный экологический центр Центральной Азии), SES (Senior Experten Service) ташкилотлари томонидан ташкил этилган тренинг-семинарларда фаол иштирок этган. 2008 йил Қозғонистон халқаро конференцияда “Энг яхши мақола учун” дипломи билан тақдирланган.



ISBN 978 9943-4552-5-2



9 789943 455252